

# **ИНСОН ХУҚУҚЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий  
ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги  
лий ўқув юртлари учун ўқув қўлланм  
сифатида тавсия этган

ТОШКЕНТ "ЎЗБЕКИСТОН" 1997

67.99(5У)

И 60

“Инсон ҳуқуқлари” курси ўқув қўлланмаси Тошкент  
Давлат юридик институтига тайёрланди.

**Муаллифлар таркиби:**

*Ҳ. Б. Бобоев — Тошкент Давлат юридик институтининг ректори,  
юридик фанлари доктори, профессор (муаллифлар жамоаси раҳбари).*

Проф. Ҳ. Б. Бобоев (Сўзбоши, IV-V боблар), проф. А.Х. Сайдов  
(I боб), проф. Ш. Ш. Шораҳметов (XIV боб), проф. И. Р. Рамазонов (III,  
X боблар), проф. Ҳ.Т. Одилқориев (II, XII боблар), доц. А. С. Турсунов  
(VIII боб), доц. М. Ю. Гасанов (XI боб), доц. О.З. Муҳаммаджонов (IX  
боб), доц. Л. Ф. Кашина (XIII боб), ўқитувчи М.М. Иноқова (VI—VII  
боблар).

Масъул мухаррирлар:  
**проф. Ҳ. Б. БОБОЕВ**  
**проф. И. Р. РАМАЗОНОВ**

ISBN 5-640-02251-5

1203020400 – 43  
И —————— 97  
M31(04)97

© “ЎЗБЕКИСТОН” нашриёти, 1997 й.

## СҮЗ БОШИ

Инсон ва унинг ҳуқуқи, әркинлиги ҳозирги замоннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Бизнинг ҳалқимиз тоталитар сиёсий тузум ҳукмронлик қилган узоқ йиллар давомида инсон ҳуқуқларига доир ҳалиқаро миқёсда қабул қилинган муҳим ҳужжатлар: Декларация, Конвенция, Шартнома ва битимлардан хабарсиз қолиб келди.

Инсон ҳуқуқлари масаласи демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у давлатнинг қай даражада ривожланганлигини кўрсатувчи мезон сифатида намоён бўлади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритган кундац эътиборан, инсон ҳуқуқлари масаласига жиддий эътибор берилмоқда ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлими айна мана шу муҳим масалага бағинланди. Унда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, әркинликлари ва бурчлари алоҳида моддаларда баён қилинди. Конституцияга биноан қабул қилинган Кодекс ва қонунлар ҳамда Президент фармонларида инсон ҳуқуқлари масаласи ўзининг чуқур ифодасини топди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, айниқса суд ҳокимияти идоралари фаолиятида инсон ҳуқуқларини ҳимояланни асосий вазифа қилиб белгилаб қўйилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин қисқа давр ичида инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуттуланувчи миллий институтлар ташкил топди. Масалан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари вакили (Омбудсман), Миллий марказ, Олий Мажлис амалдаги қонунлар Мониторинги институтлари шулар жумласидандир. Бу институтларнинг асосий вазифаси мамлакатимиз фуқарола-

рига уларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишлари учун кўмакланшишдир.

Бугун Республикаизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ягона дастур яратилган бўлиб, унида миллатлар, халқлар, инсонлар тенглиги, дўстлиги соҳасида давлат ва барча ташкилотларнинг фаровонлик учун биргаликда ҳаракат қилишлари зарурлиги ўзининг чуқур ифодасини топган.

Шаҳар ва қиниоқлардаги аҳоли ўртасида, мактаблар, олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида ҳуқуқий маданиятии ривожлантириш мақсадида муҳим амалий тадбирлар белгиланиб, уларда ҳуқуқшуносликка доир маҳсус курсларни ўқитишни режалантирилмоқда, ўқув китоблари ва қўлланмалари устида иш олиб борилмоқда.

Ташкент Давлат юридик институтида БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича ваколатли Олий Комиссарининг Ташкентдаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда 1966 йилда "Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази"нинг очилиши ўбу йўлда қўйилган муҳим амалий қадам бўлди. Марказда инсон ҳуқуқларига оид Ўзбекистонда ягона бўлган маҳсус кутубхона ташкил этилди. Бугунги кунда Марказ инсон ҳуқуқлари бўйича ўтказилаётган барча тадбирлар: семинар ва конференцияларда фаоллик кўрсатмоқда.

Инсон ҳуқуқлари масаласига доир тайёрланган ушбу қўлланма юқоридаги мақсадни амалга ошириш борасида қўйилган дастлабки қадам бўлиб, уни ёзинша мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига алоқадор ҳуқуқшунос, файласуф олимлар жалб этилдилар.

Албатта, китоб биринчи марта ёзилаётганлиги сабабли, унида айрим камчиликлар, нуқсанларга йўл қўйилиши табиийдир. Кўлланманинг тузилишини, услугини мазмунини янада яхшилаштига оид қимматли фикр-мулоҳазаларини билдириган барча ўртоқларга самимий миннатдорчиллик билдирамиз. Ўйлаймизки, ўқувчиларнинг қимматли фикрлари келажакда инсон ҳуқуқларига доир янада мукаммал ўқув қўлланмалари ва дарсликларнинг яратилишига ёрдам беради.

*Професор Ҳалимбой Бобоев*

## І БОБ

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЎҚУВ ФАНИ, УНИНГ МАВЗУИ, УСУЛЛАРИ, ТИЗИМИ ВА АҲАМИЯТИ

## 1. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – УМУМБАШАРИЯТ МУАММОСИ

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда янги давр бопыланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1995–2000 йилларни куррамизда “Инсон ҳуқуқлари ўн йиллиги” деб эълон қилди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мустақиллигимиз қомуси бўлмиш Конституциянинг асосий тамойили, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишининг асосий йўналиши ва якуний мақсадидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг VI сессиясида, Конституциямизнинг тўрт йиллигига бағисланган тантанали йифилишда ва Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистоннинг 1996 йилдаги ижтимоий-иктисодий тараққиёти якунлари ҳамда 1997 йилдаги иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишларига бағисланган мажлисида қилган маъруза ва нутқларида инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган қўйидаги беш стратегик йўналиш белгилаб берилган:

**бираинчидан**, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишининг самарали механизмини таъминлаш;

**иккинчидан**, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва меъёрлари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;

**учинчидан**, қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиши механизмини ишлаб чиқиши ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабхаларида қонун устуворлигини таъминлаш;

**тўртнчидан**, судлов ислоҳотини амалга ошириш йўли билан бугун суд тизимини демократлантириш;

**бешинчидан**, ахоли, айниқса ёшлар ва мансабдор шахслар ўртасида хуқуқий тарбия иниларини тубдан яхшилаш, уларнинг хуқуқий оиги ва маданиятини ошириш.

Инсон хуқуқлари муаммоси — ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммолариданadir. Инсон хуқуқлари — бу жамиятининг энг олий қадрияти, ҳимматидир. Инсон хуқуқлари — бу муҳим конституциявий институтдир. Инсон хуқуқлари — бу бугун инсониятнинг интилишлари, орзуумидларини ўзига жамлаган кенг қарловли тушунчадир. Инсон хуқуқлари — бу ҳозирги тараққиётининг асоси ва давр талабидир.

Инсон хуқуқлари — бу демократик хуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир. Инсон хуқуқлари — ҳар бир давлатнинг демократик тараққиёти даражасини кўрсатувчи муҳим мезонидир. Шунинг учун ҳам, инсон хуқуқлари халқаро хуқуқда ва миллий хуқуқий тизимда муҳим ўрин тутади.

Инсоният ўз тарихий ривожланиши жараёнида инсон хуқуқларига оид қонунчилик тизимини яратган. Инсон хуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик — бу инсон ва фуқаро хуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги қонунлар мажмуидир. Бу қонунлар қаторига инсон хуқуқлари бўйича халқаро хужжатлар ва миллий қонунлар киради.

Инсон хуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик ўз тараққиётида уч катта босқични босиб ўтган.

**Биринчи босқич** 1789 йилги Инсон ва фуқаро хуқуқлари француз Декларациясидан бошланиб, то биринчи жаҳон урушига қадар давом этган. Бу босқичда инсоннинг шахсий ва сиёсий хуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик устувор равишда ривожланган. Бунга мисол қилиб, АҚШ Конституциясига киритилган биринчи 10 та қўшимча — Инсон хуқуқлари тўғрисидаги Билли кўрсатиш мумкин.

Бу даврда қабул қилинган қонунларда алоҳида эътибор қўйидаги муаммоларни хуқуқий тартибга солишга қаратилган:

- шахс эркинлиги ва фуқаролар тенглиги;
- шахс дахлсизлиги;
- хусусий мулк хуқуқи;
- сайлов ҳуқуқи (турли цензлар билан чекланган бўлсада).

Инсон хуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик тараққиётининг **иккинчи босқичи** XX асрининг биринчи ярмини ўз ичига олган. Бу босқичда социалистик ғоялар ва ҳаракат-

лар таъсирида инсонларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларига оид қонунчилик тез ривожланган.

Мөхнат қилиш ҳуқуқи, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ёрдам олиши ҳуқуқи тўғрисидаги қонунлар алоҳида аҳамият каеб этган.

Франция ва Швециядаги социал қонунчилик, 1920 йилги Веймар Конституцияси, Франция ва Италияning 1946 йилги Конституциялари бунга яққол мисол бўлади.

**Учинчи босқич** XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келлиб, бу босқичда Инсон ҳуқуқларининг "янги авлоди" тўғрисидаги қонунчилик ривожланади. Бу ҳуқуқлар қаторига:

- тинч яниаш ҳуқуқи;
- соғ ва тоза атроф муҳитта эга бўлиш ҳуқуқи;
- ахборот олиши ҳуқуқи кабилар киради.

Бу босқичда Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро қонунчилик тизими шаклланди.

БМТ Бон Ассамблеяси томонидан 70 га яқин, Оврўпо Конгресси томонидан — 160 дан зиёд, ЮНЕСКОда — 70 дан ортиқ, Оврўпада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти томонидан — 30 дан кўпроқ турли минтақавий халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кўплаб инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, нактлар қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ҳаммаси бўлиб инсон ҳуқуқлари бўйича 400га яқин халқаро ҳужжатлар мавжуд. Бу халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон андозалари белгилаб қўйилган ва уларниң миллий қонунлардан устуворлиги тамойили аксарият давлатлар томонидан тан олинган.

Дунёдаги ҳар бир давлатда ҳам инсон ҳуқуқларига оид муайян қонунчилик тизими шаклланган. Бу қонунчиликнинг негизини, аввалимбор, Конституциялар ташкил этади. Барча давлатлар Конституцияларида инсон ва фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликларига маҳсус бўлим, боблар ажратилган. Фуқароларниң конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари жорий қонунларда ўз аксини топган.

Ҳозирги кунда давлатлар ўз Конституцияларида инсон ҳуқуқларига оид қўйидаги муҳим қоидаларни мустаҳкамлаганилар:

1. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш — бу давлат мажбуриятидир;

2. Инсон ҳуқуқлари ва әркинилеклари каталоги халқаро-ҳуқуқий андозаларға мөс келини ва бу соңада халқаро ҳуқуқпенг устуворлігі;

3. Инсон ҳуқуқлари ва әркинилеклари үнг түгілганинан болылаб тааллукқидир, янын табиий ҳуқық тоясини, назариясимиң этироф этилиши;

4. Ҳаммага ва ҳар кимга инсон ҳуқуқлари ва әркинилекларининг тенг ва баробар тааллукқилігі;

5. Инсон ҳуқуқлари ва әркинилеклари давлат идоралары фаолиятишінг мазмунини ташкил этинілігі;

6. Фуқароларниң қағолатланған суд ҳимоясі билан таъминлашып;

7. Инсон ҳуқық ва әркинилекларини амалға оширип болықша жаһелар ҳуқуқларини бұзмаслығы зарурлігі.

Дүнё давлатларда инсон ҳуқуқларига ойдан қонуучи-лик тизимиң құйидаги **беш таркиибий қисемдан иборат**:

**Бириңчиси:** фуқароларнинг шахсий ҳуқуқларига ойдан қонуулар — виждон әркинилігі, фуқароларнинг мурожаат қилинш ҳуқықи, судға шикоят қилинш ҳуқықи ҳақидағы қонуулар.

**Иккіңчиси:** фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларига ойдан қонуулар — жамоат ташкілотлары, сиёсий партиялар, сайлов тұғрисидағы, касаба уюнималары, оммавий ахборот воситалари ҳақидағы қонуулар.

**Үчиңчиси:** фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларига ойдан қонуулар — мұлк, тадбиркорлық, ер, ижара, хусусий-лаштыриш, истеъмолчининг ҳуқуқлари тұғрисидағы қонуулар.

**Тұрттыңчиси:** мәданий ҳуқуқларға ойдан қонуулар — фан, таълим, мәданият, музейлар, библиотека, мәданий меросни ҳимоя қилинш тұғрисидағы қонуулар.

**Бешинчеси:** инсон ҳуқуқларига ойдан халқаро ҳужжаттар (күн томонлама ва иккі томонлама) — миллий-ҳуқуқий тизимшінг таркиибий қисми сифатида.

Хозирги заманда дүнё мамлакатларында инсон ҳуқуқларига ойдан қонуучилик шартынан тұрақтандырылады:

— инсон ҳуқуқларини тұла амалға оширишинде ҳуқуқий қағолатларини таъминлашып;

— конституциявий юстиция (судов)ни ривожлантириши;

— инсон ҳуқуқларига ойдан халқаро ва миллий институттарнан шактлантириши;

— яңғы демократик институттарни, жумладан Омбудсман институтини тарақкий этирил киради.

## **2. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЎҚУВ ФАНИНИГ МАВЗУИ**

Қадим замонлардан (эрмизининг I асри ўрталари) бизнинг давримизгача стиб келган “Улуғворлик ҳақида”ти асарда шундай фикр баён қилинган: “Одатда ҳар бир олим учун у амал қиласидиган иккита талаб қўйилади: биринчидан, тадқиқотининг мавзунин аниқлаш, иккинчидан, бу мавзуни эгалланига ёрдам берадиган услубларни тониш ва уларни кўрсатиш. Бунда иккинчи талаб тартиб бўйича биринчисидан кейин турса ҳам, аммо аҳамияти жиҳатидан жуда муҳимлир”. Ўтган юз йилларидар бу помалум муаллиф фикрларининг қанчалик доно ва ҳаққоний эканлигини тўла тасдиқлади.

Ҳар бир мустақил ўқув фани ўз мавзуи ва услубига эга бўлиши зарур.

Ўқув фаниниг мавзуи — шу фан ўрганадиган масалалар мажмуудир.

Ўқув фаниниг усули — шу фан мавзуларини ўрганадиган услублардир.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фани бошқа фанлар томонидан тақорорланмайдиган ўз мавзуига эга. Инсонининг қадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқлари, уларниң тарихий ривожланиши, ахлоқий-фалсафий, сиёсий-ҳуқуқий асосланиши, ҳуқуқий табиати, инсон ҳуқуқларининг бузилиши ва унинг олдини олиш ва бузилган ҳуқуқларини тиклани бўйича қўлланадиган чора-тадбирлар, инсон ҳуқуқлари кафолатларининг умумий табиати — мана шу ва бошқа масалаларининг барчаси “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фаниниг мавзунин ташкил қиласиди.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фани асосий эътиборни инсон ҳуқуқларининг халқаро ва миълий қонунчилик, жаҳоннинг турли мамлакатлари ижтимоий амалиёти асосида ривожланишининг муҳим масалаларига қаратади. Бунда инсон ҳамда фуқаролар ҳуқуқларини сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар негизида, тарихийлик тамоилии асосида ўрганилади.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фани инсон ҳуқуқлари бўйича ягона қонунчилик тизимиши ишлаб чиқишида барча ижтимоий фанларининг ютуқларига ва амалиётига асосланади. “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фани турли ижтимоий, фалсафий, ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий фанларининг яхлит ва бир бутунлигини ташкил этади.

“Инсон ҳуқуқлари” — энг аввало фалсафий, ахлоқий сиёсий ва ҳуқуқий тушунчадир.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фаниниг мазмунини инсон ҳуқуқларини жаҳон маърифатпарварлиги ва маданияти

тараққиёти билан узвий ҳолда ўрганиш ташкил қиласы. Чүлкі “инсон ҳуқуқлари” инсоният тафаккури ва цивилизацияси умумәттироф эттан башарий қадриятдир.

Шунингдек унда инсон ва уннан ҳақ-хуқуқлари, әркінликлари, жаһон тарихий тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Бунда инсон қадр-құммати, ҳақ-хуқуқлари ер өзидеги әңг յөсек қадриятлар сифатыда намоён бўллади. Ҳазрати инсон хилма-хил ижтимоий мусосабатларниң фаол иштирокчиси ва айни пайтда ижтимоий тараққиётининг боплангич ифодачисидир.

Унбу ўқув фанининг марказий обьекті — инсон ҳуқуқларини барча турфа жиҳатларини ўрганиш ҳисобланади. Бунда қўйидаги масалалар алоҳида аҳамият касб этади:

**бирақчидац**, инсоннинг адолатли фуқаровий жамият ва демократик ҳуқуқий давлатда әркин ривожлапинш имкониятлари;

**иккинчидац**, инсон шахсининг ажralmas хусусиятлари;

**үчинчидац**, инсон ҳуқуқлари — ҳуқуқий ва ижтимоий меъёрлар билан таъминланган хулқ-атворларниң мүмкун бўлган ўлчовидир;

**тўртинчидац**, инсон ҳуқуқлари — инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий фаровоилигининг ҳамда қобилиятларини тараққий этиришининг энг муҳим воситаси;

**бешинчидац**, инсон ҳуқуқлари бузилиш ҳолатларини олдини олиш, тиклаш ва бартараф қилиш.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фани инсон ҳуқуқларини хурмат қилиш ва мустаҳкамлани, уларни амалга олириш механизmlарини ўргатишга оид халқаро-ҳуқуқий ҳамда миллий қонуниларни ўрганади.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанини ўрганишдан бўлган эҳтиёж, аввалимбор шахснинг ҳуқуқ ва әркінликлари масаласининг Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқий талаблар асосида конституциявий эътироф этилиши билан белгиланади.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанини ўрганишдан кўзланган асосий мақсад — инсон ҳуқуқлари маданиятининг шаклларинида умуминсоний ва миллий қадриятларни мустаҳкамланидан иборат. Демократик-ҳуқуқий давлат Қуриш ва жамиятнинг барча жабхаларини демократлан жараёни фуқаролар ҳуқуқ ва әркінликларини намоён бўлиши, рўёбга чиқини, улар кафолатларининг кучайиб

борини билан чамбарчас боғлиқ. Бу соҳада мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Конституцияси ва қонунларида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишинг муҳим ҳуқуқий асослари яратилди.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

1-инсон ва фуқаронинг ҳуқуқларига доир билимларни эталлани, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳётга жорий этиш ва кафолатлани;

2-талаabalарда инсонга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига, шаъни ва Қадр-қимматига ҳурмат ҳиссини шакллантириш;

3-ҳар бир фуқарога ҳуқуқбузарликлардан ўзини ҳимоя қилиш ўйлари ва воситаларини ўргатиш;

4-талаabalарда уларниң субъектив ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ва қўллаш малакасини шакллантириш.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанининг халқаро-ҳуқуқий ва назарий асосларини 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси асос солган ва кейинчалик инсон ва фуқаронинг ҳуқуқларида ўзининг сиёсий-ҳуқуқий ривожини тонган ҳозирги замон демократик қарашлар мажмуюи ташкил этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасида муайян қонунлар тизими ташкил тонди. Ушбу қонунларни халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ келишини ўрганиш ҳам “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанининг асосий вазифаларидандир.

Шундай қилиб, инсонниң қадр-қиммати ва унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги боялар, қарашлар ва таълимотларининг вужудга келиши, ривожланишининг асосий қонуниятлари, инсон ҳуқуқларини мустаҳкамланинг ҳуқуқий меъёрлари ҳамда иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий ва бошқа омиллар мажмуюи “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанининг мавзуини ташкил этади.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанининг мавзуига инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги фалсафий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний ва бошқа таълимотлар ҳам киради.

### 3. “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ” ЎҚУВ ФАНИНИНГ ЎРГАНИШ УСУЛЛАРИ

Ҳар қандай ўқув фани маълум усулга, яъни ўрганилаётган ҳодисаларни англаб этиш воситаларига эга бўлади. Бундай усуллар икки гурӯхга бўлинади. **Биринчидан, бар-**

ча ўқув фанинага хос бўлган умумий усуллар, яъни уларнинг асосида табиат, жамият, тафаккур ва алоҳидаликнинг энг умумий қонуниятлари ётади. **Иккичидан**, махсус усуллар, яъни системали, тарихий, қиёсий, социологик усуллар.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанининг усуллари — инсон ҳуқуқларининг ривожланиши қонуниятлари, уларнинг ҳозирги замондаги ҳолати ва моҳияти ҳақида билим олии жараёнини амалга оширишга ёрдам берувчи услуб, воситалар бирлигидан иборат.

XXI аср бўсағасида жаҳонда рўй берадиган барча жараёнлар “инсон ўлчовлари” орқали баҳоланади. Инсон ҳуқуқлари масаласига:

- а) инсонийлик нуқтаи назаридан ёндашиш;
- б) инсонга “барча нарсаларни ўлчови” сифатида қараш;

в) шахсни давлат манинасининг бир винти сифатида қарашга асосланган мустабид тафаккурдан воз кечиш — “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанининг методологик асослари ҳисобланади.

**Системали усул.** “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фани инсон ҳуқуқлари масаласига системали ёндашишни ҳисобга олган ҳолда илмий объективлик, тарихийлик тамойиллари асосига қурилади. Инсон ҳуқуқлари барча ижтимоий ҳамда давлат институтларининг бир бутунлиги сифатида таҳлил қилинади. Инсон ҳуқуқлари тизими шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларининг ўзаро боғлиқ таркибий қисмлардан ташкил топган яхлит, бир бутун ҳолда характерланади.

**Тарихийлик усули.** “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанида инсон ҳуқуқларининг қарор топиш қонуниятлари ва уларнинг ривожланиши тарихий тараққиётнинг мураккаб жараёнлари билан боғлиқ ҳолда ўрганилади. Бунда кўпинча, килилилк жамиятининг турли даврларида рўй берган воқеалар, ҳодисалар ҳақида билим олиш имконини берадиган тарихий маnbаларни, қонуилар, махсус ҳужжатлар, аниқ ишлар бўйича суднинг қарорлари ва бошқаларни таҳлил қилиш усули қўлланилади.

**Қиёсий усул.** Бу усул инсон ҳуқуқлари ҳақидаги тушунчалар, ҳодисалар ва жараёнларни ўзаро солинтириши ва шу асосда улар ўртасида мавжуд бўлган ўҳшашлик ва фарқларни аниқлашдан иборат. Турли мамлакатларнинг инсон ҳуқуқлари ҳақидаги қонун ҳужжатлари ҳам таққослаб ўрганилади.

**Мантиқий усул.** Ўзида инсон ҳуқуқларини мантиқий ўрганишнинг услугуб, воситаларини ифода қилади ва тафаккур шаклларига ҳамда амалий мантиқ қонунларига асосланади. Инсон ҳуқуқларини ўрганишда мантиқий усулдан фойдаланиши инсон ҳуқуқлари бўйича қонун ҳужжатларини қўлланишда зиддиятлардан холи бўлиш имконини беради.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанида қўлланиладиган тарихий, қиссий, мантиқий усуллардан кенг фойдаланилади. Бироқ юқорида қайд қилинган усуллар инсон ҳуқуқлари назарияси ва амалиётида бир мунча кенг тарқалган бўлсада, бошқа ўрганиш усуллари ҳам унибу фан доирасида қўлланилиади. Масалан, социологик, математик усуллар.

#### **4. “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ” ЎҚУВ ФАНИНИГ ИЖТИМОЙ ФАНЛAR ТИЗИМИДАГИ ЎРИИ**

Инсон ҳуқуқлари кенг кўламли масаладир. Шунга кўра инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ барча воқеа-ҳодисалар, барча ижтимоий фанларни, ҳатто айрим табиий фанларни ҳам ўрганиш мавзуи ҳисобланади. Бундай умумийликка ҳар бир фан инсоннинг моҳияти, унинг хилма-хил фаолияти қирраларини ўрганиш билан шуғулланиши сабабчидир. Инсонни, унинг ҳаёти ва фаолиятининг муҳим томонларини чукурроқ ўрганишда бундай алоҳидалик муҳим маъни ва аҳамият касб этади.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фани ўзининг алоҳида мавзуга эта. Шу билан у ижтимоий фанлар тизимида ўзига ҳос ўрин эталлайди. Шунга кўра “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанини иқтисод назарияси, фалсафа, социология, сиёсатиунослик, ҳуқуқшунослик сингари фанлар қаторига кўйиш мақсаддага мувофиқдир.

**Иқтисодий фанлар ва инсон ҳуқуқлари.** Иқтисодий фанлар базис ҳисобланувчи ҳодисаларни ўрганади: ишлабчиқарип муносабатлари тизими, хўжалик ҳаётини ташкил этиш, ҳўжалик соҳалари, меҳнат, молия, кредит ва болиқалар. “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фани энг муҳим усткурмавий ҳодиса — инсон ҳуқуқларини ўзининг асосий мавзуи ҳисоблайди. Иқтисодий фанлар ва инсон ҳуқуқларининг ўзаро таъсири, уларниң бир-бирига кириб бориши, инсон ҳуқуқларининг иқтисодиётга қанчалик боғлиқ эканлигини аниқлашга имкон беради.

**Фалсафа ва инсон ҳуқуқлари.** Фалсафа — бу табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг умумий қонуниятлари

тұғрисидаги фандир. У борлықнинг онга, инсоннинг уни ўраб турған атроф-мухиттә муносабатининг умумий тамойиллари ҳақидаги билимлар тизимиdir. Фалсафа инсон ҳуқуқларининг мөдияти, табиати, унинг ижтимоий ҳодисалар тизимидағи ўрнини аниқлайды ва ғақат шунинг үзи билан чекланади. “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фаны эса инсон ҳуқуқларини унинг барча күриншілари ва белгилари билан бир бүтүн қолда батағсил ўрганади. Агар фалсафа инсон ҳуқуқларининг мөдиягини тошиға калит берса, “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фаны фалсафани ижтимоий тараққиёт, инсон ҳуқук ва әрқинликларининг умумий тамойилларини ифодалап билан қороллантиради.

**Социология ва инсон ҳуқуқлари.** Социология — бу жамиятнинг яхлит ва унинг алоҳида тузилиш ва ижтимоий гурухлари тұғрисидаги фандир. Социал жараёнлар, алоҳида шахслар ва гурухлар хулқ-авторининг қонуниятлари ҳақидаги фандир. Социология ўзининг холосаларидан әмпирік маълумотларға, ижтимоий тажрибаларға асосланади. Барча ижтимоий ҳодисалар, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари ҳам социологик талқықтларнинг обьектига айланади. Социология ҳам фалсафа сингари инсон ҳуқуқларини билишининг умумий воситаси ҳисобланады, у инсон ҳуқуқларини билиш асосида ўзининг мавзуди чуқурлаштиради ва уни янада ойдилаптириб олади.

**Политология ва инсон ҳуқуқлари.** Политология сиёсатни, унинг шаклларини, сиёсий жараёнлар ва сиёсий бирлашмаларни, шу жумладан, партияларни, сиёсий давлат ҳокимиятига Эришиш воситаларини, фуқаролик жамияти, давлат ва шахснинг ўзаро муносабатини ўрганади. Политология инсон ҳуқуқларини сиёсий муносабатлар тизими орқали, яъни фуқароларнинг ҳуқук ва әрқинликларини амалга ошириш орқали ўрганади.

**Хуқуқий фанлар ва инсон ҳуқуқлари.** Хуқуқий фанлар инсон ҳуқуқларини ўрганиш соҳасида жамиятшунослик фанларига алоқадор бўлмаган ўзига хос мавзуга эга. Юридик фанлар биринчи навбатда инсон ҳуқуқларининг юридик соҳалари ва улар амалиётининг таҳдили, яъни инсон ҳуқуқлари ва әрқинликларининг қонуний мустаҳкамланини, амалга оширилиши билан шуғулланади. Унда шахснинг ҳуқук ва әрқинликлари ҳақидаги таълимот фуқаронинг ҳуқуқий мақоми асосида ёритилади. Фуқаронинг ҳуқуқий ҳолати — инсонни юридик жиҳатдан ифодаланишининг асосидир.

Инсон ҳуқуқлари масалалари турли юридик фанларда ўрганилади. Бу фанлардан фарқ қилиб, “Инсон ҳуқуқла-

ри" ўқув фани асосий эътиборни инсон ҳуқуқларининг қонунчиликда, турли мамлакатларнинг ижтимоий амалиётида ривожланишининг марказий масалаларига қаратади ва бунда тарихий тадқиқотлар, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳақидаги таълимотларни сиёсий-ҳуқуқий асосларни ўрганиш билан бир вақтда олиб борилади.

Шундай қилиб, "Инсон ҳуқуқлари" ўқув фани — янги ўқув фани бўлиб, у инсон ҳуқуқлари бўйича ягона назарияни ишилаб чиқинида кўнчилик ижтимоий фанларнинг назарий қоида ва холосаларидан фойдаланади.

## 5 "ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ" ЎҚУВ ФАНИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТИЗИМИ

Демократик-ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қурилиши барча фуқароларнинг инсоний ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасига даҳлдор бўлган билимларни етарли даражада эгалланашларини тақозо этади. Ҳозирги нийта инсон ҳуқуқлари БМТининг қарийб 70 тадан ошик халқаро-ҳуқуқий актларида мустаҳкамланган. Ҳозирги дунёда инсон ҳуқуқларини халқаро-ҳуқуқий меъёрлар тизими ҳамда ундишларни қафолатлари механизмларини ялни ҳолатда мустаҳкамлашга йўналтирилган гуманитар ҳуқуқ шаклланмоқда.

Ўзбекистон мустаҳқилликка эришгандан сўнг ўтган қисқа давр ичидаги инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида миллий қонунчилик тизимини ташкил қилувчи юздан ошик қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги Конституциясида халқимиз, миллатимиз, давлатчилигимизнинг ва инсоният ҳуқуқий маданиятиниш барча илгор қадриятлари чамбарчас узвий боғлиқ эканлиги ўз аксенин топди. Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 21 та халқаро шартномага қўшилди ва улар бизнинг мамлакатда ҳам амал қилмоқдалар. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича барча меъёрларни бажариш барча давлат идоралари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг мажбурияти ҳисобланади. Унда жамият кенг қатламларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақидаги билимларга эга бўлинши муҳим аҳамият қасб этади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги билимларни ўрганиш ва уларни тарқатилишда бу ўқув фани катта имкониятларга эгадир.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фани мустақил Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари маданиятининг шаклланишида бутун ҳуқуқий маданиятнинг инсоннарварлик асослари сифатида муҳим амалий аҳамият қасб этади:

**Биринчидаи**, инсон ҳуқуқларини билиш;

**иккинчидаи**, инсон ҳуқуқларига ҳурматнинг шаклланиши;

**учинчидаи**, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишида амалий малакани тарбиялани ва ошириши.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фани бир-бiri билан боғлиқ уч қисмдан иборат:

**Биринчидаи**, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғояларнинг туғилиши ва ривожланиши, яъни улар умуман тарихий тараққиёт давомида ва хусусан Ўзбекистонда қарор тошишининг қонуниятларини ўрганиш;

**иккинчидаи**, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий ҳалқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ҳалқаро ҳамкорлик, яъни инсон ҳуқуқлари бўйича кўн томонлама шартномалар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳалқаро ҳамкорликнинг асосий ўйналишиларини таҳлил қилиш;

**учинчидаи**, Ўзбекистон Республикасида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқук ва эркинликлари ва мажбуриятларини, яъни инсоннинг конституциявий ҳуқук ва эркинликларини, уларни бизнинг мамлакатимизда амалга оширилишининг кафолатларини таҳлил қилиш.

## **6. “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ” ЎҚУВ ФАНИНИ ЎРГАНИШНИНГ МЕТОДОЛОГИЯСИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Инсон ҳуқуқлари — бетакрор ижтимоий воқеликдир. Инсон ҳуқуқлари ҳар қайси ҳалқ ва давлат тарихий ва маънавий-ҳуқуқий тараққиётининг ҳосиласидир, уларнинг ўзига хос маданияти ривожицнинг натижасидир.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон ўз тараққиётининг бугун асоси бўлмиш инсон ҳуқуқларини қайтадан тикламоқда. Ҳалқимизнинг теран маънавий-ҳуқуқий месроси, унинг бой табиий ва ақлий имкониятлари, мустаҳкамланиб бораётган ҳалқаро алоқалари инсон ҳуқуқларига ҳурмат ҳиссини шакллантириши ва риоя қилиш учун барча шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

“Инсон ҳуқуқлари” ўқув фанини ўрганишининг умумий асосини, яъни методологиясини ва ўзига хос хусусиятларини қўйилагилар ташкил этади:

**Биринчидаи**, инсон ҳуқуқларига оид умуминсоний қадриятлар ва жаҳон андоузалари (талаблар);

**иқкимчидаш**, инсон ҳуқуқлари бўйича шарқ фалсафаси (ислом таълимоти);

**учинчидаш**, ўзбек миллий мафкураси;

**тўртичидан**, тарихий-ҳуқуқий мерос.

**Инсон ҳуқуқлари ва умумбашарий қадриятлар.** Инсон ҳуқуқлари энг аввало, умуминсоний қадриятларга, умумжаҳон цивилизациясига, бу соҳада бошқа халқлар эриншган тажрибаларга халқаро ҳуқуқнинг умумсътироф этилган тамойиллари ва меъёrlарига асосланади. Инсон ҳуқуқларига асосланган демократик жамиятнинг халқаро миқёсла этироф этилган тамойиллари бор. Тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатлараро дўстлик, инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини ёркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунни, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлатнинг асосий идоралари сайланини, уларнинг сайловчилар олдидага ҳисоб берини, давлат ва жамият бошқарувидаги қонун устуворлиги, тайинлани йўли билан шаклланадиган давлат идораларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради (*И. Каримов. Ватан саждаоҳ каби муқалласлир. — Томкент: Ўзбекистон, 1996, т. 3, 8-бет*).

Инсон ҳуқуқларига доир жаҳон андозалари (тадабблар) БМТнинг 1948 йилги Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, 1966 йилги Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт ва унга кўпимча Факултатив Протокол ҳамда бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясигининг барча асосий тоғоя ва қоидаларини ўзига синглирган. Тарихда сиёсалган умуминсоний қадриятларни ўзидаги мужассамлантирган, энг ривожланган, тараққий тоғига давлатларнинг ҳуқуқий тажрибасига таянган.

Жаҳоннинг маърифий ривожланган мамлакатлари оғирофтаган инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети, демократия ва халқаро ҳуқуқнинг устуворлиги каби умумбашарий қадриятлар Ўзбекистон давлатчилик манфаатларига, халқнинг ўзига хослигига, унинг миллий анъана ва урф-одатларига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари Ўзбекистонда Конституция ва қонунилар билангина эмас, балки халқнинг ўз онги, унинг маънавий-ахлоқий дунёкараши ва ҳуқуқий тажрибаси, меҳр-шафқати ва сезгирилиги билан мустаҳкамланади. “Мустақил Ўзбекистонинци куч-қурдат

маңбаи — халқимизнинг умумисоний қадриятларга со-  
диқлигидир” (И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол,  
иқтисод, сиёсат, мағкура. Ташкент, 1993, 74-бет).

**Инсон ҳуқуқлари бўйича шарқ фалсафаси таълимоти.** Инсон ҳуқуқлари ўз объектив қонуниятлари асосида ривожланади. Шарқда инсон ҳуқуқлари ва демократик жараёнларниң қадимдан шаклланган ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Шарқда инсон ҳуқуқлари ва демократик жараёнлар узвий равинида ва аста-секии тараққий топади. Бу ерда инсон ҳуқуқлари ва демократия тушиучалари ҳамжиҳатлик гояси, жамоат фикрининг устуворлиги заминида шаклланади. Фарбда эса инсон ҳуқуқлари индивидуализм фалсафасига таянади ва бу оммани ҳалдан ташқари сиёсатлантиришга олиб келади. Шарқда ахлоқий-маънавий қадриятлар сиёсий муносабатларда устулиги билан ажралиб туради. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавий адолатпарварлик, матрифатсеварлик каби эзгу фазилатлари шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимотлари билан узвий равинида ривожланган. Шу билан бирга буюк аждодларимиз — шарқнинг мугафаккирлари Ал Бухорий, Ат Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал Хоразмий, Беруний, Абу Али иби Сино, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо ва бошқалар жаҳон фани ва цивилизациясига бебаҳо ҳисса кўшгандар.

Мустақил Ўзбекистонда бугун шарқ цивилизациясига хос бўлган оиласи барча чоралар билан қўллаб-қувватлаш ёнг муҳим инсоний қадриятлардан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Инсон ҳуқуқларини тўла амалга ошириш мезони — маҳалладир. Чунки маҳалла халқимизнинг турмуши тарзи, ота боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, тўлиқ амалга ошириш миллий давлатчилигимиз тажрибасини ва ҳуқуқий маданиятимизни бойитади.

**Ўзбек миллий мағкураси.** Инсон ҳуқуқлари ўзбек миллиатининг турмуши тарзида, анъанавий ҳуқуқий маданиятида, миллий дунёқарани ва мағкурасида муҳим ўрин туттаган. Инсон ҳуқуқларини тўла қарор тоғтиришида миллий, маънавий, диний-ахлоқий, давлат-ҳуқуқий ва тарихий меросимизга, мағкурамиз гояларига таяномоқ керак.

Ўзбек миллий мафкурасининг таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат: **биринчидан**, мустақиллик ҳис-туйгуси ва истиқоллини тұла идрөк этип; **иккинчидан**, ўзбекчилик; **учинчидан**, күн миллатли Ўзбекистон халқининг ватаннапарлығи.

Миллий мафкура — она заминга бўлган муҳаббат, уни севиш, эъзозланш, ардоқлаш ва равнақи ҳақидаги ғоялар мажмуудир. Миллий мафкура — жамият аҳлиниңг руҳияти кўрсаткичи, хоҳин иродасининг намоён бўлишидир. Миллий мафкура ҳар қандай мафкурадан юқоридир. Миллий мафкура давлат тараққиёті белгилаб берувчи мафкуравий мезонларни ҳам қамраб олади. Миллий мафкура адолатли ҳуқуқий-демократик фуқаролик жамияти ҳақидаги сиёсий-ҳуқуқий ғоялардан ҳам ташкил топади. Миллий мафкура халқ мафкураси бўлмоги керак.

Яқин-яқинларга қадар “миллий мафкура” иборасини ишлатиш жиноят ҳисобланарди. Ўз миллатини севиш, миллий ютуқлардан фахрланиш, миллат йўлидаги саъй-ҳаракатлар “миллатчилик” тамгалари билан қораланарди. Алқасос, наҳотки бирор бир инсон ўз миллатига мансублигидан гурурланса миллатчи бўлса?! Миллатчи миллат бўлмайди. Миллийлик, миллатта мансублик умумжаҳон тараққиёт қонуниятидир. “Миллатчилик”, “миллатчи” дейдиганларни, ўз насл-насабини билмайдиганларни ачиниш билан буюк давлатчилик, империяча миллий сиёсат манқуртлари деб баҳолаш мумкин, холос. Ўзбекман, миллатимдан, она юргимдан фахрланаман, ўзбек давлатининг фуқаросиман дея айттолмаганлар ҳақида нима дейиш мумкин?! Ўзбек халқи ҳеч қачон қанчалик истибод, қанчалик тазиикү чеклапларга қарамай тили, дини, маданияти, мероси илдизларидан узилиб қолған эмас. Мана шу миллатимизнинг чуқур ва теран, соғлом ва бой маънавият томирлари, инсон ҳуқуқлари мустаҳкам пойдеворининг таянч нуқталарини ташкил этадилар.

Ўзбек миллий мафкурасининг негизини қўйидагилар ташкил этади: биринчидан, миллий гурур, иккинчидан, ўзбек миллатининг асосий фазилатлари ва ниҳоят учинчидан, буюк миллий-маданий меросимиз.

**Миллий гурур.** Ўзбек миллатининг гурури, миллий ифтихори қўйидагиларда яққол намоён бўлади:

**Биринчидан**, она-Ватанимизнинг буюк кўп минг йиллик тарихий ўтмишида, унинг Шарқ маърифатнаварлиги, умумаш, жаҳон цивилизациясига қўшган бекиёс ҳиссасида ва унда туттган мавқеида;

**иқкимичидан**, бизнинг ватандошларимиз бўлмиш жаҳон миқёсида тан олинган фан, дин, адабиёт, санъат даҳоларимизда, давлат ва жамоат арбобларимизда;

**учинчидан**, диёримизнинг бебаҳо маданият, санъат, меъморчилик ёдгорликларида;

**тўртичинчидан**, ўзбек халқининг ўз она тилига, миллий урф-одатларига, ашъана-удумларига содиқлигига;

**бешинчидан**, ўзбекларнинг буюк ислом цивилизацияси ва маданиятига мансублигига;

**олтичинчидан**, ўзбек давлатининг табиат байликларида, серҳосил срларида, буюк дарёларида қолаверса, мамлакатимизнинг иқтисодий куч-қудратига;

**еттинчидан**, кўн миллатли Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига, унинг фуқаролари ва бугун халқининг истиқдол ва тараққиётга, буюк келажакка бўлган ишончига;

**саккизинчидан**, фуқароларимизнинг жаҳон талаблари даражасида билим ва малака олинига, фан-техникага, бозор иқтисодиёти тадбиркорлиги маданиятига бўлган интигёқ ва интилишида;

**тўққизинчидан**, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамияти томонидан тан олинишида ва унинг халқаро нуфузини ошиб боришида ва ниҳоят,

**ўнинчидан**, тиббий, барқарорлик ва ўз истиқдол ва тараққиёт йўлини ташлаб олиб сабитқадамлик билан бораётганида.

Миллий ғууресиз ҳеч бир миллат сифатида равнақ тополмайди.

**Ўзбекниң асосий фазилатлари.** Ўзбекларнинг асосий хислатлари нималарда намоён бўлади?

Бу — ўзбекларнинг туркий халқларга мансублигига, улар билан яқин қон-қариндошлигига, уларнинг тили ва дини, маданий ва тарихий илдизларининг бирлигига.

Бу — ўзбекларнинг барча Шарқ (тожик, афғон, эрон, араб, хитой, ҳинд ва бошқа) халқларга яқинлигига, улар билан ўзаро кўн минг йиллик яқин этник маланий муносабатларида.

Бу — ўзбекларнинг ўзига хос шарқона мустақил маънавий тараққиёт йўлининг бошқа қардан маданиятлар билан узвий ривожланишида.

Бу — ўзбекларнинг ислом маданиятини ва маърифат-парварлигини ўзига хос идрок этишида ва равнақ топтиришида.

Бу — ўзбекларнинг қадимдан Оврўпо, кейинчалик рус маданийти билан яқин ҳамкорлигига.

Бу — ўзбекларнинг очиқлигию меҳмондўстлигига, хоҳ ўз мамлакати ичида, хоҳ ташқарисида барча миллат ва элатлар, дин вакиллари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорликка мойиллигига.

Бу — ўзбекларнинг кўп асрлик оғир ва зиддиятли тарихида, буюк миллий давлатчилик намуналарию тарқоқлик ўқинчларини, мустамлака зулмарию тўла қарамликини бошдан кечирганлигига.

Бу — ўзбекларнинг истиқлол шарофати туфайли буюк миллат, халқ бўлиб бирланиви, жигслашуви учун имкон яратилганида ва тараққиёт сари ўз мустақил йўли билан боришида.

Бу — ўзбекларнинг ўз кучига ишонишида, меҳнат-севарлигига, тишиб-тиңчимаслигига, ишчаплигига, билимдон ва ташаббускорлигига.

Бу — ўзбекларнинг халқقا, Ватанга садоқатлилигига, фидойилигига, жонкуярлигига.

**Миллий маданий мерос.** Миллий маънавиятизининг, маданий меросимизнинг буюк куч эканлигига шак-шубҳа йўқ. Шунинг учун ҳам фақат маънавий тикланиш ва чинакам покланиш орқалигина биз ўз миллий мағкурамизни яратишимиш мумкин. Бошқа ўзга йўл йўқ. Буни қанча тез англасан миллий истиқлолнинг яна бир муҳим истеҳкомини яратурмизким, бу яқиндан гиштлари қўйила бошланган мустақил ўзбек давлати қалъаси учун ҳақиқий маънавий замин бўлиб қолажак.

Ўзбек халқи ҳам, барча халқлар сингари асрлар мобайнида сақланиб, сайқалланиб келган миллий урф-одати, расм-русуми, удуми ва анъаналари, юриш-туриши, гурури, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, дини, ҳуқуқий онги, умуман, бир сўз билан айтганда маданий-маънавий дунёси акс этади. Ўзбек халқининг маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ифодаланиши билан бирга, оиласвий ҳаёт учун, ҳар бир инсон учун муҳим тарбиявий аҳамиятта моликлир. Чунки болаларимиз ача шу кўзга илинмас ҳис-туйгу ва онг, аждодлар хотираси ва узвийлиги таъсирида, она суги, она алласи билан маънавий озуқа, тарбия оладилар. Ушбулар тил воситасида онгимизга кириб боради, буларнинг барчаси миллат маънавиятининг гулложи ҳисобланади.

Сир эмас, асрлар давомида аждодларимиз ҳаётида таркиб ва равшак тоғган миллий-маданий анъаналарини ва

урф-одатларни қадрламаслик маънавий тубанлик, ўз тарихига, она заминига, тупроғига ҳурматсизликдир. Бой, қадимий ва навқирон маънавиятимиз дурдоналари миллий-маънавий инқизозни олдини олишида, миллий-маънавий салтанатимизни тикламоқликлар мұхим омилдир, таянчыдир.

Миллатимиз маънавият салтанати деворлари Ўзбек маданияттинг янги босқичдаги Үйғонишидир (Ренессансидир).

Күн минг йиллик маданий меросимиз илдизлари униб, нин беріб, куртак очмоқда. Бу ўзбек маънавиятимизтинг хусусиятлари нималардан иборат?

**Бириңчидан**, бизнинг юртимиз фақат икки қўл бармоқлари стадиган алломаларнигица эмас, балки юзлаб, минглаб маданиятнинг барча соҳаларида жаҳоншумул улуг зотлар, давлат арбобларини берган ва умумбащарият маърифатшарварлигини яратишда буюк ажлоидларимиз бевосита иштирок эттаплар, улкан ҳисса қўшганлар. Шунинг учун ҳам ўзбек маданий мероси жаҳон маданияттинг узвий ажралмас таркибий қисмидир.

**Иккимчидан**, мустақил Ўзбекистоннинг, нафақат Ўзбекистоннинг, балки бугун жаҳон маънавияти салтанатида ўз ўринларига эга бўлган улуғларимизни қўкларга кўтариши вақти келди. Тўмарис ва Широқ, Спитамен ва Машу берди, Темур Малик, буюк бобомиз Амир Темур, Узлубек, Бобур, Шоҳжаҳон ва бошқа улуғларимизни руҳини шод айламоғимиз, Гўрғли, Алиномиш, Ойбарчин, Равшан, Ҳасан, Кунтуғмиш достонларини баралла куйламоғимиз ва энитмоғимиз керак.

**Учинчидан**, Ўзбекистон ўзишининг чуқур давлатчилик неғизларига эга, ўзига хос сиёсий-ҳуқуқий, маданий мерос соҳибидир. Эрамиздан бир неча юз йиллар олдин, бизнинг ҳудудимизда давлат — ҳуқуқий институтлар ва қараашлар тараққий эттан Моварооннахрда ислом маърифатига, ислом ҳуқуқиунослиги — фиқҳга, шариатта ва умуман, жаҳон ҳуқуқий маданиятига улкан ҳисса қўшган ҳуқуқиунослар яшаганлар.

**Тўргипчидан**, бизнинг ҳудудимизда тўққиз мингдан зиёд тарихий, маданий, меъморчилик ёдгорликлари — ўзбек халқининг беқиёс маданий меросининг тирик гувоҳлари бор. Уларни таъмирланп, тиклаш, сақлаб қолиш ва кела жак ашюодларга етказиш ҳар биримизнинг маънавий, қолаверса, ижсоний ватаншарварлик бурчимиздир. Шунинг учун

қомусимизнинг 49 моддасида “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меъросини авайлааб-асрарига мажбурдирлар” дейилган. Бу борада унбу конституциявий қоидани ривожлантириш, маданий меъросни ҳимоя қилиш тұғрисида маҳсус қонун қабул қилинса нур устига ажло нур бўлур эди.

Хуласе, миллий мағкурамизнинг узвий таркибий қисмини бой маданий меъросимиз ташкил этади. Маънавиятимиз түлшани дурдоналаридан баҳраманд бўлиб тарбияланган соғлом авлод руҳан тетик ва сингилмас бўлиб доимо музаффарият отида юргай.

**Тарихий ҳуқуқий мерос.** Мустақил Ўзбекистон инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш борасида бутун дунёда иш бошлаган ва иш олиб бораётган барча кишиларни ва барча давлатларни жуда эъзозлайди. Ўзбекистон Республикаси дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аязоси сифатида маърифатнавар демократик адолатли давлат бўлининг ҳаракат қиласи, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилингана ва мустаҳкамлангана қатъий кафолат беради.

Инсон ҳуқуқлари умумбашарий ва миллий давлат ва ҳуқуқ тупшунчаларини ўзида мужассамлаштиради. Ўзбекистон ўзининг бой ва кўп минг йиллик маънавий-ҳуқуқий меъросига асосланиб инсон ҳуқуқларининг умуминсоний қадриятлари ҳамда эътироф этган халқаро ҳуқуқ талабларини таъминлаш борасида мунгизам иш олиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари аниқ тарихий ва миллий ўзига хос шароитда табиий равишда пайдо бўлади ва ривожланади. Шунинг учун ҳам ўзбек маънавий-ҳуқуқий меросининг илдизларини чуқур билиши ва идрок этиши, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ўзига хос тупшунинни ва ҳолатини тўғри таъкин қилингана асос бўлиб хизмат қиласи.

**Ўзбек маънавий-ҳуқуқий меросининг илдизлари қандай?** Бизнинг кўхна заминда давлатчилик ва ҳуқуқ ўзининг чуқур илдизларига эга бўлиб, қадим-қадим даврларга бориб тақалади. Ўзбек миллий давлатчилиги ва ҳуқуқи пайдо бўлиши ва тараққий этиши тарихий солномаси қўйидагича.

Эрамиздан аввалиги биринчи минг йилликда ҳозирги Марказий Осиё ҳудудида йигирмага яқин қабилалар бўлиб, улар бир неча қабилалар иттифоқига бирланшган әдилар. Булар орасида бир неча қабилаларни бирлантирувчи массагетлар алоҳида мавқеи билан бошқалардан ажралиб турғанлар. Туркий халқлар, жумладан ўзбек

халқининг чуқур илдизлари ана шу массагетларга бориб тақалади.

Эрамиздан аввалигы XV—XII асрларда Марказий Осиё ҳудудининг асосий қисми Оссурия давлати таркибида бўлган, шу билан бирга бу даврда мустақил Хоразм давлати ҳам мавжуд ёди.

Эрамиздан аввалигы VI асрнинг ўрталарида Марказий Осиёда Аҳмоний подшоҳларининг ҳукмронлиги ўрнатилган.

Эрамиздан аввалигы IV асрнинг иккичи ярмида хоразмликлар, кейинчалик сак қабилалари мустақилликка эришигандар.

Эрамиздан аввалигы IV асрнинг охирги чорагида хоразм давлатидан ташқари бутун Марказий Осиё македонияликлар томонидан босиб олинган. Искандар Зулқарнайи ватфотидан сўнг Марказий Осиё ҳудуди Салавкийлар давлати таркибига киритилган.

Эрамиздан аввалигы III аср ўрталариға келиб Грек-бақтрия подшоҳлиги ташкил тониб, унинг таркибига Бақтрия, Сўёдиёна, Марғиёна ва Парканна (Фарғона) кирган. Кейинчалик Марказий Осиё ҳудудида Хоразм давлати билан чегарадоли бўлган Тоҳаристон давлати ташкил тонган. Кўн ўтмай у кичик-кичик давлатларга бўлиниб кетган.

Эрамизнинг I—IV асрларида Марказий Осиё ҳудуди Күшин подшоҳлиги таркибida бўлган. IV асрнинг охирги чорагида Марказий Осиёда кичик-кичик давлатлар ташкил тонган.

V аср ўрталарида Марказий Осиё Эфталитлар давлати томонидан босиб олинган.

VI асрнинг охирги чорагида араблар босиб олгунига қадар Марказий Осиё Гарбий Турк хоқонлиги таркибida бўлган.

VIII аср бошларида Марказий Осиёда араблар ҳукмронлиги ўрнатилган. Араблар бизнинг ўлкани Мовароуннахр леб атагандар.

IX аср охири X аср бошларида иккичи ярмigача Ўзбекистон ҳудудида Сомонийлар, X асрнинг иккинчи ярмidaн Қорахонийлар, XI аср бошларида Салжуқийлар салтанатлари мавжуд бўлган.

XII асрнинг ўрталарида Мовароуннахри қорахитойлар ўзига бўйсупидиргандар. XII асрда Хоразм яна мустақилликка эришигандар.

XIII аср бошларида XIV асрнинг 60 йиллари ўрталариғача Мовароуннахрда мўгуллар, XV аср охирларигача

Амир Темур ва темурийлар, XVI асрдац Шайбонийлар ҳукмронлик қилғанлар. XVI аср охирида Ўзбекистон ҳудудида Бухоро, Хива, XVIII аср бошларида Қўқон хонликлари ташкил тонган.

Марказий Осиё XIX асрнинг иккичи ярмида Россия томонидан босиб олинган. Қўқон хонлиги тутатилган. Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил қилинган. Бухоро ва Хива хонликлари устидан Россия протекторати ўрнатилиган. Ҳудудимиз Туркистон ўйкаси деб атала бошланган.

1917 йилда Қизил империя ҳукмронлиги ўрнатилиб, Ўзбек Совет Социалистик Республикаси тузилганидан бошлаб Ўрга Осиё ибораси қўлланила бошланди.

1991 йил 31 августда Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришиди.

Демак, бизнинг ёп мустақил ўзбек давлатимиз ўзида кўхна Сўёдёнга ва Хоразмдан бошлаб, Сомонийлар, Хоразмшиоҳлар, Амир Темур ва Темурийлар давлатларининг давлат бошқарув ютуқларини, ҳалқимизнинг бугун давлат-хуқуқий тарихи тажрибасини ҳамда унинг ўз миллий давлатига ва хуқуқига эга бўлини каби асрий орзуларини мужассамлантирган. Яъни ҳозирги ўзбек давлати умумжаҳон ва миллий давлатчилик ва хуқуқий тараққиёт қонуниятларини ўзида узвий равинда уйғулантитади. Ўзбек давлати ва хуқуқи ўзининг салкам 3 минг йиллик тарихига эга.

Ўзбекистон Оврўю ва Осиё маърифатшарвар дунёсины, цивилизацияларини бирлаштирувчи буюк ҳалқаро йўллар кесишган заминда жойланган. Маърифатшарварчилик давридаги манавиятимиз шакллана бошлаганига камида 2,5 минг йил бўлган. Ўзбеклар ғоят кўхна ва кўйдан-кўн негизга — саклар, массагетлар, сўғлар, Ксеркс ва Искандар Зулқарнайи, Салавкий ва кўп қабилали туркларгача бўлган ғоят қадимий ва чукур илдизли миллат ҳисобланади. Уларнинг авлод-аждоллари бундан минг йиллар муқаддам шу тупроқда ўтроқ бўла бошлаганлар. Ўзбек элати шаклланишида ўтминда араблар ва форс-тожик маданияти намояндалари, XIII—XIV асрлардаги мўтуллар ҳамда XV—XVI асрлардаги Чингизхонининг чигатой улуси мўгуллари ҳам ўзларининг бевосита таъсирларини кўрсатганлар. Ўзбекларнинг ота-буваларига, авлод-аждолларига ҳиндулар, хитойлар, греклар томонидан ҳам маданий таъсирлар бўлганини кўрини мумкин. Таъбир жоиз бўлса элат тарзида шаклланган бу ўзига хос гиламда уйғурлар,

арманлар, лўлилар ва ўнлаб бошқа нисбатан кам сонли миллий жамоаларга тааллуқли, дарҳол кўзга ташланмайдиган маданий ишлар ҳам тўқилганлигини айтиш керак. Йигирма асрдан кўпроқ даврдан бери Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда бизнинг авлод-ажоддари-римиз билан бирга яхудийлар ҳам янагац ва янаб келмоқдалар. X асрдан XV асргача Мовароунахр шаҳарларида талайтина носаролар ҳам янаганлар, боз устига мўгул ҳукмдорлари Ислом динини қабул қилинниларига қадар оммавий равинидаги уларга ҳомийлик қилинлар.

XIX аср охиридан сътиборан Туркистон халқлари орасига руслар ва рус маданиятидаги кишилар қўшилди. Уларниң ҳаммаси аниқ тарихий ва миллий ўзига хослик шароитида миллий давлатчиликни ва ҳуқуқий тизими табиий бўлинни ва ривожланиши гувоҳидир.

Ўлкамизниң мўгулларгача бўлган ва Темурийлар давридаги номи — Мовароунахр уйғонини ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш даркор. Ислом цивилизацияси халқимизниң дунёқаришини тўлдирди ва бойитди, бу халқ жаҳонга таниқди ва умумбашарият томонидан таи олинган буюк муғафаккирларни етказиб берди.

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистон ўз тараққиётини бутун асоси бўлмини миллий давлатчилиги, ҳуқуқий тизимини қайтгадац яратмоқда. Халқимизниң маънавияти камол тоғмоқда.

Ўзбекистон Республикаси демократик-ҳуқуқий давлат куришга азму қарор қилган экан, юксак ҳуқуқий маданият, Конституция ва қонунига ҳурмат, итоаттўйлик, миллий истиқбол мағкурасида мухим ўрин эгалламоқда. У ўзида халқимизниң ёнг ардоқли фазилатлари — иймон ва иносиф, меҳр-оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, ҳаё, уят ва андиша, ор-номус, элига ва юртига содиқлик, ватанинварварлик каби қадриятлар ва ғояларни мужассамлаштиришга қаратгандир. Ўзбек халқи асрлар мобайнида авайлаб сақлаб, сайқаллаб келган ўз миллий урф-одатлари, расм-русумлари, удум ва анъаналари, гурури, ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, ҳуқуқий онги ва маданияти, сътиқоди, бир сўз билан айтганда маданий-маънавий дунёси билан ажralиб туради. Буюк алломаларимиз умумбашарият маърифатшарварлигини яратишда бевосита интироқ этганлар, улар жаҳон ҳуқуқий цивилизациясига улкан ҳисса қўйгандар. Уларниң бой маданий-ҳуқуқий мероси ҳозирги мустақил ҳуқуқий тараққиётимизниң мустақил пойдевори бўлиб хизмат қиласди.

## БИРИНЧИ ҚИСМ

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТҮҒРИСИДАГИ ФОЯЛарНИНГ ТУГИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

### И Б О Б

## ИНСОННИНГ ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ БИЛАН ЎЗАРО ҲУҚУҚИЙ АЛОҚАДОРЛИГИ

Демократик ҳуқуқий давлат инсонни, унинг эркинлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини барча ижтимоий воқеаликлар марказига қўяди. Зоро, инсон жамики дунёвий неъматлар ичида энг улуғидир.

Жамият ва давлат муносиб ҳаёт шароитлари яратиб берилиши, ҳар кимнинг баҳти, эмин-эркин яшани учун кафолат берилиши лозим. Юксак маданий ва маърифий фуқаролик жамиятида инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадрқиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари муқаддас саналади. Инсон дунёдаги онгли ва иродали мавжудотдир. Шу боис уни дунёнинг таҳо тилаги ва самари дейиш жоиз.

### 1. ИНСОН, ЖАМИЯТ, ДАВЛАТ ВА УЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг таъминланганлиқ даражаси мамлакатдаги сиёсий тузумнинг характеристикини, давлатнинг қанчалик демократиклигини кўрсатади. “Инсон ҳуқуқини қонунда ва амалда таъминлай олмаган, бунинг учун старли кафолатлар яратиб беролмаган жамият демократик жамият эмас” (И. А. Каримов. “Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати”. Т., “Шарқ”, 1993, 27-бет).

Инсон жамиятнинг фаол бўллагидир. Шундан келиб чиқиб, инсон иқтисодий муносабатларнинг, сиёсий ҳамда маънавий ҳаётнинг бевосита иштирокчисига айлантирилмас экан, ижтимоий жараёнларга узвий жалб этилмас экан, давлатнинг равнақи, жамиятнинг маънавий тараққиёти ва келажаги ҳақида гапириш мумкин эмас.

Инсон ва жамият, инсон ва давлат ўртасидаги муносабат, шахснинг ҳуқуқий ҳолати масалалари қадимдан фал-

сафий, ижтимоий-сиёсий тафаккурнинг долзарб мавзуи саналиб келади.

Инсон жамиятда ўсиб улғаяди, шахс сифатида шаклланади ва фаолият кўрсатади. Жамият шахслар (индивидуалар)нинг оддий йиғинидиси эмас. Балки у кишилар ўртасидаги ижтимоий алоқалар ва муносабатларнинг мужассам мажмуюи, мунигарак маҳсули сифатида майдонга чиқади. Жамият — бу инсонларнинг умумий манфаатлар ҳамда эҳтиёжлари бирлиги асосида, уларни қондириш мақсадидаги бирикуви ва кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар, алоқадорлик, ҳамкорлик ифодасидир.

Шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро алоқадорлик ниҳоятда серқирра бўлиб, турли шакл ва мазмунга эга. Шахснинг жамият билан алоқаси, аввало оила, таълим-тарбия ва меҳнат жамоалари каби бошланғич бўғинлар воситасида амалга ошиди. Жамиятни катта бир вужуд (организм) леб қараладиган бўлса, шахс ана шу вужуднинг муҳим ҳужайрасидир. Шахс муайян жамоалар, ижтимоий гуруҳлар таркибида шаклланади, ижтимоий алоқалар соҳиби сифатида жисмоний ва маънавий камолотга етади. Жамиятнинг умумий ижтимоий онги, маънавияти, маданий даражаси, сиёсий-ҳуқуқий савияси ҳар бир шахс тарбияси ва феъл-атворига сингиб боради. Шу билан бирга инсон ўзигагина хос хусусият ва фазилатларга ҳам эга бўлади. Ҳар бир инсон танҳо (индивидуал) ва у бетакрордир.

Жамият шахснинг ҳаёт фаолияти, эркин ривожланиши учун зарур бўлган ижтимоий шарт-шароитлар йиғинидиси ҳисобланади. Жамият ва шахс алоқадорлиги диалектикаси шундан иборатки, ҳар бир шахснинг эркин ривожи, ўз истеъоди, қобилиятларини намоён эта олиши пировардида бутун жамиятнинг ривожи, равнақ топиши демаклир.

Шахс ва жамият ўзаро мажбуриятлар орқали ҳам бирбири билан узвий боғлиқдир. Масалан, жамият ҳар бир шахсга муайян тарбия бериши, уни ижтимоий муҳофаза этиши, шахснинг жамиятдаги белгиланган вазифаларини адо этиши учун шарт-шароит, ҳаётий муҳит яратиб бериши лозим. Ўз навбатида, шахс жамиятга, унинг умумий манфаатларига хурмат бажо келтириши, ўз хатти-ҳаракатларини бошқа инсонларнинг манфаати билан мувофиқлантириши, ўз жамоаси билан ҳисоблашиши шарт. “Инсон, — деб таъкидлайди Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов, — ўз давлати, ўз халқи олдилаги,

уни қатта умидлар билан тарбия этган, вояга етказган жамият олдиғаи бурчии адо этиши керак” (И. А. Каримов, “Буюқ келажагимизнинг ҳуқуқий қафолати”. Т., “Шарқ”, 1993, 27-бет).

Инсон билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳуқуқий асосларнинг қарор топтирилиши жамият демократияланувининг жиһий кўрсатқичидир. Мазкур муносабатларнинг асосий принциплари ва шакллари Конституция ҳамда қонунларда ўз ифодасини тоғади. Конституция инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кўламини мужассам тарзда мустаҳкамлаб, уларни таъминлашнинг молдий, сиёсий ҳамда юридик қафолатларини белгилайди.

Инсон ҳуқуқлари фақат шахс эркинлиги (автономлиги, суверенлиги) реал бўлган шароитдагина тўлақонли бўлади. Инсон жамиятдаги ўзгартишлар, ислоҳотларнинг воситаси эмас, балки мақсади деб қаралиши лозим.

Инсонларнинг эркинлиги ва тенглиги ғоялари дастлаб буржуа инқилоблари жараённида илгари сурилди ва улар инсониятнинг “олтин хазинаси”га айланди. Инсон ҳуқуқлари айнан мана шу эркинлик ғоялари заминида қарор тоғди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тизими ўз яралаш ибтидоси ва ривожланиши мантиқига эга. Адабиётларда “инсон ҳуқуқларининг уч авлод” босқичи ҳақида кўрсатиб ўтилади. Улар қўйидагилардан иборат.

Инсон ҳуқуқларининг “биринчи авлоди” — фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ҳисобланади. Улар Оврўпадаги буржуа-демократик инқилоблар, шунингдек Америка Кўнга Штатларининг ўз мустақиллиги учун олиб борган кураин даврида қўяга киритилган Сиёсий ҳуқуқлар давлат ҳокимияти ўзбонимчалигини жиловлашга йўналтирилган эди. Дастурий талаб сифатида давлат ҳокимиятининг инсон эркинлиги ва мустақиллигига даҳл этмаслик мажбурияти тўғрисидаги ғоя илгари сурилган. Бу талаб фақат ҳокимиятлар тақсимланиши ва барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги тамойили жорий этилгач, амалга ошиди.

Инсон ҳуқуқларининг “иккинчи авлоди” бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсири остида шаклланди. XIX аср охири XX аср бошларида саноати ривожланган кўнгина мамлакатларда иқтисодиёт соҳасида сезиларли силжинлар рўй берди. Ишлаб чиқаришнинг марказлашуви ва инчилар (касаба ўюшмалари) ҳаракати ролининг

ошиши натижасида ижтимоий-иктисодий ҳуқуқлар ўзининг давлат-ҳуқуқий ифодасини топди. Жумладан, меҳнат қилиш ҳуқуқи, муносиб ҳаёт шароитига бўлган ҳуқуқ, илм олиш ҳуқуқи ва бир қатор ижтимоий кафолатлар: меҳнат Қобилиятини тўла, қисман ва вақтинича йўқотганда нафақа олиш, пенсия олиш ҳуқуқи, ишсизлик нафақаси ва ҳ.к.

Нихоят, инсон ҳуқуқларининг “учинчи авлоди” — “ҳамжиҳатлик ҳуқуқлари” деб аталиб, улар давлатлардан устун турувчи ва колектив характерга эга. Умумий ётироф этилган қоидага кўра бу ҳуқуқлар: тинчликка бўлган ҳуқуқ, бехавотир табиий атроф мұхитига бўлган ҳуқуқ, инсониятнинг иктиносидий ва маъданий меросидан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқалар.

Инсоннинг ўз эркинликлари, ҳуқуқлари ва манфаатлари учун давом этган узоқ кураши умуминсоний аҳамият даражасига кўтарилиган қўйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўзининг моддий ифодасини тонган: Эркинликнинг буюк хартияси (1215 й.); Ҳуқуқ тўғрисидаги петиция (1628 й.); “Habea Corpus АКТ” (1679 й.); Ҳуқуқлар тўғрисида билл (1689 й.); Америка Виргинияси ҳуқуқлари Декларацияси (1776 й.); Америка Кўпума Штатларининг мустақиллик Декларацияси (1776 й.); Француз инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси (1789 й.); Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (1948 й.); Иктиносидий, ижтимоий ва маъданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро Пакт (1996 й) ва бошқалар. Мазкур ҳужжатлар орқали инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги юридик қоидалар шаклланишининг бугун йўлини ва маңтиқини англаб стиш мумкин. Буларда акс эттирилган инсон ҳуқуқларига оид қоидалар мағзини биргина ғоя — яъни, инсоннинг туғилишидан бошлаб мавжуд бўладиган, ажралмас, табиий ҳуқуқлари тўғрисидаги тасаввурлар ташкил этади. Бу ҳуқуқлар сиёсий ҳокимиятлар томонидан тан олиниши ва қонунилар билан кафолатланиши лозим.

## 2. “ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ” ВА “ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚЛАРИ”

Ҳар қандай ҳуқуқ, шу жумладан инсон ҳуқуқлари инсоннинг биологик моҳияти билан эмас, балки унинг ижтимоий моҳияти, муайян жамият аъзоси эканлигидан келиб чиқади. Француз буржуа инқилоби (1789 й.) дунёга берган “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси” табиий ҳуқуқ мактаби ғояларидан келиб чиқиб, инсон ҳуқуқларига

баҳо берган. Декларация тамойиллариға мувофиқ инсонга икки жиҳатдан изоҳ берилади: бир томондан, алоҳида олишган инсон, одам тарзидан, иккинчи томондан — фуқаро, яъни бирон бир жамиятнинг сиёсий-ижтимоий гуруҳнинг атозоси сифатида тавсифланади. Шунга биноан, Декларация “инсон ҳуқуқлари” ва “фуқаронинг ҳуқуқлари”ни аниқ-тиниқ белгилаб берган. Инсон ҳуқуқлари қаторига у туғилиши билан мавжуд бўладиган, одамийиг инсоният жамиятига қўшилғунга қадар ҳолатидаги ҳуқуқлари йигиндиси киради. Фуқаронинг ҳуқуқлари деганда Эса, инсон сиёсий жамиятга қўшилгандан кейин эга бўладиган ҳуқуқлари мажмуй тушунилади.

Г. Гроций, Б. Синоза, Дж. Локк, Ш-Л. Монтескье, Т. Жеферсон ва бошқа кўплаб ҳуқуқшунос, файласуф олимлар табиатдан келиб чиқиб, ҳар бир кипига: яшаш ҳуқуқи, эркинлик ҳуқуқи ва мулк ҳуқуқи тегишлидир, деб таъкидлайдилар. Мазкур мугафаккирлар бўлажак янги давлат моделини ишлаб чиқиб, унда ҳар бир фуқаро эга бўлиши лозим бўлган асосий сиёсий ҳуқуқлар кўламини ҳам белгилаб бердилар. Бу ҳуқуқлар “фуқаронинг ҳуқуқлари” ёки “фуқаровий ҳуқуқлар” номи билан юритиладиган бўлди. Сиёсий ҳуқуқлар ёки фуқаровий ҳуқуқлар фуқаронинг давлат билан бўладиган ўзаро муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқлар йиғиндисидир.

Шундай қилиб, буржуа давлатлари қарор топаётган даврда инсон ҳуқуқлари деганда инсоннинг табиий ҳуқуқлари, фуқаронинг ҳуқуқлари деганда эса позитив ҳуқуқ, яъни давлат томонидан яратилган ҳуқуқлар тушиуниладиган бўлди.

Француз Декларацияси инсон ҳуқуқлари қаторига эркинлик, мулк, хавфсизлик ва зулмга қаршилик кўрсатиш ҳуқуқларини киритади; фуқаронинг ҳуқуқларига эса фуқаронинг давлат-сиёсий ҳаётида иштирок этиш имкониятларини берувчи ҳуқуқлар, давлат ҳокимиятининг ўзбонимчалигидан муҳофаза этувчи ҳуқуқлар, шахснинг дахлесизлигини таъминловчи ҳуқуқларни киритади.

Тараққиётнинг кейинги жараёнларида инсон ва фуқаро ҳуқуқларини ажратиш иккинчи даражали аҳамият касб эта бошилади. Ҳозирги найтда фуқаронинг ҳуқуқлари сифатида, одатда, давлатнинг конституциясига киритилган ҳуқуқлар тушиунилади. “Инсон ҳуқуқлари” деганда эса бир қадар кенгроқ нарса, яъни муайян маънавий ҳуқуқ эътироф этилади. Бунда ҳамма вақт ҳам давлатда амал қилаёт-

ган объектив ҳуқуқ билан инсоннинг маънавий ҳуқуқлари, ҳуқуқий талаблари айлан мос келавермайди. Улар ҳали қонун шаклида расмийлаштирилмаган бўлса, амалда қонунга нисбатан илгари сурилаётган маънавий талаб шаклида майдонга чиқади. Қонунга, масалан, конституцияга киритилгач эса бу ҳуқуқлар эни инсон ҳуқуқлари дейилмасдан, фуқаронинг ҳуқуқлари леб юритилади.

Хорижда, аксарият ҳолларда, “инсон ҳуқуқлари” деганда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларни, “фуқаронинг ҳуқуқлари” остида эса сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларни тушунадилар (Қаранг: Камаров С. А. Общая теория гос. и права: Курс лекций — М., 1996, 124-бет).

1948 йил 10 декабрда БМТ Бони Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”да мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларни тўрт гурухга ажратиб таснифланни мумкин.

Биринчи гурухга элементар ҳуқуқ ва эркинликлар киради. Булар: яшаш, эркинлик ва дахлесизлик ҳуқуқи (3-модда); қулликдан эркин бўлинг ҳуқуқи (4-модда); қийнаш ё шафқатсиз, тайриинеоний муомала қилишининг ёки жазоланинг тақиқланиши (5-модда); қонун олдида тенглик (7-модда); одилсудловининг процессуал кафолатларига оид қатор ҳуқуқлар (8-11-моддайлар); шахсий ва оиласвий ҳаёта ўйбонимчалик билан араланиувдан ҳамда кишининг шахни ва обрў-эътиборига дахл қилининидан ҳимояланиши, ўйжой дахлесизлиги, ёзинималарнинг сир сақланиши (12-модда).

Иккинчи гурухга фуқаровий ҳуқуқлар киради: шахснинг ҳуқуқ соҳиби эканлигининг таинлигинига бўлган ҳуқуқи (6-модда); давлат ҳуқуқида эркин ҳаракатланиши ва тураржойни эркин ташлани ҳуқуқи (13-модда); сиёсий бошшана сўрани ҳуқуқи (14-модда); фуқароликни олини ҳуқуқи (15-модда); никоҳга кириши ва оила қуриши ҳуқуқи (16-модда) мулкка эга бўлинг ҳуқуқи (17-модда).

Учинчи гурухга сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар киради: фикрланиши, виждан, дин эркинлиги (18-модда); ёътиқод ва уни баён этиши эркинлиги (19-модда); тинч йигилишлар ўтказини ва юниналарга бирлашиши эркинлиги (20-модда); мамлакатни бошқаринида иштирок этиши ҳуқуқи (21-модда).

Ниҳоят, тўртинчи гурух иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, яъни, меҳнат қилиш ва эркин қасб ташлани ҳуқуқи, тенг меҳнат учун тенг ҳақ олини ҳуқуқи, касаба юниналарига бирлашиши ҳуқуқи, дам олини ҳуқуқи,

муайян ҳаётгай даражага бўлган ҳуқуқ, илм олиш ҳуқуқи (22-28-моддалар).

Демократик тараққиёт йўлини ташлаган ва жаҳон ҳамжамиятига аъзо бўлган ҳар бир давлат ўз фуқаролари учун юқорида санаб ўтилган ҳуқуқ ва эркинликларни таъминланни зиммасига олади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқларига, демократия ва ижтимоий адолат гояларига садоқатли эканлиги ёълон қилинган.

Давлат ҳар бир инсон учун лозим бўлган муносиб ҳаёт даражасини таъминлаб берини лозим. Бунда ҳар бир кишининг туаржой шароити, иш билан бандлиги, моддий таъминоти, таълим-тарбия ва илм олиш имконияти, ижтимоий сугурта қилинини, тиббиёт ёрдами олиши, маданий ўсипи учун шароит яратилганилиги ва бошқалар назарда тутилади.

Давлат билан шахснинг ўзаро муносабатларини тартибга солишида шахс (фуқаро)нинг ҳуқуқий мақоми мухим роль ўйнайди. Шахс (фуқаро)нинг ҳуқуқий мақоми деганда шахснинг муайян сиёсий-ҳуқуқий ҳолатини белгиланда мақсадида давлатининг қонунларида мустаҳкамланган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятлар йиғинидиси туниупилади.

Шахснинг давлатдаги ҳуқуқий мақоми қўйидаги асосий белги ва хусусиятлар билан тавсифланади:

— ҳуқуқий мақомни белгиловчи ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар ҳар бир шахс учун тенг ҳисобланади, ҳар ким белгилаб қўйилган ҳуқуқлардан фойдаланишида ва мажбуриятларни ўтанила тенг юридик имкониятга эгаидир;

— қонунда, бошқа ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамланган ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятлар давлат томонидан муҳофаза этилади, уларни амалга ошириш ҳам давлат томонидан, ҳам фуқаролар томонидан таъминланади;

— ҳуқуқлар, эркинлик ва мажбуриятлар жамият ва давлат, шунингдек, ҳар бир шахс манфаатлари нуқтаи на заридан кафолатланади;

— шахснинг ҳуқуқлари, эркинлик ва мажбуриятлари мунитарак тизим сифатида мавжуд бўлиб, жамият ҳамда ундан ижтимоий муносабатлар ривожлангани сайнин ушар мунтазам равишда кенгайиб ва ички мазмунни терапланшиб боради;

— ҳуқуқлар, эркинлик ва мажбуриятлар давлат тараққиётининг ҳар бир босқичида унинг зарурӣ шарти ҳамда

шахснинг ҳар томонлама ва иччил ривожланишига замин бўлиб ҳисобланади; улар давлатнинг моҳияти ва табиатни ифода этади;

— ҳуқуқлар, эркинлик ва мажбуриятлар ўзининг ижтимоий-иктисодий вазифасига кўра ягоналик ва бир бутулик сифатлари билан характерланади.

Ҳуқуқий мақом юксак қадрият даражасидаги ҳуқуқий воқелик бўлиб, шахснинг жамиятдаги, фуқаронинг давлатдаги нуғузли ўринини, аҳамиятини акс эттиради. Шахснинг ҳуқуқий мақоми асосини унинг Конституцияйи мақоми, яъни ўта муҳим ҳуқуқлари, эркинлик ва мажбуриятлари йиғиндиси ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида таъкидланганидек: "... инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, Қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади" (13-модда).

Шахснинг ҳуқуқий мақоми инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари ажralмаслиги Презуммияси принципига, уларни чегаралаш мумкин эмаслигига асосланади. Ҳуқуқий мақомнинг яна бир муҳим принципи шунидаки, унда ҳар бир шахсга факат ҳуқуқлар бериллиб қолмасдан, балки шунга яранга мажбуриятлар ҳам юқлатилади. Мазкур принцип ҳар бир кинида ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбурият мавжуд бўлишини акс эттириб қолмасдан, шунингдек кўпчилик ҳуқуқлар айни бир вақтнинг ўзида мажбурият (баъзилари — ҳуқуқий маънодаги, бошқалари — маънавий, ахлоқий маънодаги мажбуриятлар) хусусиятига эга бўлишини ифода этади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида меҳнат қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланган (37-модда). Бу ҳуқуқ бир вақтнинг ўзида шахснинг жамият олдидаги бурчи, мажбурияти ҳамдир. Асосий қонуннинг 55-моддасида ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралардан оқилопа фойдаланиши тўғрисидаги қоида белгилантган. Бу қоида бир вақтнинг ўзида ҳам ҳуқуқ, ҳам мажбуриятларидир. Яна бир мисол: "Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қиласади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиши экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамла қонун билан қўриқланадиган манфатларини бузмаслиги шарт" (54-модда). Бу ерда ҳам ҳуқуқ билан мажбурият бирлиги, ҳамоҳанглиги яққол кўриниб турибди.

### **3. ИНСОН БИЛАН ДАВЛАТ ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАРДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ**

Инсон билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларда қонун устувор бўлиши лозим. Қонун устуворлиги тамойили аввало давлатнинг ҳуқуқ яратиш, қонун ижодкорлик фаолиятида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари фаолиятида изчил амалга оширилиши шарт. Давлат идораларининг инсон ҳуқуқларига оид юридик қоидалар яратиш борасидаги фаолиятида қонун устуворлиги тамойилидан ҳар қандай чекиниш фуқаронинг давлатта ва қонунга ишончсизлигини келтириб чиқаради. Давлат бошқаруви, айниқса, маҳаллий ҳокимият идораларининг ҳуқуқий ҳужжатлари қонунга зид бўлиб қолса, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва бопиқа манфаатлари завол топиши мумкин. Бундай ҳолларда бошқарув ва маҳаллий ҳокимият идораларининг ўзбоншимчалиги, инсон ҳуқуқларини оёқ ости қилиш вазияти вужудга келади. Қонунлар фақат фуқаролар амал қилиши учун яратилади, деб тулгумаслик керак. Қонун давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари учун, бошқарув ва маҳаллий давлат идоралари учун, мансабдор шахслар учун ҳам бирдек қатъий мажбурий ва устувор бўлмоги даркор.

Қонун устуворлиги тамойилининг туб маъноси шундаки, жамият ҳаётидаги энг муҳим, асосий ижтимоий муносабатлар айнан қонун билан тартибга солинади. Бундан хulosса: ҳамонки инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият экан, демак, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ҳамда манфаатлари билан боғлиқ ҳамма масалалар факат қонун билан белгиланиши талаб этилади. Дунёдаги демократик ривож тоғига кўпгина давлатларда бу талабга қатъий риоя этилади. Инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва мажбуриятларини турли идоравий ҳужжатлар билан эмас, балки қонун воситасида мустаҳкамлаш орқали шахснинг юксак юридик мақомига ёришиш мумкин. Зоро, қонун нафақат шахснинг бундай мақомини мустаҳкамлайди, балки унга олий даражада кафолат ҳам беради.

Ҳуқуқий давлатда унинг фуқаро билан ўзаро муносабатларини қонун ёрдамида тартибга солиш шундай сифатларга эга бўладики, давлат, унинг идоралари, мансабдор шахслар бугун жамиятга хизмат қиласидиган, инсон ва фуқаро олдида масъулдирлар; инсонни, унинг ҳаёти ва соғлиги, шахсий дахлсизлиги ва хавфсизлиги, бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини олий қадрият деб билиб, уларни ҳар қандай тажовуз ва суистеъмол-

лардан, тазиикдан муҳофаза этадилар. Бу — давлат зиммасидаги мажбуриятдир. Шунингдек, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади. Айни вактда, фуқароларнинг давлат ва жамият олдидағи мажбуриятлари ҳақида ҳам уқтириб ўтиш жоиздир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида таъкидланнишича, Ўзбекистон фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Давлат идоралари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул бўлганиларидек, фуқаролар ҳам давлат олдида масъулдирлар.

Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига пугур етказмасликлари шарт. Демократия ва ҳуқуқий давлатчилик ўзбонимчалик ва масъулиятсизлик билан сифиша олмайди.

Давлат билан шахснинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар орқали боғлиқлиги шуни англатадики, бунда давлат ва инсон (фуқаро) ўзаро муносабатда тенг ҳуқуқли субъектлар сифатида майдонга чиқадилар. Уларнинг ҳуқуқий ҳамкорлиги асосида манфаатлар мутаносиблиги ва уйғулиги ётади. Бирон бир манфаатта устуницлик бериш ўзаро муносабатдаги ҳуқуқий мувозанатининг бузилишига олиб келади.

Давлат шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб, уни таъминлани мажбуриятини ўз зиммасига олар экан, ўз навбатида фуқаролардан ҳуқуққа мувофиқ ҳаракат қилишни, қонуларга қатъий риоя этишини талаб эта олади. Шу боис давлат ўзининг фуқароларга тегишини талабларини мажбуриятлар тизими тарзида ифодалаб, уларни бажарманлилар учун муайян юридик ва ахлоқий жавобгарлик чораларини белгилайди. Давлат сиёсий ҳокимият соҳиби сифатида фуқаролар томонидан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини эркин бажаришлари учун зарур бўлган маҳсус юридик механизmlарни яратиб бериши лозим.

Шундай қилиб, “давлат — фуқаро” муносабатлари ўзаро масъуллик тизими замирига қурилиб, унда бир томоннинг ҳуқуқига иккинчи томоннинг мажбурияти, ва аксипча, бирининг мажбурияти қарнисида иккинчисининг ҳуқуқи қарама-қарши туради. Мазкур муносабат субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тизими давлат

билаң фуқаронинг бир-бири олдида ўзаро масъуллигини таъминлайди.

Фуқароларнинг қонунларга қатъий амал қилиши, ўзларининг жамият ва давлат олдидағи ижтимоий ва юридик масъулиягини англаб этиши жамиятнинг стуклиги, давлатнинг маърифийлиги ва ундаги ҳуқуқий асосларнинг мустаҳкамлигидан ёрқин далолатдир.

Давлат билаң фуқаро ўртасидаги муносабатлар юқоридаги тамойиллардан ташқари яна ижтимоий адолат, инсониарварлик, чинакам демократизм, қонунийлик, инсон шахсининг ҳуқуқий жиҳатдан қатъий ва ишончли муҳофазаланганилиги, қонун билаң тақиқланмаган ҳамма нарсаға рухсат этилиши ва айбиззлик презумицияси таъмилларига таянади.

Давлат инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга ошиши учун тегинсли юридик, сиёсий-иқтисодий, маданий, ижтимоий-рухий кафолатларни вужудга келтиришга мажбур. Инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиши кафолатлари тизими, аввало, қонунчиликдан бошланади. Ҳар қандай қонунии яратишда шахс манфаатлари ва ҳуқуқлари устуворлиги инобатта олинини керак.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари самарали рўёбга чиқарилши учун ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар тизими (суд, прокуратура, милиция, адвокатура) қатъий, аниқ ва сабитқадамлик билаң фаолият кўрсатиши лозим. Бу тизимда суд етакчи ўринни эгаллайди. Суд адолат посбонига айланиши, ҳақиқатни қарор топтирувчи, инсон ҳуқуқларини қўриқловчи идора сифатида майдонга чиқиши керак. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов Олий Мажлиснинг VI сессиясида (1996 йил 29 август) таъкидлаганидек: “Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиувчи органга айланниб, ҳақиқатан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим” (И. А. Каримов. Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлантитишининг муҳим вазифалари. Т., Ўзбекистон, 1996, 35-бет). Суднинг ўрни ва ролига қараб жамиятнинг демократик даражасига баҳо берилади. Фуқароларнинг суд муҳофазасига мурожаат этиши имконияти инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим кафолатидир. Бу ўринда “фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга ишқоят қилиш тўғрисида”ги қонун алоҳида аҳамиятга эга. Суд муҳофазаси тизимида Конституциявий суд алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистонда демократик ислоҳотлар чуқурлашиб боргани сайин инсон ҳуқуқларини таъминловчи ташкилий тузилмалар ва бошқа маҳсус институтлар қарор топмоқда. Масалан, 1995 йил 23 февралда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили лавозими таъсис этилди ва бундай вакил сайланди. 1996 йил 26 декабрда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида Қонун қабул қилинди.

1996 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари бўйича миллий маркази ташкил этилди (“Халқ сўзи”, 1996 йил 1 ноябр).

1996 йил 3 декабрда эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конгенинг қарори билан “Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигининг Мониторинги институти” ташкил этилди (“Халқ сўзи”, 1996 йил, 4 декабр). Бу институт қонунларнинг инсон ҳуқуқлари бобидаги қоидалари халқаро талаблар (стандартлар) даражасида бўлишини таъминлашга хизмат қиласи.

Мазкур институтларниң самарали ва фаол ишлаши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини сабитқадамлик билан таъминлашнинг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланади.

### III БОБ

## ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ТАЪЛИМОТЛАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ФОЯСИ

Инсон ҳуқуқлари масаласи ўтмишдаги мутафаккир — олимлар, давлат ва жамоат арбобларининг эътиборидан четда қолмаган. Улар бу масалага ўёки бу даражада муносабат билдириб, муҳим ғояларни илгари сурғанлар. Бу ғоялар ҳамма вақт ҳам инсониятининг эътиборини ўзига жалб қилиб келган ва унинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олишида муҳим аҳамиятта эга бўлган.

### I. ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги таълимотнинг ривожида шарқ мутафаккирларининг хизматлари бениҳоя каттадир. Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Амир Те-

мур, Улугбек, Алинер Навойй, Бобир Мирзо сингари ўйлаб олимлар, давлат ва жамоат арбоблари дунёқаранида, уларнинг амалий ишларида инсон ҳуқуқлари масаласи алоҳида ўрин өгалганди. Улар турли муаммолар сингари инсон ҳуқуқлари, әркиниллари, қадриятлари масаласига ҳам бефарқ қарамаганлар ва бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Инсон тўғрисида ғамхўрлик қилини, инсон әркинилиги, ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисида қайғуриш, инсон шаънини камситадиган ўринишларга йўл қўймаслик гоялари шулар жумласидандир.

Ўрта асрларда бутун дунёда бўлгани сингари Шарқ оламида ҳам инсон ҳуқуқлари турли йўллар билан тоғтаб келинган. Ўша даврларда инсоциинг шахсий ҳуқуқ ва әркиниллари сингари, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳуқуқлари ҳам ҳукмони сиёсий кучлар томонидан чеклаб қўйилган. Бундай ҳолатларга қарши норозиликлар шафқатсизларча бостирилган. Кипилар яшаш, меҳнат қилиш ва дам олиш каби оддий инсоний ҳуқуқлардан ҳам тўла әркинилк асосида фойдаланиш имкониятига эга бўлмаганлар. Инсоннинг шаъни, қадр-қиммати, әркиниллари ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланмаган, унинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилиши оддий бир ҳол бўлган. Аҳоли кенг қатламларининг ичкор ҳаёти ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаб этиш ва уни ҳимоя қилиш учун кураш олиб бориш имконини бермаган.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, айрим мамлакатлар ва минтақаларда олиб борилган жангу жадаллар, босқинчилик урушлари натижасида фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ваҳшийларча тоғтаб келинган. Бундай мисолларни Ўрта Осиёда яшаган халқлар ва миллатлар ҳаётидан ҳам кўплаб қелтириш мумкин. Биргина мўғиллар босқини даврида Ўрта Осиёда яшаган халқларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қанчалик тоғталганлигини оддий сўз билан ифодалаш кийин. Масалан, мўғиллар 1220 йилда Бухорони босиб олиб 30 мингдан ошиқ бухороликнинг ёстигини қуритганлар, аҳолининг қолган қисмини қулларга айлантириб, кўпчилигини ўzlари ишғол қилган бошқа ерларга ҳайдаб кетганлар. Дин пешволари, олиму фузалоларни таҳқирлаганлар, Бухоро шаҳрига ўт қўйилган. Бундай шароитда инсон ҳуқуқлари ёки уни ҳимоя қилиш тўғрисида ган ҳам бўлиши мумкин эмасди.

Лекин мавжуд сиёсий тузумлар шароитида ҳам сомонийлар, темурийлар, бобурийлар даврида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида таълайгина тадбирлар амалга оширилганлигини айтиш жоиз. Масалан, Ўрта Осиёда

сомонийлар ҳукмронлиги даврида ахолининг ҳунармандчиллик, деҳқончилик, чорвачилик, илм-фан билан шугулланувчи қисмига қулай шароитлар яратишга ҳаракат қилинган. Савдо-сотиқ ишлари авж олиб, бу иш билан шугулланувчилар давлатг томонидан муҳофаза этилган. Савдо карвоиларини қўриқлааб борувчи соқчилар тайинланган. Даълатни бошқаришида марказ билан жойлар ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Бу ва шунга ўнига тадбирлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишида ўни даврниг барча ҳукмдорлари учун ибрат намунаси бўлган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишида ва уларга берилган ҳуқуқларидан фойдаланишида соҳибқирон Амир Темур амалга оширган ишлар диққатта сазовордир. Соҳибқиронининг бутун ҳаёти ва кураши инсонни қадрлаш, унинг яхни ҳаёт кечирипни учун қулай шарт-шароитларни яратиб берин билан чамбарчас боғлиқдир. Амир Темур ўзининг “Темур тузуклари”да мамлакат фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилишининг зарурлигини қайта-қайта таъкидлаган. Инсонининг меҳнат қилиши ҳуқуқи асарла қўйидагича таърифлаб берилади: “Агар касбу ҳунар ва маърифат аҳилларидан бўлса, бундайларга салтанат корхоналаридан юмуш берилсин. Булардан бошқа, билагида кучи бор фақр-мискинлар эса, ўз аҳволи ва касби-корига қараб иш тутсингилар” (“Темур тузуклари” Т., Г. Гулом номидаги пашриёт, 1991, 67-бет).

Амир Темур инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишида энг кўн куч-гайрат сарфлаган етук сиймолардан бири эди. У ҳукмронлик қилган даврда инсон ҳуқуқларини камситишга қаратилган ҳар қандай урининиларга чек қўйилган ва бундай урининиларниг раҳнамолари ҳамда интирокчилари қаттиқ жазоланган. “Яна буюрдимки, — деб ёзади соҳибқирон — агар (ҳар ер ва элнинг) амалдорлари ва қалонтарлари оддий фуқароларга жабрзулм қиласа ва шу орқали бечораларга заарар етказсан бўлса (бундай вақтларда) етказилган заарарни қалонтарлардан упдириб, жабр кўрганларга берсин, токи улар яна ўз ҳолларига келсинплар” (“Темур тузуклари”, 99-бет).

Ҳар қандай жабр-зулм инсон ҳуқуқларини ноймол қиласи. Жумладан, меҳнат қилишига мажбур этиш, қийноққа солиш, мол-мулкига, шахсий ҳаётига заарар етказиш ва шу кабиллар. Улуғ соҳибқирон инсон шаънига номуносиб бўлган ана шундай хатти-ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмасликнинг моҳиятини тўғри тушунган ва шунинг учун ҳам мамлакат фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида қаттий кураш олиб борган.

Амир Темурнинг инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги ғояла-ри унинг давлатни идора қилишдаги ўзи асослаган қои-даларда жуда аниқ баён этилган. Бу қоидалар қонун ку-чига эга бўлиб, уларда инсон ҳуқуқлари масаласига кенг ўрий берилган. Соҳибқироннинг адолат билан иш кўри-ши, гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат қили-ши, раиятнинг аҳволидан доимо хабардор бўлиб турини, давлат ишларини салтанат қонуларига асосланган ҳолда бошқарини ва бошқа шувлар сингари хайрли ишлари унинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилингана қанчалик катта аҳамият берганлигидан даракдир.

Амир Темур инсоннинг Қадр-қиммати ва ҳуқуқлари-ни қадрланаи ва ҳимоя қиласи узув зотлардан бирилir. У марказланган қудратли мамлакатни бошқарар экан, ўз амиру бекларидан, давлат хизматчиларидан фуқаролар-нинг ҳолидан хабар олиб туриши, уларнинг шахсий ва ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қилинни қаттиқ тајлаб қилган.

Соҳибқирон ўз ҳукмдорлигиппинг барча давларидан адолат ва инсоф билан иш кўрган, гуноҳкорга ҳам, бегу-ноҳга ҳам адолат, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқарган, ўзининг хайр-эҳсон ишлари билан одамлар кўнглидан жой олган. Золимлардан мазъумлар ҳаққини улдириб берган. Унинг ёзишича, золимлар етказган аниёвий ва жисмоний заарлар исботланганидан кейин, уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қиласи. Натижада айбезиз кишига жабр-зуум ўтказилмаган.

Буюк алломалар Форобий, Иби Сино, Берунийлар ҳам инсон ҳуқуқлари масаласини четлаб ўтмаганлар. Сомонийлар даврида амалда бўлган тартиб қоидалар, ўса даврнинг ижтимоий-сиёсий тузуми бу муғафакирларнинг дунёқаранинга кучли таъсир кўрсатган. Улар ўз асарларида бу даврга баҳо бериш билан бирга қимматли ғояларни илгари сурғанилар, инсон ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида ҳам ўз фикрларини ёзib қолдирганилар. Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарida одамларнинг мазъум бир касб-хунар билан шуғулланини, улар ҳар қандай таъқиб ва чекланилардан холи бўлиши, эркин ва озод яшани ҳақида ёзди.

Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” жамоаси ҳақи-даги таълимоти, унинг комил инсон ҳақидаги фикрлари билан боғланшиб кетган. Комил инсон жамиятнинг тенг ҳуқуқли, эркин фуқароси бўлиши лозимлиги, жамоа унинг ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, кишиларнинг тинч

ва осойишига ҳаёт кечиришлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни таъминлаб берини ҳақидаги фикрлар асарининг асосий мазмунини ташкил этади. Гарчи, бу масала ҳаёлий тарзда тасвиirlантган бўлса-да, бироқ унда инсонга замхўрлик қилиш, унинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилиш зарурлиги ғоялари илгари сурилганлигининг ўзи муҳим аҳамиятга эгадир.

Форобий сингари Иби Сино ҳам инсон ва унинг жамиятда эгалланни лозим бўлган ўрнига катта эътибор билан қараган. Ажноманинг инсон ва унинг хуқуқлари тўғрисидаги қарашлари амалий фалсафага доир таълимотида асослаб берилган.

Иби Сино фанларнинг таснифини бериб, фалсафани икки: назарий ва амалий қисмларга ажратади. Ўз навбатида, фалсафанинг амалий қисмини ҳам учга бўлиб, шулардан иккитасида инсон тўғрисидаги илмлар ҳақида сўз юритади: а) инсон ҳақидаги илм; б) инсоннинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги илм. “Рисолату тадбири манзил” асарида Иби Сино инсоннинг шахсий талаблари, уларни қондириш усуллари, инсоннинг жамиятдаги тутган ўрии ва вазифалари билан боғлиқ масалалар тўғрисида фикр юритади. У инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қиласидиган қонунилар зарурлигини ва қонунишунослар уларга бажарилиши шарт бўлган мажбурият тусини беришлари лозимлигини айтади.

Иби Сино факат ўтмишида эмас, балки ўзи яшаган даврда ҳам жамиятда мавжуд бўлиб келган тенгизлиқ, адолатсизликларни қоралайди, норозилик билдиради. У ҳукмдорлар, амиру бекларни инсоф ва адолатга чақирав экан, бунда биринчи ўринга инсонни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини қўяди. Оллоҳ олдида барчанинг тенг эканлигини таъкидлаб, Иби Сило ҳар қандай жамият, давлат адолатни ҳимоя этувчи ҳуқуқий қонунилар асосида идора этилишини талаб қиласди.

У “Ипорат ва ташибат” асарида инсоннинг шахсий талаблари орасида унинг меҳнат қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш, шахсий даҳисизлиги, дипий эътиқоди сингари ҳуқуқлари, тўғрисидаги фикрларни баён қиласан.

Атоқли қомусчи олим Абу Райҳон Беруний ғоялари-нинг асосида ҳам инсон муаммоси, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ масалалар ётади. Беруний 150 тадаи ошиқ асар ёзган бўлиб, буларнинг кўпчилигига инсон ва жамиятга доир масалаларни таҳдил қиласан.

“Маъсуд қонуни”, “Ҳиндиштон”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” сингари машҳур асарларида инсоннинг ижтимоий мөхиятига доир масалаларга кенг ўрин берган. Берунийнинг бу борадаги ғоялари, энг аввало, унинг жамиятдаги ижтимоий тенгсизликнинг сабабларици очиб беринига қаратилғанлиги билан ажралиб туради.

Беруний ижтимоий тенгсизликнинг асосий сабабларидан бири жамиятда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга старлии эътибор берилмаслигидан эканлигини тушуниб етади ва ҳукмдорларни адолатли бўлинига чақиради.

Ижтимоий тенгсизлик ғояси Беруний қарашларида инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари ғояси билан боғлиқ равишда асослаб берилади. Бунда инсоннинг шахсий ҳуқуқ-эркинликларга эта эканлиги унинг жамият ҳаётининг иқтисодий-сиёсий ва маданий соҳаларида тенг ҳуқуқлилик асосида фаолият кўрсатиш зарурлиги назарда тутилади.

Ҳар бир кишининг меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши ғояси Беруний қарашларида муҳим ўрин эгаллайди. “— Инсоннинг энг асосий бурчи ва вазифаси,— дейди олим, — унинг меҳнат қилиш имкониятларига эга бўлиши билан белгиланади”. Беруний киши ўзининг ҳар қандай хоҳишистагига меҳнат қилиш орқали эришишини таъкидлаб, бунинг учун инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи жамиятда таъминланган бўлиши зарур, деган хуносага келади.

Инсон ҳуқуқлари ғояси Улутбек, Навоий, Бобир Мирзо сингари Шарқининг буюк мутафаккир олимлари, давлат ва жамоат арబлари қарашларида ҳам ўз аксини топган. Бу сиймолар турли давр ва шароитларда яшаган бўлишларига қарамай, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва роли масалаларига алоҳида эътибор берганлар. Уларнинг ҳар учаласи ҳам давлат ишлари билан машғул бўлганлари учун, давлат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни, инсон ва жамиятга доир масалаларни ўзлари яшаган даврларнинг аниқ шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ифодалаб беринига ҳаракат қилгандар.

Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” асарида шоҳ Искандарнинг мамлакатда амалга оширган адолатли тадбирлари орасида инсонга ғамхўрлик, унинг шаъни, қадркиммати, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чора-тадбирлари масаласи муҳим ўрин эгаллаган бўлса, “Вақифия” асарида турли табақага мансуб кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳар бир инсоннинг ҳалол меҳнат билан шугулланиши зарурлиги ғояси илгари сурилади.

Унинг ёзишича, меҳнат аҳлини улугланаш ҳар бир ҳукмдорнинг муқаддас бурчи бўлмоги керак.

Юқорида помлари тилга олинган алломаларнинг асарларида инсон меҳнатини улугланаш билан бирга, ҳар бир кинининг меҳнат қилиши, ҳордиқ чикариши, бола тарбияси билан шуғулланиши, уй-жойли бўлиши сингари ҳақ-хуқуқлари тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар берилган.

## 2. ИСЛОМ ТАЪЛИМОТЛАРИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ФОЯСИ

Инсон ҳуқуқлари масаласи ислом таълимоти ва унинг яратувчилари фаолиятига муҳим ўрин эгаллайди. Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларда инсон қадр-қиммати, ҳақ-хуқуқлари масалаларига кенг ўрин берилган. Унда инсоннинг шахсий, ижтимоий ҳуқуқлари шариат қонуникоидалари асосида баён қилинган.

Имом Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Абулқосим Замаҳшарий сингари ҳадис ва тасаввуф илмининг етук намояндайлари инсон ҳуқуқлари ва унинг ижтимоий моҳиятини Қуръони Қарим ва Ҳадиси Шарифларда қўйилган ислом ҳамда шариат талаблари асосида кўрсатиб беришга ҳаракат қилганилар. Исломнинг бу муқаддас манбаларида инсоннинг тақдирни ва ҳаёти Оллоҳ номи билан боғлиқ ҳолда ифодалаб берилади. Бунда ер юзидаги барча инсонларнинг Оллоҳ олдидағи тенглиги фояси, ҳар бир инсонга Оллоҳ томонидан берилган неъматлардан уларнинг баравар фойдаланиши зарурлиги фояси билан чамбарчас боғланиб кетганини кўрамиз.

Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларда инсоннинг Оллоҳ ва шариатдаги ҳақ-хуқуқлари инсон фойдаланиши зарур бўлган алоҳида-алоҳида ҳуқуқлар мисолида кўрсатиб берилган. Масалан, “Қуръони Карим”нинг “Бақара сураси”даги 223, 228-229, 230-оятларида эркак ва аёлнинг никоҳга кириши ёки никоҳдан чиқиши ҳуқуқи, “Ол-и имрон сураси”нинг 20-оятида ислом динига эътиқод қилиш ҳуқуқи ва инсоннинг бошқа ҳуқуқлари шариат талаблари асосида баён қилинган.

Инсон ҳуқуқларини шариат талаблари асосида кўрсатиб беришга доир бундай ёндашиб ҳадисларда ҳам ўзининг аниқ ифодасини топган. Ҳар бир ҳадисда жамият ҳаётининг алоҳида бир масаласига доир талаблар илгари сурилтанилиги учун ҳам, уларда инсоннинг хилма-хил ҳақ-хуқуқлари уларнинг алоҳида ҳуқуқлари мисолида баёни

қилиб берилади. Масалан, Имом Бухорийнинг “Ал-адаб, ал-муфрад” (Адаб дурдоналари) асарида ота-она ҳақини адо қилиш, фарзанднинг ота-онаси олдидағи ва ота-она-ниң фарзанди олдидағи ҳақ-хуқуқлари, зиёрат қилиш, турар жойга эга бўлиш ва бошқа шулар сингари ҳақ-хуқуқларининг ҳар бири алоҳида ҳадисларда берилганки, бундай ҳолни ҳадислар тўғрисида ёзилган ҳар бир асарда учратини мумкин.

Турли масалалардаги сингари, инсон ҳуқуқлари масаласига доир ҳадисларда ҳам инсон ҳуқуқлари масаласи унинг ҳақ-хуқуқлари мисолида берилади. Бунда инсоннинг киминингдир олдидағи ҳақи (Оллоҳнинг, унинг расули Мұхаммад Пайғамбарнинг ёки жамиятнинг) унинг ҳуқуқи эканлигини ҳам англаатади.

Масалан, борди-ю, бир киши иккинчи бир кишидан бирор нарса билан қарздор бўлиб қолган бўлса, бу қарзни қайтариб олиш шариатда иккинчи кишининг ҳуқуқи ҳисобланади ва шу иккинчи киши ўзининг қарзини қайтариб олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин бўлади. Қарз олган кишининг уни қайтариб бериши эса унинг ҳуқуқи ҳисобланмайди. Шунга кўра исломда ва унинг манбаларидан инсоннинг ҳуқуқлари унинг ҳақи мисолида берилганлигини кўрамиз. Жумладан, Имом Бухорий фарзандлар ота-оналарини рози қилиш ҳуқуқига эга эканлигини қўйидаги бир ҳадисда шундай баён қиласи: “Ким ота-онасини рози қиласа, унга тубо (жаннат) насиб бўлиб, Оллоҳ Таоло унинг умрини ҳам зиёда қиласи” (Имом Ислом ал-Бухорий, Ал-адаб ал-Муфрад (Адаб дурдоналари). Т., Ўзбекистон, 1990, 20-бет). Бунда фарзанднинг ота-онасини рози қилишини кераклиги Оллоҳ номи билан ҳар бир инсоннинг у фойдаланиши мумкин бўлган ҳуқуқи эканлиги назарда тутилган.

Инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилиш масаласи Ат-Термизий қарашларидан ҳам ўзининг чукур ифодасини топганлигини кўрамиз. Ул зот тўйлаган кўпичилик ҳадисларда ҳамда Мұхаммад Пайғамбарнинг сийратлари мадҳ этилган асарларида жаноб Расулуллоҳнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қилган амаллари ва йўл-йўриклири тўғрисида қимматли фикрлар баён қиласиади. Чунончи, Ат-Термизий томонидан ёзилган “Ан-шамой-ил ан-набавийа” (Пайғамбарнинг алоҳида фазилатлари) асарида Расулуллоҳнинг инсон ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасидаги амалларида бири қўйидагича татрифлаб берилади: “Мұхаммад Пайғамбаримиз ...қачон бир киши-

нинг ҳақига тажовуз қилинса, ул ҳолда ғазабларини ҳеч бир нарса босолмас эрди. Аидин интиқом олмай қўймас эрдилар” (*Абу Иса ат-Термизий. Ал-Шамойил ан-набавийя. Т., Чўлпон, 1993, 61-бет*). Имом Бухорий, Ат-Термизий ва бошқа кўплаб ҳадис илмининг фидойилари инсон, унинг шаъни, обрў ва мартабаси муқаддас эканлигини, унинг ҳақ-хуқуқлари Оллоҳ таоло ва унинг расули Мұхаммад Пайғамбар томонидан шариат йўли билан ҳимоя қилиниши зарурлиги ҳақида таълим берганлар. Бу муттафаккирларнинг ҳар бири ўзларининг бутун ҳаётини ҳадис илмини ўрганишга бағищлаш билан бирга, мўмин-мусулмонларни бирорвга зулм ўтказмасликка, бирорнинг ҳаққини емасликка, бирорнинг ҳақ-хуқуқлари поймол этилишига йўл қўймасликка улдаб келдилар.

Ҳадиси Шарифларда инсоннинг қадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик, унинг шаъни ва обрўсига тажовуз қилмаслик, ҳар кимнинг сир сақлаши, эркин фикр юригиши, эркин сўзлашиши сингари шахсий ҳуқуқлари билан бирга, унинг мулкка эга бўлиши, турар жойли бўлиши ва унинг даҳлесизлиги сингари турли хилдаги ижтимоий ҳуқуқлари ҳам шариат талабларига ва қонунларига мувофиқ тарзда ҳимоя қилиниши зарурлиги ўз ифодасини тонган.

Масалан, инсоннинг сир сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигини Имом Бухорий, Мұхаммад Пайғамбарнинг хотинлари Ойиша она қизлари Фотимадан “жаноб Расулуллоҳ санга қандай сир айтдилар?” деб сўраганларида Фотима” ўз оналарига оталари айтган гапни ошкор қиласликларини айтдилар” деган ҳадисни келтиради (*Ибн Исмош Ал-Бухорий. Ал-Жомий ас-Сахих. Т., Қомуслар боштахририяти, 1992, 159-бет*).

Имом Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Мавразий, Ал-Баракатий, Ал-Насафий ва бошқа кўплаб ҳадиснавис алломалар тўплаган ҳадисларда ҳам инсоннинг ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилинишинг зарурлиги билан боғлиқ масалалар ҳақида муҳим маълумотлар келтирилади. Инсон ҳуқуқлари масаласининг ҳадисларда берилиши бежиз эмас. Чунки ислом динида инсоннинг шаъни, қадр-қиммати юксак даражага кўтарилиган бўлиб, уни таҳқирлашга қаратилган ҳар қандай уринини қораланади. Исломда барча мўмин-мусулмонлар Оллоҳнинг бандалари эканлиги ва улар Оллоҳ таоло олдида тенг ҳуқуққа эга эканлиги, Оллоҳ таоло ўз бандаларини уларнинг қилмишларига яраша

химоя қилиб туриши түгрисида мұхим ғоялар илгари суралади.

Исломда Оллоқ таоло ҳар бир мұміннинг ҳақ-хуқуқини камситмаслик ва уни ошириб ҳам юбормасликни буориши ҳақида мұхим маңымотлар берилади. Уламоларнинг таъбирига қараганда, исломда инсоннинг ҳақ-хуқуқлари ўнта бўлиб, улар: 1. Оллоқ таолонинг ҳақ-хуқуқлари; 2. Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳақ-хуқуқлари; 3. Ота-онанинг ҳақ-хуқуқлари; 4. Фарзандларнинг ота-оналардаги ҳақ-хуқуқлари; 5. Қариндош-уругларнинг ҳақ-хуқуқлари; 6. Эр-хотиннинг ҳақ-хуқуқлари; 7. Ҳокимият ва раиятийнинг ҳақ-хуқуқлари; 8. Қўшиининг ҳақ-хуқуқлари; 9. Мусулмонларнинг ҳақ-хуқуқлари; 10. Гайридин халқларнинг ҳақ-хуқуқларидан иборат.

Бу ҳақ-хуқуқларда инсоннинг жамиятдаги ҳуқуқ ва бурчлари ислом ва шариат қонун-қоидалари асосида кўрсатиб берилади, улардан фойдаланишида ҳар бир инсон тўла эркинликка эгалид. Бундай эркинлик инсонларга Оллоқ таоло томонидан берилган бўлиб, уни таҳқирланға қаратилган ҳар қандай уриниш инсон ҳуқуқларини камситишдан бошқа нарса эмас.

Ислом уламолари томонидан тасниф қилинган ҳақ-хуқуқлар орасида энг муқалласи — бу Оллоқ таолонинг ҳақ-хуқуқларидир. Оллоқ таоло инсонларнинг тиич ва осойиншада ҳаёт кечиришилари, уларнинг ўзига ва бир-бirlарига яхни муносабатда бўлишилари ва ҳеч кимнинг ҳақ-хуқуқини камситиш мумкин эмаслигини Куръони Карим оятлари орқали нозил қилган.

Мусулмончилик ҳақ-хуқуқлари орасида Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳақ-хуқуқлари ҳам энг олий ҳақ-хуқуқ ҳисобланади. Чунки пайғамбаримизнинг барча амаллари ва панд-насиҳатлари, ул зотининг йўриқлари инсоннинг ҳақ-хуқуқини ҳурмат қилиш ва уни камситишга йўл қўймасликтан иборат.

Инсон ҳуқуқлари масаласи исломда шуҳрат қозонган тасаввух илмининг асосини ташкил этади. Илмнинг бутури Шарқда кенг тарқалган бўлиб, Ўрта Осиёда унинг вужудга келини ва ривожланишига Аҳмад Яссавий, Абдуҳолиқ Фиждуоний, Баҳоуддин Нақибанд, Ҳожа Аҳрор сингари буюк сиймолар катта ҳисса қўшидилар. Уларнинг таълимоти исломда тариқат (Тариқат — исломда йўл-йўриқ, йўналини деган маъноларни англатади) деб аталаб, бу тариқатларда фалсафий, диний-ахлоқий, ҳуқуқий масалалар түгрисида мұхим ғоялар илгари суралади. Бу

тариқатлардаги ғоялар узоқ йиллардан буён инсоннинг жамиятдаги ўз ҳақ-хуқуқларини аңглаб олиниларида ва уни ҳимоя қилинишларида мухим аҳамият қасб этиб келмоқда.

Ясавий, Гиждувоний, Нақибандий тариқатларида инсоннинг шахсий ва ижтимоий ҳуқуқлари масаласи инсоннинг Оллоҳ таоло ва унинг расули Мұхаммад алайхиссалом олдиғати тәнглиги мисолида баён қилинади. Ислом тариқатларыда ҳар бир кишининг динге әтиқод қилиниши, унинг фойдалы мәхнат билан шүгүлланиши, илм олини, айбез жазоланмаслиги, қыйноққа солинмаслиги сингари масалалар бўйича илгари сурилган ғоялар мухим аҳамиятта әгадир.

Алишер Навоий ўзининг “Насойим” асарида мўмин-мусулмонларнинг динге әтиқод қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида Нақибандий тариқатида берилган фикрларга юқори баҳо беради. Унинг ёзинича, Баҳоуддин Нақибанд ислом шариатига ва унинг талабларига риоя қилини ихтиёрий эканлигини қайл қиласи ва бу талабларнинг ижросида инсоннинг қадр-қиммати камситилининг йўл қўйиб бўлмаслиги зарурлигини таъкидлайди (Қаранг. *Иби Исмоил ал-Бухорий*. Ал-Жомиъ ас-саҳих (“Инсончли тўплам”). Т., Қомуслар бош таҳририяти, 1992. 156-бет).

Тасаввуф илмидан бир қанча йўналишлар бўлиб, уларнинг исломда бирмуича кенг тарқалган йўналишларидан бири бу Нақибандия тариқатидир. Унда илгари сурилган “дил ба ёру даст ба кор” (дил Оллоҳда, қўл ишда) мавзусидаги гоя инсоннинг мәхнат қилинига ундан билан бирга, унинг мәхнат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини ҳам билдиради. Ҳақиқатдан ҳам Нақибандия таълимотига амал қилган кишилар ҳалол мәхнат билан кун кечириши, Оллоҳнинг марҳаматларидан баҳрамаид бўлинин, ўз оиласини обод қилини, савдо-сотиқ билан шүгүлланиши ва бошқа шувлар сингари шахсий ва ижтимоий ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳаракат қилганилар.

Тасаввуф илмидан мусулмонлик ҳақ-хуқуқларига доир масалалар ўзининг чуқур ифодасини тоғган. Оллоҳ олдида барчанинг тәнглиги гояси тасаввуф илмининг асосини ташкил қилганилиги учун ҳам унда Оллоҳ таоло ва унинг расули Мұхаммад алайхиссаломнинг ҳақ-хуқуқлари жуда кенг ва чуқур ифодалаб берилган.

Аҳмад Ясавийининг “Ҳикматлар”, Абдуҳолиқ Гиждувонийнинг “Васиятнома”, Имом Газзолийининг “Охират-

нома" асарларида инсон зоти Оллоҳ буюрган амалларни бажарин билан унинг олдидағи ўз ҳақини адо этини, Оллоҳ ва унинг Пайғамбари Мұхаммад алайхиссаломнинг ииобати билан берилған шариат ҳуқуқларидан фойдаланни үзүйді. Шунингде, үларниң асарларида ота-оналарниң, фарзандларниң, қариндош-уругеларниң, әр үзинең, давлат раҳбарлари ва раиятнинг, құпшыларниң ҳақ-ҳуқуқлари үзининг аниқ ифодасини тоғған.

Инсоннинг әркін бұлшыны ғояси тасаввуф илмининг асосини ташкил этади. Чунки тасаввуфда инсоннинг ҳатты-харакатлари, унинг жамиятдаги мавқесі қандай бұлшыны мүмкінліги Оллоҳ таолонинг иродасига боғлиқ әкаптегі билан асослаб берилади. Ҳар бир инсоннинг Оллоҳ таоло висолига етиши ғояси тасаввуф илміда унит инсонға хос бўлған ҳақ-ҳуқуқларидан бири сифатида қаралади. Бу ҳуқук исломда шариат талабларига асосланған бўлиб, унга тұсқынлық қилин Оллоҳ таолога шак келтириш билан баробардир. Шунинг учун ҳам тасаввуф илмининг намояндалари үзларининг асарларида мусулмонлардың ҳақ-ҳуқуқлари орасыда инсоннинг Оллоҳ таолога иймон келтириши зарурлигини таъкидулайдилар.

Тасаввуф илмининг стук намояндаларида бири Ахмад Яссавий үзининг "Ҳикматлар" асарида ҳар бир инсон Оллоҳ таолонинг висолига етиш ҳуқуқига эга әкаптегіни күнилаб ҳаёттій мисоллар асосида туындырылға қаралат қылған. Шунинг билан бирга Яссавийнинг тасаввуф илмидеги қараштари унит ҳар бир инсоннинг кийим-кечакка, үй-жойға эга бўлыш сингары ҳуқуқларга эга әкаптегі ғояси билан ҳам чамбарчас боғланыб кетган. Инсонга зулм қылмаслик, тазийекқа дучор этмаслик, шахсий ҳаётига аралашмаслик сингары инсонпарварлық ғоялари Яссавий ҳикматларида үзининг чуқур ифодасини тоғған.

Шарқ оламида манхұр бўлған "Фикҳ" илми инсон ҳуқуқлари ва үларни ҳимоя қилишини шариат қонуулары асосида ёритиб беринедеги асосий манбалардан бири ҳисобланади. Фикҳ илми Үрта асрларда шарқ мамлакатларидан шариат мөъсрлари ва тартиб-қоидаларини қонуний йўл билан тартибга солиб турған зарурияти асосида вужудга келган.

Фикҳ илми ислом оламида жуда кенг тарқалған бўлиб, унинг ижодкорлари Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифлар, Ижмо ҳамда Қиёсдаги ҳуқуқий кўрсатмалар, йўл-йўриқ-

лар, қонун-қоидаларни ўрганиш ва уларнинг моҳиятини очиб берини билан шугуулганганлар. Улар ислом ва унинг Қоидаларини мукаммал ўргангандар, бу қоидалар орасида ҳуқуқшуносликка оидларини ташлаб олганлар ва тартибга келтирганлар. Бу иш билан шугуулганган мутафаккирлар турли даврларда ва турли хил шароитларда яшаганлар. Бу ҳол, шубҳасиз, уларнинг масалага турлича ёндошишларига сабаб бўлган. Уларнинг айримлари бошқаларининг ишларидан хабардор бўлганлари ҳолда, баъзилари эса мутлақо бехабар ҳолда иш олиб борганилар. Шу боис ислом оламида фикҳ илми билан шугуулсанувчи кўплиаб мазҳаблар юзага келган. Бу мазҳаблар унинг асосчилари номи билан аталиб келинган. Фикиҳи Ҳанифий, Фикиҳи Моликий, Фикиҳи Шофий, Фикиҳи Ҳанбалий сингари мазҳаблар булаарнинг ёнг асосийлари бўлган. Ислом ҳуқуқшунослиги қонун-қоидалари, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифларда берилган таълимотларга асосланганлиги учун ҳам бу мазҳабларда ҳуқуқий масалаларни таҳдил қилишга ёнданишларда умумий, ўхшаш томонлар кўп бўлган.

Ислом оламида фикҳ илми қозилар, миришаблар ва кўплиаб ҳукмдорлар учун дастуриламал вазифасини бажарган. Улар жиноят ва жазони тасниф қилинди, айборларни жазолашиб ва бегуноҳларни афв этишда фикҳ илми ва унинг турли мазҳаблари томонидан яратилган китоблардан кенг фойдаланганлар.

Шарқда фикҳ илмининг яратилиши ва унинг ривожига Абу Ҳаниф, имом Молик, Муҳаммад Ибн Идрис Шағоий, Имом Аҳмад иби Ҳанбал сингари ҳуқуқшунослар катта ҳисса қўшганлар. Булаарнинг ҳар бир исломни, унинг қоидаларини, ислом шариатида амалда бўлган ҳуқуқий масалаларни ва бу ҳақда мавжуд бўлган таълимотларни жуда яхши билганлар. Улар Шарқ оламида ўзига хос мактаб яратиб, бунда шариатда амалда бўлган қонун-қоидаларни ҳуқуқий жиҳатдан асослаб беринига ҳаракат қилинганлар. Уларнинг бу соҳада қилинган буюк ишлари, яратган асарларидан мусулмон мамлакатларидаги қозилар ва ҳуқуқнинг бониқа ҳимоячилари ҳозирги кунгача ҳам фойдаланиб келмоқдалар.

Инсон ҳуқуқлари ва уларга амал қилишининг йўллари, шарт-шароитларини кўрсатиб беринига доир Шарқ мутафаккир олимлари, давлат ва жамоат арбоблари томонидан яратилган таълимотлар ўз даври учун қанчалик мухим аҳамиятта эга бўлса, улар ўзининг аҳамиятини бизнинг давримизда ҳам йўқотани ишёндайди. Бу таълимотлар ҳозирги кунда

бизниг мамлакатимизда инсонпарвар, демократик жамият қуриш шароитида янада чуқур маъно касб этмоқда. Буниинг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан жуда аниқ таърифлаб берилган: “Буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни эгаллашда Ал-Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Ҳоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Ҳожа Баҳоуддин Нақибанд, Алишер Навоий, Бобир Мирзо каби боболари-мизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қиласи, ҳалқимизнинг кучига-куч, гайратига-ғайрат, ишончига-ишонч қўшади” (И. А. Каримов. Истиқлол ва маънавият. Т., Ўзбекистон, 1994, 97-бет).

#### IV БОБ

### ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МИЛЛИЙ ИНСТИТУТЛАРИ

Инсон ҳуқуқлари масаласига ҳалқаро муносабатларда ҳам тобора кенг аҳамият берилмоқда. Инсон ҳуқуқлари-ни ҳимоя этишига қаратилган қўпилаб декларация, хартия ва битимлар қабул қилинган бўлиб, уларда инсон ва унинг ҳақ-ҳуқуқларини қандай қилиб ҳимоя қилиш қоидалари, меъсрлари мустаҳкамланган. Тоталитар тузум ҳукмронлик қилган йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига тегисили бўлган ҳалқаро ҳужжатлар ҳақида деярли ҳеч нарса дейилмас эди.

#### 1. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ ИНСТИТУТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қурилишига ўтиш муносабати билан, биринчи нафбатда инсон ҳуқуқи масаласига алоҳида эътибор берилиб, бу масала омма орасида кенг кўламда ўрганила бошлианди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг устунлигидан келиб чиқалиган ҳалқаро миқёсда қабул қилинган яғи юридик тамойил вужудга келтирилганлигини ва унинг аҳамиятини алоҳида қайд қилган эди. Бугунги қонуиларимиз ана шу тамойил, ривожланган мамлакатлар тажрибалари асосида ҳалқаро ҳуқуқ қоидалари талабига жавоб берадиган даражада қабул қилинмоқда. Шунинг учун ҳам

бугунги күнде иисон ҳуқуқлари мөсьёрларининг найдо бўлиши ва ривожланиши тарихини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иисон ҳуқуқлари умумбашарий аҳамиятта молик ма-сала эканлигини асослашга доир ҳужжатлар дастлаб АҚШ Мустақиллик Декларацияси (1776 йил) ва Франция Иисон ва фуқаролик Ҳуқуқлари Декларацияси (1789 йил)да ўзининг аниқ ифодасини топган. Бу декларацияларда иисоннинг эркин фикр юритиши, виждан эркинлиги, ихтиёрий равиида тинч йигилишларда, уюшмаларда, давлат ишларида иштирок этиши ва шахста писбатан зўрлик қилиш, тазыйиқлар ўтказилишини ман этиш каби ҳуқуқлар дунёда биринчи марта давлат сиёсати даражасида ошкора ёълон қилинди.

Иисон ҳуқуқларига доир қонуилар ва уларнинг мөсьёrlари такомиллашиб, дунёниг кўпчилик мамлакатларида ҳукуматлар томонидан адолатли ижтимоий сиёсат амалга оширила бошланди. Масалан, иисизларга ёрдам кўрсатиш, касалларга, нигиронларга тиббий хизмат кўрсатиш, кўп болали оиласларга ва кексалларга нафақа тайинлаш шулар жумласидандир.

Иисон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилингага доир ишлар Иккинчи жаҳон урушидан кейин кенг қўламда ривож топди. Олмония нацистлари томонидан инсонга қарши олиб борилган қирғин уруши барча тинчликсевар инсонлар томонидан кескин қораланди. Айбор генераллар эса, ҳалқаро суд томонидан жазоландилар. Бу дунёда биринчи бор инсон ҳуқуқларини ноймол қилинларга қарши қонуннинг қўлланилиши эди. Кейинчалик Бирланшган Миллатлар Ташкилоти тузилишининг асосий сабабларидан бири ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ишларнинг яна бир амалдаги натижаси бўлган эди. Бу инида айниқса Иисон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг қабул қилинини муҳим аҳамиятга эга бўлди. Декларация барча давлатларга тегинли бўлган сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқи: яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлизизлик (3-модда), қулчиликни тақиқлаш (4-модда), одил судлов (6-10-модда), сиёсий бошшана ҳуқуқи (14-модда), мулк ҳуқуқи (17-модда), эркин фикрларни ҳуқуқи ва виждан эркинлиги (18-модда) ва бошқа шулар сингари муҳим ҳуқуқларни қатъий қилиб белгилаб қўйди.

Овруно мамлакатларида кейинчалик ҳар бир давлатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир алоҳида миллий институтлар ташкил топди. Улар турли мамлакатлар-

да турлича номланган. Аммо уларнинг олдига қўйган мақсади, вазифаси одамларга ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилинида бегараз ёрдам кўрсатишцир.

Миллий институтлар ишакл жиҳатидан турлича кўришида мавжуд бўлади. Масалан, Омбудсман институти Данияда Парламент томонидан сайланади, Франция ва Ирландияда президент томонидан тайинланади, Нидерландияда эса парламентнинг қўйи налатаси томонидан сайланади, Норвегияда парламент, Португалия, Испания, Швеция, Ўзбекистонда ҳам парламент томонидан сайланади. Бундан ташқари Бельгия, Канада, Дания, Финляндия, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари марказлари ва комиссиялари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ташкил этилиш вақти ва номланиши турлича бўлишига қарамасдан ҳаммасининг олдида ягона бир мақсад — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши туради. Бундай марказ ва комиссиялар ўз давлатлари *парламентлари* доирасида унинг ишига таклиф ва мулоҳазалар тайёрлайдилар.

Демократик ҳуқуқий давлатлар конституциялари ва жорий қонуниларида инсоннинг қадри, ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилишга доир алоҳида боб ва моддалар мавжудидир. Инсон ҳуқуқини таъминлаш, ҳимоя қилиш учун давлатлар ўртасида битимлар, келишувлар, декларациялар амал қилмоқда. Халқаро майдонда БМТ ташкил этилиб унинг муассасалари, институтлари фаолият кўрсатмоқда. Ва, ниҳоят, ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи миллий институтлар ташкил этилган бўлиб, улар мамлакатда инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши муаммоларини ўрганиш билан машгуллирлар.

Инсон ҳуқуқлари миллий институтларининг зарурлиги асосан қўйидагилар билан белгиланади:

**Биринчидан**, тарих шунидан гувоҳлик берадики, қонунларда ҳамма тенг, эркин, озод деб ёзилиши билан амалда ҳамма тенг бўлавермайди. Масалан, сабиқ СССР давлатида ҳамма иттифоқчи республикалар суверен, мустақил ҳамма миллатлар тенг ва озод деб ёзлон қилинганлигига қарамасдан, амалда улар озод эмас эдилар. Ҳатто айрим халқлар, миллатлар ўз Ватанларидан бадарға этилиб, бошқа мингтақаларга сургун қилинган эдилар. Бугун, йигирманчи аср охирида, биз буён бир халқнинг, миллатнинг озодлиги бошқа давлат, миллат томонидан қўпол равишда поймол қилинганилигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Айни пайтда батзи мамлакатларда, ҳукумат томонидан ўз халқининг, фуқаро-

ларининг ҳуқуқлари бузилмоқда. Ана шундай зўравонликларга ва адолатсизликларга қарши кураш учун ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларни таликил этиши шиҳоятда зарурдир.

**Иккичидан**, жамиятда ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам барча фуқаролар учун суд идораларига ўз ҳуқуқ-эркинликларини ҳимоя қилиш учун мурожаат этишдаги имкониятлар бир хил эмас. Мавжуд сансалорликлар, буйруқбозлик ва моддий тўсиқлар айрим шахсларни судларга, давлат идораларига мурожаат этишларига тўсқинлик қиласди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллат институтлари эса, одамларга яқинроқ бўлганилиги сабабли, уларниң бузулған ҳуқуқларини миннатсиз, сансалорликка солмасдан ўз вақтида тиклаш учун беғараз ёрдам кўрсатади.

**Учичидан**, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ваколатлари ҳамда имкониятларининг кенглиги, унда иштирок этаётган кишиларнинг танилган мутахассис-ҳуқуқшунос, сиёsatшунос эканлиги инсон ҳуқуқларини миллий қонуулар мажмуаси билан бирга, халқаро ҳуқуқ соҳасидаги қоидалар, декларациялар, конвенцияларга асосан ҳимоялаш имкониятини беради.

**Тўргинчидан**, миллий институтлар илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, у ёки бу давлатда инсон ҳуқуқлари амалда қай даражада эканлиги тўғрисида давлат идораларига маълумотлар, хабарлар, маърузалар тайёрлайди ёки бундай ишларга кўмаклашади.

**Бешинчидан**, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятининг шаклланиши ҳамда ривожланишида муҳим рол ўйнайди.

. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ишларининг самарали бўлиши, биринчи нафбатда, уларниң мустақил иш юритишларига боғлиқ бўлади. Инсон ҳуқуқи бўйича миллий институтларининг мустақиллиги уларга болиқа давлат идораларидан фарқли ўлароқ кенг жамоатчилик орасига кириб бориш имкониятлариши беради. Бироқ бу имкониятлар уларниң мутлоқ мустақиллигини эмас, балки иисбий мустақиллигини билдиради. Чунки инсон ҳуқуқлари институтлари ҳам бошқа барча давлат ва ноҳукумат ташкилотлар сингари конституция ва қонуулар доирасида ҳаракат қиласди, парламент ёки ижро ҳокимиятига ҳисоб беради, маърузалар тайёрлайди ҳамда молиявий ҳисоб беради. Бу ерда муҳими уларни ҳуқуқий

ва сиёсий жиҳатдан мустақиллитетини таъминланы хусусида доимо ғамхўрлик қилиш керак.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларниң иншарини амалга ошириш омилларидан яна бири — бу ишлайтган мугахассисларга уларниң малакаси, обрў-эътиборларига ва инн услубларига боғлиқ бўлади.

Миллий институтлар ўзлариниң мустаҳкам ишланган ҳуқуқий асосларига эга бўлишлари керак. Юридик меъёрларда ва уларниң низомларида инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларниң фаолиятига тегинли ҳуқуқ ва бурчлар аниқ белгилаб қўйилган бўлиши керак. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, улар жисмоний ва юридик шахсларниң аризаларини қабул қилиш ва шу аризалар асосида тушунтириши ишларини олиб бориш ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Миллий институтлар кўпроқ ҳуқуқга эга бўлишлари керак. Кейинги йилларда Узбекистонда ташкил этилган инсон ҳуқуқларлари бўйича институтлар Латвиядаги инсон ҳуқуқлари бюроси, Австралия ва Хиндистандаги миллий комиссияларниң ҳуқуқлари анча кенгайтирилди. Институт марказ, комиссия ва бюролар ҳамда фуқаролардан тушган аризаларни кўришдан ташқари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятларга инсон ҳуқуқининг бузилиш ҳолларини тутатиш йўлларини кўрсатувчи таклифлар бермоқда. Улар мамлакатда инсон ҳуқуқлариниң бузилмаслиги учун зарур бўлган тадбирий дастурларни ишлаб чиқадилар ва уларни тегишли давлат идораларига тақдим этадилар.

Бундан ташқари, улар жамоатчилик асосида суруштирув ишларини ҳам олиб бормоқдалар. Хусусан, ёш боловлар, уйсиз қолганлар, руҳий касаллар, жисмонан соғлом бўлмаган ногироцлар кўпроқ инсон ҳуқуқларини ҳимоя этувчи миллий институтлар ёрдамига муҳтоҷдирлар.

Албатта, турли давлатларда у ёки бу сабабларга кўра инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларниң фаолиятлари турлича бўлади. Уларниң ҳаммаси бир хилда фаолият кўреатини ёки бирдай ишлашларини талаб қилиш мумкин эмас. Улар фаолиятлариниң турлича бўлини давлатларниң сиёсий тизимиға, мамлакатда олиб борилаётган сиёсатга, иктисадиётга ва бошқа омилларга боғлиқ. Инсон ҳуқуқлариниң ҳимоя қилиниши миллий институтларниң мамлакатда сон жиҳатдан кўплиги билан эмас, балки уларниң инсон ҳуқуқларини ҳимоя қи-

линидаги фаолиятининг амалий натижалари билан белгиланади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш комиссиялари, институтлари ўзларининг мустаҳкам ҳуқуқий асосларига эга бўлишилари керак. Масалан, Ўзбекистонда, Австралияда, Хиндистонда, Латвияда ташкил этилган институтлар ўзларининг пухта ишланган ҳуқуқий асосларига эгадирлар. Улар конкрет қонунлар ва фармонлар асосида ташкил этилган бўлиб, бу қонуиларда уларнинг вазифалари, ҳуқуқлари аниқ қилиб белгилаб қўйилган.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллӣ институтлар фаолиятининг энг муҳим томонларидан яна бири, институт эпикларининг мурожаат қилаётган ҳар бир шахс учун доимо очиқ бўлишилди. Бонқача қилиб айтганда, ҳуқуқи ноймоя этилган шахс учун мурожаат қилиши осон бўлмоғи керак. Бундай институтлар халиққа давлат идораларидан ҳам яқинроқ бўлиши, одамларининг шикоятлари, аризаларини синчилаб ўрганиши ва энг муҳими уларга ёрдам берини лозим.

Миллӣ институтларда ишни шундай ташкил этиш керакки, сансалорлик ҳоллари учрамасин. Уларнинг жойларда ўз вакиллари бўлиб, қишлоқ ва шаҳар аҳолиси билан жуда яқиндан алоқа қилиши зарур. Институтлар фаолиятида почта, телеграф, факс, электрон почталар хизмати имкониятлари ҳам катта аҳамиятга эга.

Собиқ Иттифоқ тарқаб кетганидан кейин ҳозирги МДҲ давлатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам инсон ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилишига катта ётибор берилимоқда. “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқук ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, ётиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар” (Конституция, 18-модда). Конституция Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий, иқтисодий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгилаб берди.

## **2. ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛӢ ИНСТИТУТЛАРНИНГ ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА УЛАРНИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

Кейинги йилларда жаҳондаги қўплаб илғор мамлакатлар сингари мамлакатимизда ҳам инсон ҳуқуқлари масалалари билан шугуулланувчи миллӣ институтлар ташкил тонди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис Вакили

(Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари Миллий Маркази ва Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтига шулар жумласидандир. Уларнинг барчасининг вазифаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашга қаратилган.

Бу институтларнинг ташкил топиншида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг хизматлари катталир. Бинобарий И. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 23 февралда бўйган биринчи мажлисида қилинган матъруасида, Олий Мажлис таркибида инсон ҳуқуқлари масаласи билан шугулланувчи ва ҳозирги кунда амалий фаолият олиб бораётган бу институтни ташкил қилиншига зарурлиги ва аҳамиятини халқ ишонблари эътиборига ҳавола қилиган эди: “Парламентимиз — Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ҳимоя қилиш, уни амалга ошириш, унга кафолат бериш борасидаги таъсири хусусида сўз юритар эканмиз, қатор демократик мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқим, Олий Мажлис таркибида инсон ҳуқуқлари масаласи билан шугулланувчи вакиллик ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўйлар эди, леб ўйлайман. Бу олий қонунчилик органимиз мақомига мос келади, муҳими, у жамиятимизда инсон ҳуқуқлари муаммосини ҳам этишини янги сифат даражасига кўтаришга хизмат қиласи” (И. А. Каримов. “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий таъмойиллари”. Т., “Ўзбекистон”, 1995, 24-бет).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Кенгашининг 1996 йил 3 декабрдаги 322-1-қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг ташкил этилини Президентимиз олиб борган савй-ҳаракатларнинг амалдаги ифодаси бўлди.

Институтининг Низомида белгилаб қўйилган асосий вазифалар қўйилдагилардан иборат:

— амалдаги қонун ҳужжатларини демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро месъёрларга мувофиқлигини ўрганиш;

— Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро месъёрлар ва стандартларга мувофиқлаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқин;

— инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий месъёрларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқин;

— Қонунчиллик ишни механизмини такомиллаптириш ва ҳимоя қилиши бўйича ҳуқуқий татбиқий тажрибани ўрганиш ва умумлантириш, шунингдек амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаптириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

— институтлар ва халқаро ташкилотлар билан Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари мониторинги соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш;

— Қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш, шу жумладан хорижий эксперtlар ва институтларни жалб этган ҳолда экспертизалиар ўтказиш;

— амалдаги қонунларнинг рӯёбга чиқарилиши ва уларнинг ижросини назорат қилиши механизмини такомиллаптириш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

— Қонунчиллик ишлари юзасидан жорий ва истиқболга мўлжалланган режалар ҳамда дастурларга доир таклифлар ишлаб чиқиш.

Юқорида қайд этилган вазифаларни бажарини учун институт:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари билан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари билан ўзаро ҳамкорлик қиласи;

— давлат илмий-техника дастурлари доирасидаги тадқиқотларнинг асосий йўналишларини, институтнинг илмий-тадқиқот ишларини рӯёбга чиқарди;

— қонунчиллик фаолиятининг долзарб муаммоларини илмий тадқиқ этиш соҳасида, шу жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасида Республикадаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари билан, уларнинг идоравий бўйсунувидан қатъи назар ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

— халқаро ташкилотлар, хорижий илмий-тадқиқот, маслаҳат ва ўқув марказлари олимлари ва мутахассислари билан илмий ва амалий алоқалар ўрнатади, алоқаларни ривожлантиради ва мустаҳкамлайди, улар билан ҳамкорлик қиласи, шартномалар тузади;

— халқаро ҳуқуқнинг амалдаги меъёрлари шу жумладан инсон ҳуқуқлари соҳасидаги меъёрлари маълумотларининг базасини шакллантиради;

— республика ва хорижий давлатларнинг олимлари ҳамда мутахассислари интироқида инсон ҳуқуқлари муаммоларига доир аниқ мақсадга қаратилган илмий мунозаралар, конференциялар, симпозиумлар ўтказади;

— халқаро ҳуқуқ месъёрларининг ўрганилиши ва таққосланиши ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги давлатлар аро шартиномаларга Ўзбекистоннинг қўшилиши юзасидан таклифлар тайёрланишини таъминлаиди;

— қонун лойиҳалари юзасидан таклифлар тайёрлайди ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро мажбуриятларга риоя этиши нуқтаи назаридан қонунларининг экспертизасини ўтказади.

## У БОБ

### БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ

#### 1. БМТ ВА ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикасининг БМТга аъзо бўлиши унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида, халқаро майдондаги фаолиятида муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистоннинг БМТдек нуфузли халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиши унинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътиборининг ошишига, халқаро муносабатлардаги фаолиятининг кенгайиб боришига олиб келди.

БМТнинг давлатлар ва халқлар тақдирида, жаҳондаги барча эркпарвар халқлар тақдирида туттган оламшумул тарихий ролини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида қилган маъruzасида қўйидагича жуда аниқ қилиб таърифлаб берган эди: “Бизнинг тасаввуримизда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти барча давлатларнинг, минтақаларнинг, бугун жаҳон ҳамжамиятининг энг муҳим муаммоларини муҳокама қилиш ва ечиш учун тузилган ноёб ташкилотдир. БМТ — бу халқларнинг тинч-тотув яшанига бўлган эзгу иродасининг буюк рамзи, инсоният маънавий тараққиётининг ёрқин нишонасидир.

Туб тарихий ўзгаришлар даврида ҳозирги дунёнинг ўзаро алоқаси бир-бирига боғлиқлиги ортиб бораётганлиги равшан кўриниб турибди. Лйни шу пайтда умуминсоний муаммоларни ўрганиш ва ҳал қилишда жаҳон миқёсидаги сиёсий восита сифатида БМТнинг дунё кўламидаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда” (И.А.Каримов. Биздан озод ва обод ватан қолсан. “Ўзбекистон”, 1994, 139-бет).

Ўзбекистоннинг БМТга аъзо бўлиши мамлакатимизнинг миллий хавфсизлигини сақлашада муҳим аҳамиятта эгадир. Эндиликда Ўзбекистон ўз хавфсизлигини таъминлашнинг

инсончи таяничига эга бўлди. Унинг тинчлиги ва хавфсизлигига қарши бирон-бир куч таҳдид солини ҳоллари рўй берган тақдирда, у БМТга мурожаат қилиши, унинг ёрдами ва қўллаб-қувватлашига ҳақлидир.

Ўзбекистоннинг бу ишуғли ташкилотдаги иштироки фақат мамлакатимиздагина эмас, шунинг билан бирга Марказий Осиёда ҳам тинчлик ва барқарорликни сақлани гаровидир. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов БМТнинг хавфсизлик ва ҳамкорлик соҳасидаги роли ва аҳамиятини кўн марталаб таъкидлаб, бу ташкилот дунёда мустаҳкам ва барқарор тинчликка эришишининг ҳамда инсон ҳуқуқлари ва Эркинликларини ҳимоя қилишининг мустаҳкам таяничи бўла олишига чуқур ишонч билдириб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси БМТга альзо бўлгандан бўён ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг бу ҳалқаро ташкилот билан алоқалари тобора кенг тус олиб бормоқда. Бу алоқаларнинг ривожланишида БМТнинг 1993 йилда мамлакатимизда иш бошлаган ваколатхонасининг аҳамияти каттадир. Ваколатхона ўз ишини бошлаган кунларданоқ, орадан кўп вақт ўтмай, у ўз таркибига БМТнинг Таракқиёт дастури, Қочоқлар иши бўйича ваколатли Олий комиссари, Болалар жамғармаси, Саноат тараққиёти дастури, Наркотикларни назорат қилиш бўйича дастур, Соғлиқни сақлаш ташкилоти, Аҳоли жойлапини жамғармаси каби кўплаб ихтисослашган муассасаларни ўз таркибига бирлаштириб ва улар фаолиятини мувофиқлантириб келмоқда.

Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги тўла тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро ишонч асосига қурилгандир. Мамлакатимизнинг БМТ ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, маданияти тиклани, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олмоқда. Бунда бир томоннинг бошқасига нисбатан имтиёзга эга бўлишига йўл қўйилмайди.

Эндиликда Ўзбекистоннинг БМТ ва унинг ихтиноссланинг ташкилотлари билан икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлиги кенг тус олмоқда. Бу ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва Эркинликларини ҳимоя қилиш ҳам етакчи ўринлардан бирини эталламоқда. БМТ мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида олиб борилаётган ишларга беғараз ёрдам бермоқда. Бу ёрдам БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини қўллаб-

қувватларни дастурига асосланган ҳолда амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда демократиялари жараёнларининг чуқурлашиб бориши мамлакатимизнинг БМТ билан алоқалари ва ҳамкорлигининг янада кенгайиб боришига асос бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси БМТ билан ҳамкорликни ва ўзаро муносабатларни тобора чуқурлаштириши ташаббускори бўлинни билан бирга, бу халқаро ташкилотнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишини таъминлайдиган Қудратли ташкилотта айланисининг тарафдори бўлиб қолмоқда, Бунинг учун БМТ ўз тузилмаларини қайта қуриш соҳасидаги ишларини муваффақиятли ҳал этиши, ўзининг раҳбарлик идоралари ва ихтисослашган муассасалари ишини тубдан қайта қуриш гоясини изчиллик билан амалга олириши лозим. Ўзбекистон Президенти И.Л.Каримов БМТ фаолиятини ҳозирги давр ташаблари асосида қайта қуриш борасидаги ишларини қўллаб-қувватлаб, бу иш "... миллий, минтақавий ва жаҳонгурун мувофиқлаштириш ва бирлантиришда уларнинг аҳамиятини кучайтиришга имоним комил", деб ишонч билдирганилиги бежиз эмас (И.Л.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. "Ўзбекистон", 1995, 64-бет).

## 2. БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ВА УНИНГ ТУЗИЛИЧИ

Бирланшган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) пинг тузилиши инсоният тарихида рўй берган муҳим сиёсий воқеадир. Бу оламигурунумул воқея кейинчалик миллионлаб халқларни тинч ва осойинта ҳаёт кечириши, уларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилапларида муҳим аҳамиятта эга бўлди. Унинг изчил ва қатъий ҳаракатлари натижасида жаҳоннинг айрим мамлакатлари ва минтақаларида рўй берган маҳаллий, фуқаролар урушига барҳам берилди ёки уларга йўл қўйилмади, айрим давлатлар ва халқлар ўртасида келиб чиқсан турли хилдаги можаролар сиёсий йўл билан ҳал этилди, халқаро майдонда рўй берини мумкин бўлган тангликлар, похуш ҳолатларининг олди олиниди. Кейинги йилларда Болқон мамлакатларида, Яқин Шарқда, Африка ва Лотин Америкаси минтақаларидағи ҳарбий ва сиёсий можароларни тинч йўл билан ҳал

қилиништагы ташкилоттинг роли ва аҳамияти бениҳоя катта бўлди. У жаҳондаги кўпчилик мамлакатларга иқтисодий, ижтимоий, маданий ёрдам бермоқда. Инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш бу ташкилот фаолиятининг асосий жиҳатларидан бири бўлиб қолмоқда.

“Бирлашган Миллатлар” деган тушунча биринчи марта Америка Кўшма Штатлари Президенти Франклин Рузвелт таклифига кўра 1942 йил 1 январда Бирлашган Миллатлар Декларациясида қўлланилди. Бунга асосий сабаб, 26 мамлакаттинг ўз ҳукуматлари номидан иккичи жаҳон урушининг бошланишига сабабчи бўлган давлатларга қарши бирлашишига қарор қилиниши бўлди. Бу тушунча кейинчалик Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)да ўзининг тўла ва аниқ ифодасини топди.

1945 йил 25 апрелдан 26 июнгача Америка Кўшма Штатларининг Сан-Франциско шаҳрида 50 та давлат вакиллари иштирокида Бирлашган Миллатларининг конференцияси бўлиб ўғади. Бу конференцияда халқаро ташкилот тузиш ҳақила қарор қабул қилиниди ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми тасдиқланади. Хитой, СССР, Англия ва АҚШ (1944 йил август ойида) давлатлари вакиллари томонидан қабул қилинган лойиҳа мазкур Низомга асос қилиб олинди.

1945 йил 26 июнида БМТning Низоми 50 та мамлакат вакиллари томонидан тасдиқланди. Кейинчалик Польша давлатининг Бу Низомни тасдиқлаши муносабати билан 51 та давлат Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таъсисчилари бўлдилар. БМТ 1945 йилнинг 24 октябрида таъсис этган кўпчилик давлатлар томонидан ратификация қилинган кундан бошлаб юридик кучга эга бўлди, яъни амал қила бошлади. Шундан бўён 24 октябрь ҳар йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ташкил тоғлануви сифатида дунёнинг барча мамлакатларида нишонланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомида унинг асосий мақсади, вазифаси, ҳуқуқ ва бурҷлари аниқ қилиб кўрсатилиган. Бошқача қилиб айтганда, БМТning асосий маңбай, юридик ҳужжати — бу унинг низомидир. У ана шу Низом доирасида ва у берган ваколатлар асосида амал қиласи.

БМТ Низоми Муқаддисма ва З та моддага бўлинган 19 та бобдан иборат. Бу бобларда ташкилотининг мақсад ва та-

мойиллари, аззолари, таркиби, вазифа ваколатлари, овоз бериш тартиби ва шартлари Хавфсизлик Қенгаши, унинг вазифаси ва ваколатлари, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш ва боиқа ташкилот фаолиятига доир масалалар алоҳида молдадарда баён қилиб берилган.

## МУҚАДДИМА

Муқаддимада барча ҳалқлар ва давлатларнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига бирланиш сабаблари, тамойиллари ва мақсадлари баён этилган.

Унда БМТга бирлашган ҳалқ киншилик тарихида бўлган урушилар инсониятга қаинчадан-қанча оғатлар олиб келганилигини кўрганилигини ва бундан бўён бу ҳалқ ҳам шуташкилот аззолари билан биргаликда урунга қарши курнажаклари баён қилинган. Инсон ва унинг ҳуқуқи, эркинчлигидан, эркак ва хотин-қизлар ҳуқуқларининг тенглиги, катта ва кичик миллатларнинг тенглиги, демократия ва гуманизм гояларини тарғиб этиши, эркинилик, озодлик, тенглик муносабатларини давлатлар ўртасида ривожлантириши сингари мақсал ва тамойиллар муқаддимада ўзининг аниқ ифодасини топсан. БМТ ўз Низомининг муқаддимаси орқали турли ҳалқлар ва давлатларнинг умумий тараққиёт учун олиб борадиган қурашини бугун дунёга маълум қилиди. Бинобарин, унда ана шу эзгу иянятларини, гояларни амалга ошириши учун қуранига жаҳондаги барча ҳалқ ва давлатлар даъват этилди.

Муқаддимада давлатлар ўртасида тузилиган шартномалар ва ҳалқаро ҳуқуқининг боиқа машибаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларни эътироф этиши ва уларга ҳурмат билан муносабатда бўлиши, турли давлатлар ва ҳалқларнинг яхши қўйинилар каби тотув ва аҳил яшашлари, ҳалқаро тингчилик ва хавфсизликни сақлани йўлида бирланнилари лозимлиги қайд қилинди.

Муқаддиманинг сўнгидаги БМТ ташкил этилганилиги баён қилинган: "... тегинили ҳукуматлар ўзларининг Сан-Франциско шахрида тўйланган ва тақдим этган ваколатлари зарур шаклида деб топилган ўз вакильлари орқали Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг унбу Низомини қабул қилинга рози бўлдилар ва шу билан "Бирлашган Миллатлар" деб номланган ҳалқаро ташкилот таъсис этдилар".

## МАҚСАД ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

### Мақсадлар

- халқаро тинчлик ва хавфсизликкін таъминлаш;
- міллаттар ўртасыда дүстлик муносабаттарини ўзаро тинчлик ва ўз тақдирини ўзи белгіләш тамойиллига ассо-сан ривожлантириш;
- халқаро иқтисодий, социал, маданий ва гуманитар харakterдаги муаммоларни ечиңдә ҳамкорлық қилин ҳамда инсон ҳуқуқтары ва әркинилекларини ҳурматлашыра қаратылған ҳаракаттарни тақдирлаш ва ривожлантириш;
- уибу умумий мақсадларга әринеңде міллатлар ҳаракаттарни мувофиқлантиришда марказ вазифасыни ба-жарыш.

### Тамойиллар

- барча альзоларнинг суверен тәсіллігі;
- барча альзолар уибу Низомта биноан ўзлари олған мажбуриятни сидкіділдан бажарыши;
- улар ўзларининг барча халқаро низоларини тинч-лик йўли билан ечиниши керакки, тинчлик, хавфсиз-лик ва адолат хавф остида қолмасин;
- улар ўзларининг халқаро муносабатларыда бошқа давлатларга нисбатан куч ишлатиш ёки дўқ- иўписалардан ўзларини тийиншари керак;
- улар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига биноан кўраётган ҳаракат ва тадбирларига ҳар то-монлама кўмакланишилари керак, ҳамда БМТ қайси бир давлатта нисбатан мажбурлаш ёки бошқа чора кўрган бўлса, бу давлатта ёрдам берипдан ўзларини тийиншари зарур;
- Бирлашган Миллатлар ташкилоти унга аъзо бўйма-ган мамлакатларни ҳам уибу тамойилга амал қилишларини таъминлайди, чунки бу бутун дунёда тинчлик ва хавфсизлик таъминланиши учун зарурдир;
- Низом БМТга ҳеч қачон давлатларнинг ички маса-лаларига доир ишларига аралашин ҳуқуқини бермайди.

## БМТ АЛЬЗОЛАРИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ҳар қандай тинч-лиссвар давлат ўз ихтиёрига биноан унинг Низомини таң олған ва БМТнинг олиб бораётган ишларини қўллаб-ку-ватлаган тақдирда аъзо бўлиши мумкин.

Альзоликка яни давлатлар Хавфсизлик Кенгаши, Бош Ассамблея томонидан қабул қилинади. Масалан, Ўзбе-

кистон 1992 йил 2 марта Бош Ассамблея томонидан БМТга аъзо этиб қабул қилинди. Низомда БМТнинг та-мойилларига амал қилмаган давлатларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйиш ёки уни умуман аъзоликдан маҳрум этиш белгилантган. Аммо бугунга қадар ҳали бирор бир мамла-кат ундан чиқарилган эмас.

### БМТнинг маҳсус тиллари

Низомга биноан БМТнинг маҳсус тиллари: хитой, ин-глиз, француз, рус ва испан тилларидир. Кейинчалик бу рўйхатга араб тили ҳам киритилган.

## 2. БИРЛАНГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ТИЗИМИ

БМТ Низомига кўра унинг олтида органи мавжуддир. БМТ фаолиятини мувофиқдаштиришда бу идораларнинг роли ва аҳамияти бениҳоя каттадир. БМТ ўзининг бутун фаолиятини ана шу идоралар ёрдамида амалга оширади. Улар бир-бирларининг ишларини айнан такрорламаган ҳолда иш юритадилар ва бу ташкилот амалга оширадиган вазифаларни ҳал қилишда у ёки бу даражада фаолият кўрсатадилар.

## БОШ АССАМБЛЕЯ

У БМТнинг бош маслаҳат идорасидир. У аъзо бўлган ҳар бир давлатнинг вакилларидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири бир овозга эгадир. Қўйидаги ўта муҳим масалалар: тинчлик ва хавфсизлик, янги аъзоларни қабул қилиш, бюджет масаласи бўйича қарорлар 2/3 кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Бошқа масалалар эса оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан ҳал этилади. Бош Ас-самблея ўз сессиясига йилда бир марта тўпланади. Одатда сессия ҳар йилнинг сентябрь ойидан бошланиб декабрнинг ўрталаригача давом этади ва ўз ишини янги йил олдидан тутгаллайди. Айрим ҳолларда сессия ишида та-наффус қилиниб, унинг ишини бошқа вақтга кўчириш ҳоллари ҳам бўлиб туради. Буидай ҳолда сессия иккиси-дан иборат бўлади. Ҳар сессия чақирилганда у ўзига янги раис ва унинг 21 та муовинини ҳамда 7 та қўмитанинг раисларини сайлайди.

Бундан ташқари Низомга кўра Хавфсизлик Кенгаси тақлифига биноан, БМТга аъзо давлатнинг кўпчилиги

ёки алоҳида бир аъзо давлатларнинг таклифи кўпчилик давлатлар томонидан маъқулланганида махсус сессия ёки фавқулодда махсус сессиялар ҳам чақирилиши мумкин.

## ҚЎМИТАЛАР

1. Куролсизланиш ва халқаро хавфсизлик қўмитаси (биринчи қўмита).
2. Иқтисодий ва молиявий масалалар қўмитаси (иккичи қўмита).
3. Социал ва гуманитар масалалар ҳамда маданият масалалар қўмитаси (учинчи қўмита).
4. Социал-сиёсий масалалар, мустамлакачиликни тутатиш қўмитаси (тўртингчи қўмита).
5. Маъмурий ва бюджет масалалари қўмитаси (бешинчи қўмита).
6. Ҳуқуқий масалалар қўмитаси (олтинчи қўмита).

Қўмиталар ўз мажлисларида кўрилган масалалар юзасидан оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қарорлар қабул қиласди.

Шундай қилиб БМТнинг фаолияти барча аъзо давлатлардан ташкил топган Бош Ассамблея томонидан идора этилади. Бош Ассамблея томонидан тузилган қўмиталар соҳалар бўйича конкрет масалаларни кўрадилар. Улар куролсизланиш, космик фазодан фойдаланиш каби масалаларни ҳал қиласдилар, маърузалар тайёрлайдилар. Қўмиталарнинг ҳар бири мустақил равишда ўз ташаббуси билан бирон-бир янги масалани кўтариб чиқиш ҳуқуқига эга эмас. Улар факат ўзларига топширилган масалаларни муҳокама қилиб бўлғанларидан кейингина тегишли таклифларни Бош Ассамблея тасдигига қўйиш ҳуқуқига эгадирлар. Бош Ассамблея турли мавзулар ва масалаларда халқаро конференциялар ўтказиши мумкин.

Котибият ва Бош котиб ҳамда аъзо давлатлар вакиларидан иборат штат амал қиласди.

## ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ

Низомда Хавфсизлик кенгашига халқаро тинчлик ва хавфсизлик учун жавобгарлик юклатилган. Кенгаш 15 та аъзодан иборат, 5 таси доимий аъзолар: Хитой, Франция, Россия, Англия, АҚШ ва 10 таси эса икки йиллик муддатта Бош Ассамблея томонидан сайланади.

Агар БМТ кўмиталарининг давлатларга юборадиган таклифлари, тавсиялари мажбурий бўлмаса, Хавфсизлик Кенгашининг қарори, барча аъзо давлатлар учун мажбурий характерда бўлади. Шунинг учун ҳам унинг қарорини қабул қилишда мураккаб “Буюк давлатлар яқдиллиги” қоидаси, яъни 5 та доимий аъзо давлатларининг розилиги талаб қилинади. Уларнинг ҳар бири “вето” хуқуқидан фойдаланади.

## ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ КЕНГАШ

Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш асосий иқтисодий идора ҳисобланади. БМТнинг иқтисодиётга тегишли барча масалаларини кўради ва тартибга солади. Кенгаши 54 та аъзодан иборат бўлиб, учи йил муддатга сайланади ва уларнинг ҳар бири бир овозга эгадир. Кўрилган масалалар оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан ҳал этилади. Кенгаш БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги фаoliyati учун жавобгардир.

Кенгашнинг асосий вазифаси ҳалқаро миқёсда иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш ва давлатлар учун тегишли тавсияномаларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш йўл-йўриқларини кўрсатишдан иборат. У бу масалалар юзасидан текширишлар олиб боради, маърузалар тайёрлайди ва тавсияномалар беради. Бундан ташқари маданият, маориф, тиббиёт соҳаларида ҳам айрим хуносалар, таклифлар, дастурлар ишлаб чиқиши мумкин.

Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш инсоннинг ҳақ-хуқуқлари ва эркинликларини рағбатлантириш, ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир битим лойиҳаларини тузиб, уни Бош Ассамблеяга топшириш, БМТнинг турли хилдаги ихтисослашган ташкилотлар билан ўзаро муносабатларини белгилаб берадиган шарт-шароитларни ифода қилувчи битимлар тўғрисида музокаралар олиб бориш, улардан мунтазам равишда маърузалар олиб туриш сингари хилма хил ваколатларга эгадир.

Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаш бир йилда бир марта ўзининг сессиясини ўтказади. Сессия навбати билан беш ҳафта давомида Нью-Йорк ва Женева шаҳарларида ишлайди. Сессиялар орасида унинг кўмиталари ва комиссиялари мунтазам иш олиб борадилар ва Кенгаш сессиясига

хисоботлар, маърузалар ва тегинили ҳужжатлар тайёрлайдилар. Кенгаш таркибида унинг ёрдамчи идоралари сифатида 9 та: статистика, аҳолининг жойланиши ва ривожланиши, социал ишлар бўйича, гиёҳвандлик ишлари бўйича, жиноятнинг олдини олини ва жиноят қонунчилиги, фан ва техника каби комиссиялар фаолият кўрсаатди.

## ХАЛҚАРО СУД

Халқаро суд Гаага (Нидерландия) шаҳрида жойланган. Унинг статуси, яъни вазифаси ва ҳуқуқлари Низомда белгиланган. Унга аъзо давлатлар ва аъзо бўлмаган давлатлар ҳам мурожаат қилинлари мумкин. Шарти шуки, ҳар бир давлат учун Хавфсизлик Кенгашининг тавсиясига биноан Бони Ассамблея рухсат берини керак. Судга жисмоний шахс, яъни якка тартибда фуқаролар мурожаат қила олмайдилар. Хавфсизлик Кенгаши ва Ассамблея ҳар қандай ҳуқуқий характердаги масала юзасидан тушунчалар, шарҳлар олини мумкин.

Суднинг ваколати (юрисдикция) барча давлатлар томонидан бериладиган, Низомда кўрсатилган ва шартнома, конвенцияларда белгилаб кўйилган масалалар бўлинни мумкин. Халқаро суд ўз фаолиятида қўйидаги масалаларга, маибаларага асосланади:

- халқаро Конвенциялар;
- халқаро пактлар;
- халқлар томонидан қабул қилинган умумий ҳуқуқ тамоилилари;
- суд қарорлари ва таниқли мутахассислар доктриналари.

Суд тарафларнинг розилигига биноан адолат юзасидан масалани ҳал қилини мумкин.

Халқаро суд 15 та сайланган аъзолардан иборат. Улар мутахассисликларига кўра Ассамблея ва Хавфсизлик Кенгашлари томонидан 9 йил мулдатта сайланадилар ва қайта сайланинилари мумкин.

## КОТИБИЯТ

Котибият турли давлатлар вакилларидаи ташкил топган бўлиб, Нью-Йорк ва бошқа аъзо давлатларнинг шаҳар-

ларыда ҳам иш юритади. Вазифаси БМТнинг сиёсатини, иқтисодий, ижтимоий фиолиятини жойларда амалга оширипидан иборат. Котибият жуда күнчиликни тапкил этди. Улар 170 дан ортиқ мамлакат вакилларидан, 14000 кишидан иборат. Буларнинг барчасига Бони Котиб раҳбарлик қиласади. У Хавфесизлик Қўмитаси тавсиясига биноан Ассамблея томонидан 5 йил муддатта сайланади, қайта сайланиниши мумкин. Бони Котиблик лавозимига тажрибали, доно сиёсатчи, дипломат шахс сайланади. Миср давлати вакили Буғрос Буғрос-Голий 1992-1996 йил, Хавъер Перес де Куэльяр (Перу) 1982-1991, Курт Вольф Хайм (Австрия) 1972-1981, У Тац (Бирма) 1961-1971, Даг Хаммарвильев (Швеция) 1953-1961, Трогве Ли (Норвегия) 1945-1953 йилларда БМТнинг Бони Котиби визифасини бажарганлар.

## БЮДЖЕТ

Ҳар икки йил давомида Ассамблея томонидан БМТнинг бюджети тасдиқланади. Бони котиб томонидан бюджет лойиҳаси 16 эксперталардан иборат қўмитага киритилади ва муҳокама қилинали. Масалан 1994-1995 йиллар учун бюджет 2580200200 долларни (ЛҚШ) тапкил этди.

Бюджет 12 ўёналинида сарфланади:

1. Сиёсатни ишлаб чиқиши, раҳбарлик ва мувофиқлаштириш ишлари.
2. Сиёсий масалалар.
3. Халқаро одил судлов ва ҳуқуқ.
4. Ривожланиш мақсадида халқаро ҳамкорлик.
5. Ривожланиш мақсадида минтақавий ҳамкорлик.
6. Инсон ҳуқуқи ва гуманитар масалалар.
7. Жамоатчилик асосидаги маълумот.
8. Умумий таъминот хизмати.
9. Ўзаро молиявий фаолият ва маҳсус харажатлар.
10. Хизматчилардан ушлаб қолинадиган солиқлар ҳажми.
11. Капитал харажатлар.
12. Инспекция ва сурингириув бошқаруви.

## ИККИНЧИ ҚИСМ

# АСОСИЙ ХАЛҚАРО-ХҮҚУҚИЙ ХҮЖЖАТЛАР ВА ИНСОН ҲҮҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

### VI БОБ

## ИНСОН ҲҮҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ВА УНИНГ ИНСОН ҲҮҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДАГИ РОЛИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йилнинг 10 декабрида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини белгиловчи дастлабки мухим тарихий ҳужжат ҳисобланади.

БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг 1996 йилдаги йифилишида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақида Пактлар қабул қилган. Уларда ҳар бир давлат ўз фуқаролари бўлган шахсларга берилиши мажбур бўлган ҳақ-ҳуқуқлар кўрсатилган ва кафолатланган.

### 1. ИНСОН ҲҮҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ВА УНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилишга доир халқаро ҳужжат бўлиб, БМТ томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган. Бу тарихий ҳужжатнинг ишлаб чиқилиши ва эълон қилиниши инсониятнинг тарихий тақдирида, давлатларнинг ички ва таҳқи сиёсатида, халқаро ташкилотлар, сиёсий партиялар ва ижтимоий ташкилотларнинг фаолиятида мухим аҳамиятга эга бўлди. Унда ишлаб чиқилган қоида ва хуносалар, тамойиллар ўзининг моҳияти ва мазмунига кўра мукаммал ишланган ҳуқуқий меъёрларнинг умумланган ифодаси ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилиши масалаларини ҳал қилишда давлатлар мазкур ҳужжатда эълон қилинган ҳуқуқий меъёрларга амал қилиши, уларда ишлаб чиқилаётган ҳуқуқий

хужжатларнинг самарали ваadolатли бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги мазкур ҳужжат қабул қилинишидан аввал бу соҳада муҳим ишлар амалга оширилган эди. Жумладан, инсон ҳуқуқлари ҳақидаги меъёрлар илк бор Миллатлар Лигаси даражасида ўтказилган халқаро Конференцияда, БМТ Низомининг ишлаб чиқилиши пайтида бир гуруҳ давлатлар унга инсон ҳуқуқлари масалаларини ифода қилувчи декларацияни киритишни таклиф этандилар. Бироқ бу таклиф, яхши ўрганилмаганлиги ва маҳсус тайёргарликка эга бўлинмаганлиги сабабли муҳокамага қўйилмаган. Ўша даврда БМТ Низомига фақат умуминсоний ҳуқуқлар ва эркинликларни ривожлантириш, ҳурмат қилиш ҳамда улар фаолиятини амалга оширишда хеч қандай ирқий, жинсий, диний ва тил бўйича чеклашлар ёхуд камситишилар бўлмаслиги ҳақидаги қоидани киритишга муваффақ бўлинган.

Сан-Франциско Конференцияси тугаши билан, БМТнинг тайёрлов қўмитаси ўзининг биринчи йиғилишида Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга БМТ Низомининг 68-моддасида ўринатилганидек, инсон ҳуқуқларини қўллаш ва қувватлаш қўмитаси тузиш таклифини киритади. Мазкур таклиф Кенгаш ишида муҳокама қилинади ва унинг қарорига асосан 1946 йилда БМТнинг Инсон Ҳуқуқлари Бўйича Қўмитаси ташкил этилади.

Инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ҳужжатнинг лойиҳаси 1946 йилнинг январь ойида Лондонда ўтган Бош Ассамблея сессиясида тайёрланган эди. Кейинчалик Бош Ассамблея ушбу лойиҳани Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга тақдим этган ва Инсон Ҳуқуқлари Бўйича Қўмита бу лойиҳадан инсон ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро ҳужжатни ишлаб чиқишида фойдаланиш лозимлигини тавсия қилган эди. Қўмита жуғрофик тамойилга асосан саккиз давлат вакилларидан сайдланган. Мазкур Қўмита ўзининг ишчи гуруҳига инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатнинг дастлабки лойиҳасини ишлаб чиқишини топширган. Лойиҳани ишлаб чиқиш таҳририят зиммасига юклатилган.

Халқаро ҳужжатнинг шакли ҳақида турли хил фикрлар, таклифлар бўлди. Таҳририят қўмитаси уларни ҳисобга олиб, ҳужжат лойиҳасини икки турда: Декларация ҳамда Конвенция шаклида тайёрланига қарор қилди. Шундан сўнг Комиссия Қўмитага Инсон Ҳуқуқлари Халқаро Декларациясини ва инсон ҳуқуқлари Халқаро Конвенциясининг моддалар матнини лойиҳа сифатида тақдим этади.

Инсон ҳуқуқи ҳақидаги халқаро ҳужжат кенг қамровли бўлгани учун Комиссия 1947 йилнинг охирида декларация бўйича, пакт бўйича ва уни ишлатиш бўйича ишчи гуруҳини тузган эди. Комиссия 1948 йил 24 майдан 15 июнгача ўтган сессияда вакилларнинг таклифларини иnobatga олган ҳолда Декларация лойиҳасини кўриб чиқди. Пакт бўйича ва уни ишлатиш бўйича лойиҳалар матни унинг бажарилиши таъминланишига БМТнинг 1948 йил 10 декабрда Парижда ўтган Бош Ассамблея сессиясида муҳокама этилди ва қабул қилинди. БМТ томонидан тайёрланган ва халқаро муносабатлар соҳасида биринчи ҳужжат ҳисобланган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси шу асосда вужудга келди.

БМТнинг Бош Ассамблеяси 1948 йил 10 декабрда Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганини эълон қилди. Бу тарихий ҳужжатда давлатлар қўйидаги мажбуриятларни бажаришлари зарурлиги қатъий таъкидланди: “мазкур инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини барча халқлар ва барча давлатлар бажаришга интилиши лозим бўлган вазифа сифатида эълон қиласа экан, токи ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни пазарда тутиб, маориф ва илм йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг ҳурмат қилинишига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийтарвар тадбирлар орқали ҳам унинг бажарилишини таъмилашига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва уибу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳуқуқларда ящаётган халқлар ўртасида ёпнасига ва самарали тан олининишига интилишлари зарур”.

Табиийки инсоният тафаккури шу пайтгача инсон ҳуқуқлари масаласига күп марта мурожаат қилиб келган. Турли даврларда ва турли давлатларда инсоннинг эркин бўлини, ўз тақдирининг эгаси бўлиши бир неча марта сълон қилинган. Инсоннинг ҳуқуқ ва асосий эркинликлари бўйича фаолият кўрсатадиган кўплаб халқаро шартномалар ҳам имзоланган.

1789 йилда француз буржуа инқилоби арафасида эълон қилингани Инсон ва Фуқаролик Ҳуқуқлари Декларацияси Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг ўтмиш дошидир. У узоқ йиллар давомида буржуазиянинг феодализмга қарни курапининг ифодачиси бўлиб келди. Ўз

даврида бу хужжат мұхим ақамият қасб этган. Күпчилик мамлакатларда құллик ва крепостнойлик ҳуқуқи мавжуд бўлган йилларда Декларация “кишилар ҳуқуқларда эркин ва тенг бўлиб туғиладилар ва шундай бўлиб қоладилар, ижтимоий фарқлар фақат умумий манфаатлардаги эътиrozларга асосланади” деган талабни илгари сурган. Давлатнинг мақсади, — дейилган эди Декларациянинг 2-моддасида, — инсоннинг табиий ва ажralmas ҳуқуқларини таъминлашдан иборат. Бу ҳуқуқларга эркинлик, мулкчилик, ҳавфсизлик, зулмга қаршилик кўrsatiш ҳуқуқи киради.

Бироқ, бу хужжатнинг ўна давр учун фожиаси шундан иборат эдики, ҳокимиятни эгаллаган буржуазия амалда дарҳол эълон қилинган демократик тамойиллардан чекинган. Бундай чекиниши фақат амалда эмас, балки қонуиларда ҳам ўз аксими топган. Декларация қабул қилингандан сўнг орадан тўрт ўтгач, буржуазиянинг Таъсис йигилиши йигилишлар ва ассоциациялар эркинлиги, фуқароларнинг ўз меҳнат ҳуқуқларини биргаликда ҳимоя қилингага доир ҳаракатларини таъзиқловчи қонун қабул қилди.

1789 йилда қабул қилинган Американинг “Ҳуқуқлар тўғрисидаги қонун” и Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг издоши ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам, бу тарихий хужжатда инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидалар ўзининг аниқ ифодасини топган. Унда шахсни ҳимоя қилиши, унинг турар жойга, мулкка зга бўлиши ва бошқа шулар сингари қонун бериб қўйган асосий ҳуқуқлари бузулгудек бўлса, суд мажлисида ошкора тартибда қонуний йўл билан унинг ҳуқуқлари муҳофаза қилинади. Бироқ инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунда кўrsatilган ўнга ўхшаш ҳуқуқлар дастлабки пайтларда АҚШнинг барча фуқароларига тегинили бўлмаган. У 1865 йилда эркинликка эришган қулларга ҳам тааллуқли бўлмаган. Бу ҳуқуқлар фақат 1920 йилда эркаклар билан тенг сайланиш ҳуқуқини олган аёлларга қисман тегинили эди.

Чамаси иккингичи жаҳон урушигача фуқароларнинг инсон эрки ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тааллуқли хужжатлар фақатгина бир мамлакат миқёсида қабул қилинганилиги учун ҳам инсон ҳуқуқлари муҳофазаси масалала-ри тор доирада ҳал этилган.

1815 йилда қулликни тақиқлаш тўғрисидаги Декларация, 1920 йилда қулликка солини ва қул савдосининг барча турларини тақиқлайдиган Конвенциянинг қабул қилини-

ши инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилиш соҳасида қўйилган дастлабки амалий қадамлар эди.

1904 ва 1910 йилларда аёлларни зинога жалб этишни тақиқлайдиган Конвенциялар қабул қилиниб, унинг иштирокчиларига хотинларни бузуқликка ёллашга Қаршилик кўрсатиш мажбурияти юклаган эди. 1933 йилдаги Конвенция унинг иштирокчиларига зинони авж олдиришга қаратилган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарликка тортиш мажбуриятини юклаган. 1937 йилдаги Халқаро Конвенция эса унинг иштирокчиларига терроризмниң олдини олиш ва инсон ҳаётига тажовуз қилган айбдор шахсларни жазолаш мажбуриятини юклади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида немис-фашист босқинчилари қулоқ әщитиб кўз кўрмаган ваҳшийликларни қилишли, уларнинг кўпгина халқларга нисбатан ваҳшийларча муносабатлари барча тараққийшарвар инсониятнинг газабини кўзгади.

Тинчликсевар халқларнинг саъй-ҳаракатлари билан БМТ ўз олдига халқаро тинчлик ва хавфсизликни, яъни инсониятни уруши оғатидан асрар ва шу билан жамиятда инсон ҳуқуқларини таъминлашни мақсад қилиб қўйди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, БМТнинг фаолияти инсон эрки ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишини ривожлантиришга қаратилгандир. БМТ ўз фаолияти давомида инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бир қанча халқаро ҳужжатлар — декларация, конвенция ва пактларни қабул қилди.

БМТ Низомидаги қоидаларда, ўзуннингдек, Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида ҳамда 1975 йилнинг 1 августида Хельсинкида 33 та давлат бошлиқлари томонидан имзоланган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги йиғилиш ҳужжатларида инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилиши масалалари ўз ифодасини топганилиги муҳим аҳамиятга этадир. Бинобарин, Хельсинкида қабул қилинган ҳужжатда кўрсатиладики: “Инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатларнинг мустақиллиги БМТ Низоми таъмойиллари ва Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қоидалари асосида амалга оширилади. Давлатларнинг бошлиқлари инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро декларация ва келишувларда имзоланган халқаро пактлардаги қоидаларни бажаради”.

БМТ Низоми ўз олдига инсонниң эрки ва ҳуқуқлари рўйхатини тузили вазифасини қўймаган. Низом матнида инсон эрки ва ҳуқуқи “ижтимоий тараққиёт ва яшаш ша-

роитини яхшилалыга”, яни инсоннинг сиёсий фаолиятнинг эмас, балки унинг иқтисодий ва шахсий ҳаёти соҳаларини ҳам қамраб олиши кўзда тутилган.

## **2. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИННИГ ТУЗИЛИШИ ВА МАЗМУНИ**

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси Муқаддима ва 30 та моддадан иборат бўлиб, унда инсоннинг асосий ҳуқуқлари, қадр-қиммати, инсон шахсининг беназирлиги ҳамда ёркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги ўз ифодасини тошган. Декларациянинг 1-моддасида ҳуқуқий жиҳатдан асослашган файлсафий фикрлар баён этилган бўлиб, унда “Барча одамлар эркин, қадр-қиммат ва ҳуқуқларда тенг бўлиб туғиладилар. Улар ақл ва виждан соҳибидирлар ва бир-бирларига биродарларча муомала қилишилари зарур” дейилади.

Декларациянинг бу моддаси унинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Унга кўра, биринчидан, инсон ўзининг эрк, ҳуқуқ, тенглик сингари ажralmas ҳуқуқларидан маҳрум қилинмаслиги ва, иккинчидан, инсон ақл ва виждан соҳиби сифатида ер юзидағи бошқа мавжудотлардан фарқ қилиб, ўз тақдирни ва ҳаётини ўзи эркин белгилапни лозим.

2-моддада ҳар бир инсон ҳуқуқ ва эрқдан фойдаланишида тенг бўлиши, у Декларацияда этлон қилингани барча ҳуқуқлар ва эркинликлар соҳиби бўлиши баён этилган: “Ҳар бир инсон, бирор бир айримачиликсиз, ирқи, терисининг раиги, жинси, тили, дини, сиёсий эътиқоди ёки бошқа эътиқодларидаи, миллӣ ёки ижтимоий келиб чиқишидан, мулкий аҳволи, қайси табақага мансублиги ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар, мазкур Декларацияда этлон қилингани барча ҳуқуқлар ва эркинликлар соҳиби бўлиши керак”.

3-моддада ҳар бир инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий даҳисизлик ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланади. Бу модда 4, 21-моддаларга кириш бўлиб, буларда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ифодаланган: қуллик ёки қарамлиқдан сақланиш ҳуқуқи; азоб-укубатга ёки ваҳшийларча жазога мустаҳик бўлмаслик ҳуқуқининг қонун томонидан баб-баравар муҳофаза этилиши; ўзбошимчалик билан қамоқقا олиннишидан, ушлаб туриш ва қувғин қилинишидан сақланиш ҳуқуқи; қўйилган айбнинг асосланганлитини аниқлаш учун тенглик асосидаги ижтимоий

адолаттннг барча талабларига риоя қилиш ва унннг суд томонидан холисона күриб чиқилиши ҳуқуқи; шахсий ёки оиласи ҳәёттига ўзбонимчалик билан аралашиш; уй-жой ва хатлардаги сирларннг дахлизилиги ҳуқуқи; давлат ҳудудида эркин юринш ва ўзига истикомат жойини танлаш эрки; бошқа мамлакатда болшана олинидан фойдаланиши ҳуқуқи; фуқаролик ҳуқуқи; никоҳдан ўтиш ва оила қуриши ҳуқуқи; мулкка әгалик қилиши ҳуқуқи; эркин фикр, виж-дон ва дин эркинлиги ҳуқуқи; маслак эркинлиги ва уни ифодалаш ҳуқуқи; тинч йиғилишлар ўтказиш ва уюшмалар тузишца қатнашши ҳуқуқи; мамлакатни бошқарипша иштирок этиши ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқтардан фойдаланиши шулар жумласидандир.

Декларацияннг 23-27-моддалари инсонннг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини муҳофаза қилишига бағынланган. Бу моддаларда ҳар бир инсон меҳнат туриши ўз эрки билан танлаши, иинсизликдан муҳофаза қилинши, оиласи таъминлайдиган даражада адолатли даромад олиши имкониятга эга бўлиш, жамиятннг маданий ҳәёттида эркин иштирок этиши сингари ҳуқуқлар ўзиннг аниқ ифодасини топган.

Бу тарихий ҳужжатда БМТга аъзо давлатларннг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ўзаро ҳамкорлик қилишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлациннг асосий йўналишлари белгилаб кўйилган. Бошқача айтганда, Декларация халқаро ҳуқуқннг замонавий, бош йўналишини белгилаб беради. У ҳар бир кини ва ҳар қандай мамлакатда инсонннг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисида холисона мушоҳада юритиш имкониятини кенгайтиради. Унда ишлаб чиқилган қоидаларга асосланган ҳолда ҳар бир мамлакатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлариннг қандай кафолатланганлиги тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиши мумкин.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси барча давлат ва халқлар амалга оширишга интилаёттан инсон ҳуқуқларига доир халқаро месъёрларни ҳурмат қилиш ва уларга амал қилиши зарурлигига муҳим вазифа сифатида қарайди.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга ошириладиган фаолиятлар йўналиши белгиланган бўлиб, унда инсонннг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқлар мажбурий характерга эга бўлган бошқа барча халқаро ҳужжатлар учун фалсафий асос бўлиб хизмат қилади. Ўзиннг

мавқеи жиҳатидан бу Декларация БМТ фаолиятида Ташкилот Низомидан кейинги иккинчи ўринда туради.

1968 йилда инсон ҳуқуқлари бўйича Эронда бўлиб ўтган БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи умумжаҳон анжуманида қабул қилинган Техрон Конференцияси ҳужжатларида шундай дейилган: “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси жаҳон халқарининг хусусан, ҳар бир инсоннинг ажралмас ва мустаҳкам ҳуқуқлари бўйича умумий битимни ўзида намоён қилиб, халқаро ҳамжамиятнинг барча аъзолари учун мажбурийдир”. Анжуман Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси тамойилларига чукур ишонч билан қараш лозимлигини қайд этиб, жаҳондаги барча халқлар ва давлатларни ана шу тамойилларни амалга ошириш учун куч-ғайрат сарфлашга чақирили. Анжуманда инсонни жисмоний барқамолликка, ақлий ва руҳий стуклийка, ижтимоий рӯшинополикка олиб келувчи шарт-шароитларнинг ҳуқуқий асосларини таъминловчи омиллар бу тарихий ҳужжат мазмунининг асосий жиҳатларидан бири эканлиги тўғрисида муҳим фикрлар илгари сурилди.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси айрим давлатларнинг қонунчилигига таъсир этиб қолмасдан, шунинг билан бирга, у БМТ доирасида тузилган ва иш олиб бораётган ихтисосланган ташкилотларнида фаолиятида ҳам муҳим роль ўйнайди. Декларацияда қайд этилган ҳуқуқий меъёрлар ихтисосланган ташкилотлар томонидан тузиладиган шартиномаларни тартибга солинида, уларниң амалда бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида шаклланган гояյлар кейинчалик халқаро майдонда қабул қилинган кўнглаб халқаро ҳужжатларда ўзининг ҳуқуқий ва мантиқий ривожини тоанди. Қочоқлар тўғрисидаги Конвенция (1951), Халқаро Меҳнат Ташкилотининг тент тақдирлов тўғрисидаги Конвенцияси (1951) 1974 йилда эълон қилинган “Қуролли тўқианувлар даврида ва фавқулодда ҳолатларда хотин-қизлар ва болаларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларация”, 1975 йилда эълон қилинган “Илмий-техникавий ютуқлардан тиҷчилик ва инсоният фаровонлиги мағфаатлари йўлида фойдаланиши тўғрисидаги Декларация”, 1981 йилда эълон қилинган “Дин ёки эътиқод учун камситилишининг барча шаклларини йўқотиш тўғрисидаги Декларация” шулар жумласидандир.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси инсоният барча аъзоларининг бўлинмас ва бузилимас ҳуқуқларини

ифодаловчи асосий халқаро ҳужжатдир. Бу ҳужжат қоидалари ва тамойилларини ҳәтта жорий этишда давлатларнинг масъулиятини ошириш, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, барча тараққийпарвар кучларнинг фаоллигини рафбатлантириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда.

## VII БОБ

### **ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТҮГРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТЛАР**

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилингандан сўнг БМТга аъзо давлатлар тасдиқлаши зарур бўлган инсон ҳуқуқлари түгрисидаги Пактнинг шартномавий шаклини ишлаб чиқишига киришилди. Пакт ишлаб чиқилгандан сўнг, ўни ратификация қилған давлатларнинг ҳисоботларини кўриб чиқиш учун инсон ҳуқуқлари Комитети таъсис этилди.

#### **1. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТҮГРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТЛАР ВА УЛАРНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ**

1950 йилда БМТ Бони Ассамблеяси ўзининг Резолюциясида фуқаролик ва сиёсий эркинликлардан фойдаланиш шунингдек, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларга ҳамда маданият соҳасидаги ҳуқуқларга эга бўлиш ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи ҳуқуқлар эканлигини эълон қилди. Шундан сўнг Ассамблея инсон ҳуқуқлари түгрисидаги Пактга иқтисодий ҳуқуқлар, ижтимоий ҳуқуқлар ва маданият соҳасидаги ҳуқуқларни ҳамда эркак ва аёлларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини эътироф этишини киритиш түгрисида қарор қабул қилди. 1951 йилда Комиссия маҳсус муассасалар фикрлари ва ҳукуматлар таклифлари асосида иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлар түгрисида 14 та моддани тузди. У шунингдек бу ҳуқуқларни амалга ошириш юзасидан чора кўриш түгрисидаги 10 та моддани шакллантирди. Шунга мувофиқ Пактнинг иштирокчи давлатлари бу масала бўйича ўзларининг ижодий докладларини топширишилари лозимлиги қайд қилиниди. 1951 йилда узоқ давом этган музокаралардан сўнг Бони Ассамблея Комиссияга инсон ҳуқуқлари түгрисидаги иккита Пактнинг лойиҳасини ишлаб чиқишини ва улардан бирида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар, бошқасида эса,

иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳуқуқлар ёритилиши лозимлигини төнширди. Ассамблея ҳар иккала Пакт ҳам ўзида күпроқ ўхшаш ҳолатларни, шунингдек “ҳамма халқлар ҳуқуқ әркинилигига эга” лигини күрсатувчи маддани киритии кераклигини таъкидлаб ўғди. Комиссия 1953 ва 1954 йилларда ўтказган ўзининг тўққизинчи ва ўчинчи сессияларида ҳар иккала Пакт лойиҳаларини қайта ишлаб чиқишини тугаллади. Бош Ассамблея 1954 йилда пактлар лойиҳаларини кўриб чиқди ва уларни қисмларга бўлиб ўрганишини ҳукуматларга тақдим қилишга қарор қилди. У лойиҳа матнини бандлар бўйича Учинчи комитетнинг 1951 йилдаги сессиясида кўриб чиқишини тавсия этди. Гарчи муҳокама қилиш айтилган вақтда бошланган бўлса ҳам, Пактни ишлаб чиқиши 1966 йилда тугалланди. Шундай қилиб, 1966 йилда оддиндан белгиланган битта Пакт ўрнига иккита Халқаро Пакт ишлаб чиқилди: Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт. Бундан ташқари, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактта Факультатив протокол ҳам қўшимча равишда ишлаб чиқилиб, унда алоҳида шахсларнинг Пактда ифодаланган ҳуқуқларининг бузилишига доир ҳабарлари кўриб чиқилиши ўз ифодасини тоиниши зарурлиги қайд этилди.

Ҳозирги кунда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар жаҳонининг турли мамлакатлари ҳуқуқий тизимида муҳим ўрин эгаллайди. Бундай ҳуқуқларга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг фаолиятларида катта эътибор берилмоқда.

XVIII-XIX асрларда қабул қилинган қонунчилик актлари ва конституцияларида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар кўрсатиб ўтилган эди. Ўша даврларда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларининг ривожланишида ёрдамчи ҳуқуқлар сифатида қаралар эди.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида меҳнат муносабатларини йўлга солиши тўғрисидаги биринчи Халқаро битим қабул қилинди. Шу билан бу ялпи ҳуқуқларни халқаро майдонда тартибга солиб туришга асос солинди.

Версаль тинчлик шартномасининг бир қисми бўлган Халқаро Меҳнат Ташкилотининг низомида меҳнатга товар ёки савдо қуроли деб қарамаслик; иттифоқлар ҳуқуқини таъминламоқ; ҳаёт даражасига етарли бўлган ойлик маош тўлани; 8 соатли иш куни ёки 48 соатли иш

ҳафтасини ва яна ҳафтасига энг камида 24 соат дам олишни ташкил этиш; болалар мөхнатини бекор қилиш ва ёшларнинг ўқишини давом эттириш ҳамда жисмоний ривожланишларини таъминлашга имкон берадиган даражада мөхнатни чеклаш; ҳар бир киши учун унинг жинсига боғлиқ бўлмаган тенг иш ҳақи олиш тамойилини ҳаётга жорий этиш; барча мөхнаткашлар учун адолатли мөхнат шароитларини таъминлаш сингари БМТ Лигасининг ҳамма аъзолари интилишлари зарур бўлган усуllар ва тамойиллар ўз ифодасини топиши қайд этилган.

БМТ Низомининг қабул қилиниши билан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг халқаро ҳуқуқ регламентациясида сифат жиҳатдан янги босқич бошланди. Низомининг “Халқаро иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлик” моддасида Ташкилотнинг энг муҳим мақсадларидан бири “ҳаёт даражасини оширишга, аҳолининг тўла бандлигига, иқтисодий ва ижтимоий шароитларнинг ривожланиши ва тараққиётига, иқтисодий, ижтимоий, соғлиқни сақлаш ва яна шуларга ўхшаш халқаро муаммоларни ҳал этишда халқаро маданият ва маърифат ҳамкорлигига кўмак беришдир” деган қоида ёзиб қўйилди.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар рўйхати Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактда ва бошқа кўплаб халқаро ҳужжатларда ўзининг чуқур ва аниқ ифодасини топган.

БМТнинг инсон ҳуқуқларини таҳқирлаш тўғрисидаги тадқиқотларида қайд қилинадики, ҳар бир алоҳида шахс иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларнинг кенг кўлами шароитидагина сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин. Инсоннинг ҳар томонлама ривожланишига иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар билан биргаликда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар таъсир қиласи. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Пактларнинг Муқаддимасида қайд қилинганидек озод инсон шахси идеалига фуқаролар ҳақиқий иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлардан фойдаланиши имкониятига эга бўлгандагина эришилади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт ҳар бир инсоннинг ўз тақдирини ўзи белгилаши; унинг бир жойдан бошқа жойга эркин кўчиб ўтиши; қонун олдида тенглик; эътиқод ва ўз фикрини ифодалаш эркинлиги, шунингдек озчиликнинг ҳуқуқлари сингари ҳуқуқларни ўзида батафсил ифода қиласи. У инсонни яшашдан маҳрум этиш; қийноққа солиш; инсоннинг қадр-қимма-

тини таҳқирлаш ёки уни жазолаш; мажбурий меңнатта жалб этиш, қонунсиз қамоққа маңкүм қилиш; ирқий ёки диний камситишин тарғиб қилиш ва бошқа шулар сингари зўрлик ва камситишин ўзида ифода қилувчи ҳаракатларни тақиқлайди. Сиёсий ҳуқуқлар ҳамжамият аъзоларининг тенг, дахлесиз ва қонун томонидан муҳофаза қилиниши керак бўлган ҳуқуқлари ҳисобланади.

“Сиёсий ҳуқуқлар” тушунчасининг мазмунин Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 21-моддасида ҳар бир инсон ўзининг давлатни бошқаришда бевосита ёки ўзи сайлаган вакиллар орқали иштирок этиш ҳуқуқи, ўз мамлакатида давлат хизматига киришда тенг ҳуқуққа эга бўлиши, бунда ялни ва тенг сайлов ҳуқуқидан фойдаланиши, эркин сайловининг таъминланиши сингари ҳуқуқларга эга эканлиги қайд этилган.

Фуқаро томонидан сиёсий ҳуқуқларнинг амалга оширилиши унинг жамият ҳаётида иштирок этишини билдиради. Бу тушунчасининг мазмуни, ўз навбатида, фуқаронинг давлат бошқарувида ва ижтимоий фаoliyatining бошқа ташкилий шаклларида иштирок этиши тарзида ифодаланади.

Мамлакатни болқаришда иштирок этиш одатда сайлов ҳуқуқини амалга ошириш ва турли даражадаги сайлов лавозимларини эгаллаш ҳуқуқига эришиш тарзида талқин қилинади. Ижтимоий ишларда қатнашиш эса, жамият ҳаётини яхшилашга қаратилган ҳаракатлар сифатида ётироф этилади.

Сиёсий ҳуқуқлар тушунчаси БМТ Бон Ассамблеясининг бошқа ҳужжати — 1952 йилда қабул қилинган Хотин-қизларининг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияда ўз ифодасини топди. Бу ҳужжатда сиёсий ҳуқуқлар хотин-қизларининг сайловларда овоз бериш ҳуқуқи (фаол сайлов ҳуқуқи), сайланиш ҳуқуқи (пассив сайлов ҳуқуқи), ижтимоий-давлат хизматида ҳар қандай лавозимларга эга бўлиш ёки миллий қонунлар томонидан тасдиқланган ижтимоий-давлат вазифаларини бажариш ҳуқуқи тушунилади.

1965 йилда БМТ Бон Ассамблеяси томонидан қабул қилинган ирқий камситишининг барча шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро битимда сиёсий ҳуқуқлар тушунчаси фуқароларининг сайловларда қатнашиши — умумий ва тенг овоз бериши ҳамда ўзининг номзодини кўрсатиш ҳуқуқи сифатида қаралади. Унда давлат ишларига раҳбарлик

қилиш ва давлат бошқаруvida иштирок этиш асосий сиёсий ҳуқуқлар сифатида эътироф этилади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Ҳалқаро Пактда кўрилган фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар кўпчилик давлатларнинг ҳужжатларида қайд қилинган. Вазифа бу ҳуқуқларни қайтадан такрорлаш эмас, балки уларга амал қилишини таъминлаш бўйича давлатларга ҳуқуқий мажбуриятлар берадиган ҳалқаро-ҳуқуқий меъёрларни турли шартномаларда баён қилиб беришдан иборат. Шунингдек Пактда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан фойдаланиши давлат хавфсизлиги ва ижтимоий тартибларга зарар келтириш ҳисобидан бўлмаслиги қайд қилилган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактда унинг қоидаларини бажариш мақсадида қўлланиладиган ҳамда давлатлар томонидан Пактдаги қоидаларга амал қилишга доир чора-тадбирлар кўришни назарда тутган инсон ҳуқуқлари бўйича Кўмита тузиш кўзда тутилган. Бу кўмита Пактда қайд этилган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳаётга жорий этиш вазифасини бажариши лозим.

Пактнинг 2-моддасида унда қатнашувчи давлатларнинг мажбуриятлари белгилаб берилган. Шу модданинг 1-бандида, жумладан, шундай дейилган: “Мазкур Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат бирор бир айримачиликсиз, ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, сиёсий ёки диний эътиқоди, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, моддий аҳволи, туғилиш ҳолати ёки бошқа ҳолатларидан қатъи назар, ўз ҳудудида ва ўзининг юрисдикциясида бўлган шахсларга ушбу Пактда тан олинган ҳуқуқларни хурмат қилиш ва таъминлани мажбуриятини олади”.

Ҳар бир давлат Пактда эътироф қилинган ҳуқуқ ва эркинликларни мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун таъминлаши, уни самарали ҳимоя қилиши зарур. Бундай ҳуқуқ судлар, маъмурий ва ҳуқуқий идоралар томонидан ҳимоя қилинishi лозим.

## **2.ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ПАКТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ**

Давлатларнинг ҳар иккала Пактда мавжуд бўлган ҳуқуқ ва эркинликларга муносабатлари турличадир.

Агар Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Пактнинг қатнашчилари унда эътироф этилган ҳуқуқларни аста-секинлик билан тўла бажариши мажбуриятини

олишган бўлса, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича Пактда қатнашувчи давлатлар эса, ундаги барча ҳуқуқларни ҳурмат қилиши ва таъминланаш мажбуриятини олишган.

Ҳар иккала Пактнинг Муқаддимаси, 1,3 ва 5-моддалари айнаи бир хилдири. Ҳар бир Пактнинг Муқаддимасида БМТ Низомига мувофиқ равишда давлатларнинг мажбуриятлари қайд этилган. Унга кўра, ҳар бир инсон бу ҳуқуқларга риоя қилиши ва ҳар бир давлат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир амалга ошириладиган ижобий тадбирларни рағбатлантириб туриши зарур. Инсон ҳуқуқлари Умумжоҳон Декларациясига мувофиқ инсоннинг сиёсий эркинликлардан самарали фойдаланиши, унинг қўрқув ва муҳтожликларни ҳимояланиши иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан қаинчалик фойдаланишига боғлиқдир.

Ҳар иккала Пактнинг 1-моддасида ҳалқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи эътироф этилган бўлиб, давлатлар бу ҳуқуқни амалга оширишини рағбатлантириши ва ҳурмат қилиши зарурлиги қайд қилинган. Ҳар иккала Пактда айтиладики, “барча ҳалқлар ўз тақдирини ўzlари белгилаш ҳуқуқига эгадирлар. Ана шу ҳуқуқ туфайли улар ўз сиёсий мақомларини ўз эрқлари билан белгилайдилар ҳамда ўzlарининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётларини таъминлайдилар”.

Ҳар иккала Пактнинг 3-моддасида иштирокчи давлатлар инсонга берилган барча ҳуқуқлардан эркаклар ва аёлларга тенг ҳуқуқни таъминлаш мажбуриятини оладилар. Ҳар иккала Пактнинг 5-моддасида бирон-бир давлат, гурух ёки алоҳида шахс Пактда эътироф этилган ҳар қандай ҳуқуқ ёки эркинликларни чеклашга қаратилган фаoliyat билан шуғулланиши ҳуқуқи бор деб қараши ва буни тарғиб қилиши мумкин эмаслиги ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари бирор бир тарзда чекланиши ёки камситилишига йўл қўйилмаслиги таъкидланади.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Ҳалқаро Пактнинг 6-15-моддаларида меҳнат қилиш ҳуқуқи (6-модда), адолатли ва қулай меҳнат шароити (7-модда), касаба уюшмалари тузиш ва унга кириш (8-модда), ижтимоий таъминот ҳуқуқи (9-модда), оиласлик, оналик, болалик ва ўсмирликни кенг ҳимоя қилиш ва ёрдам бериш ҳуқуқи (10-модда), етарли ҳаётий даражага эга бўлиш ҳуқуқи (11-модда), жисмоний ва руҳий соғломликининг энг юқори даражасига эришиш ва

мальумот олиш ҳуқуқи (12-13-моддалар), маданий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқи (15-модда) ва бошқа ҳуқуқлар қайд этилған.

Фұқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тұғрисидаги Халқаро Пактинг 6-27-моддаларыда инсоннинг яшаш ҳуқуқи ҳимояланиши назарда туғилади. Бу моддаларда ҳеч ким азоб-үқубатта солинмаслиги ёки золимлик билан, инсонликка иенод бир тарзда ёки унинг қадр-қимматини хүрлаб муомала қилинмаслиги ёки жағоза мустаҳиқ этилмаслиги керак (7-модда); ҳеч ким құлықда сақданиши мүмкін эмес; құлчилик ва құл савдоси, булар қандай шақлда бўлмасин тақиқланади; ҳеч ким мажбuriй ёки шарт бўлган меҳнатга мажбур қилиниши мүмкін эмес (8-модда); ҳеч ким ўзбошимчалик билан қамоққа олинини ёки ҳибсда сақданиши мүмкін эмес (9-модда); озодликдан маҳрум этилган барча шахсларга инсонларча муомалада бўлиши керак (10-мода); ҳеч ким бирор шартнома мажбуриятини бажариппа қодир бўлмаган асосдагина озодликдан маҳрум этилиши мүмкін эмес (11-модда); ҳар бир одам давлат худулида эрkin кўчиб юриш ва яшаш жойини эрkin ташлаш ҳуқуқига эгадир (12-модда).

Унбу Пактда иштирок этаётган бирон бир давлатнинг худулида қонуний тарзда турган чет эллик шахс қонунга биноан чиқарилган қарорни ижро этибгина чиқариб юборишини мүмкін (13-модда).

Унинг моддаларыда барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида төңгидирлар, жиноят ва фұқаролик жараёнла-рида кафолатта эгадирлар деб әтироф этилған (14-модда); шунингдек жиноят содир этилған пайтда қўлла-ниши лозим бўлгандан кўра оғирроқ жазо тайинланishi мүмкін эмес (15-модда); қаерда туришидан қатъи назар, ҳар бир инсон ўзининг ҳуқуқ субъекти эканлигини таш олинини ҳуқуқига эгадир (16-модда); ҳеч кимнинг шахсий ва оиласи ҳаётига ўзбошимчалик билан ёки ғайриқонуний тарзда аралашып, уй-жой дахлесизлиги ёки мактублари сирининг дахлесизлигига ўзбошимчалик билан ёки ғайриқонуний тусда, ё унинг ор-номуси ва шаънига ғайриқонуний тусда тажовуз қилиш мүмкін эмес (17-модда).

Бундан ташқари, Пактинг моддаларыда қайд этилишча, ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгадир (18-модда); ҳар бир инсон бемалол ўз фикрила сабит бўлиш ҳуқуқига эгадир (19-модда); урушни ҳар қандай йўсинда тарғиб этиши қонун йўли билан

тақиқлаб қўйилиши керак; дуниманик, зўравонлик, гижгижлаш, миллий, диний ёки ирқий фанимликини ёқлаб қилишадиган ҳар қандай йўсингдаги ҳаракат қонун йўли билан тақиқлаб қўйилиши керак (20-модда); улар осойишига йигилишилар ўтказиш (21-модда) ва уюшмалар тузиш эркинлигини эътироф этади (22-модда). Улар никоҳ ёшига етган эркаклар ва аёлларнинг никоҳдан ўтиш ҳуқуқи ва оила қурини ҳуқуқи, никоҳда бўлган даврда ва никоҳ бескор қилинётганида эр-хотинларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тенглигини эътироф этади (23-модда); улар болалар ҳуқуқини муҳофаза қилиш тадбирларини белгилайди (24-модда) ва ўз мамлакатининг давлат ишларини юритидан қатнашишдан иборат ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқини назарда тутади (25-модда). Улар барча одамлар қонун олдида тенгдирлар ва сира камситишсиз қонун томонидан баббаравар ҳимоя қилинини тадбирларини назарда тутади (26-модда). Ва ниҳоят, 28-моддада инсон ҳуқуқлари бўйича Комитет тузиш кўзда тутилган. Бу Комитет Пактда инъом этилган ҳуқуқларни ҳаётта татбиқ этади.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактда қатнашувчи давлатлар ҳуқуқдан фойдаланишида чеклашлар ўрнатиши мумкин. Чеклашлар шу давлатнинг қонунида белгиланиб, улар умумий фаровонлик мақсадларига ва мамлакатда амалда бўлган тартиб-қоидалар табиятига мос бўлиши шарт.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Пактда айниқса қаттиқ талаблар белгиланган: фақат фавқулодда ҳолат расмий эълон қилингандагина иштирок этувчи давлатлар ўз мажбуриятларидан чекинишлари мумкин. Шундагина қабул қилинган тадбирлар маълум индивидлар гурӯҳига нисбатац камситиш бўлмайди. Чеклашларнинг Пактда алоҳида қайд этилган ҳуқуқларга таъсири бўлиши мумкин эмас. Булар: яшаш ҳуқуқига эга бўлиш, қийнашини тақиқ этиш, қулчилик, мажбурий меҳнат ва ҳоказо.

Қабул қилинган чеклашларда иштирок этувчи давлатлар БМТининг Бони Котиби орқали Пактда қатнашувчи бошқа аъзоларини хабардор қилиши лозим. Пактда қайд этилган бир хил ҳуқуқлардан фойдаланишида давлат чеклаш ўрнатиши мумкин. Бу чеклашлар қонунида ўз ифодасини топиши шарт. Улар давлат хавфсизлигини ва ижтимоий тартибини, аҳолининг соёлиги ёки ахлоқий удумларини, уларнинг ҳуқуқ ва эркларини ҳимоя қилингга

қаратилган бўлиб, Пактда қабул қилинган бошқа ҳуқуқларга мос бўлади.

Ҳар бир Пактда унда кўрсатилган меъёр ва тамойилларни амалга оширишга қаратилган бир қанча қонун-қоидалар келтирилган.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактга мувофиқ унда қатиашувчи ҳар бир давлат БМТ Бош Котибига Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга оширишда эришилган ютуқлар ва тадбирлар тўғрисида маъруза беруб туришини ўз зиммасига олади.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг кўрсатмаларига асосан дастурларга мувофиқ маърузалар босқичма-босқич беруб турилиши керак. Бони Котиб маърузаларни кенгашга ва манфаатдор бўлган ихтисослаштирилган муассасаларга юбориб туради. Кенгаш ўз навбатида шу муассасалардан келган маърузаларни қабул қилиб олади.

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ИИК) вақти-вақти билан Бони Ассамблеяга умумий тусдаги тавсияномалар билан ва мазкур Пактда иштирок этётган давлатлардан ва ихтисослаштирилган муассасалардан олинган маълумотларнинг баёни тўғрисида маърузалар тақдим этиши мумкин. ИИК БМТнинг бониша органлари уларнинг ёрдамчи органлари ҳамда техникавий ёрдам бериш билан машғул бўлган ва ихтисослаштирилган ташкилотлар дикқат-эътиборини мазкур Пактнинг ушбу қисмида эслатиб ўтилаётган маърузалар муносабати билан пайдо бўлаётган ҳар қандай масалаларга қаратиши мумкинки, бу ана шу органлар томонидан ўз ваколатлари доирасида ушбу Пактни тадрижий йўсина амалга оширишга ёрдам бериши мумкин бўлган халқаро тадбирларнинг нечоғлик мақсадга мувофиқлиги хусусида қарорлар чиқаришда фойдали бўлиши мумкин (22-модда).

Пакт ИИКга маърузалар тайёрлаш муносабати билан унинг зиммасига яна битта муҳим ваколотни юклаган: бу инсон ҳуқуқлари Комиссиясига умумий таклифлар ёки ахборотлар беруб туриш ваколатидир (19-модда).

ИИК Пакт бўйича ўз мажбуриятларини бажарин юзасидан 1988 йилда қабул қилган қарори асосида дастур таъсис этган. Бу дастурга биноан иштирок этувчи давлатлар босқичма-босқич икки йилда бир марта ўз маърузаларини юбориб туриши кўзда тутилган.

Хозирги вақтда ҳар бир иштирок этувчи давлат ўзининг дастлабки маърузасини Пакт ратификация қилин-

ган кундан бошлаб икки йил давомида тавсия этиши мүмкін.

1978 йилда Пактда иштирок этувчи давлатлар томонидан тақдим этиладиган маъruzalарни кўриб чиқадиган ва сессиялар тарзида ишлайдиган 15 кишидан иборат ишчи гурӯҳи тузилган. Бу ишчи гурӯҳи таркибиға Кеңгаш аъзолари бўлған давлатларнинг вакиллари киради. Улар айни нийтда Пактда қатнашувчи давлатлар ҳам ҳисобланади. 1982 йилдан бошлаб, ИИК раиси томонидан тайинланадиган ишчи гурӯҳ Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳукумат эксперtlари ташкилоти томонидан сайланадиган бўлди.

1985 йилда ИИК бу ишчи гурӯҳни 18 эксперт-аъзолардан иборат иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Комитетга ўзгартирди. Улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича катта обрўга эга бўлганлар. Улар Комитетда шахсан қатнашадилар.

Мазкур Комитет Пакт бўйича вужудга келадиган мақсалалар тўғрисидаги мулоҳазаларни изҳор этади. Бу мулоҳазаларда дунёning турли минтақаларида жойлашган давлатларда ҳар хил ижтимоий, иқтисодий, маданий, сиёсий ва ҳуқуқий маъruzalарни кўриб чиқиш жараёнида тўпландиган амалий тажрибалар ҳисобга олинади. Унинг мақсади иштирок этувчи давлатларга Пакт низоми асосида ёрдам кўрсатиш, шу билан бирга, маъruzalарни тақдим этиш маросимларини ўқказиш бўйича таклифлар берив туришдан иборат. Комитет берадиган фикр-мулоҳазалар иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлардан тўла фойдаланиш имконини яратишда иштирок этувчи давлатлар, БМТнинг ҳалқаро ташкилотлари ва ихтинослашган муассасалари томонидан қабул қилинишини кўзда туғади.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Ҳалқаро Пактда, шунингдек маъruzalар тақдим қилишда унинг меъёrlарини бажаришдаги ҳалқаро усуллардан келиб чиқишини назарда туғади.

Пактга биноан маъruzalар инсон ҳуқуқлари бўйича 18 та эксперт-давлатдан иборат Пактда иштирок этувчи давлатлар томонидан таъсис этилган маҳсус Комитетда кўриб чиқилади. Бу Комитетта номзодлар иштирок этувчи давлатлар томонидан таклиф этилади ва сайланади.

Комитет зиммасига Пактда иштирок этувчи давлатлар томонидан қабул қилинган тадбирлар тўғрисидаги маъruzalарни ўрганиб чиқиш, унда эттироф этилган ҳуқуқлар-

ни ҳаётта жорий этиш мажбурияти юклатилган. Пакт низомини қўлланишда қатнашувчи давлатлар ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлса уларни ҳал қилиш, зарурият пайдо бўлганда маҳсус келишириувчи комиссияларни тузиш кўзда тутилган.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт низоми асосида инсон ҳуқуқлари Комитетига катта вазифалар юклатилган. Шунга асосан Комитет Пактда қайд этилган ҳуқуқлар бузилиши тўғрисидаги ахборотларини олиши ва кўриб чиқиши мумкин.

Факультатив Протоколнинг биринчи моддасига биноан пактда иштирокчи давлатлар Протоколнинг қатнашувчилари бўлиб, улар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Комитет ваколатини тан олади. Протоколда иштирок этувчи давлатда инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳоллари рўй берса, у Комитетта олти ой ичida ёзма тушунириш хати юбориши керак. Комитет ўзининг ёпиқ мажлисларида алоҳида шахслардан ҳамда манфаатдор давлатлардан келган ёзма ахборотларни кўриб, ўз мулоҳазасини ишлаб чиқади ва уни алоҳида шахсларга, давлатларга юборади. Бу соҳада қилинган ишлар бўйича қисқартирилган ахборот ҳар йили Бош Ассамблеяга Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш маъруаси орқали юборилади.

1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида иккинчи Факультатив Протоколни қабул қилди. Унда ўлим жазосидан воз кечини кўзда туттилган. Протокол 1991 йил июл ойидан кучга кирди.

## VIII БОБ

### **ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК**

Барча инсонлар тенг қилиб яратилган, улар яратувчи томонидан муайян дахлисиз ҳуқуқлар ва шулар жумласидан яшаш, озодлик ва баҳтга интилиш билан таъминлантирилигини биз асл ҳақиқат деб тан оламиз. Уларнинг бундай интилишилари ва ҳаракатларини қўллаб-кувватлаш ва ҳимоя қилишида жаҳондаги энг обрўли ва нуфузли БМТ, ЕХХТ сингари халқаро ташкилотларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Уларнинг аҳамияти тентглик учун кураш, халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, давлатлар ва халқлар ўртасида ўзаро ишонч ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни

рағбатлантириш, маҳаллий ва миңтақавий низо-жанжаларга йўл қўймаслик, ҳарбий ҳаракатларни тұхтатиши ва уларнинг олдини олиш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсоннинг шаъни, қадр-қимматини камситишга йўл қўймаслик каби инсонпарварлик тамойилари билан белгиланади.

## **1. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА БМТНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ**

Иккинчи жаҳон уруши дунё аҳлини кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даҳшатларга солди. Урушни бошидан кечирган давлатлар халқи инсон билмаган, улар учун ёт бўлган қийноқ, азоб-уқубатларни, таҳқирлашларни бошидан кечирди. Иккинчи жаҳон урушига сабаб бўлган немис фашизми инсониятни келажақда бундай даҳшатларга қарши биргаликда кураш олиб бориш керак деган хулоса чиқаришига олиб келди. Жаҳонда тенглик ва тараққиётдан манфаатдор бўлган кучлар фашизмнинг кайта тикланишига йўл қўймаслик мақсадида турли давлатларнинг биргаликлида ҳаракат қилишлари зарурлигини ва бу борада қўллаб-куvvatлашни сўраб ўз ҳокимиятлари олдига қатъий талаблар қўйдилар. Тинчликсевар кучлар ва давлатларнинг бу йўлдаги ҳаракатлари БМТнинг фаолиятида ўзининг амалий ифодасини тоғди. Уруп оғатларидан авлодларни халос этиши, инсон ҳуқуқларига ишончни қарор топтириши, адолат ва халқаро ҳуқуқ тамойилларини ҳурмат қилишини таъминлаш ва ижтимоий тараққиётга ҳамда барчанинг турмуш шароитини яхшилашга ёрдам берини БМТнинг асосий мақсадларидан бири деб эълон қилинди. Бу иуфузли ва обрўли ташкилотнинг Низомига “Биз Бирланига Миллатларнинг халқлари, инсоннинг асосий ҳуқуқлари, инсон шахсининг қадр қимматига, ҳамда катта ва кичик миллатлар ҳуқуқи тенглигига ишончимизни яна бир карра тасдиқлаб, БМТ Низомини қабул қилишига азму қарор қилдик” деган сўзлар ёзилиб қўйилди. Ўшандай бўён анча вақт ўтишига қарамай бу мақсадлар ҳозирги кун учун ҳам муҳим маъни ва аҳамият касб этмоқда.

БМТнинг асосий мақсадларидан бири — бу Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида қайл қилинган барча ҳуқуқлар ва эркинликларни самарали амалга ошириш ва уларга риоя қилишини таъминлашдан иборат. Бунинг учун БМТ барча аззо-давлатларнинг диққат — эътибори ва улар-

нинг саъи-ҳаракатларини, биринчи навбатда, инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилишга сафарбар этишларини рағбатлантиришга қаратмоқда. БМТ ихтиёрий тапкилот бўлса-да, бироқ унинг Низомидан белгиланган меъёрлар ва талабларни бажаришда ҳар бир аъзо-давлат маъсуудир. Масъулият БМТ томонидан бирор-бир давлатни унинг низомидаги талабларини бажаришга мажбур қилишини эмас, аксинча уларнинг ихтиёрийлиги асосида инсон ҳуқуқларини камситиш йўлидаги уринишларга йўл қўймаслик бурчини чуқур англашни ифода қиласди.

Ҳар бир давлат мамлакатда инсоннинг ҳақ-ҳуқуқлари, унинг шаъни ва қадр-қимматига номуносиб бўлган ҳаракатларни таъқиқлаш ва буни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлаш йўлида тинмай кураш олиб бориши зарур. Бу зарурият аъзо-давлатларнинг мамлакатда инсон ҳуқуқларини кафолатлаш соҳасида олиб берадиган амалий ишлари натижаларидан келиб чиқади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари масаласи БМТ нинг 70 тадан ортиқ асосий ҳуқуқий хужжатларида белгиланган ва ифодаланган. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси (1948 йил), Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт (1966 йил), Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт (1966 йил) ҳамда Факультатив протокол (1966 йил)лар шулар жумласидандир. Бу тарихий хужжатларнинг ҳар бири инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳамда уларни ҳимоя қилишининг зарурлиги, йўллари, шарт-шароитларини алоҳида моддаларда ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлади.

БМТнинг инсон ҳуқуқларига доир қабул қиласган халқаро хужжатлари мантиқан бир-бирини тўлдиради ва мазмунан бойитади. Бу моддаларда белгиланган меъёрлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга олирилиши зарур бўлган талабларга асло зид эмас. Улар БМТ фаолиятиниг айрим даврларида ишлаб чиқилган бўлса-да, ўзининг моҳият эътибори билан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадларига тўла мос келади. БМТ инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига доир фаолиятини ўзи ишлаб чиқсан ва қабул қиласган ана шу тарихий хужжатларнинг талабларига мувофиқ равишда олиб боришга ҳаракат қиласди. БМТнинг Бош Ассамблеяси, Хавфсизлик Кенгани ва унинг бошқа органлари инсон ҳуқуки ва эркинликларига доир масалаларни ҳал

қилишда бу ҳужжатларга асосланади ва уларда белгиланган мөъёларга амал қиласди. Масалан, Баш Ассамблея ўзининг кўйилаб резолюция, конвенция ва декларацияларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим қарорлар қабул қилган бўлиб, уларда аъзо-давлатларнинг диккат-эътиборини инсон тўғрисида, унинг шаъни, қадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя қилишга қаратган. Бино-барин, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1959 йилда қабул қилинган “Ёш бола ҳуқуқлари ҳақидаги Декларация”, 1965 йилда қабул қилинган “Ирқий камситишнинг ҳамма шаклларини тутатиш ҳақидаги Конвенция”ларда инсон шахси, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар бир мамлакатда ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланиши қайд этилган. “Ёш бола ҳуқуқлари ҳақидаги Декларация”да оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, болаларнинг меҳнати, саломатлиги, тарбиясини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этиш, уларнинг ирқий камситилишига йўл қўймаслик сингари ҳуқуқлари ҳар бир мамлакатда қонун асосида ҳимояла-ниши зарурлиги таъкидланган.

Бош Ассамблея халқаро ҳуқуқ тамойилларига тааллуқли бўлган масалаларни ҳам қараб чиқади. Бундан мақсад халқаро ҳуқуқнинг инсоннаварлик моҳиятини рағбатлантиришилар. Шунингдек буидан асосий мақсад иқтисодий, ижтимоий, маданий, соғлиқни сақлаш, соҳаларида халқаро ҳамкорликка ёрдамлашиш ҳамда ирқ, жинс, тил ва дин тафовугларидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини амалга оширишга кўмаклашишдир.

Бош Ассамблеянинг ўз вазифаларини бажаришга ёрдам берадиган комитетлари орасида ҳуқуқий масалалар билан ўгуруланаидиган комитет ҳам фаолият кўрсатади. Комитет фаолиятида халқаро ҳуқуққа доир масалалар билан бир қаторда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Комитет доимий равишда Бош Ассамблеяга инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида ахборотлар, тавсиялар бериб туради.

БМТнинг Бош Ассамблеяси сингари унинг Хавфсизлик Кенгаши ҳам инсоннинг ҳуқуқ-эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мақсадларни амалга оширишида муҳим рол ўйнайди. Хавфсизлик Кенгашининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир мақсадларини амалга оширишида унга ҳисоб бериб турувчи ёрдамчи органларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Бундай органлар

Хавфсизлик Кеңгашининг турли комиссияларидан ташкил толған бўлиб, бу комиссияларнинг айримлари бевосита инсоннинг ҳақ-хуқуqlари масалалари билан шуғулланади. “Инсон ҳақ-хуқуqlари комиссияси” БМТ Хавфсизлик Кеңгашининг ана шундай комиссияларидан биридир. Бу Комиссия Хавфсизлик Кеңгашига инсон ҳуқуqlари ва эркинликлари масалаларига доир таклифлар, тавсияномалар ва маъruzalар беради.

а) инсоннинг ҳақ-хуқуqlари ҳақидаги халқаро пактлар тўғрисида;

б) фуқаронинг эркинликлари, боланинг ҳақ-хуқуqlари, ахборотлар эркинлиги ва шу хилдаги бошқа масалаларга тегинли ҳалқаро декларация ёки конвенциялар тўғрисида;

в) майдада миллатларни ҳимоя қилиши тўғрисида;

г) ирқи, жинси, тили ва динига кўра камситишга йўл қўймаслик тўғрисида.

“Хотин-қизларнинг ҳақ-хуқуqlари комиссияси” ҳам Хавфсизлик Кеңгашига инсон ҳуқуqlари масалаларига доир ҳисоб бериб турувчи комиссиялардан биридир. Бу Комиссия ҳам “Инсон ҳақ-хуқуqlари Комиссияси” сингари Хавфсизлик Кеңгашига жаҳон хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги ҳақ-хуқуqlарини ҳимоялаш борасида қилинган ишлар тўғрисида ҳисоб бериб туради. Ўз навбатида, комиссия хотин-қизларнинг ҳақ-хуқуqlари ва эркинликлари, унинг ҳимоя қилиниши ёки камситилиши бўйича тезлик билан ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар юзасидан Хавфсизлик Кеңгашига тавсиялар беради.

БМТнинг инсон ҳуқуqlари ва эркинликларини ҳимоя қилиши билан боғлиқ фаолиятида унинг кўплаб ихтисослариган ташкилотлари муҳим ўрин эгаллайди. Бундай ихтисослариган ташкилотлар тизимида “БМТнинг маориф, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилоти (ЮНЕСКО)”, “БМТнинг озиқ-овқат ва қанилоқ хўжалик ташкилоти (ФАО)”, “БМТнинг савдо ва тараққиёт масалалари билан шуғулланувчи Конференцияси”, “БМТга кўмакланашибиган ассоциацияларнинг жаҳон федерацияси”, “БМТнинг тараққиёт дастури”, “БМТнинг Болалар фонди (ЮНИСЕФ)”, “БМТнинг махсусе фонди” сингари ташкилотлари алоҳида аҳамиятта эгадир. БМТнинг булар каби ихтисослариган халқаро ташкилотларнинг ҳар бири, гарчи улар инсоннинг ҳуқуқи ва эркинликлари масаласи билан бевосита шуғулланмасалар-

да, айни пайтда улар инсоннинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳадаги эҳтиёжларини қондиришида муҳим роль ўйнайдилар.

Инсоннинг ижтимоий, моддий ва мавнавий эҳтиёжларининг қондирилиши ҳар бир мамлакатда амал қиласидан қонунлар, ҳуқуқий ҳужжатларда у ёки бу даражада акс этади. Ҳар бир давлат ўз фуқароларининг бундай эҳтиёжларини қондиришида мамлакатда аниқ тадбирларни, вазифаларни белгилайди, фуқаролар эҳтиёжининг қондирилишинида рўй берадиган нохуни ҳолатларга қарши куран олиб боради. Бинобарин, инсон эҳтиёжларини қондириш борасида рўй бералиган салбий ҳолатларни бартараф қилинди мамлакатда амалда бўлган ҳуқуқий кафолатлардан фойдаланишига ҳаракат қиласиди. Уларнинг бундай ҳаракатлари қандай амалий натижаларга олиб келишидан қатъи назар, инсон эҳтиёжларини ҳимоя қилиндида қонунлар кучидан фойдаланишининг ўзи муҳим аҳамият қасб этади.

БМТнинг ихтисосланган ташкилотлари олиб борадиган фаолиятнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти бу нуфузли ташкилот томонидан қабул қилинган “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тұғрисида Халқаро Пакт” нинг 22-моддасида жуда аниқ ифода қилинган. Бу Пактда, жумладан, шундай дейилган: “Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш Бирлапланган Миллатлар Ташкилотининг бошқа органлари, уларнинг ёрдамчи органлари ва техник ёрдам күрсатиш билан шуғулланувчи ихтисослантирилган мұассасаларнинг дикқат-эътиборини мазкур Пактнинг ушбу қисміда әслатилаётган маърузалар муносабати билан иайдо бўлаётган ҳар қандай масалаларга қаратилиши мумкин, зеро бу ҳол ани шу органлар томонидан ваколатлар доирасида ушбу Пактнинг астасекин амалга оширишга күмаклашын мумкин бўлган халқаро тадбирларнинг қанчалик мақсаддага мувофиқлиги борасида қарорлар чиқаришида фойдали бўлиши мумкин”.

БМТ ихтисосланган ташкилотларининг инсон ҳуқуқлари ва әркинликларини ҳимоя қилишдаги роли ва аҳамияти қуйидагилар билан белгиланади:

**Биринчидан**, ихтисосланган ташкилотлар БМТга аъзо бўлган мамлакатларда аҳоли турли қатламларининг эҳтиёжларини қондиришида социал-иқтисодий, сиёсий маданий ёрдам күрсатади ва шу йўл билан мамлакатлар-

да инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишида мұхим роль үйнайды. Масалан, БМТнинг “Бирлашған Миллатларнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хұжалик ташкилоти” халқдарнинг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида очарчилік ва қашшоқлик рүй берған мамлакатларға моддий ёрдамлар күрсатади. БМТнинг “Болалар фонді” (ЮНИСЕФ) болаларнинг моддий ва социал ҳаёт шароитларини яхшилаш йүлида ҳукуматлар томонидан амалга ошириладиган тадбирларға ёрдам бериш мақсадида тузылған. Фонднинг фаолиятида соғлиқни сақлаш соҳасидаги дастурлар асосий үринни әгаллайды. Бундай дастурлар ёрдамида болалар саломатлигини мұхофаза қилиш, уларнинг үлемини қисқартырыш ишига күмак бериш, болаларнинг ҳаёти учун заарарлы бўлган меҳнатга жалб қилинишига йўл қўймаслик ва боциқа шулар сингари муаммоларни ҳал этиши бўйича мұхим тадбирлар амалга оширилади.

**Иккичидан**, БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари ўз фаолиятида инсон ҳуқуқларини камситишига олиб келувчи иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий омилларнинг ривожига түсқинлик қилиш, мақсадларига хизмат қилувчи етакчи сиёсий кучлар сифатида фаолият күрсатадилар. Масалан, БМТнинг ихтисослашган ташкилотларидан бири бўлган “Бирлашған Миллатлар Ташкилотига кўмаклашадиган ассоциацияларнинг жаҳон федерацияси (БМТКЛЖФ) инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш ва уларга риоя этиш, дунёдаги иқтисодий ва ижтимоий шароитни яхшилаш манфаатларини кўзлаб миллий ассоциацияларнинг фаолиятларини уйғунлаштириши мақсадларини амалга оширишига хизмат қиласди. БМТнинг бу ихтисослашган ташкилоти Бирлашған Миллатлар Ташкилотига кўмаклашувчи ассоциацияларнинг Ялни сессияларини ўтказиб туради ва бу сессиялар ишида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир масалаларни вақт-вақти билан мұхокама этиб, тегишли қарорларни қабул қиласди.

**Учинчидан**, БМТнинг ихтисослашган ташкилотлари инсоннинг иқтисодий, социал ва маънавий ҳаётини яхшилашга кўмак бериши билан, бундай ёрдам оз ёки кўп даражада бўлишидан қатъи назар, инсоннинг шаъни, учинг қадр-қиммати, эркинликлари ва бошқа ҳуқуқларининг камситилишига маълум даражада түсқинлик қиласди. Бундай түсқинлик бевосита ҳуқуқий меъёрларни кўллаш йўли билан эмас, балки ҳуқуқий меъёрларнинг бузилишига олиб келадиган шароитларга йўл қўймаслик

ёки уларнинг олдини олиш орқали амалга оширилади. Бинобарин, ихтисослашган ташкилотлар инсоннинг ҳаётини яхшилаш, унинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш соҳасида қанчалик кўп хайрли ишларни амалга ошириб борсалар, бу уларнинг шахсий ва ижтимоий ҳуқуқларидан фойдаланишдаги имкониятларнинг шунчалик кенгайиб боришига ёрдам беради.

## **2. ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИҚ ТАШКИЛОТИ ВА УНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДАГИ РОЛИ**

Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти (ЕХХТ) 70-йилларнинг бошларида Шарқ ва Фарб ўртасида кўп томонлама ҳамкорлик ва ўзаро муносабатларни ривожлантириш мақсадида ташкил қилинган. Асримизнинг 90-йилларида ҳалқаро майдонда рўй берган туб сиёсий ўзгаришлар ЕХХТнинг давлатлараро муносабатлардаги ролининг ошишига, унинг ҳуқуқ ва бурчларининг яшада кенгайишига олиб келди. Шунга кўра бу ташкилотнинг 1994 йилда Будапештда бўлган Олий даражадаги учрашуви, уни шунчаки оддий Кенгаш эмас, балки Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти деб аташга қарор қилди. Шундан кейин бу нуфузли ҳалқаро Ташкилот қатнашчиларининг Белград, Мадрид, Вена каби шаҳарларда қатор учрашувлари бўлиб ўтди. Уларда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига доир муҳим муаммолар муҳокама қилинди ва қатор шартномалар имзоланди.

Жаҳонда рўй берган кучли ижтимоий-сиёсий, миллий ва худудий ўзгаришлар Европа хавфсизлиги учун янги дастур ишлаб чиқишини тақозо этди. Шу сабабли 1990 йилнинг ноябрь ойида “Янги Европа учун” номи билан аталувчи Париж Хартияси қабул қилинди. Унбу ҳужжат ўзининг аҳамияти жиҳатидан Хельсинки Якуниловчи Актига тенгдир.

Хозирги кунда бу ташкилот 55 та аъзо-давлатга эга бўлиб, буларга Европадаги ҳамма давлатлар, АҚШ, Канада ҳамда собиқ Иттифоқ қулаши натижасида ташкил топган мустақил давлатлар киради. Македония кузатувчи сифатида иштирок этади. Барча иштирокчи давлатлар умумий мақомга эга. Уларнинг иштироки умумий манфаатлар, қоидалар ва меъёрларга асосланади.

ЕХХТнинг ташкил топиш тарихи 50-йилларга бориб тақалади. 1969 йилда Финляндия Европада хавфсизлик

ва ҳамкорликка бағищланған кенгашни Хельсинкида ўтказишиңи таклиф этди. Европадаги барча давлатларга, шуннингдек, АҚШ ҳамда Канадага таклифномалар юборилған эди. 1972 йилға келиб таклиф қилинған давлатлардан 25 таси мазкур кенгашни ўтказиши бүйича масалалар тайёрлашы киришиб, Хельсинкида ўтказилған бұлажак кенгашға асос солинғанди.

1975 йил 1 августда Хельсинкида йиғилған 35 давлат бошлиқлари Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Хельсинки Якуниловчи аҳдномасини имзоладилар. Бу якуниловчи аҳднома Хельсинки келищуви номи билан мапіхур бўлиб, унда иштирокчи давлатлар ўртасидаги муносабат ва ҳуқуматларниң ўз фуқаролари ўртасидаги муносабатлари тамоиллари белгиланди.

Хельсинки Якуниловчи Акти билан ЕХХТнинг бундан кейинги ривожланиши жараённага асос солинди. Унинг мазмуни бүйича учта асосий ҳужжат ишлаб чиқилди.

1. Европа хавфсизлигига боғлиқ масалалар;
2. Иқтисодиёт, фан ва техника ҳамда атроф мұхит соҳаларида ҳамкорлик;

3. Гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик.

Шу билан бирга бу актда аҳдлашув бүйича ЕХХТ аъзоларининг учрашувларини мунтазам ўтказиб туриш, ҳамкорликни кенгайтириши ва сиёсий мuloқotларни қўллаб-куватлаш, янги қоидалар ва месъёрлар ишлаб чиқиш масалалари назарда туғилди. Таشكilotта аъзо-давлатларниң учрашувларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бүйича келишиб олинди, ҳамда кенгаш иштирокчиларининг ўзаро ҳарбий фаолият ва ҳарбий мълумот алмашиш тўғрисида олдиндан огоҳ этиш йўли билан ишончини мустаҳкамлаш тадбирлари бўйича томонларниң келишувига эришилади. Шу билан бирга эксперталарниң алоҳида масалалар, жумладан, демократик институтлар, инсон ҳуқуқлари, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, атроф мұхит, ахборот воситалари, фан, маданият ва иқтисодиёт соҳаларида ҳамкорлик қаби масалалар бўйича учрашувлари ўтказиб турилади.

1990 йилда имзоланған Париж Хартияси ЕХХТ тарихида мұхим бурилиш бўлди. Совуқ уруш масаласи ҳал бўлғандан сўнг, ЕХХТнинг фаолияти ўзининг янги қирраларини очиши зарур эди. Хельсинки учрашувидан кейин бўлиб ўтган давлат ва ҳуқумат бошлиқларининг олий дарражадаги биринчи учрашувида қабул қилинған янги Европа учун Париж Хартияси, “Янги шароитда жаҳонда ЕХХТнинг ўрнини аниқлаб берди. Унда бу ташкилотнинг

келажак фаолияти учун янги йўналишлари белгиланди ва доимий ҳаракатдаги янги институтлар: яъни Венада низоларни (келишимовчиликларни) бартараф қилиш бўйича Марказ, Варшавада ёркин сайловлар бўйича Бюро ва Прагада Котибият ташкил қилинди. Хартияга асосан ташкилотнинг учта асосий сиёсий маслаҳатлашув органи тасдиқланди. Жумладан, Вазирлар Конғани, у иштирокчи-давлатларниң ташқи ишлар вазирларидан ташкил топади; Юқори мансабдор шахслар Конғани. Бу Конғаш давлат бошиликлари ва ҳукуматларининг олий даражадаги муайян учранивлари асосида иш олиб боради ҳамда жорий ишларга раҳбарлик қиласди.

1992 йил июлда қабул қилинган янги Хельсинки ҳужжати давлатларниң ЕХХТ доирасида биргаликда ҳаракат қилишларга яна бир туртки бўлди. Ушбу ҳужжат ЕХХТ-ниң инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилини ишида ва Европада юз берастган иохуц жараёни бопқаринидаги фаолиятини янада кенгайтиришининг бир қанча амалий механизмини яратишга имкон берди. ЕХХТ низоларни бартараф қилиш ва кризисларни тартибга солища муҳим роль ўйнайди. Унда кам сонли миллатлар иши бўйича Олий Комиссар лавозими таъсис этилиб, унинг зиммасига этник дарз кетишиларни, камситилишларни, минтақаларда низолар келиб чиқмаслигининг олдини олиш ёки уларни бартараф этиши сингари вазифаларни ҳал қилиш юкланди.

1992 йил декабрда ЕХХТниң янги Бони котиби лавозими таъсис этилди. 1993 йили Венада кенгайтирилган котибият худди шу ерда ушбу йилнинг декабрида янги орган — Доимий Қўмита (ҳозирда Доимий Конғаш) ташкил қилинди.

ЕХХТ халқаро ташкилотининг олий анжумани ҳар икки йилда бир марта ўтказилади. Сўнгги олти йил ичida тўрт бор ана шундай йирик анжуманлар бўлиб ўтди. Булар 1990 йил Парижда, 1992 йил Хельсинкида, 1994 йил Будапештда ва 1996 йил Лиссабонда ўтказилди.

Президентимиз И. А. Каримов Лиссабонда бўлиб ўтган анжумандаги пурқида бошқа мамлакатларниң манфаатлари камситилишига, яқин ўтмишдаги ҳарбий-сиёсий қарама-қарши туришдек ачинарли тажрибага қайтишга ва янги, “Берлин деворлари”ни тиклашга йўл қўймасликни таъминланған лозимлигини уқтириди. Дарҳақиқат, 60-80 йиллар тажрибаси Фарб билан Шарқнинг рақобати мутлақо яроқсиз, умуминсоний манфаатларга зид эканлигини исботлади.

Кейинги йилларда ЕХХТнинг имкониятлари тобора кенгайиб борди. У давлатлар ва халқлар ўртасида рўй бериси мумкин бўлган низолар, келишмовчиликларни бартараф қилиш ёки уларнинг олдини олиш мақсадида жойларга ўзининг миссияларини юбориб турди. Масалан, 1996 йилнинг февралида ЕХХТ Сербия ва Черногорияга (Югославия) нисбатан қўллаган санкциясини бажариш бўйича бу ерга ўз миссиясини юборди. Ҳозирги кунда ташкилотнинг бундай миссиялари Латвияда, Эстонияда, Тожикистанда, Молдовада, Македония Республикасида, Грузияда ва Сараевода фаолият олиб бормоқда.

ЕХХТ ташкил топғандан ҳозирги кунга қадар ўзи фаолият кўрсатаётган ҳудудларда хавфсизликни таъминлаш масалалари билан бир қаторда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам муҳим ишларни амалга ошироқлоқда. У БМТ томонидан инсон ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилингга доир барча ҳужжатларни эътироф этиш ҳамда уларда белгиланган тамойилларни амалга оширишга иштилоқда. Унинг БМТ билан бу борадаги ҳамкорлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар кўзламишининг ошиб боришига ёрдам бермоқда.

ЕХХТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ тавсия ва кўрсатмалари ҳамда қабул қилган ҳужжатлари сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, уларга мажбурий ҳуқуқий меъёр ёки тамойил сифатида қараш тўғри эмас. Бу ҳужжатларда белгиланган меъёрларга ва тамойилларга амал қилишда ҳар бир давлат эркиндир.

ЕХХТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятида ундаги барча аъзо-давлатлар сингари Узбекистон Республикасининг ўрни ва роли ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси ЕХХТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги тадбирларида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб бевосита ёки билвосита иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистон ЕХХТра 1992 йил 26 февралидан аъзо бўлиб кирди ва унинг томонидан қабул қилинган ҳужжатларни тан олди. 1995 йил октябрда Тошкентда ЕХХТнинг Марказий Осиё бўйича Бюроси очилди. Ушбу халқаро ташкилот билан Республикализмининг мунтазам алоқаси инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилишга катта ёрдам беради.

ЕХХТнинг Демократик институт ва инсон ҳуқуқлари бўйича Бюроси (ДИИҲБ) инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида вужудга келадиган камситиш, тазиик,

низо, тақиқ ҳамда бошқа салбий ҳолатларни бартараф этади ва олдини олади. Бу масалаларга бағицланган семинар ва форумларда Республикаиз мунтазам равищда иштирок этмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси ДИИХБ томонидан инсон ҳуқуқлари (1995й.), қонун устуворлиги (1995й.), виждан эркинлиги (1996й.), суд тизими фаолиятини такомиллаштириш (1996й.) масалалари бўйича ўтказилган форумларда фаол иштирок этди. Бу форумларда Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти сифатида иштирок этиб, инсон ҳуқуқлари ва уни ҳимоя қилиш масаласида ўзининг аниқ мақсадига йўналтирилган нуқтаи назарини баён этиб келмоқда.

Республикамиз EXXT кенгашларида ўзининг вакиллари билан иштирок этади. Бу улар учун ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг қисқа даврида жаҳон ҳамжамиятида ва айни пайтда EXXTда ўзининг муносиб ўринига эга бўлди. Бу, бир томондан Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини олишига олиб келган бўлса, иккинчи томондан эса, унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожланишида кенг имкониятларнинг очилишини таъминлади. Ўзбекистон БМТ ва EXXT нинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида бу нуфузли ташкилотларнинг фаолиятида фаол иштирок этиб, аъзо-давлатлар билан кенг кўламда ҳамкорликни ривожлантиримоқда. Ўз навбатида, EXXT Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги юксак мавқеига катта ишонч билдириб, бу минтақада хавфсизлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, инсон ҳуқуқларини ва эркинликларини ҳимоя қилиши соҳасидаги ишларни кенгайтиришга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги мавқеининг EXXT учун аҳамиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов қўйилагича таърифлаб кўрсатган эди. “Бизнинг фикримизча, республикамиз Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Осиёдаги таянчи бўла олади. У минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорликни, эҳтимол тутилаётган можароларнинг олдини олувчи дипломатияни таъминлашида, зиддиятларни бартараф этишда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва БМТ ҳамжиҳат иш юритадиган майдонга айланishi мумкин”. (И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995, 65-бет).

## УЧИНЧИ ҚИСМ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ВА ФУҚАРОНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ, БУРЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ

### ІХ БОБ

#### ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

Инсон жамият ва давлат ҳаётиниң барча соҳаларида давлат қонунларида мустаҳкамланган ўз ҳуқуқи, эркинлиги ва бурчларини амалга ошириши билан қатнишади. Жамият ва давлат инсонниң ҳуқуқи ва эркинлиги, унинг шаъни ва қадр-қимматини олий қадрият сифатига эътироф этади. Инсон ҳуқуқи ва эркинлиги доирасини кепгайтириш, шунингдек, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги Конституциясига ҳам хосдир.

#### 1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРИНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ АСОСЛАРИ

Халқаро ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистонинг қонуничилиги ҳам халқаро ҳуқуқ талабларига мувофиқ бўлини керак. Бундай талаблар Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Пакт, Иктисолий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ тўғрисидаги Халқаро Пакт, Оврўпода Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг ҳужжатларида, турли халқаро шартномаларда ўз ифодасини тонгтан. Бу стандартларниң кўпчилигига жаҳонниң барча давлатлари учун мажбурий ҳисобланган ва умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрлари сифатига қаралади. Халқаро ҳуқуқ тамойиллари ва меъёрларида мустаҳкамланган ҳамда умум эътироф этилган инсонниң ҳуқуқ ва эркинликлари айрим давлатниң ижтимоий-иктисолий тузумига, унинг ривож-

лапини даражасига, тарихий ва бошқа хусусиятларига боғлиқ әмас. Улар мамлакат Конституцияси ҳамда миллый қонунчиллик орқали кафолатланини керак. Давлат инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ месъёрларини ётироф этиши билан бирга, фақат халқаро ҳамжамият олдида әмас, балки ўз фуқаролари олдида ҳам муайян мажбуриятлар олади.

Маълумки, халқаро ҳуқуқ месъёрларида мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кўлами давлатта боғлиқ бўлмаса-да, лекин бу халқаро стандартлар ҳар бир давлатининг конституцияси, бошқа ҳуқуқий ҳужжатлари ёрдамида амалга оширилади. Ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлаш тартиби ҳар давлат томонидан мамлакатининг ўзига хос ҳуқуқий хусусиятлари ҳамда анъаналари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

Республикамизнинг Конституцияси инсонга кенг кўламдаги ҳуқуқ ва эркинликлар бериши билан бирга, унга маълум мажбуриятлар ҳам юклайди. Асосий конституцияий ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча мухим соҳаларини қамраб олади. Лекин табиийки, унинг бошқа хилдаги ҳуқуқ, эркинлик ва мажбуриятларини батамом қамраб олмайди, бинобарин, бу срда ган фақат асосийлари тўғрисида боради.

Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини тартибга солинида ижтимоий адолат, фуқароларининг умумий тенглиги, фуқаро ва давлатининг ўзаро жавобгарлиги тоғсига асосланади. У фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлесизлигини, инсонни суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини қайд этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган асосий ҳуқуқ ва эркинликлар ҳар бир инсонга, ҳар бир фуқарога таалуқли бўлиб, барча учун тенг ва баробардир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида инсон ҳуқуқларига содиқлик тантанали равинида эълон қилинган, унда ҳозирги замон конституцияларига хос бўлган умумий йўналишлар акс этган, инсоннинг ишсий ҳуқуқ ва эркинликлари биринчи ўринга кўйилган, унда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, уларниң кафолати ҳамда фуқароларининг бурчлари мустаҳкамланган.

Ўзбекистоннинг аввалги Конституцияларида фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари асосини ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар тақиқил этган бўлиб, унда ҳуқуқ ва эркинликларининг бурчлар билан узвий боғлиқиги тўғри-

сидаги foя синглирилган эди. Ўзбекистоннинг ҳозирги Конституциясида эса, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари халқаро ҳуқуқ томонидан ётироф қилинган умумий тамоилиларга асосланади.

Фуқаролар бурчларини Конституциянинг алоҳида бобида берилиши, ҳуқуқ ва бурчларнинг ўзаро алоқасидан қатъи назар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминлашими лозимлигидан далолат беради. Инсон, унинг ҳаёти, соғлиги, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари Конституцияда олий қадрият деб тан олинади. Бинобарин, Конституция инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминланишини биринчи ўринга қўяди, шахснинг маъмурий-буйруқбозлик тизимининг бир муруввати, белгиланган мақсадга эришишнинг оддийгина бир воситаси деб ҳисобламайди.

Шундай қилиб, Конституция алоҳида кишилар учун ҳам, давлат ва жамият учун ҳам ҳаётий зарур ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқ ва эркинликларни ўзида мужассамлаштирган. Улар эркин шахсга хос бўлган фуур ва қадр-қимматни, ўзи яшаб турган жамият қурилиши ва уни бошқаришга оид масалаларни ҳал этишда, ҳаётий моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда зарур бўлган иқтисодий ва ижтимоий шартшароитларни яратишда қатнашиш ҳуқуқини таъминлаш учун ниҳоятда зарур.

Конституцияда ифодаланган ҳуқуқларни амалда қўйлашиши ҳар қандай демократик ва ҳуқуқий давлат томонидан эълои қилинган қоидаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида ўз ифодасини топади. Умуман, давлат, жамиятнинг ҳаётийлиги одамлар турмушининг барча соҳаларида, чупончи сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳалардаги фаолиятларида ўз ифодасини топади. Хусусан, эркин меҳнат қилиш, эркин тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқини таъминламасдан, жамиятнинг иқтисодий тараққиётини тасаввур этиш мумкин эмас, шунингдек, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга оширмасдан эса, жамиятни демократик асосда бошқарилаш тизимини юзага келтириб бўлмайди. Шу сабабли, ҳуқуқ ва эркинликлар давлат томонидан тан олинибгина қолмай, улар давлат фаолиятининг муҳим шарти сифатида муҳофаза этилади.

Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар шахснинг ҳуқуқий мақоми асосини ташкил этиб, бошқа ҳуқуқ соҳалари билан конкретлаштирилади. Масалан, меҳнат фаолиятига доир барча ҳуқуқлар ва имтиёзлар меҳнат қилиш

хуқуқи ҳақидаги конституциявий қоидалардан, фуқароларниң соғлигини сақлаш соҳасидаги хуқуқлари шу масалага оид қоидалардан келиб чиқади.

Конституциявий хуқуқ ва эркинликлар ҳар бир шахс ва Ўзбекистонинг ҳар бир фуқароси учун тааліуклидир. Асосий хуқуқ, эркинлик ва бурчларниң ўзига хос хусусияти шундаки, улар ҳеч бир истиносиз ҳар бир киши ёки ҳар бир фуқаро учун тенг ва бирдир. Давлат у ёки бу асосий ҳуқуқни таң олишида уларни ҳамма томонидан амалга ошириш имкониятининг хуқуқий заминини яратади.

Ўзбекистон фуқароларининг асосий хуқуқ ва эркинликлари бошқа хуқуқ ва бурчлари пайдо бўлиши асосларидан бирмунча фарқ қилиди. Бундай ягона асос шахс фуқаролигининг мавжуд бўлишидир. Улар хуқуқнинг субъекти бўлган ҳар қандай фуқарога тегинсли ҳуқуқий лаёқатини амалга ошириш билан боғлиқ эмас, балки асосий хуқуқ ва бурчлар шахснинг давлат билан, унинг фуқароси сифатидаги мақоми билан боғлиқ.

Инсон ва фуқаронинг конституциявий хуқуқ ва эркинликлари унинг дунёга келиши биланоқ юзага келиб (баъзи ҳолларда фуқаролик даркор), улар давлат томонидан ҳимоя қилинади ҳамда шахснинг хуқуқий ҳолатини белгилайди.

“Хуқуқ” ва “эркинлик” тушунчалари ўртасидаги фарқ маълум маънода шартлидир. Эркинлик тушунчаси шахснинг мустақиллиги, унинг ички дунёсига ташқаридан таъсир кўрсатилишидан муҳофаза этилиши (виждон, динга эътиқод қилиш, фикр юритиш эркинлиги, бадиий, илмий, техник ва бошқа ижод турларининг эркинлиги кабилар) билан маълум даражада боғлиқдир. “Хуқуқ” тушунчаси эса кўн даражада давлат томонидан рӯёбга чиқариладиган ҳаракат, кўрсатиладиган хизмат ёки шахснинг маълум ижтимоий-сисёй, хўжалик тизимида интирок этишга ҳақли эканлигини билдиради.

Конституциянинг шахс ёки фуқаронинг хуқуқ ва эркинликлари ҳақидаги боби аниқ хуқуқ ва эркинликларга бағишилаиган бўлиб, уйдаги моддалар мантикий тизимни ташкил этади. Булар хуқуқ ва эркинликларнинг, шахс ва фуқаролар турмуш даражаларининг ўзига хос хусусиятларини ифода этади. Мана шу белгиларга асосланаб конституциявий хуқуқ ва эркинликларни уч гурухга: а) шах-

сий; б) сиёсий; в) ижтимоий-иктисодий ҳуқуқларга бўлиш мумкин.

Янги Конституцияда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари янги тамойилларга асосланган ҳолда қўйидаги тартибда жойлантирилган: дастлаб шахсий, кейин сиёсий, улардан сўнг эса ижтимоий-иктисодий ҳуқуқлар кўрсатилган. Бундай тартиб 1948 йилда қабул қилишган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига мос келади.

## 2. ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар инсон эркинлигининг асосий жабхаларини қамраб олади, кишининг жамиятдаги турмушни, яшаш ва фаолият кўрсатиш асосларини ифодалайди, унинг шахсий ҳаётини, хусусий эркинликларини турли хилдаги аралашувлардан ҳимоя қиласди.

Ушбу турга кирувчи субъектив ҳуқуқ ва эркинликларнинг муҳим фарқи шундаки, улар кишининг индивидуал ҳаётий эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган бўлиб, уларининг ўзлари томонидан мустақил амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларга бағинланган 7-боби 8 моддадан иборат бўлиб, уларда қўйидаги ҳуқуқ ва эркинликлар ифодада этилади:

- яшаш ҳуқуқи (24-модда)
- эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи (25-модда)
- айбесизлик презумпцияси (26-модда)
- шахсий ҳаётга аралашинидан ҳимояланиши ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқи (27-модда)
- бир жойдан иккигачи жойга кўчиш ҳуқуқи (28-модда)
- фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи (29-модда)
- фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ҳуқуқи (30-модда)
- виждан эркинлиги ҳуқуқи (31-модда).

Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар гуруҳининг ўзига хос хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

Улар ўз моҳияти билан инсон, яъни ҳар бир шахснинг ҳуқуқлари ҳисобланиб, уларнинг қайси давлатнинг фуқаролигига мансуб эканлиги билан боғлиқ бўлмайди;

Шахснинг мазкур ҳуқуқлари дахлсизdir ва ҳар бир шахс уларга туғилиши биланоқ эга бўлади;

Жамиятнинг инсонларварлиги, энг аввало, унинг шахсий ҳуқуқ ва ёркинликларни таъминлаб беришди намоён бўлади. Айнан шундай ҳуқуқ ва ёркинликларниң энг муҳими шахснинг яшаш ҳуқуқи бўлиб, бу олий қадриятни Конституция юридик жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида инсон шахсининг қадр-қиммати (муқалдима) ва ҳар бир кишининг яшаш ҳуқуқи (3-модда) эълон қилинган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Ҳалқаро Пактда бу ҳуқуқнинг дахслеслизиги, унинг қонун билан ҳимоя қилиниши ва ўзбопшимчалик билан яшаш ҳуқуқидан маҳрум этини мумкин эмаслигига эътибор қаратилган (6-модда). Ўзбекистон Конституциясининг 24-моддасида ана шу қоидалар ўз ифодасини топган.

Конституцияда яшаш ҳуқуқи илк бор мустаҳкамланган. Инсоннинг табиий ҳуқуқи (яшаш ҳуқуқи) ва уни ҳимоя қилини давлат ҳамда барча жамоат тузилмалари фаол ҳаракатларининг кенг доирасини, ҳар бир мавжуд инсон турмушининг хавфсиз ижтимоий ва табиий муҳитини, турмуш шароитини ўз ичига олади. Мазкур ҳуқуқнинг ана шу жиҳатлари соғлиқни сақлаш, соғлом турмуш тарзи, муносиб турмуш шароитлари билан чамбарчас боғланиб кетади. Уни амалга ошириш кафолати давлат зиммасига бир қатор мажбуриятларни юклайди. Жумладан урушилардан ижтимоий ва миллий низоларни ҳарбий йўл билан ҳал этишидан воз кечинига, шахсга қарши қаратилган жиноятларга, қонунсиз қурол ва уларни тарқатишга қарни изчил кураш олиб боришдаги давлат сиёсати шундай омиллар жумласига киради. Зарур тиббий ёрдам кўрсатини, тез ёрдам хизмати, гиёҳвандликка қарши кураш каби тадбирлар ҳам бу ўринда муҳим аҳамиятга эга.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш шунингдек, инсон яшайдиган табиий муҳитни сақлаш ва тиклаш билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Буларни икки туругча ажратиш мумкин: Ўзбекистон Республикасининг барча фуқароларига тааллуқли умумий ҳамда ҳар бир шахсга дахлдор якка тартибдаги мажбуриятлар.

Умумий мажбуриятлар жумласига қўйидагилар киради:

— урушни ҳалқаро можароларни ҳал этиш воситаси деб билмаслик ва унда қатнашмаслик;

— атроф-муҳитни ҳимоя қилиш;

— ўлим жазосини фавқулодда жазо чораси деб эълон қилиш;

— барчага баробар ва малакали тиббий хизмат кўрсатиш ва бошқалар.

Алоҳида мажбуриятлар эса бир қатор аниқ ҳолатларни, яъни инсон ҳәёти ва соғлигига тажовуз қиласидан ҳаракатларни жиноий ҳаракат деб таш олиш ҳамда уларни амалдаги қонунчиликда шу тарзда қайд қилининига дахлдордир.

Инсон ҳәёти — қонун томонидан қўриқланадиган олий ижтимоий аҳамиятга молик қадриятлар. Ҳар бир шахс яшаш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳеч ким уни ўзбошимчалик билан яшаш ҳуқуқидан маҳрум этиши мумкин эмас. Давлат ўлим жазосини бутунлай бекор этишга ҳаракат қиласи. Бундай жазо шахсга иисбати ниҳоятда оғир бўлганлиги учун уни фақат суд ҳукмига мувофиқ фавқулодда ҳолатларда қўллаш мумкин.

Конституция яшаш ҳуқуқини кафолатлаш билан бирга, ўлим жазосини қўллаш ҳолларини аича камайтирадиган чоралар белгилайди. Жазонинг бу тури ҳозирча сақланиб, у фақат фавқулодда ҳолларда, республика қонуни билан қўлланани мумкин ва у жазонинг олий тури сифатида шахснинг ҳәётига қарни тажовуз этилгандагина татбиқ қилинади.

Инсоннинг шахсий ҳуқуқлари доирасига давлат томонидан шахснинг шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқи ҳам киради. Инсон шаънини ҳурмат қилиши тараққий этган жамиятининг ажралмас белгисидир. Уни камситиш учун ҳеч нарса асос бўлинш мумкин эмас.

Давлат муҳофаза этажтаи эркинликлар тизимида шахснинг соғлигини ҳимоя қилиш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳуқуқ инсоннинг шахсий эркинлигининг ҳар қандай чеклапшардан холи этишини, ўз хатти-ҳаракатларини ўзи бошқаришини анѓюратади.

Эркинлик ва шахсий дахлсизликлар қонун билан кафолатанади ва фақатгина қонунда белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан чекланиши мумкин. Бундай органлар қонунга асосан шахсни ҳибста олиши, қамоқда ушлаб туриши ва озодликдан маҳрум этиши мумкин. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича Халқаро Пактнинг 9-моддасида ушбу ҳуқуқ кафолати белгилаб берилган: “Жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс

оқилона муддатда иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиши хуқуқига эга".

Тараққий эттаги мамлакатлар тажрибасида бундай ишлар одатда 24-48 соат ичидан кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ шубҳа қилинаётган ёки айланашётган шахсни қамоққа олиш ҳақидаги санкцияни прокурор беради. Ушлаб туриш, қамоқда сақлаш, озодликдан маҳрум қилиш, маъмурий, жиноий-процессуал, жиноий хуқуқларда аниқ белгилаб қўйилади. Қонунчиликла озодликни ишонуний чеклашга қарши бир катор чоралар кўлланилади.

Шахс қадр-қимматини ҳурмат қилиш меъёрларининг конституцияга киритилиши бу меъёрларга амал қилиш ҳар бир мансабдор шахс ва давлат тузилмалари барча ҳодимларининг юридик бурчи эканлигидан далолатдир. Инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳурматсизлаш инсоннинг шахс сифатида шакланиши, унинг ижодий, интеллектуал қобилиятларини намоёни этиши йўлида тўсиқ бўлиб хизмат қиласди.

Инсон хуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида, Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги Ҳалқаро Пактнинг 14-моддасида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида баён қилингани каби, жиноий ишларда ҳар қандай айланувчи унинг айби қонунда кўзда тутилган тартибда исботланмагунча айбсиз ҳисобланади.

Шундай қилиб, Конституция айбсизлик презумпциясини мустаҳкамлаш билан кишининг асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилмаслигини кафолатгайди, айланувчининг ҳимояси учун қулай шароит яратади ва судни ҳақиқатни аниқлашга даъват этади.

Инсон хуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 5-моддасидаги "Хеч ким азоб-уқубатга ёки ваҳшитларча, инсонликка испод келтирадиган ёки қадр-қимматини ҳўрлайдиган муомала ва жазога мустаҳқиқ бўлмаслиги керак" деган фикр Конституциямизнинг 26-моддасида ҳам ўз аксии тоғланади. Декларациянинг 22-моддасида инсоннинг қадр-қимматини камситишга йўл қўймайдиган ижтимоий-иқтисодий шароитни яратиш зарурлиги кўзда тутилган. Инсоннинг қадр-қимматини камситиш, қийнаш ва бошқа шафқатсиз усуlda инсон билан муомалада бўлишни тақиқлаш Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги Ҳалқаро Пактнинг 7-моддасида кўрсатилган.

Конституцияда шахсий дахлсизлик хуқуқи унинг шахсий ҳаётни дахлсизлиги билан тўлдирилади. Шахсий ҳаёт

давлат, фуқаролар томонидан назорат қилинмайдиган алоҳида оиласвий, майиний, хусусий, интим муносабатларни ҳам билдиради. Қонуидан шахсий ҳаёт деганда ҳар бир шахснинг фақат ўзига тегинили бўлган ёзишма, телефон орқали сұхбат, телеграф ва бопқа хабарлар, тиббий, интим маълумотларни ошкор этиши унга маънавий зарар етказилиши мумкин бўлган бопқа ахборотлар тушиналади. Шунингдек, Конституция юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар билан бирга ҳеч кимниг одамлар уйига кириши, тинтуб ёки текширув ўтказилиши, ёзишма ёки телефон орқали сұхбатининг махфийлигини бузишга ҳаққи йўқлигини англатади.

Фуқароларниң шахсий ҳаётига асоссиз аралашув, ёзишмалар, телефонда сўзлашувлар ва телеграф хабарларини ошкор қилганилик учун жавобгарликнинг турли шакллари кўзда тутилган.Faқат қонуидан кўзда тутилган маълум ҳолларда, яъни жиноий ишлар кўриб чиқилаётган тақдирдагина ёзишмалар ушланиб қолиниши ва уларни почта-телеграф муассасаларидан олиб қўйилиши мумкин.

Туар жой даҳлсизлиги ҳуқуқи юқорида кўриб ўтилган эркинлик, шахсий даҳлсизлик, шахсий ҳаёт даҳлсизлиги ҳуқуқларига мазмунан яқин. Туар жой деганда хона, ҳовли, дала-ҳовли, ер майдони, меҳмонхона, ётоқхона ва ҳ.к., яъни фуқаронинг қонун асосида доимий ёки вақтинча туар жойи тушинулади.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 12-моддасида ўзбошимчалик билан туар жойга кириш ва Фуқаролик ҳамда сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактисининг 17-моддасида ноқонуний тажовуз қилингана йўл қўйиб бўлмаслиги қайд қилинган. Бу қонида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида ўзифодасини тонгап бўлиб, ҳеч ким қонуинг белгиланган ҳолатдан ташқари, бирор кипининг хоҳини-иродасига қарши унинг уйига кириши ҳуқуқига ога эмаслиги аниқ кўрсатилган. Унда тергов ишлари бўйича тинтуб дастлабки тергов органларининг прокурор рухсати билан асосланган қарори ва гувоҳлар иштирокида ўтказилиши мумкинлиги таъкидланган.

Умумэътироф этилган тамойиллар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида республика ҳудудида эркин ҳарарат қилини, Ўзбекистон Республикасига кириш ва ундан чиқиб кетиш каби инсон ҳуқуқларининг муҳим томонла-

ри ҳам қайл қилинган. Ўзбекистон фуқароси республика ҳудудидан эркин чиқиб кетин ва эркин қайтиб келиш ҳуқуқига эга (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси). Бу ҳуқуқ фақат қонунда белгиланган ҳоллардагина чекланиши мумкин.

Эркин фикрлари, сўз ва эътиқод эркинлиги умумисоний қадриятларининг асоси ҳисобланади. Булариз инсонларининг ва умуман жамиятнинг тўлақонли даражада яшашини тассавур этиш мумкин эмас. Бу Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясининг 18 ва 19-моддаларида ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактининг 18 ва 19-моддаларида қайд қилинади. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ҳам ўз ифодасини топган.

Фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқлари давлат чегараларидан қатъи назар оғзаки, ёзма ёки матбуот орқали ифодаланинг бадиий услублари ёки ўз хоҳиши бўйича бошқа усууллар билан ҳар қандай маълумотни олиш ва тарқатиш ҳуқуқларини ўз ичига олади. Бу ҳуқуқ аввало, жамият учун муҳим маълумотларни излаш, олиш ва тарқатишнинг ҳозир ёнг кўн ёйилган, осон усули бўлган оммавий ахборот воситалари орқали амалга оширилади. Бироқ оммавий ахборот воситалари маълумотларида фойдаланиш эркинлигини сунистеъмол қилингага йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддаси барча давлат идоралари, жамоат бирлашималари ва мансабдор шахслар уларининг ҳуқуқ ва манифатларига даҳлдор бўлган ҳужжатлантирилган маълумотлар билан танишиб чиқиши имкониятини яратиб бериш лозимлигиди белгилайди.

Фуқароларга уларнинг ўзлари ҳақидаги маълумотларни олиш ҳуқуқини амалга ошириш соҳасида икки хил имконият берилини мумкин. Булар тараққий этган гарб мамлакатларининг қонунчилигига ҳам акс этган халқаро амалиёт турлари бўлиб, улар қайл этувчи ва эълон қилинган ҳужжатлардир. Гарб мамлакатлари қонунчилигига акс этган халқаро амалиёт фуқароларнинг улар тўғрисидаги маълумотни олиш ҳуқуқини амалга оширишда асосий имкониятларининг иккитасидан: бири берилган маълумотларнинг таснифи, мақсадлари ва улардағи фойдаланиши ҳамда тошириш эркинликлари тўғрисидаги алоҳида маълумотлардан фойдаланиши ва иккинчиси, маълумотларни қайл қиласидаги ва тарқата-

диган ташкилотлар тўғрисидаги ахборотларни йигадиган ва ишлаб чиқадиган очиқ регистрлардан иборат.

Шахсларнинг қонуний ҳуқуқига асосан мазкур шахста тегишли бўлган қандайдир маълумот борлигини, упинг мазмунни, шунингдек ушбу маълумот берилганилиги учун пул тўлаш билан шу маълумотни олиш ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланади.

Шахсий ҳуқуқлар тизимида виждан эркинлиги, диний эътиқод эркинлиги муҳим ўрин тутади (31-модда). Кўп миллатли ва кўхна юртимизда турли конфесиялар, диний эътиқодларнинг мавжудлиги бу Конституциявий месъёрнинг аҳамиятини янада оширади, диний эътиқоднинг эркин танлапишини таъминлади.

Диний эътиқодни қабул қилиш ёки рад этиши, истаган динни якка ҳолда ёки бошқалар билан биргаликда тарғиб қилиш, диний ёки бошқа эътиқодларни эркин танлаб олиш, унга амал қилиш ва ёйин инсоннинг шахсий ҳуқуқи хисобланади. Давлат томонидан динга бўлган муносабатни аниқлаб олиш масалаларига аралашмайди.

Диний ёки атеистик қарашларни эркин танлаб олиш таълим тизимининг моддий асосларига ёрдам беради, инсоннинг динга у ёки бу даражадаги муносабатини шакллантириш мақсадини кўзда тутмайди. Диний таълимот подавлат муассасаларида ва тарбия берувчи идораларда, ёки диний бирлашмаларда амалга оширилади.

Инсон ва дин муносабатларини тавсифлайдиган виждан эркинлиги асосан диний ёки атеистик эътиқод ҳуқуқига эгаликни билдиради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида бундай ҳуқуқ барча учун кафолатланган. Виждан эркинлигининг асосий юридик кафолатларида бири Конституцияда ҳар бир инсон ва фуқаронинг, упинг динга бўлган муносабатларидан қатъи назар, ҳуқуқлари ва эркинликлари тенглигининг эълои қилинишидир.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳар бир кишига ҳар қандай дин, конфесияга тегинчи бўлиш эркинлигини кафолатлайди. Бундай кафолат Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тузилган ва фаолият кўрсатадиган диний бирлашмаларга ҳам дахлдордир. Диний бирлашмалар давлатдан ажратилганилиги сабабли, давлат ва унинг органлари, лавозимли шахслар фуқароларнинг динга бўлган ўз муносабатларини аниқлаш, диний бирлашмаларнинг қонуний фаолияти каби масалаларига аралашмайди.

## Х Б О Б

### СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

Инсоннинг жамиятда тутган ўрни унинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар билан бирга, унинг сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятлари билан ҳам белгиланади. Бундай имкониятлар турлича бўлиб, улар сиёсий тузумларга, сиёсий ҳокимиятларга ва жамиятда амалда бўлган тартибларга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Сиёсий ҳуқуқлар ҳар бир шахснинг жамиятнинг сиёсий ҳаёти ва муносабатларида қандай иштирок қилишини белгилаб беради.

#### I. СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР, УЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА ТУРЛАРИ

Ҳар бир инсон у қандай сиёсий тузумда фаолият кўрсатишидан қатъи назар, сиёсий ҳуқуқлардан у ёки бу даражада фойдаланади. Сиёсий фаоллиги кучли кишининг сиёсий жараёнлар ва сиёсий муносабатлардаги иштироки анча кенг бўлади, у ўзининг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликлари моҳиятини чуқур англаб етади ва улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш имкониятларига эга бўлади. Бу имконият, ҳар бир инсонга ўзининг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда катта ёрдам беради.

Сиёсий ҳуқуқлар жамиятда сиёсий ҳаётнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бу жараён узоқ тарихий тараққиётнинг натижаси. Давлатларнинг пайдо бўлиши билан рўй берган. Давлат жамиятнинг сиёсий намояндаси сифатида фуқароларнинг ҳаракатларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб туришга ҳаракат қилган. Бинобарин, инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари ва уларнинг амалда бўлиши жамиятнинг сиёсий жиҳатдан ривожланиши учун объектив заруриятта айланган.

Инсон сиёсий ҳуқуқларининг объектив моҳияти уларнинг айрим ёки бир грух кишиларнинг ҳоҳиш-истагига боғлиқ бўлмаганлиги билан белгиланади. Сиёсий ҳуқуқлар ҳам инсоннинг бошқа ҳуқуқлари сингари бирон-бир сиёсий куч томонидан жамиятга ташқаридан киритилган ёки жорий этилган меъёрлар йиғиндиси эмас.

Инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари умумий моҳиятга эга бўлган тартиб-қоидалар йиғиндисидир. Бунинг маъноси шуки, сиёсий ҳуқуқлар алоҳида миллат ёки халқقا, у ёки бу ирққа мансуб бўлмай, бу ҳуқуқлар жаҳондаги барча

миллатлар ва халқларга, турли ирққа мансуб кишиларга дахлдордир.

Инсоният барча замонларда ҳам жамиятта амалда бўлган сиёсий ҳуқуқлардан ўёки бу даражада фойдаланиб келган. Бизнинг мамлакатимизда яшаётган халқ ва миллатлар ҳам бундан мустасно эмаслар.

Инсоннинг асосий сиёсий ҳуқуқларидан бири — бу унинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокидан иборат. Унинг бундай иштироки икки йўл билан амалга оширилади. Биринчидан, ҳар бир инсон жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок қилиш ҳуқуқидан, иккинчидан, ўз вакиллари орқали иштирок қилиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин.

Фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эгалар. Уларнинг жамият ҳаётига доир масалаларни ҳал қилишда ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини сиёсий ҳокимиятларга билдиришлари, улар олдига аниқ талаблар кўйишлари ва бу талабларни амалга оширишда йиғилишлардан, оммавий-ахборот воситаларидан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси фойдаланиши зарур бўлган бундай сиёсий ҳуқуқлар демократик сиёсий тузумнинг моҳиятига тўла мос келади.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг ўз вакиллари орқали иштирок қилиш ҳуқуқи уларнинг жамият ҳаётига доир масалаларни ўзлари ишонч билдирган вакиллар орқали ҳал этишда қатниашиш имкониятини беради. Бу имконият жамият ҳар бир аъзосининг сиёсий фаоллигини оширишга, унинг жамият олдидаги масъулиятни тобора чуқурроқ ҳис қилиб боришига ёрдам беради. Ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқаролари фойдаланаётган сиёсий ҳуқуқнинг бу жиҳати мамлакатимиз ижтимоий ҳаётини демократлаштириш жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок қилиш ҳуқуқи давлат идораларини демократик асосларда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Давлат идораларининг иши — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсоннинг талаб ва эҳтиёжларини оқилона даражада қондириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиб беришdir. Бинобарин, давлат идораларининг асосий вазифаси инсоннинг ўз қобилият ва эҳтиёжларини тўла намоён қилиши учун зарур бўлган имкониятлар-

ни ва бу жараённи вужудга келтирадиган ҳуқуқий механизмларни яратиб беришдан иборат.

Инсоннинг сиёсий ҳуқуқларидан бири мамлакатда амалда бўлган қонунларга мувофиқ тарзда йиғилишлар, намойишлар, митингларда иштирок қилишидир. Ўзбекистон фуқароларининг бундай ҳуқуқлардан фойдаланиши республикамизда ҳуқуқий, демократик жамият қуришда муҳим аҳамият касб этади. Ўз павбатида, демократик жамият инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини таъминлашнинг зарур шарти ҳисобланади.

Фуқароларнинг йиғилишлар, митинг ва намойишларда эркин иштирок этиши уларнинг сиёсий онгини ўстириш ва сиёсий фаоллигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон ҳукумати ва унинг жойлардаги идоралари фуқароларнинг бундай ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини топташ йўлидаги ҳар қандай салбий ҳолатларга йўл қўймаслик чораларини кўриб келмоқда. Бу эса Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ва бизнинг Конституциямиз талабларига тўла мос келади.

Кишилик жамияти ривожининг барча даврларида фуқароларнинг кўча намойишлари, митинг ва йиғилиши турли йўллар билан бостириб келинган. Тоталитар ва авторитар сиёсий тузумлар амалда бўлган кўпчилик мамлакатларда ҳозирги кунда ҳам инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини таҳқирлаш ҳоллари давом этмоқда. Кўча намойишлари, митинг ва бошقا сиёсий тадбирларда қатнашишдан иборат сиёсий ҳуқуқларини топташ йўлидаги уринишилар бунга мисолидир.

Инсоннинг кўча намойишлари, митинг ва йиғилишларда иштирок қилишдан иборат сиёсий ҳуқуқларини мутлоқлаштириш мумкин эмас. Бунинг маъноси — ҳар қандай намойиш ёки йиғилишлардан мамлакатда сиёсий тартибсизликларни авж олдириш мақсадларида фойдаланмаслиkdir. Чунки сиёсий тартибсизликлар мамлакат ва жамиятнинг ривожланиши учун оғир салбий оқибатларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам бундай ҳаракатлар дунёning барча мамлакатларида қонун йўли билан тақиқланади. Бизнинг мамлакатимиз ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мамлакатимиз фуқаролари митинглар, йиғилишларни Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ равища үтказишлари ва ҳокимият органлари бундай сиёсий тадбирларни мамлакат хавфсизлиги нуқ-

тай-назаридангина тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳукуқига эга эканликлари қайд қилинади.

Мамлакат фуқароларининг касаба уюшмаларга, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшишлари ҳам улар фойдаланадиган сиёсий ҳукуқлардир. Инсоннинг бундай ҳукуқлардан фойдаланиши унинг ўзлигини англаш ва сиёсий фаоллигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Аммо инсон ҳамма вақт ҳам бундай ҳукуқлардан фойдаланиш имконига эга бўлмаган. Бунга кўпинча мамлакатда ўрнатилган сиёсий тартиблар, ҳукмдорлар олиб борган зўравонлик сиёсати сабаб бўлган. Дунёнинг айрим мамлакатларида сиёсий партиялар ва кўплаб жамоат ташкилотлари фаолиятининг тақиқлаб қўйилиши ҳам фуқароларнинг бундай ҳукуқлардан фойдаланиш имконини бермаган. Фашистик, диктаторлик тартиблари ўрнатилган баъзи мамлакатларда эса, кишилар ўзларининг оммавий ҳаракатларда қатнашиш ҳукуқидан ҳам фойдалана олишмаган. Жамиятда ҳукм сурған зулм ва зўравонлик, халқ иродасининг букиб қўйилиши йўлидаги ҳаракатлар инсоннинг барча ҳукуқлари сингари, унинг сиёсий ҳукуқларининг топталишига ҳам сабаб бўлган.

Инсоннинг жамиятда ҳаракатда бўлган сиёсий ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳукуқидан фойдаланишида демократик сиёсий тузумларда кенг имкониятлар яратилади. Ҳозирги кунда демократик сиёсий тузумлар амалда бўлган мамлакатларда фуқаролар ўзлари истаган сиёсий ташкилот ва уюшмаларга аъзо бўлиб кириш ва уларнинг ишида фаол қатнашиш имкониятларига эгалар. Бундай имконият Ўзбекистон фуқаролари учун ҳам таъминланган бўлиб, улар ҳозирги кунда ҳеч қандай чеклашларсиз сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларида қатнашмокдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов мамлакатимиз фуқароларининг сиёсий ва ижтимоий ташкилотларга аъзо бўлиш ҳукуқларини белгилаб берадиган қонунлар тизимини яратиш зарурлигини таъкидлаб, бундай қонунларнинг амалда бўлиши инсоннинг сиёсий ҳукуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгалигини таъкидлайди.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек давлат идораларида фаолият кўрсатувчи озчиликнинг сиёсий ҳукуқлари ҳам қонун йўли билан муҳофаза қилинади. Уларнинг

сиёсий ташкилотлар ва давлат идораларидағи ишлари бойынша бирон-бир турдаги жамоат ташкилотларига альо бўлиш хуқуқидан маҳрум этилишини билдирамайди. Ҳолбуки мамлакатимизда ҳар бир инсон бир вақтинг ўзида бир нечта жамоат ташкилотининг аъзоси бўлиш хуқуқига эга.

Республикада ҳар бир фуқаро бирон-бир сиёсий партияга альо бўлини билан бир вақтда, касаба уюшмалар, ёшлилар, хотин-қизлар ёки фахрийлар ташкилотларига альо бўлишини ва улар фаолияти орқали ўзининг сиёсий хуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин. Бинобарин, у ёки бу ташкилотта альо бўлган шахсинг хуқуқи камситилганда, бу ташкилот ўз аъзосини ҳимоя қиласиди.

Ҳар бир шахс ўзининг сиёсий ташкилотлар ёки жамоат бирлашмаларида альо бўлиш хуқуқидан қанчалик самарали фойдаланса, бу унинг сиёсий жиҳатдан етук бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Инсоннинг сиёсий ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларидағи фаол иштироки унинг ўзлигини англаш ва ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Инсоннинг сиёсий хуқуқлари унинг жамоат ва давлатини бошқаринида қатианиш, митинглар, йиғилишлар ва намойишларда иштирок этиш ёки унинг сиёсий ташкилот ва жамоат бирлашмаларида альо бўлишиниң ўзи билан чекланмайди. Балки ўз талабларини қондириш мақсадида, давлат идоралари, муассасаларига ёки ўзи альо бўлган ташкилотларга ариза, шикоят, маълумотнома, таклифлар билан мурожаат қилиш хуқуқидан фойдаланади. Инсон ўзининг бу сиёсий хуқуқидан якка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда фойдаланиши мумкин.

Инсоннинг барча сиёсий хуқуқлари сингари унинг турли муассасаса ва ташкилотларга ариза, шикоят ёки таклифлар билан мурожаат қилиш хуқуқи ҳар бир мамлакатда қонун орқали ҳимоя килинини лозим. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида, “Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатда кўриб чиқилишини ишарт” — дейилган.

Мутасадди ташкилотларда фуқаролардан тушган таклиф ёки шикоятлар кўриб чиқилаётганда улардаги талаблар, таклиф ҳамда мулоҳазалар инсон ва жамият учун қанчалик фойдали ёки фойдасиз эканлиги эътибордан четда қолмаслиги керак. Чунки шикоят ёки таклифлар орқали инсон биринчидан ўзининг сиёсий хуқуқидан фойдаланади, иккинчидан эса, у ўзи ва жамият учун зарур

бўлган эҳтиёжни қондириш имкониятига эга бўлади. Инсон сиёсий жараёнининг фаол иштирокчиси бўлиш ва ўзининг сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланиш асосида бу жараённи ҳаракатта келтириб турувчи кучга айланади.

Инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари ҳар қандай жамиятда ҳам хурмат қилинини зарур. Инсон ҳуқуқларининг тонталиши халқаро ҳуқуқ меъёрларига батамом зид. Шунинг учун ҳам кўнчилик халқаро сиёсий ташкилотларининг ҳужжатларида, инсон ҳуқуқларига доир ўтказилган халқаро аижуманларининг ҳужжатларидаги инсоннинг барча ҳуқуқлари сингари унинг сиёсий ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинини кўн марталаб қайл қилинади. Масалан, Бирланган Миллатлар Ташкилотини тузишдаги асосий мақсадлардан бири — бу инсон ҳуқуқларини унинг ёши, жинси, ирқи, дини, миллати, у ёки бу ижтимоий гурухга мансублиги, у ёки бу сиёсий ташкилотга аъзо эканлигидан қатъи назар хурмат қилиниши, рағбатлантирилиши, унинг барча ҳуқуқлари сингари сиёсий ҳуқуқлари ҳам эркин ва тўла тенг ҳуқуқлилик асосида ҳимоя қилинини назарда тутилган. Бу борада БМТ Бош Ассамблеяси тамонидан 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси”, 1959 йилда қабул қилинган “Болаларнинг ҳуқуқлари Декларацияси” муҳим аҳамиятга эгадир. Халқаро аҳамиятга эга бу тарихий ҳужжатларни камситиш ёки поймол этишга қаратилган ҳар қандай уринишларга йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланади.

Шунингдек “Демократ Юристларнинг Халқаро Уюшмаси”, “Халқаро Хотин-Қизлар Кенгаши”, “Жаҳон Демократик Ёнлар Федерацияси” ва бошқа кўплаб халқаро сиёсий ташкилотлар ҳам инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилинди амалий фаолият кўрсатмоқдалар.

Инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишида давлатининг аҳамияти бениҳоя каттадир. Давлат ўзининг ички ва ташқи вазифаларидан фойдаланиб, инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини мамлакат ичкарисида ва халқаро майдонда ҳимоя қилинди стакчи сиёсий кучлардан бири ҳисобланади. Ўз навбатида, давлатлар фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни ҳам таъминлайди. Бироқ инсоннинг сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланишида давлатнинг аҳамиятини батамом мутлоқлантириши мумкин эмас. Давлат диктаторлик ёки зўравонликка асосланган бўлса, ўз фуқароларининг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини бўғиб қўйишга,

уларнинг ҳар қандай ҳаракатларини зўрлик йўли билан бостиришга интилади. Бу айниқса, тоталитар ва авторитар сиёсий тузумлар амалда бўлган мамлакатлардаги давлатларга хосдир. Собиқ Иттифоқ даврида инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари қанчалик таҳқиқланганлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Сиёсий қатағонликлар, бутун-бутун ҳалқларни зўрлик билан ўзлари яшаб турган еридан кўчириб юбориш, сайловларнинг номигагина ўтказилиши ва бошқа шулар сингари салбий ҳолатлар инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари қанчалик топтаб келинганлигини амалда кўрсатади.

Инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кенг жамоатчилик катта сиёсий куч ҳисобланади. Жамоатчилик фикри ва унинг амалий ҳаракатлари барча замонларда ҳам инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб келган. Инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бу омил ҳозирги кунда ҳам мамлакатимизда ўз кучини йўқотмаган. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бу омилнинг аҳамияти янада ошиб боришини қайд қилиб, бунда фуқароларнинг сиёсий жараёнларда, давлатни бошқаришда қатнашишини кенгайтириш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор билан қараш зарурлигини таъкидлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари унинг бошқа ҳуқуқлари сингари давлат ҳокимиyати, сиёсий ва оммавий жамоат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик томонидан ҳимоя қилинмоқда ва бунинг учун зарур бўлган шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу ҳол мамлакатимизда инсонпарвар, демократик жамияти куриш йўлидаги ҳаракатларни тезлаштиришга ёрдам бермоқда.

## **2. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИДА ИНСОННИНГ СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32—35 моддаларида инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари ва уларни қонун йўли билан ҳимоя қилинишининг кафолатлари асослаб берилган. Бундай кафолатлар Ўзбекистонда қурилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгалир. Сиёсий ҳуқуқлар қонун йўли билан ҳимоя қилинмаган тузумларда инсоннинг эрки ва қадр-қиммати турли йўллар

билин топтаб келингандыгы түрлесида тарихдан жуда күплөб мисоллар көлтириш мумкин.

Хозирги кунда бизнинг мамлакатимизда инсоннинг сиёсий хукуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Сиёсий хукуқлар” деб номланган VII бобидаги моддаларда аниқ күрсатыб берилген. Ана шундай хукуқлардан бири Конституциянинг 32-моддасыда ифодаланган бўлиб, унда “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш хукуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади”.

Ўзбекистон фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиши Конституцияда кафолатлангандыгы инсон хукуқларини ҳимоя қилишгина бўлиб қолмай, айни пайтда ҳар бир фуқаронинг бошқарув ишларидаги фаол иштирок қилишлари учун зарур бўлган имкониятнинг вужудга келтирилганлигини ҳам билдиради. Бундай имконият, энг аввало, мамлакатимизда вакиллик ҳокимияти тизимининг ташкил топганлиги билан белгланади. Ўзбекистон парламенти — Олий Мажлиснинг кўп partiyaийлик асосида сайланиши давлат бошқарувини вакиллик ҳокимияти тизими асосига қурилганлигини кўрсатыб беради. Бу муҳим сиёсий ўзгаришининг аҳамиятини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов қуйидагича таърифлайди: “Мамлакатимизда сиёсий ўзгаришларга мос равишда ихчам, очиқ ва тадрижий ривожланишга эга бўлган ижтимоий тизим яратилди. Шу туфайли биз ўтмишни баҳолашда барча фуқароларнинг ҳам-фикрлигига, умуммиллий яқдилликка эриша олдик. Сиёсий ислоҳотларнинг ҳар тамонлама чукурлашиши учун қулай шароит ҳозирланди” (И.А. Каримов. “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамоиллари. Т., “Ўзбекистон”, 1995, 7-бет.)

Хозирги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки вакиллик ва бевосита демократия орқали амалга оширилмоқда.

Бевосита демократия орқали мамлакатимиз фуқаролари жамият ва давлат бошқарувига доир муаммоларни ҳал этишда ўз фикр-мулоҳазалари, таклифлари билан иштирок этмоқдалар. Уларнинг бундай иштироки оммавий ахборот воситалари, босма нашрлар орқали амалга оширил-

моқда. Бу Конституциямизда ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган инсоннинг шахсий, ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларидан самарали фойдаланиш имкониятларидан келиб чиқмоқда. Конституциянинг 29-моддасида белгиланган “ҳар ким фикрланиш, сўз ва эътиқод эркинлигига эга” эканлиги тўғрисидаги ҳуқуқий кафолати, мамлакатимизда бевосита демократиянинг чуқурлашиб борилини таъминламоқда.

Бевосита демократия фуқароларнинг жамият ва давлат ҳаётига доир масалаларни халқининг кенг муҳокамасига ва умумий овозга (референдумга) қўйишини ҳам ўзида акс эттиради. Референдумларда иштирок этиш билан фуқаролар ўзларининг сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланишиларни амалда кўрсатадилар. Мамлакатимизда инсоннинг бу сиёсий ҳуқуқи Конституциянинг 9-моддасида ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган. Унда ёзиб кўйилганки, “жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум тартиби қонун билан белгиланади”.

Инсон сиёсий ҳуқуқининг бевосита демократия орқали кафолатланиши бизнинг мамлакатимизда фуқароларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланишида қанчалик кенг имкониятларга эга эканлигини кўрсатади.

Вакиллик демократияси орқали мамлакатимиз фуқаролари жамият ва давлат инсларини бошқаришда ўзлари сайлаб қўйган вакилларига ишонч билдириш орқали иштирок қиласидилар. Конституцияга кўра, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, унинг фаолиятини амалга оширишда халқ ноиблари иштирок қиласидилар. Олий Мажлиснинг кучи халқ ноибларининг ўз сайловчилари билан яқин муносабатда бўлишидадир. Бу сайловчиларнинг Олий Мажлисда қандай қонунлар муҳокама қилинаётганини ва қабул қилинаётганинидан хабардор туришларида жуда қўл келади. Бундан тапкари халқ ноибининг ўз сайловчилари олдида ҳисоб бериб туриши ҳам вакиллик демократияси аҳамиятининг ошишига ёрдам беради.

Фуқаролар фойдаланадиган сиёсий ҳуқуқларнинг бевосита ва вакиллик демократияси орқали амалда бўлиши демократик жамият қуришининг зарур шарти ҳисобланади. Бу йўл, бир томондан, инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари учун зарур бўлган ҳуқуқий кафолатнинг қанчалик амалда

бўлишини белгилаб берса, иккинчи томондан эса, жамият ҳар бир аъзосининг мамлакатда амалда бўлган сиёсий ҳуқуқлардан қанчалик ва қай даражада фойдаланиши мумкилигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида мамлакатимиз фуқаролари фойдаланадиган асосий сиёсий ҳуқуқлардан яна бири — фуқароларниң митинглар, йиғилишлар, намойишлар қилиш ёки уларда иштирок этиш ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ Конституцияда қўйилдагича қўйилган: “Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгаладир. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангиша бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга”.

Митинглар, йиғилишлар ёки намойишлар сиёсий тадбирлар бўлиб, уларни ташкил қилиш ва ўтказишнинг ҳуқуқий кафолати мамлакатимиз Конституциясида мустаҳкамланган. Конституцияда бундай тадбирларни мамлакатда амалда бўлган қонунларга қаттиқ риоя қилиш асосида ўтказиш кўзда тутилган. Қонун билан тақиқланган ҳар қандай ҳаракатлар ёки сиёсий тадбирларга йўл қўймаслик ҳам Конституция талабларига тўла мос келади.

**Митинг** — бу мамлакатда ёки халқаро майдонда рўй берган муҳим сиёсий воқеа-ҳодисаларга кўпчиликнинг муносабат билдириши ҳисобланади. Бундай йиғинларда унинг ташкилотчилари ва қатнишчилари рўй берган воқеа-ҳодисага нисбатан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирилilar ва тегинсли қарор қабул қиласидар. Конституция халқининг ана цундай йиғинларга иштирок қилишини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қиласиди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида мамлакатимиз фуқароларининг аниа шундай йиғинларда иштирок этишининг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганинига республика ҳаётида демократияланни жараёнининг амалий ифодаси эканлигини кўрсатади.

**Йиғилиш** — жамият ҳаётининг у ёки бу масаласини ҳал қилишига доир турли меҳнат жамоалари аъзолари иштирокида муҳим қарорлар ишлаб чиқиш мақсадида ташкил қилинади ва ўтказилади. Бундай йиғилишлардан асосий мақсад етилган муаммоларни ҳал қилиш учун аниқ тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат. Бундай йиғилишлар ҳам сиёсий моҳиятга эга бўлиб, улар инсоннинг жамият-

даги асосий сиёсий ҳуқуқларидан бириди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимиз фуқароларининг бундай сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланишларини ҳам ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қиласди.

**Намойиш** – сиёсий ҳуқуқларниң ўзига хос кўринишши бўлиб, у орқали мамлакат фуқаролари ўзларининг ижтимоий-сиёсий қайфиятларини кенг жамоатчиликка билдириб турадилар. Намойиш митинг ва йиғилишларга хос айрим хусусиятларни ўзида ифода қиласди. Митинг йиғилиндан унда аҳоли турли қатламлари иштирок этиши билан фарқланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимиз фуқароларининг намойишларда иштирок қилиш ҳуқуқини ҳам қонун йўли билан ҳимоя қиласди.

Инсоннинг сиёсий ҳуқуқини ифода қилувчи митинглар, йиғилишлар ва намойишлар ҳар бир мамлакатда давлат ҳокимияти томонидан назорат қилиб турилади. Чунки бундай тадбирлар ўтказилаётгандан бўлди бир бузгучи кўчлар мамлакатда сиёсий тартибсизликларни келтириб чиқаринча ҳаракат қиласдилар. Мамлакатда осойишталикни сақлаш мақсадида митинг, йиғилиш ва намойишларниң бориши кузатиб турилади ва қонунга зид равишда ўтказиладиган бундай тадбирларга йўл қўймасликка ҳаракат қилинади. Давлатининг бу йўлдаги амалий ишлари “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт”нинг 21-моддасида ифодаланган. Унда тинч йиғилишлар ўтказиш ҳуқуқи давлат ёки жамоат хавфсизлигини, мамлакат осойинигалигини сақлаш мақсадида қонун томонидан чегаралаб қўйилиши мумкин, деб ёзиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларниң турли хилдаги сиёсий ташкилотлар ва жамоат бирлашмаларига уюшими, сиёсий ҳаракатларда қатнашиндан иборат сиёсий ҳуқуқлари ҳам ҳуқуқий жиҳатдан белгиланган. Бундай сиёсий ҳуқуқлар Конституцияниң 34-моддасида ёзиб қўйилган: “Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партиялар ва бошقا жамоат бирлашмаларига уюшми, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятининг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларниң ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиш мумкин эмас”.

Фуқароларға берилған ва улар фойдаланаадиган бундай ҳуқуқлар мамлакатимизда иисонпарвар, демократик жамият қуриш үчүн олиб борилаётган самараали ишларнинг амалий натижасидир.

Ўзбекистон фуқаролари фойдаланаётган сиёсий ҳуқуқларнинг амалий аҳамияти қўйидагилар билан белгиланаади: биринчидан, фуқаролар бу сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиши асосида ўзларининг сиёсий опглилик даражасини оцириб борадилар; иккинчидан, уларнинг жамият сиёсий ҳаёти ва сиёсий муносабатларидағи фаоллиги кучайиб боради; учинчидан, фуқаролар мамлакатининг ички ва ташқи сиёсатидан тобора кўпроқ хабардор бўлиб борадилар.

Хозирги пайтда фуқаролардан қарийб ярим миллионга яқин киши мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларга уюнгандар. 7,5 миллион киши касаба уюнмасининг аъзолариидир. Уларнинг бундай уюшуви ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган бўлиб, сиёсий-ижтимоий жараёнларда ҳеч қандай тўсиқсиз иштирок қилишларини таъминлайди.

Ўзбекистон фуқароларининг касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлиар, фахрийларининг ташкилотлари ҳамда кўпдан-кўп оммавий жамоат ташкилотларида уюшини улар сиёсий фаоллигининг ошишида муҳим аҳамиятга эгадир. Конституция мамлакатимиз фуқаролари фойдаланаётган бу сиёсий ҳуқуқларини ҳам қонуничилик асосида муҳофаза қиласди ва уларнинг эркин ҳаракат қилишларини кафолатлади.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланишдаги эркинлигини мутлоқ маънода тушиунмаслик керак. Бундай эркинлик жамиятда амалдаги қонунлар доирасида бўлиши, Конституция меъёрларидан чиқиб кетмаслигига асосланади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида мамлакатимизда Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўтовчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоваратни тарғиб қилувчи салбий урунишлар қонундан ташқари эканлиги ва бундай урунишларни олиб боришни мақсад қилиб қўйган ҳар қандай бирлашмаларнинг фаолияти тўхтатилиши ёзib қўйилган. Бу моддада маҳфий жамиятлар ва уюш-

малар тузиш ҳам қатъяни тақиқлаб қўйилиши алоҳида қайд қилинган.

Конституцияда сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашималарида ёки давлатнинг вакиллик органларида озчиликин ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари ҳам қонунлар билан муҳофаза қилинган.

Мухолифат — фикрлар, эътиқодларни эркин равишда ифодалашнинг ўзига хос шакли бўлганилиги учун ҳам уни таъқиб қилиш сиёсий ҳуқуқнинг камситилишини ифода қиласи. Озчиликинг фикри кўпчиликка маъқул бўлмагандга унга қарши зўрлик чораларни қўллашга уриниши демократияга мутлақо зиддир. Бинобарин, мухолифатчи озчиликинг хатти-ҳаракатлари ҳам мамлакатда амалда қонунлар доирасида бўлиши зарур.

Фуқаролар фойдаланадиган сиёсий ҳуқуқлардан яна бири — бу уларнинг давлат идоралари ва муассасларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, шикоят ёки таклифлар билан мурожаат қилишидир. Фуқаролар фойдаланадиган бу ҳуқуқнинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида берилган. Унда ёзиб қўйилганки: “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки ҳалқ вакилларига ариза, таклиф, шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

**Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт”.**

Ўзбекистон фуқароларининг бундай сиёсий ҳуқуқлардан фойдаланиш имкониятлари мамлакатимизда демократиялаш жараёснининг чуқурлашиб боришида мухим аҳамиятта эга. Ариза, таклиф, шикоят ва бошқа турдаги маълумотлар орқали ҳар бир фуқаро, бир томондан ўзининг шахсий эҳтиёжларини қондиришини кўзда тутса, иккинчи томондан эса, у жамият ҳаётига дахлдор бўлган масалаларни мутасадди ташкилотларга ўз вақтида билдириб туради. Шунинг учун ҳам фуқаролардан келаётган барча турдаги хатлар мутасадди ташкилотлар ва уларнинг ходимлари томонидан ўз вақтида қараб чиқилиши, ўрганилиши зарур.

Фуқаролардан тушаётган ариза, таклиф, шикоят ва бошқа турдаги маълумотларни ўз вақтида кўриб чиқиши пайсалга солиши, ҳар бир фуқаронинг шахсий ва ижтимоий ҳаётига дахлдор бўлган маълумотларни ошкор қилиш, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик ва жиноят қонунчилиги йўли билан жазоланади. Ўзбекистон

Конституцияси бундай турдаги жазо чоралари құллаш за-  
рурлығини ҳуқуқий жиҳатдан кафолаттайды.

Сиёсий ҳуқуқларда инсоннинг ижтимоий тәнглиги  
үз аксина тонали. Барча фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлар-  
дан самарали фойдаланған имкониятлари бундай тәнг-  
лигининг амалий ифодаси ҳисобланады. Ўзбекистон Респ-  
убликаси Президенти И.А. Каримов айтганидек, сиё-  
сий ислоҳотларнинг муваффақияти күп жиҳатдан  
инсоннинг сиёсий ҳуқуқлари қанчалик даражада кафо-  
латланғанligига боялған, Президентимизнинг қайта-қай-  
та таъкидлаётгани каби, жамиятимиз ривожининг ҳозир-  
ги босқичида инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя  
қыладиган ва уларнинг жамият ҳаётига таъсирини ку-  
чайтирадиган қонуцилар тизимиши яратыны лозим. Бу соҳа-  
даги қонунчилик тизимігі әришин мамлакатимизда де-  
мократик жамият қуриш жараёлшининг боришига қўлил-  
ган муҳим ҳисса бўлали.

## XI БОБ

### ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

Иқтисодий ҳуқуқ үз моҳиятига кўра, муайян ижти-  
моий бойликка нисбатан ҳуқуққа эга бўлишидир. Бундай  
ижтимоий бойликлар турли хилда бўлиб, улар фуқаро-  
ларнинг сиёсий, маддий ва маънавий эҳтиёжларининг  
қондирилишини кўзла тутади. Инсоннинг ижтимоий-  
иқтисодий эҳтиёжларини қондиришида унинг ҳуқуқлари  
ва ёркинликлари муҳим ўрин тутади ва бундай ҳуқуқ-  
ёркинликлардан мақсадга мунофиқ тарзда фойдаланиши  
шахснинг камол тоциши ва ривожланишига ёрдам бе-  
ради.

#### I. ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАРНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ КАФОЛАТЛАРИ

Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш  
йўлига ўтиши ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларга янгиша  
ёнданиши, эски андозалардан воз кечиш ҳамда жаҳон таж-  
рибасини ҳисобга олинии объектив асосда тараб қиль-  
моқда. Кўпчилик ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлар: мулкка  
эгалик ҳуқуқи; ипсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи; меҳ-

шатнинг оқилона шарт-шароитларига эга бўлиш ҳуқуқи; маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида илк бор мустаҳкамланди. Бошқа ҳуқуқ ва эркинликлар (мехнат ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, илмий-техник, ижод эркинлиги ва бошқалар) мазмунан бойитилди ва такомиллантирилди, яъни илмий-техник, ижод эркинлиги мағкуравий биққиқликдан озод килинди. 1992 йилги Конституция илк бор ҳар бир шахснинг ижтимоий ва моддий таъминот ҳуқуқларини ўзида мустаҳкамлади.

Фуқароларнинг мажбуриятлари эса шахснинг муайян давлатнинг фуқароси эканлигидан, фуқаролик жамиятининг аъзоси эканлигидан келиб чиқади. Булар — Ватанини ҳимоя қилини, унга хизмат этиши, қонунларга итоат қилини ва уларни ҳурматлаши ва бошқалар (III мөдда). “Ҳар бир фуқаро Ватанга хизмат қилиши, Озодлик, Тенглик ва Мулкни қонун даъват этган барча ҳолатларда ҳимоя қилиши лозим” (Мажбурият Декларациясинг 1X мөддаси). Сиёсий жамиятда фуқаронинг мажбуриятлари унинг ҳуқуқлари билан ўзаро чамбарчас боялық. Фуқаронинг ҳуқуқлари бўлмаса, унинг мажбуриятлари ҳақида сўз юритиш ўринсиздир.

1948 йил 10 декабря Бирлешкен Миллаттар Ташкилоти Бон Ассамблеяси томонидан қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари Умумжахон Декларациясы”да қўйидаги муҳим қоила мавжуд: “Ҳар бир инсон жамият олдида мажбуриятларга эга, зеро унинг шахси иш жамиятда тўла ва оркин камол топишни мумкин”. Мазкур қоида инсон мажбуриятларига ҳам, фуқаро мажбуриятларига ҳам бирдек дахлдордир.

Хозирги замон давлатларида фуқаролик нисбатан қатъ-ий қонунлаптирилган, уларда фуқароларнинг тенг ҳуқуқилиги принципи эълон қилинган. Мазкур принцип асосида инхсаннинг муййин давлат билан фуқаролик мунисабатларида бўлини унинг қонунлар билан аниқ белгилантан ҳуқуқлари ва мажбуриятлари орқали ифодаланиди.

Фуқаронинг мажбуриятлари юридик мазмунга эга. Юридик мажбуриятлар уч вариантда намоён бўлади; биринчидан, шахснинг фаол (актив) хатти-ҳаракатлар содир этиш мажбурияти; иккинчидан, шахснинг пассив ҳаракатланини, яъни муайян ҳаракатдан ўзини тийин мажбурияти; учинчидан, давлат мажбурлов чорасига итоат этиш мажбурияти, яъни юридик жавобгарликни ўтани мажбурияти. Масалан, олди-сотди шартномасини олайлик. Бунда харидор шартномада иштирок этувчи бир тараф сифатида олинган товар учун келишилган пулни тўлангга мажбур; сотувчи пулни (чекни) олгач, белгиланган ҳақи тўлангган товарни харидорга беришга мажбур, айни вақтда у харидорга нисбатан ноўрин хатти-ҳаракатдан ўзини тийини шарт (харидорга қўпол муомала қилмаслик, уни ҳақоратламаслик, товарни танлаб олишига сътиroz билдириласлик ва ҳ.к.); мабодо сотувчи хизмат интизомини бузишга йўл қўйса, у интизомий юридик жавобгарликни ўтанига мажбур бўлади.

**Юридик мажбурият** — бу, бир томондан, ижтимоий зарурияттнинг қонун билан белгиланган аниқ меъёри, иккинчи томондан, жамият, давлат ва шахсенинг мағаатларини қондиришига қаратилган оқилона ва мақсадга мувофиқ хулқ-атворнинг қаттий меъёридир. Бу срда ган фуқаронинг (юридик шахсенинг) ҳуқуқ нормасида расман белгиланган мажбурий хулқ-атвори (фаолияти)нинг йўналини тўгерисида бормоқда. Ушбу мажбуриятдан четга чиқиш қонун билан тақиқланади ва жазоланади. Юридик мажбурият лозим бўлган ҳуқуқий хулқ-атвор (фаоли-

ят)нинг эталони — андозаси, намунаси ҳисобланади. Бу хулқ-аттвор (фаолият) нафакат ҳуқуқи бор шахснинг манфаатини таъминланишга, балки мажбурият ўтаётган шахснинг ўзини, умуман бугун жамият манфаатларини таъминланишга йўналигирилгандир. Қонун чиқарувчи юридик мажбуриятларни белгиланашда ана шу манфаатлар мунтраклигидан келиб чиқилади. Цицерон шундай деган эди: “Қонуннинг донолиги шундаки, у тўғри йўл тутишини талаб этади” (Қаранг: *Цицерон. Диалоги о государстве, о законах*. М., 1966, 94-бет). Хатти-ҳаракатнинг тўғри ёки потўғрилигига ижтимоий (шу жумладан ҳусусий) манфаатлар шукрни пазаридан баҳо берилади.

Юридик мажбурият ўз моҳият ёътибори билан бу шахснинг ўз иродаси тобелигини англаб этишидир. Инсон (фуқаро) ўз хатти-ҳаракатларини таниқаридан қилинадиган (бошқа шахслар ёки давлат томонидан қилинадиган) таълабларга мувофиқлаштиришга мажбур бўлади. Юридик мажбурият ўтовчи субъект деганда ҳуқуқий норманинг талаби кимга қаратилган бўлса, ўша шахе тушунилади (Г.Ф. Шершеневич. Общая теория права. Том 2. М., 1911, 619-бет). Инсон ҳамма вақт ҳам ўзи истаганча ҳаракат қила-вермайди, балки заруриятдан келиб чиқиб, вазиятга боғлиқ ҳолда ҳаракат қиласди. Юридик мажбуриятни таърифланашда **зарурият** моҳиятга оид муҳим жиҳат ҳисобланади. Шу боис юридик мажбурият қонун билан белгиланган муайян зарурий хатти-ҳаракатдир.

Професор Н.И. Матузов юридик мажбурият мазмунини зарурият орқали изоҳлаб, унинг тўртта таркибий қисмини кўрсатиб ўтади. Булар қуйидагилар: а) муайян ҳаракатларни содир этиш зарурияти; б) маълум ҳаракатларни содир этишдан тийилиш зарурияти; в) ўзга шахслардан у ёки бу ҳаракатларни содир этиш, ёхуд содир эт-масликий талаб қилиш зарурияти; г) белгиланган ҳуқуқий таълабларни бажармаганлик учун жавобгарлик ўташ зарурияти (Қаранг: *Н.И. Матузов. Правовая система и личность*. Изд. Саратовского ун-та, 1987, 153-бет.).

Юридик мажбуриятнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти унда ифодаланган давлат иродасида ўз аксини топади. Бу юридик мажбурият моҳиятини ёнг умумий тарзда талқин этишидир. Чунки давлат иродаси (ёки халқ иродаси) бошқа ҳуқуқий институтлар ва ҳодисаларниң ҳам моҳиятини белгилаш мезонидир. Шу сабабли юридик мажбуриятнинг асл, туб моҳиятини бевосита акс этириувчи мезонни

излаш лозим. Фикримизча, булдай мезон шахснинг муайян тарзда хатти-ҳаракат содир этишини талаб қилувчи давлат-хуқуқий заруриятдир. Худди мана шу нарса юридик мажбуриятнинг моҳиятини ташкил этади.

Хуқуқий норма диспозициясида қандай хатти-ҳаракат, хулқ-атвор тури кўрсатилишига қараб юридик мажбуриятлар “фаол” ёки “пассив” кўринишда бўлади. Фаол мажбуриятлар содир этилиши зарур бўлган хатти-ҳаракатни мустаҳкамлайди. Пассив мажбуриятлар эса хуқуқий нормада таъкидланган хатти-ҳаракатни содир этишдан ўзини тийиш заруриятини назарда тугади.

“Пассив” мажбуриятлар “бир томонлама амал қилувчи”, яъни хуқуқий муносабатнинг бошқа иштирокчиси учун юридик оқибатлар келтириб чиқарувчи хуқуқларга нисбатан ҳам мувофиқ бўлади. Масалан, суднинг фуқаролик ишини кўриб ҳал этиш хуқуқига нафақат даъвогар ва жавобгарнинг суд муҳофазасидан фойдаланиш хуқуқи, балки томонларнинг ишни кўришида белгиланган тартибига риоя этиш мажбурияти ва суднинг қонуний кучга кирган барча қарор ва ажримларига риоя этиш мажбурияти мувофиқ келади. Тарафларнинг суд муҳофазасидан фойдаланиш хуқуқига суднинг томонлар тавсияномаларини кўриб чиқиши, кассация шикоятларини қабул қилиш ва тегишли юридик чораларни кўриш мажбурияти мувофиқ келади. Бундан хуоса шуки, ҳар қандай субъектив хуқуққа муайян бир шахснинг юридик мажбурияти мувофиқ келади.

Фуқароларнинг мажбуриятлари қонунлар ва бошқа меъёрий хуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилади. Уларнинг энг асосий мажбуриятлари Конституцияда белгиланади.

## 2. ЎЗБЕКИСТОН ФУҚАРОЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАЖБУРИЯТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг X боби фуқароларнинг бурчлари (мажбуриятлари)га бағишлиланган. Бу ерда жами олтита моддада фуқароларнинг асосий мажбуриятлари мустаҳкамланган (фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликлари эса Конституциянинг 23 та моддасида мустаҳкамланган).

Барча фуқароларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар бир шахснинг энг муҳим мажбури-

**ятларидан бири Конституция ва қонуларга риоя этиш, Асосий Қонунда белгилаб қўйилган бурчларни бажаришдир** (47 ва 48-моддалар). Мазкур Конституциявий талаб замирида мамлакатда қатъий қонунийлик режимини таъминланы максади ётибди.

Қонунийлик муҳити — давлатда, жамиятда мустаҳкам тартиб ва барқарорлик асоси, ҳар бир фуқаро ҳайтида тинчлик ва осойиниталик бўлишининг гаровидир.

Конституция ва қонуларга риоя этиши мажбурияти ҳуқуқий муносабатларнинг барча субъектлари учун умумий, универсал талабдир. Бунинг маъноси шундаки, ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаролар ҳаёт фаолиятининг барча жабҳаларида ҳуқуққа мувофиқ хатти-ҳаракат қилишдек ички руҳий “дастур”, эътиқод мавжуд бўлиши назарда тутилади.

Конституция ва қонуларга риоя этиши — нафақат уларнинг қоидаларини бузмасликлари, балки фуқаролар ўз фаолияти, ҳаёт тарзи билан конституциявий тамойил ва асосларни, қонунчилик меъёрларини реал воқеликка айлантиришга кўмаклашшилари демакдир.

Конституция ва қонуларда жамият ва давлатнинг ижтимоий-сийёсий асослари, мамлакатда ўринатилган ҳуқуқий тартибот, ижтимоий муносабатларнинг бутун тизими энг мужассам тарзда ифода этилади. Шу сабабли уларга ҳар бир фуқаро қатъий риоя этишига мажбур. Бу қоидаларни ҳар қандай кўринишда бузиш давлат, жамият ва фуқароларнинг манбаатига нутур етказади: “Фуқаролар... — деб таъкидланади Конституциянинг 48-моддасида, — бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадрқимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар”.

Конституция, фуқаролар Ўзбекистон ҳалқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрапнига мажбурдирлар, деб кўрсатади (49-модда). Ўзбек ҳалқи чиндан ҳам бой тарихий, маънавий ва маданий мерос соҳибидир. Асрлар мобайнида шаклланган, жамланган бу мерос нафақат ўзбек давлатчилиги ривожига, балки бутун жаҳон цивилизациясига қўнишлган улкан ҳиссадир. Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бу билан фахрланибгина қолмасдан, балки мазкур маданий ва маънавий “хазина”ни кўз қорачигидек аерани, уни келгуси авлодларга етказиб берипни ўзи учун ҳам фарз, ҳам қарз деб билиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбуриятини мустаҳкамлайди** (50-модда).

Дарҳақиқат, фан-техника тараққиёті авж олған ҳозирги асrimизда инсониятнинг ҳаёт кечириш масаканы бўлмиси табиий атроф мұхит алоҳида мұхофазага мұхтож. Бундай мұхофаза мұрасалди давлат идоралари ва жамоатчилик структуралари бўгини (масалан, “Окосан” жамғармаси, “Орол”ни қутқарин жамғармаси ва бошқалар, томонидан амалга оширилади. Уибу фаолиятда табиат инъомларидан баҳраманд бўлувчи ҳар бир фуқаро (инсон) иштирок этиши шарт.

Сўнгти йилларда Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни мұхофаза қилиш тўғрисида”, “Ер тўғрисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”, “Давлат санитария назорати тўғрисида”, “Алоҳида мұхофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тўғрисида”, “Атмосфера ҳавосини мұхофаза қилиш тўғрисида”ги бир қатор мұхим қонуилари қабул қилинди. Уларнинг қўнчилик меъёрлари фуқароларнинг табиат билан бўладиган мурокотдаги мажбурияларини белгилайди. Табиатта оид қонуилардаги ҳар бир қоидага риоя этиши, уларнинг бузилишига фаол қарши туриш ҳар бир фуқаронинг юридик мажбуриятидир.

**Фуқароларнинг қонуилар билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йигимларни тўлаш мажбурияти Конституциявий даражада мустаҳкамланган** (Конституциянинг 51-моддаси).

Собиқ совет тузуми давридаги Конституцияларда фуқароларнинг бундай мажбурияти назарда тутилмаган эди. Сабаби социалистик давлат мұлкчилиги ҳукмронлик қилинган шароитда бюджет асосан корхона ва ташкилотлар ҳисобидан тўлдириларди.

Мамлақатимиз бозор иқтисодиётiga ўта бошлаганлиги муносабати билан Конституциямизда биринчи марта фуқароларнинг солиқ тўлаши мажбурияти қонуиларирилди. Бу қонуиятни ҳолатдир. Хусусий мұлкчиликнинг жорий этилиши, ёркин тадбиркорликка йўл очилиши, иқтисодиётда давлат мұлкчилиги соҳасининг қисқарини солиқ тизимида янгича ёндопшувни тақозо этди. Солиқ тўловчи субъектлар сифат жиҳатдан ўзгариб, солиқка тортиладиган даромадлар тури кенгайди. Шу боис давлат бюджетидаги фуқаролардан олинадиган солиқлар аҳамияти оиди.

Ёркин иқтисодий фаолият кенгайгандан шароитда, табиийки, фуқароларнинг, хусусий тадбиркорларнинг давлат назоратига олинмаган даромад манбалари қўлайиш мум-

кин. Бундай вазиятда даромадларни декларация қилиш тартиби йўлга қўйилиб, фуқаролар ўз ихтиёри ва ташаббуси билан солиқ тўлашлари лозим бўлади. Фуқароларнинг солиқларни тўлаш мажбуриятини конституциявий даражада мустаҳкамланганинг боиси ана шунда.

**Конституциянинг 52-моддасида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир,** деб мустаҳкамланган.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси 1991 йил 2 июлда қабул қилинган “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги ҳамда “Муқобил хизмат тўғрисида”ги қонунларга мувофиқ ҳарбий (муқобил) хизмат ўтайди. Юқоридаги қонунлар Ватанини ҳимоя қилиш тўғрисидаги мажбуриятни адо этиши тартиби, муддатлари, шарт-шароитлари ҳамда имтиёzlари масалаларини тартибга солади.

Конституция фуқароларнинг соғлиғи, диний эътиқоди имкони бермаган тақдирда қонунда белгиланган тартибда муқобил хизмат ўташлари мумкинлигини ҳам назарда тутган.

Шундай қилиб, фуқароларнинг мажбуриятлари жамият, давлат ва барча фуқароларнинг ўз манфаатлари йўлида амалга оширилади. Ҳар бир фуқаро ўз мажбуриятларини вижданан ўташ орқали бошқа инсонларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалга ошишига кўмаклашаётганлигини англаб этиши лозим.

### XII БОБ

## **ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ҲАМДА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ**

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларига доир давлат сиёсатида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари жамиятда қонунчилик асосида мустаҳкамланиб, иқтисодий, сиёсий, юридик, ташкилий кафолатлар тизими билан таъминлангандан кейингина амалга ошиши мумкинлиги масаласи мухим ўрин эгаллайди. Инсоннинг “абадий”, “табиий” ҳуқуқлари ҳақида кўп гапириш мумкин, лекин улар қонунларда мустаҳкамланмаса ва ижтимоий, иқтисодий, юридик воситалар билан таъминланмаса, бу ҳуқуқлар амалда ҳеч қандай самара бермайди.

## **1. ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИҢ ҲУҚУҚ ҲАМДА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИП**

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва уларни амалда қўйлаш — жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тузуми, ҳалқ ҳокимиятчилити, маданий қадриятлар, давлатнинг, жамоат ташкилотлари ва партияларниң бутун ташкилий фаолияти билан, шунингдек турли хил юридик қоида ва меъсрлар тизими билан таъминланган.

Табиийки, инсон ва фуқароларниң ҳуқуқларини ҳимоя қилинганда давлат ва жамият, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ўзида мужассамлантирган самарали йўлини топни билан боғлиқ ўзига хос муаммолар мавжуд. Иқтисодий, ижтимоий ва бошقا кафолатларни ривожлантириш билан бир қаторда, фуқароларниң ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишини таъминловчи юридик механизми такомиллантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг сиёсий тизими фуқароларниң ҳуқуқларини ҳимоя қилинганда, уларниң ҳуқуқлари ноймод этилганда уни тиклангга ёрдам берувчи давлат ҳуқуқий механизмига ва кафолатларниң бутун бир тизимига эга.

Республикамиз тараққиёт сари ривожланиб бораётган мамлакатдир. Унинг тараққиёти фуқароларниң ҳуқуқ ва эркинликлари ҳажмининг кенгайиши, уларни амалга ошириш ва самарали ҳимоя қилиш кафолатларининг мустаҳкамланиши билан боғлиқ ҳолда кечади.

Мамлакатимизда мустақиллик эълон қилингандан бери инсон ҳуқуқларига амал қилиш, уни ҳимоя қилиш ҳалқаро ҳуқуқ меъсрлари даражасига мос бўлишини таъминловчи қонуний асослари ва ташкилий тизимини шакллантириш борасида дадил қадамлар қўйилмоқда.

Фуқароларниң ҳуқуқларини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлариниң кафолатлари” деб номланган X боби муҳим аҳамиятга эгадир (43-46 моддалар). Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг қонунлар асосида мустаҳкамлаб қўйилиши албатта зарурдир. Лекин бу ишнинг ярими бўлиб, энг оддий қисми ҳисобланади. Энг мураккаб томони инсонниң ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда татбиқ қилинишидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг X бобида шахс ва унинг эркинликлари

таъминланишини билдирадиган “кафолат” түшүнчеси ишилдатылса ҳам, уни таъминлануучун давлат томонидан, фуқароларниң ўзлари томонидан ҳам бу соҳала күнгина күтгайрат сарфлашиши тақозо қилинади. Бунда биринчи наебатда шахспенг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлануучулари мұхым аҳамиятта әгадир. Илмий адабиётларда бундай түшүнчага қўйилдагича тарьиф бериш мүмкін: “Кафолат — бу фуқароларға белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишини таъминлангана ёрдам берадиган воситалар, усуулар ва шарт-шароитлардир”.

Кафолатни қўйилдаги турларга ажратиш мүмкін: сиёсий, мағкуравий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқалар. Кафолатнинг вазифаси шундан иборатки, биринчидан, инсон ҳуқуқларини амалга оширишида тўсқинликка йўл қўймаслиқ, агар улар мавжул бўлса уни бартараф этиш; иккинчидан, шу ҳуқуқлар билан боғлиқ бўлган мажбуриятларниң бажарилишини таъминлантиш. Фуқароларниң ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлантиш ҳуқуқий воситалар (кафолатлар) мұхим роль ўйнайди, чунки бошқа барча кафолатлар ҳуқуқий кафолатларда ўз ўрнини топади.

Ҳуқуқий кафолатлар нималарни ўз ичига олади?

Биринчидан, фуқароларниң ҳуқуқ ва эркинликларини бузиши мүмкін бўлган ҳаракатларни тақиқлаш ва чегаралашнинг юридик меъёрларини мустаҳкамлантиш.

Иккинчидан, фуқароларниң ўз ҳуқуқ ва эркинликларини тўсқинсиз амалга оширишиларида давлат идоралари, мансабдор шахслар ва ҳуқуқнинг бошқа субъектларининг мажбуриятлари Конституциянинг 43-моддасида “Давлат фуқароларниң Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди” деган қоида белгилаб қўйилган. Ишга ёлловчи ходим билан тузган меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан бекор қилинидан олдин уни (ходимни) огоҳлантиришига мажбур. Меҳнат шарт-шароитларини ўзгартиришидан иккакий олдин ходим огоҳлантирилиши лозим.

Учинчидан, татбиқ этишини мустаҳкамланшини таъминловчи маҳсус меъёрлар (масалан, шикоят қилиш ҳуқуқи, судга мурожаат қилиш ҳуқуқи).

Тўртинчидан, ҳуқуқларни бузганлик учун юридик жавобгарлик (мулкий, интизомий, маъмурый, жиноий).

Бешинчидан, фуқароларниң ҳуқуқларини амалга оширишини мустаҳкамлантиш қаратилган ва ҳуқуқий аҳамиятта эга бўлган, тегинли давлат ва жамоат идора-

лари, мансабдор шахсларнинг фаолияти. Булар жумла-сига яна қонунчиликнинг бажарилиши устидан назорат қилиш бўйича фаолият (прокуратура), ҳуқуқларни бу-зин билан боғлиқ бўлган низоларни кўриб чиқин ва ҳал қилиш (судлар), Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лиси қошидаги инсон ҳуқуқлари бўйича Вакилнинг, Ўзбе-кистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича Мил-лий Марказининг фаолияти ҳам инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи омиллардир. Буларни юридик кафолатлар тизимининг таркибий қисми деб ҳисоблаш мумкин.

Юқорида кўрсантиб ўтилган юридик кафолатларнинг турлари яхлит бир тизимни ташкил қилиб, унинг тарки-бий қисмлари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб ту-ради. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўсиқсиз амалга оширишдаги юридик кафолатларнинг самарадорлиги шу кафолатларни амалда қанчалик таъминланганлик даражасига боғлиқ бўлади.

Албатта бу тизимда кўн воситалар мукаммал деб бўлмайди. Модомики, республиканизминг асосий мақсади ҳуқуқий демократик давлат қуриш экан, бундан кейин ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимиға кирувчи барча идоралар фаолиятини янада такомиллаштириш ва бу фаолиятни тартибга солиб турадиган ҳуқуқий базани мукаммал тарзда ишлаб чиқин лозим бўлади.

Юридик адабиётларда қонунийлик тушунчаси қонун-лар ва қонун ости актларини давлат органлари, мансаб-дор шахслар, фуқаролар ва ташкилотлар томонидан ба-жарилишининг талаби сифатида кўрилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларда мустаҳкамланиб қўйилган ҳолларда уларни амалга оши-рилини, қўлланиши мамлакатда қонунийлик тизими мав-жуд бўлгандагина реал бўлиши мумкин. Қонунийлик дав-латимиз фаолиятининг конституцион тамоили ҳисобла-ниди (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 14-модда).

Қонунийлик тизимини фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва эр-кинликларида тўлиқ фойдаланишининг сиёсий-юри-дик кафолати деб айтни мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидалари-га жорий қонунларда аниқлик киритилади. Лекин шуни назарда тутин керакки, Ўзбекистон Республикаси Кон-

ституцияси мөъсрлари — бу бевосита қўлланиладиган мөъсрлар бўлиб қўйидагиларни билдиради:

— фуқаролар асосий қонунда кўреатилган ҳуқуқ ва эркинликларга амалда эга бўладилар;

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўзларининг асосий конституцион ҳуқуқ ва эркинликларини барча ҳолларда уларни жорий қонунчилик билан ҳимоя қилиш тартиби белгиланган ёки белгиланмаганидигидан қатъи назар ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Конституциявий қонунийлик қонунларда бузилган ҳуқуқ ва эркинликларнинг тиклашишини ва улардан фойдаланинг тўсқинлик қилувчи ҳолатларни тутатишни, ўзларининг ҳаракатлари билан шахснинг ҳуқуқи, унинг шаъни, қадр-қиммати, қонуний, мулкий ва бонса манфаатларини бузувчи мансабдор шахсларни юридик жавобгарликка тортиши талаб қиласди.

Қонунийлик режими мамлакатда шундай реал ҳолатни назарда тутадики, унда қонун билан эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликлар формал характерга эга бўлмасдан, балки шахснинг реал имкониятларига мос ҳолда нафакат юридик, балки моддий, ижтимоий-сиёсий кафолатланган бўлади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларни бузилган ҳолларда тиклашнинг тизими мавжудидир, бу тизим юқоридаги функцияларни амалга оширувчи органларни (суд, прокуратура, адвокатура, милиция, шунингдек инсок ҳуқуқлари бўйича маҳсус миллий институтлар) ва ҳимоя қилиш ҳамда тиклаш фаoliyatiini тартибга солувчи ҳуқуқий мөъсрларни ўз ичига олади.

Суд ҳимояси бу борада муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекисон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик суди, вилоят, шаҳар, туман судларидан иборат. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган муаммо ва низоларни ҳал этишининг энг самарали демократик йўлларидан бири — бу суд орқали ҳал этишдир. Суд ёрдамида шахсга у ёки бу ҳуқуқнинг тегишли эканлигини аниқлаш, тан олиш (масалан, ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисани тасдиқлаш); бузилган ҳуқуқни тиклаш (масалан, оқловчи ва ҳукм чиқарипши, асосиз ҳимоя, жавобгарликка тортил-

ган шахсни қамоқдан озод қилиш) ва етказилган зарарни ундириш мумкин.

Судловни адолатли бўлишигини кафолатловчи маҳсус юридик воситалар мавжуд. Буларга суд тузилиши тўғрисидаги қонунчиликда мавжуд бўлган барча демократик тамойиллар ва меъёрлар, фуқаролик жараёни ва жиноят жараёни ҳуқуқи ва ҳоказолар киради.

Одил судлов ўз ичига ҳаққонийлик, қилмишига асосли равишда муносабатда бўлиш, низони адолатли ҳал қилиш ва жиноят учун адолатли жазо бериш, барча шахсларниң қонун ва суд олдидаги тенглиги, айбисизлик презумпцияси, ўз иши бўйича судья бўлишнинг мумкин эмаслиги тамойили, қилинган ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун бир неча жазо тайинланишига йўл қўймаслик ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда суд тизими асосий воситалардан бири ҳисобланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасини эсга олиш кифоя.

Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат идоралари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг файриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмининг элементларидан бири Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузувчи ҳаракат ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги қонун ҳисобланади.

Бу қонун меъёрларидан келиб чиқиб, фуқаро ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига қарши бевосита судга бўйсунлиш тартибига кўра юқори турувчи идорага мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бу идора шикоятларни бир ой муддат ичida кўриб чиқишга мажбур. Агар фуқароларнинг шикояти бўйича қониқарли жавоб бўлмаса ёки кўриб чиқиш рад этилса, ёхуд шикоят қилинган кундан бошлиб бир ой мабойнида жавоб олинмаса, ҳар бир фуқаро судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳар хил поғонадаги судлар томонидан ишларнинг тоифаларга бўлиб қўрилишига судловлилик деб аталади. Масалан, умумий қоидага кўра фуқаролик ишлари жавобгарининг (фуқаро, корхона) яшаш жойидаги судларда кўрилади. Айрим ҳолларда ишни қайси суд томонидан кўрилишида даъвогарнинг талаби эътиборга олинади. Алимент ундириш, никоҳни бекор қилиш, ишга тиклаш

тұғрисидеги, пафақа ва уй-жой билан бөглиқ ҳуқуқтарының ва бопқа ҳуқуқтарының ұмоя қилиші билан бөглиқ инициалар бүйінша дағынан тұнан жойидеги судда ҳам дағынан қилиш мүмкін.

У ёки бу тоифадеги ишиларның (низолар, муаммолар) қайсы идора томонидан күриб чиқылышы тааллуклилік деб аталац.

Суддағылилікка тааллуклилік ҳақыда гапирғанды Үзбекистон Республикасы суд тизимінде әзтиборни қаратағын лозим. Жисмоний шахсларға доир суд ишилари умумий суддар томонидан, юридик шахслар үртасидеги низолар оса, хұжалик суддар томонидан күрилады. Хұжалик суддары иқтисодий соңада вұжудта қеладиган низоларның ҳал қылады.

Үзбекистон Республикасы Конституциясында суди қонунчилік ва ижро ҳокимиятлары актларининг конституцияға мослигини күриб чиқады.

Инсоннинг ҳуқуқ ва әркиниліктарының суддардан таптағары ҳам ұмоя қилинін тизимлары мавжуд. Улар давлат ҳокимияттың ва бопқарадың идоралары сифатында фаолият күрсатадылар. Улар мағсесе идора ҳисобланады. Бузилған ҳуқуқни тиклашынан да шикояттардың күриб чиқып одатта юқори турувчи идоралар да мансабдор шахслар томонидан амалға оширилады.

Бағызы ҳолларда бузилған ҳуқуқни тиклашынан да ұмоя қилинін ҳар бир тизимнің юқори турувчи идорасы (масадағы, маданият вазирлары, тауым вазирлары да қоказо) томонидан амалға оширилады. Бундай тартибинде идоралардың күриб ҳал қилинін деб атап мүмкін. Бонқа ҳолларда бундай ишилар билан мағсесе идоралар шүгүлланадылар. Ҳимоя қилинін да бузилған ҳуқуқни тиклашынан функциясынан давлат да жамоат назораты идоралары ҳам амалға оширадылар. Улар қонунчилік бузилишининг олдини олишни талаб қылувчи да бажарилушы мажбурий ҳисобланған актлардың ишилаб чиқып ҳуқуқынан әгадирлар.

Шунингдеге, шикояттың да аризаларынан күриб чиқып билан Үзбекистон Республикасы Президенті аниатарының қатылар да фуқароларның қабул қилинін бүліми ҳам шүгүлланады. Бундай ишилардың ижроға құмитасының барча пороналарыда амалға оширилады.

Фуқароларның ҳуқуқ да әркиниліктарының ұмоя қилинінде прокуратура мүхим роль үйшайды. Прокуратуралардың фаолияттың Үзбекистон Республикасы Конституация-

си ва "Ўзбекистон Республикасида прокуратура тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади. Прокуратуранинг асосий вазифаси қонунийликни таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура идоралари маҳмий ҳокимият бониқарув ва назорат идоралари, юридик шахслар, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар, фуқароларнинг қонууларга бир хилда ва аниқ риоя қилинлари устидан назорат этадилар. Прокурорнинг судда жиноят ва фуқаролик ишларини кўришда қатнаниш ҳуқуқи мұхим аҳамиятта эга.

Прокурор фуқароларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган мањфаатларини ҳимоя қиласди ва соҳада амалий фаолият кўрсатади.

Адвокатура ҳуқуқни ҳимоя қилиш тизимларидан биридир. Унинг фаолияти қонун билан ҳимоя қилинади. Адвокатура — адвокатлик фаолияти билан шуғулланадиган киппиларнинг ихтиёрий тартибда бирланган уюппамаси ҳисобланади.

Кейинги йилларда бозор муносабатларига ўтиш ва суд ислоҳоти ўтказилиши пайтида адвокатлар танқислиги яққол сезилмоқда. Адвокатлар жиноий ва фуқаролик ишларини кўришида биринчидан, айланувчи, жабрланувчилик вакили, судланувчининг, фуқаролик ишларida даъвогар ва жавобгар сифатида, иккинчидан, даъвогар, жавобгар ва учинчидан, шахсларнинг вакили сифатида қатнаниадилар. Адвокат фуқаролар ишини кўришида у ёки бу томонининг вакили бўлиб, нафақат суд мажлисида иштирок этади, балки у далилларни йигиш, ҳужжатларни тайёрлаш ва зарурат туғилса суд устидан шикоят ҳам тузиш ишларини олиб боради. Адвокатни ёллаш тузилган битимда ўз аксини топади.

Адвокатларга маони маслаҳатхонага тушган маблағлардан тўланади. Матъум бир ҳолатларда давлат томонидан бенул юридик ёрдам бериш кафолатланади. Жиноят жараённида адвокатнинг иштироки шахсни ушлан ва уни жиноий жавобгарликка тортиш давридан бошланади. Адвокат ёрдамидан кўрсатилган ҳолатлардан олдин ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай вазият шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишида жуда маҳимдир. Суд мажлисида адвокат ҳамма ҳужжатлар билан танишиш, савол бериш, далилларни ўрганиш, ариза ёзиш ҳуқуқларига эга. Суд жараённининг якуний қисмида адвокат ишниadolатли якупнанинг кафолат бўлиши мумкин. Қонун адво-

катни иш юзасидан сўроқ қилинши тақиқтайди. Адвокат ҳимояланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя этиш жараёнида қонунда кўрсатилган барча воситаларни ишлатишни мумкин. У иш юзасидан маълум бўлган маълумотларни эълон қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган.

## **2. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА МИЛЛИЙ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тизимга маҳсус тутилган ва ривожланаштан подавлат ташкилотлари киради. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан тутилган инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ шулар жумласидандир.

1995 йилнинг февраль ойида ўтказилган Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Олий Мажлис қопида инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи институт ташкил этини зарурлиги таъкидланган эди. Бундай институтни тузиш юяси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов томонидан ишлари сурйилган бўлиб, бу институт ҳозирги кунда Олий мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича вакиль ўз фаолиятида мавжуд бўлган ҳуқуқий ташкилотлар билан чамбарчас алоқада ишлайди ва бу соҳада жамият ҳаётида пайдо бўлалиган муаммоларни самарали ҳангизди. Бундан ташкари инсон ҳуқуқлари бўйича вакиль шахслар ва давлат, шахслар ва ҳокимият брасидаги муносабаларни яхнилайди ва тақомиллантиради.

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи бошқа идоралардан фарқли ўлароқ, вакил фақат инсонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиши ва ривожлантириши соҳасида ишлаб боради. Зарур бўлганда у тегинчи ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқига ога ва уларни қонун орқали ҳимоялайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг фаолияти мухим аҳамиятга ога, чунки у йил охирида соҳадаги ишлар ҳақида парламент ва Президентга матбуза тайёрлайди. Ўз фаолиятини олиб борини пайтида вакилининг даҳлесизлиги ганиминланади ва у терғов ишлари соҳасида катта ваколатга эга.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида суд ҳокимиятининг ўрни жуда каттадир. Судлар ўз ишида инсоннинг ҳуқуқлари бузулмаслигини таъминлайдилар. Лекин судларнинг фаолияти маълум бир талаблар билан чекланган, кўнгина ҳолларда улар ишни кўриб чиққанда ишда кўрсатилган талаблар қонуний ёки поқонуний деб холоса чиқарадилар. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил эса, бу соҳада анча эркинцdir, у нафақат қонунни ўртага қўйиб ишни кўриб чиқади, балки ишни ўрганиди ва ўзининг холосаларини адолат, умуминсоний меъёrlар нуқтаи назаридан кўриб чиқади. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг яна бир афзаллиги шундаки, агар судлар ишни ўзидан юқори турувчи идораларнинг талабларига кўра ҳал қилсалар, инсон ҳуқуқлари бўйича вакил эса, бу соҳада мустақилликка эга. Бундай ҳолатни Прокуратура амалиётида ҳам кўрип мумкин. Прокуратура давлат ташкилоти бўлиб, ишларни кўрип давомида давлат фойдасини ёки давлат сиёсатини устун кўяди, бу ҳам прокуратура томонидан ишларни холисона кўриб чиқилишига халақит беради. Бундан ташқари суд ёки прокуратуранинг инсон ҳуқуқлари бўйича ишларни кўриб чиқишлаги фаолиятида айрим қийинчиликларга дуч келинади. (Масалан, суд харажатлари, суд процедураси қийинчиликлари ва бошқалар). Бу борада инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳолати анча яхши бўлиб, унинг ишлари вақт билан чегаралашмаган. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили бир мунча қулайликларга эга ва бу борада у ўз ишини юқори идораларга қарамаликдан ҳоли ҳолда олиб боради ва муҳим холосаларни ишлаб чиқади. Вакил ишларни кўриб чиққанда хилма-хил усувларни қўллани мумкин. Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга мурожаат қилувчининг миллати, фуқаролиги ёки бошқа белгилари аҳамиятга эга эмас. Бундан ташқари Вакиль ўз ишини нафақат Конституцияда белгиланган, балки дунёда ёътироф этилган ҳуқуқларга асосланган ҳолда ҳам олиб боради ва ҳал қиласди. Бу борада ҳам унинг ваколатлари чекланмаган.

Мазкур институт ахлоқий ишонч асосида ишлайди. У ўз фаолиятида буйруқ берини ва мажбуrlани тамойили асосида эмас, балки ўрганини ва тавсия этиш тамойилига кўра иш олиб боради. Институтнинг яна бир муҳим ваколати, бу қонунчиликни асосан инсон ҳуқуқлари бўйича ривожлантириш ва такомиллаштириш, уни умуминсоний ҳамда

халқаро мөъёрларга яқинлаштиришдан иборат. Буни бажаринда институт мавжуд қонунларни изчил ўрганиб боради.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилинішда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан 1996 йилнинг ноябрیدа ташкил этилган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллӣ марказнинг аҳамияти ҳам бениҳоя каттадир. Бу марказ ижро этувчи ҳокимиятнинг таркибий қисми бўлиб, у инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилот сифатида фаолият кўрсатади.

Марказнинг асосий мақсад ва вазифалари қўйидагилардан иборат:

— фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида миллӣ ҳаракат режасини ишлаб чиқиш;

— инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро ва миллӣ ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

— Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилинини юзасидан илмий маъruzалар тайёрланни;

— инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва қўпима лойиҳаларни амалга ошириш масалалари бўйича халқаро ва ҳукуматга қаранили бўлмаган ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

— инсон ҳуқуқлари соҳасида давлатлашаро икки томонлама ва кўп томонлама битимларни ишлаб чиқиш ва эксперт баҳолаш ҳамда уларни тайёрланни ишларида қатнашиш;

— давлат ҳокимияти ва болқарув идораларига, шунингдек инсон ҳуқуқлари бўйича жамоат бирлаптималарига маслаҳатлар бериб туриш;

— давлат органларига уларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилинудаги ишларни рағбатлантириш ва муҳофаза қилиши соҳасида таклифлар бериси, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни папир этиш борасидаги фаолиятини мувофиқлантириш;

— фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг ахборот базасини барно этиш;

— фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш юзасидан социологик тадқиқотлар ўтказиш ва уларда қатнашиш;

— давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини такомиллаштириши юзасидан уларга тавсиялар тайёрлани;

— инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилиш бўйича миллий дастурларни ишлаб чиқиш;

— аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

— инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш соҳасида жамоатчилик ташаббусларини рағбатлантириш ва мувофиқлаштириш;

— инсон ҳуқуқлари бўйича адабиётлар, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар, шунингдек “Ўзбекистонда демократиялари ва инсон ҳуқуқлари” даврий нацирни тайёрлани ва уни чоң этириш;

— миллий, минтақавий ва халқаро даражада инсон ҳуқуқларига риоя этиши ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида илмий тадқиқотларни ташкил этиш;

— инсон ҳуқуқлари масалаларини ўрганиши ва ўқитиш бўйича дастурлар тайёрлаш, конференциялар, семинар ва ўқув курсларини биргаликда ташкил этиш ва бу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш;

— инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳукуматтага қарашли бўлмаган ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилиш;

— Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини муҳофаза қилиш ва рағбатлантириши бўйича олиб бораётган фаолияти тўғрисида мамлакат аҳолисини, шунингдек жаҳон жамоатчилигини оммавий ахборот воситалари ёрдамида хабардор қилиб борини.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича фаолият кўрсатадиган институтлар билан бир вақтда бу соҳада подавлат ташкилотлар ҳам муҳим ишларни амалга олирмоқда. Ана шундай подавлат ташкилотлардан бири — шахсинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғуланаётган Кўмитадир. Унинг асосий мақсад ва вазифалари қўйидагилардан иборат:

— ҳуқуқнинг ҳамма учун тенг бўлишини ҳимоялаш;

— инсон ҳуқуқларини ишлаб чиқиш ва ҳимоя қилишини ижтимоий, миллий, диний ва бошқа турдаги камситишларни аниқлаш ва қайд этиш;

- инсон ҳуқуқларини тиклаш дастурини ишлаб чиқиш ва халқаро ташкилотларга тавсия этиши;
- ҳуқуқлари бузилган шахсларга инсоннаварварлик ёрдами берин;
- инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги билімларни тарқаттиси.

Мамлакатимизда давом этаётгап демократиялаш жарайени инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликларини ўрганувчи институтлар тизимини кенгайтириши, уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ишларини мувофиқлаштириш зарурлигини тақозо этмоқда. Бу зарурият мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилипша дахлдор давлат ва нодавлат ташкилотлар, институтлар ишини демократиялаш тамойиллари талабларига мувофиқ равишида ташкил этишга тобора күпроқ ундармоқда.

#### XIV БОБ

### **ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚОНУНЛАР**

Инсон ҳақ-ҳуқуқларининг ҳимояси муҳим муаммоли масалалардан бири бўлиб келган. Шунинг учун ҳам истиқололга эришган Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг илк қадамларида қабул қилган қонун ва ҳуқуқий меъёrlарини асосан инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, фуқароларни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан ҳар томонлама мухофаза қилишга қаратиб келди ва бу йўлда иш олиб бормоқда.

Мустақилликнинг қисқа даврида қонун ижодкорлиги йуналишида амалга оширилган ишлар шунчалик сермаҳсул ва серқиррали бўлдики, булар инсон, жамият ва давлат масалаларига тегишли аксарият муаммоларни ўз ичига олди.

#### **ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚОНУНЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШНИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА АҲАМИЯТИ**

Ҳамдўстлик мамлакатлари ичida биринчилар қатори Республикализнинг Асосий Қонуни бўлган Конституциянинг қабул қилиниши оламшумул аҳамиятга эга бўлди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Конститу-

цияси инсон ва давлат, инсон ва жамият муносабатларининг ишончли кафолати, кўп йиллик фаолиятимизнинг йўриқномаси бўлганлиги, унда бутунги реал воқелигимиз ҳамда эртани кунимизга бўлган чуқур ишонч ўзининг ифодасини тоғланлигини кундалик ҳаётимизда рўй берадиган ўзгаришлар амалда тасдиқламоқда.

Инсон ҳуқуқларини Конституция асосида ҳар томонлама ҳимоя қиласидан қонунлар ва ҳуқуқий меъёрлар қабул қилинишини давр тақозо қила бошлади. Шунинг учун ҳам И.А. Каримов олдин қабул қилинган қонунларни янги Конституция нуқтаи назаридан қараб, қайгадан кўриб чиқин лозим, деган талабни илгари сурди. Президент томонидан қўйилган талабларни ҳаётга жорий этиш мақсадида мамлакатимизда турли соҳалар бўйича кодекслар, қонунлар ва ҳуқуқий меъёрлар тайёрланаша жадал киришилди. Бу қонун ҳужжатлари хўжалик юритишни такомиллаштириш, маъмурӣ ҳуқуқбузарлик, жиноят ҳуқуқи ва жиноят жараёни, фуқаролик кодексининг иккита қисми, меҳнат ва бошқа кодексларининг асосий демократик тамойиллари, инсон эрки ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунлар бўлиб, улар ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда.

Ҳозирги кунда фуқаролик процессуал кодекси, иотариат, адвокатура, суд қарорларининг ижроси ва инсон ҳуқуқларига доир бошқа қатор қонунлар лойиҳаси устила ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар ва бошқа соҳа мутахассислари иш олиб бормоқдалар.

Республика Президенти бошчилигида жамиятимизни янада демократлантиришига қаратилган талайгина тадбирлар амалга оширилди ва бу борада кўп ишлар қилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу йўналишда амалга ошириладиган ишларининг моҳияти ва аҳамияти халқимизнинг миллий ҳусусиятларини, тарихи, урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда шарқона демократия яратиш йўлида иш кўрилмоқда. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқларига тегинли бўлган масалаларни ғарб мамлакатларининг бу йўналишдаги қоидаларини республиканизмнинг ўзига хос ва мос бўлган ҳусусиятларини назар-эътиборга олиб татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан фуқаро тегишли ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этувчи идораларга мурожаат этганида, мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари туфайли фуқаронинг

хуқуқларини камситадиган ҳоллар мавжудлиги амалиётдан маълум. Юртбонимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисining қатор сессияларида бундай салбий ҳолатларни бартараф қилиш зарурлигини қайд қилиш билан бирга, унинг йўллари ва шарт-шароитларини кўрсатиб муҳим таклифлар берди.

Фуқароларнинг қонуний хуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилишида суд ҳокимияти алоҳида ўрин тутади. Бу Конституцияда ҳам ўз ифодасини тошган. Аксарият фуқаролар ўз хуқуқларини, қонуларни, суд жараёни тартибларини старли даражада билмасликлари туфайли судлар уларниг кўз ўнгида жазоловчи, қораловчи, озодликдан маҳрум этувчи идора сифатида гавдаланиб келди. Шунинг учун ҳам Президентимиз И.А. Каримов: Олий Мажлисining VI сессиясида "...судни фақат одамларни қоралайдиган, жазолайдиган орган деб эмас, аксинча уларниг ҳақ-хуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилалигидан орган деб билиш керак", деб уқтирган эди.

Конституцияга асосан ҳар бир шахс ўзишинг хуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши, давлат органдари, мансабдор шахслар, жамоат бирланималарининг тайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш хуқуқининг кафолатланиши маҳесус қонунда ва бошқа кўп хуқуқий меъёрларда ўз ифодасини тошган. Давлатнинг бирон бир идораси низоли ишларни тўғри, суд каби одилона ҳал эта олмаслигига қарамасдан, аксарият фуқаролар шикоят ва аризалар билан судларга мурожаат этмасдан, бошқа идораларга мурожаат қилишга одатлиниб қолганлиги амалиётдан маълум.

Инсон хуқуқларини ҳимоя қилингани қаратилган қонулардан бири — 1995 йилнинг 30 августида Олий Мажлисining учинчи сессиясида қабул қилинган "Фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида"ти қонунлар. Бу қонунга кўра, эндиликда фуқароларнинг поймол қилинган хуқуқларини ҳимоя қилингани қаратилган суд идораларининг ваколати бирмунича кентгайтирилди. Масалан, агар фуқаролар муқаддам фақат мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати устидангина судга шикоят қилиш хуқуқига эга бўлса, ҳозирда коллегиал органларнинг хатти-ҳаракатлари устидан ҳам судга шикоят билан мурожаат қилиш хуқуқига эгадирлар.

Қонунинг ағзасыларидан яна бири мансабдор шахсларниң ҳамда давлат бошқарув идораларининг шахснинг ҳуқуқига тегисишли фаолиятини амалга оширишида жавобгарлигини күчайтиришига қаратилғанлыгидир.

Бу қонунинг яна бошқа жиҳати фуқароларининг ҳуқуқларини судда ҳимоя қилишида давлат бошқарув идораларининг якка ва коллегиал субъектлари томонидан қабул қилинган масалалар бүйича судға шикоят қилиніп тоирасининг бирмунча көнтайтирилғанлыгидир.

Қонунга асосан фуқаро фақат мансабдор шахсларининг ҳатти-харакатлари устидан судға шикоят билан мурожаат қилиб қолмасдан, шу билан биргә ҳокимліклар, бўлим бошқармалари, улар томонидан ташкил қилинадиган комиссиялар устидан, вазирликлар, идоралар ва улар бўлинмалари ходимларининг поқонуний ҳатти-харакатлари устидан ҳам шикоят қилин мумкинлиги пазарда тутилган. Бу қонунга кўра фуқароларининг муҳим ҳаётий масалаларидан келиб чиқадиган жуда кўп ҳуқуқий низолар суд ҳимоясига тегисишли бўлиб қолди.

Ҳар бир соҳа бўйича инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилингага оид масалалар асосий қонунимизда ўз ифодасини тоングан. Жумладан, ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиши ҳуқуқига эга. Шунга асосан тиббий ёрдам кўрсатиш муассасаларига (касалхонага) даволаниш учун жойлантиришини асоссиз рад этиш тўғрисидаги мансабдор шахсларининг ҳаракатлари устидан фуқаро шикоят қилингага ҳақлидир, ёки фуқароларининг ижтимоий таъминот соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоя қилиши (нафақа тайинлаш турларига риоя қилмаслик, унинг миқдорини белгилап) каби масалалар ҳам судда ҳал қилиниши лозим бўлган ишлар қаторидан ўрин олди.

Инсон ҳуқуқларининг Умумжаҳон Декларациясининг 9-молдасида ҳеч кимни асоссиз равинида қамаш, унлаб туриш мумкин эмаслиги кўрсатилган.

1978 йилги Конституцияда мансабдор шахсларининг ҳуқуққа хилоф ҳаракатлари устидан судға мурожаат қилини ҳақидаги, фуқароларининг шаъни ва қадр-қимматларини ҳимоя қилини тўғрисидаги тегисишли меъёрлар ҳаракатда бўлса-да, бироқ бу меъёрларни амалиётда татбиқ этишида кўн тушунмовчиликлар содир бўлган эди. Амалдаги Конституцияда эса, бу тушунмовчиликларга аниқлик киритилди. Бу қоидалар, масалан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик процессуал кодек-

сида янада такомиллантирилиб, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритишга маҳсус бўлим ажратилди ва у ўз навбатида фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини бузганилик тўғрисидаги ҳатти-ҳаракат (ҳал қилив қарор)лари устидан шикоятлар, идоралар ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жазо бериш билан боғлиқ бўлган ҳатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларга оид: прокурорнинг ҳуқуқий актни гайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризасига оид бобларга бўлиниб, бу соҳада фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама тўғри ҳимоя қилиш учун замин яратилди.

Бундай ҳуқуқий месъёрларнинг киритилиши ҳуқуқий, демократик давлат қуриш пойдеворларидан бири бўлиб, асосан ҳар қандай низоларни судда кўриб ҳал қилиш имкониятини берди ва суд ҳокимиятининг обрўсини ошириди. Юқорида қайд қилинган қонунлардан инсон ҳуқуқлари ва озодлигининг ким томонидан бўлсада бузилишидан ҳимоя қилишида суднинг мавқеи кўтарилганлиги кўринади. Шунинг учун хам Республика Олий суди фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланаб, у томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий бўлиб, республиканинг барча худудларида бажарилиши мажбурий эканлиги ҳамда ҳамма судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориши ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Оид судловини амалга оширувчи суд идораларини Конституция, “Судлар тўғрисида”ти ва бошқа қонунларга асосланган ҳолда ўз истиқлолини қўлга киритган мустақил жумхуриятимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга фуқаролар, давлат ва жамоат бирлашмаларининг эрки, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда, судлар суд ҳокимиятидан тўғри фойдаланган ҳолда давлат идоралари орасида муносаб ўрин эгаллашлари давр талаби эканлигини яхши ҳис этмоқлари, бундан кейинги тараққиёт йўлини белгилаб олиш “жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи фуқаро, кейин жамият – давлат” деган тушунчага амал қилган ҳолда иш тутишлари мақсадга мувофиқлар.

Конституциянинг бу қоидалари “Суд тўғрисида”ти қонуни ривожлантира бориб, суд ҳимояси бўлган ҳуқуқдан фойдаланиши учун уни маҳсус месъёр билан мустаҳкамлади, бунга кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат бош-

қарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай гайриқонуний хатти-ҳаракатларидан, шунингдек шаъни ва қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи, шахсий эркинлиги ва мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз қилиншилардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга эканилиги, фуқароларнинг корхона, муассаса ва ташкилотларга нисбатан қонуний мағфатларини ҳимоя қилиш биринчи павбатга қўйилганлиги эътиборга сазовордир.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилингга қаратилган ва декларацияга асослашган ҳолда ҳибсга олиши ёки қамоқда сақланиш мумкин эмаслиги, жиноят содир этганикда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора қўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунича, у айбдор ҳисобланмаслиги ҳақида ҳуқуқий меъёр тергов, сурингирув ва суд амалиётида суд ҳукми чиқмасдан олдин тегинсли шахсни айбдор деб матбуотда, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида ошкора қилиш ҳолларининг олдини олишига муҳим асос бўлди.

Собиқ Иттифоқ ва Республика Конституцияларида юқоридаги қоидага қонуний тус берилмаганлиги туфайли оил судловни амалга оширишда турли хилдаги бузилишларга, жумладан, суд идораларини партия ва советларга бўйсундиришга, оил судловни қонунга асосланиб эмас, балки сиёсатга мослаб амалга оширишга олиб келди. Натижада, учликлар иштирокида хоналарда тегишли қарорларни қабул қилиншидан осонроқ бўлиб, шунга кўра республика мизда 30—50-йилларда қонунийлик ва адолатга бўлган ишончнинг бутунлай ноймол бўлишига ва ўн минглаб халқ фарзандлари ҳастдан кўз юмищига сабаб бўлган.

Кейинги ўн йил ичидаги республикамиз халқи оғир даврни бошидан кечириб, “пахта иши” номи билан бошланган тазийқ туфайли минглаб одамлар устидан жиноий иш қўзгатилиб, тақиқланган услублар билан тергов қилиниб, хотин-қизлар, болаларга нисбатан бераҳмларча муносабатда бўлишиб, марказнинг кўрсатмаларига асосланиб иш тутилиб, жиноий ишлар тухмат, уйдирмалар асосида тузишганлиги қонун устуворлигининг тоиталганлиги оқибатидир.

Конституциянинг айбсизлик презумпцияси тўғрисидаги қоидага риоя қилина бошлангандан кейингина бундай гайриқонуний ҳаракатлар ва ноҳақликларнинг олди оли-

на бошланди. Эндиликда суд ҳокимияти мустақил ҳокимият бўлиб, унинг олий вазифаси қонуиларга оғишмайриоя қилиши таъминлаш ва бу қонуиларни фуқаролар томонидан бажарилишига эътибор бериладир. Мустақил Республика Конституциясига суд амалиётида риоя қилиш ва бошқа қонуиларни тўғри татбиқ қилиш туфайли Олий суд ва қуий судлар фаолиятида сезиларли ижобий силжиншлар бўлмоқда. Республика Олий суди томонидан “пахта иши” бўйича қонунга хилоф равишда судланганлардан уч мингдан кўпроғи озод қилинганилиги, Гдлян гуруҳи томонидан тергов қилинганлардан азоб-уқубатда бўлган бир неча ўнлаб кишиларнинг ишлари қайта кўрилганилиги, Олий суднинг бу фаолияти Олий Кенгаш томонидан маъқуланиб собиқ Иттифоқ Олий судининг Ўзбекистон фуқароларига нисбатан кўрган ишларини бундан кейин ҳам қайта кўриб чиқиши ҳақида ваколат берилганилиги, Республика Олий судининг раиси У.К.Мингбоев далиллар билан асослаб қонуннинг устувор бўлишини таъкидлади. (У.К. Мингбоев. Суд ҳокимияти ва инсон ҳуқуқлари. Ўзб. Олий Судининг Ахборотномаси. Тошкент, 1992 йил. 7-бет.)

Одил судловни амалга оширишда суд идораларининг фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, бирорта ҳам шахс асосиз жавобгарликка тортилмаслиги ва судланмаслигига, ҳар бир жиноят учун жазо тайинлашнинг муқаррарлигига интилиш каби қоидаларга амал қилишга қаратилмоғи лозим.

Конституцияга кўра, давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фармонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириш, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонуиларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишига ёки уларни чеклаб қўйининг ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги муҳим ҳуқуқий меъёрлар берилгани инсонга нисбатан бўлган муносабатнинг илгари сурилганилигидан далолат беради. Бу ҳақда юртбопнимиз И.А. Каримов “Жамики дунёвий нesъматлар орасида энг улуғи — инсон” эканлиги ва эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадрқиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатлани-

ши ҳақида айтгандар буидан бүён барча масалалар бўйича инсонни улуелаш, унинг келажаги ва фаровон ҳёти, ҳақ-хуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни белгилаш лозимлигига қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мустақиллигимиз рамзи, давлатимизнинг хуқуқий пойдеворидир. У қонунинг устуворлигини, барча фуқароларнинг қонун олиди таъминловчи ҳужжатдир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан бошлаб истиқлол ва тараққиёт йулини таънилашга киришиб, муҳим аҳамиятга эга бўлган қатор қонунлар қабул қилди ва шу жараённинг хуқуқий негизини яратди. Бу эса асосий қонун — Конституцияни қабул қилишга имконият яратди.

Янги жамият, хуқуқий демократик давлат қуришда, Ўзбекистон учун ўзининг миллий давлатчилигига жавоб берадиган ижтимоий, иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йулини белгилаш, фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларининг кафолатланиши, миллий қадрият ва маданиятимизнинг қайта тикланиши, инсоннинг маънавий, ахлоқий баркамоллигини таъминлаш керак бўлади. Мана шу таълабларни амалга оширишида суд ҳокимиятининг аҳамияти бекёсdir. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Конституциясида суд ҳокимиятига маҳсус боб ажратилиб, бунда одил судловнинг асосий қоидалари, суд тузилиши ва унинг фаолиятига одил демократик тамойиллар ёритилган. Хуқуқий меъёрлар судлар тўғрисидаги қонунларда батафсил ифодаланади.

Конституциянинг 14-моддасида суд идоралари давлатининг муҳим механизми бўлганилиги туфайли ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровошлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга ошириши қайд қилинган. Қонунчилик тўғрисида соҳибқирон Амир Темуринг “Қаерда қонун ҳукумронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади”, деган сўзларига амал қилинган ҳолда хуқуқий давлатнинг асосий белгиси бўлган қонун устуворлигини таъминлани ва уларга риоя қилиш билан одил судловни амалга ошириши зарурлиги тўғрисидаги қоида илгари сурилди. “Судлар тўғрисида”ти қонунда одил судловни фақат суд амалга ошириши, судьяларнинг қонунга бўйсуниб иш кўриши, унинг фаолиятига қай тарзда бўлмасин аралашинига йўл қўйилмаслик кўрсатиб ўтилган.

Бу қоидалар шундан даюлат берадики, суддан ташқари ҳеч қандай идора бирон жиноят, фуқаролик, маъмурий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган ишларни кўриш ва ҳал қилини ҳуқуқига эга эмас, фақат судгина айби бўлган шахснинг жинояти юзасидан ҳукм қилини ва қонунига асосланган ҳолда жазо бериши мумкин. Шунинг учун юқорида қайд қилиб ўтилганидек, Конституцияда жиноят содир эттаниликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги ҳақидаги ҳуқуқий меъёр суднинг учинчи ҳокимият сифатида иш тутиши, фуқароларни эса эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлигини билдиради.

Суднинг фуқаролик, жиноий ишлар юзасидан чиқарган ҳукми ва қарорлари бирорта идора томонидан бекор қилинмасдан, уни фақат юқори судларгина кассация ва назорат тартибда кўриб бекор қилишлари, ўзгартирислари ва ўзгартирмасдан қолдириш ҳуқуқига эгадирлар.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлмаган айrim турдаги фуқаролик ва жиноий ишлар жамоат ташкилотларига, чунончи ўртоқлик судларига, холислик судларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш идораларига берилган бўлса-да, аммо бундай ҳолларда ҳам суд зиммасига улар чиқарган қарорларининг қонунийлигини текшириш вазифаси юклатилган.

Сул бажарадиган вазифаларни бошқа идоралар ўз зиминаларига оладиган бўлса, бундай ҳолда одил судлов тўғрисида Конституцияда белгиланган қоидаларнинг бузилини рўй беради. Шунинг учун, судлар ва бошқа идоралар ишларга тааллуқлилик қоидасига риоя қилган ҳолда иш тутишлари лозим.

Бу қоидага кўра, Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқини, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқедан қатъи назар қонун ва суд олдида тенгдирлар. Бу қоидага кўра, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги икки турдаги мазмунига эга: биринчisi, ҳаммага бирдай бўлган ятона суд тўғрисидаги қоидадан иборат бўлса, иккинчisi, ҳаммага баробар татбиқ қилинадиган ҳуқуқнинг ягоналити тўғрисидаги қоидадан иборат. Биринчи қоида шундан иборатки, республикамиизда айrim шахсларга уларнинг миллати, жинси, ижтимоий аҳволи ва бошқа ҳолатларга қараб муайян имтиёзлар берадиган

ёки уларнинг ҳуқуқларини камситадиган судлар йўқ. Конституция ва Судлар тўғрисидаги қонунда белгиланганнидек, суд тизими ягона ҳисобланади ва судлар барча фуқаролар учун бир хилда иш кўрадилар.

Мустақил Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқларининг тенглиги уларнинг ҳуқуқлари бузилганда ҳуқуқни бузувчилар давлат, жамият ва суд олдида тенг даражада жавобгарликка тортилини билан ҳам белгиланади. Қонунларни бузувчи шахслар хизмат вазифаларидан ва кўрсатсан хизматларидан қатъи назар жавобгарликка тортиладилар. Бу қоида суд тизимининг тузилишида ва унинг фаoliyatiда миллий тенглик, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлигини кўрсатади.

Конституцияда кўрсатилишича, Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзек тида, қорақалпоқ тида ёки муайян жойдаги кўнчилик аҳоли сўзланадиган тида олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тида билимайдиган судда қашшашувчи шахсларга таржимон орқали иш ҳужжатлари билан тўла танишини ва суд ишларида интирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тида сўзлан ҳуқуқи таъминланади.

Судда тақдим қилинадиган ҳужжатлар ишда интирок элаётган шахсварни онда тидарида ёки улар биладиган бошқа тида таржима қилиниб тошширилини лозим. Бу ҳуқуқий мезъёр суд ишлари юритиладиган тида билимдан шахсларнинг ҳуқуқ ва мағфалаларини тегинли даражада ҳимоя этилишини кафолатлайди.

Суд ишларинин диккат тида юритилиши тўғрисидаги қоидага кўра, суд ишларини юритилишида интирок энувчиларга ва суд мажлиси замидаги ҳозир бўлган шахсларга жараённинг тушинарли бўлинни ва шу билан бирга судда иш кўришнинг тарбиявий характерда бўлиншини таъминлайли. Бу қоида жараённинг барча босқичларига тегинли бўлиб, унинг бузизини суддининг ҳукми ҳал қилув карорларининг бескор қилининига асос бўлади.

Юқорида қаёл қилинган ҳоджалардан кўринадики, агар ишда қашшашувчи шахсенинг иши, масалан, тоҷик миллийига мансуб аҳоли кўнчиликни ташкил қилидиган жойда бўлса, шу ерда ҳаққини тида иш кўришини, бунинг учун лозим ҳоджаларда таржимон билан таъминлани масаласи ҳал қилинини лозим. Бу қоиданинг заминидаги давлатнинг миллий сиёсанга бўлиш муносабатини ва унни мухимлигини кўрсатувчи ҳодж асосий ўринини оғаллайди.

## МЕҲНАТ КОДЕКСИ ВА УПИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИНДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов “Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари” асарида инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши, давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиягини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш иштига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо эта олиши мумкинлигини назарий жиҳатдан асослаб берди. У фуқароларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш соҳасини мумкин қадар кенгайтириш лозимлигини, фуқаро, агар упинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари ноймом этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи лозимлигини асосли равишда кўрсатиб берди. Шу боис ҳам янги меҳнат кодексига ходимларининг қонуний ҳуқуқ манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор боб ва моддалар киритилган. Меҳнат низоларини ҳал этишга бағишланган алоҳида бобнинг киритилиши бунга мисол бўяла олади. Бу бобда меҳнатининг ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш масалалари (259—281-моддалар) ўз ифодасини тонгтан. Бу ҳуқуқий мөъёrlар меҳнат низоларини кўрувчи органлар қаторига меҳнат низоларини кўрувчи комиссиялар ва туман (шаҳар) судларининг кириши, ходим эса ўз хоҳишига кўра ё меҳнат низолари комиссияларига ёки бевосита судга мурожаат этишга ҳақли эканлиги кўрсатиб берилган. Бу билан ходим муқобил судловликка қараб тегисли органга мурожаат этишга ҳақли эканлиги ва аввалги кодексга нисбатан демократик талабларга жавоб берини, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишга кенг имконият берганлигидан далолат беради.

Низоли ишиларни ҳал этиш тартибининг муқобил судловликка асосланганлиги янги меҳнат Кодексининг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб, у ўз навбатида инсон ҳуқуқи ноймом қилинганда суд ҳимоясидан фойдаланиши ҳуқуқига тўскин бўлмаслигини кўрсатувчи омилидир. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикасининг аввалги Меҳнат кодексидан фақат биттагина моддада — ишчи ва хизматчи тўғридан-тўғри судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги

күрсатилған әди. Чүнөнчи, маъмурияттинг тащаббуси билан ишдан бўйнатилған ишчи ва хизматчиларни ишга қайта тиклаш тўғрисидаги, шунингдек уларни ишдан бўшатни сабаблари (формулировкаси)ни ўзгартириш, низоли ишларни кўрувчи касаба уюшмаси бўлмаган ҳолларда корхонага етказилған зарар ҳақини ундириш тўғрисидаги маъмурият берган аризалар бўйича ҳақли эканлиги белгиланган холос.

Кодексда ходим касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошика вакиллик органи томонидан меҳнат визосини кўриб чиқилишида интирок этиш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилинида адвокатларни таклиф қилиш хуқуқига эга бўлиши мухим аҳамиятга эга. Бу эса хуқуқни турли йўллар билан қонун асосида ҳимоя қилишга қаратилған чоралардандир.

Кодексда амалда низо келиб чиқишига сабаб бўлган ва аксарият ҳолларда манфаатдор шахслар хуқуқларининг нойном бўлишига олиб келадиган омиллар ҳам ўз ифодасини тошган. Агар аввалги меҳнат кодексида ходим меҳнат низолари комиссиясига мурожаат этиб, унинг қароридан порози бўлса, амалдаги кодексега кўра меҳнат низолари комиссиясининг қарори устидан манфаатдор ходим ёки иш берувчи комиссия қарорининг нусхаси тоширилган кундан эътиборан ўн кунлик муддат ичida туман (шаҳар) судига шикоят қилиши мумкин деб кўрсатилған. Бу эса, меҳнат низолари комиссияларидағи айrim ходимларнинг иштизомсизлиги туфайли комиссия қарорини ўн кун муддат ичida ололмаслик ҳоллари учраши туфайли шикоятчи ўз вақтида шикоят беришдан маҳрум бўлиши, суд эса ўтказилған муддатни узрсиз деб топиши ҳоллари учраб турғанилиги сабабли қарор нусхаси тоширилган кундан эътиборан ўн кун деб белгиланиши мухим аҳамиятга эга бўлди. Бу билан юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф қилиш имконияти яратилди ва ходимнинг манфаатини муҳофаза қилишга имкон берилди.

Кодекснинг инсоннарварлик талабларига жавоб бералиган афзалликларидан яна бири 270-моддада ўз аксини тошган. Бу моддага кўра, ходимнинг соғлиғига етказилған зарарни қонланға доир низолар бўйича судга мурожаат қилиш учун умуман муддат белгиланмаганлигидир.

Фуқаролик ва жиноят процессуал қонунларида инсон хуқуқларини муҳофаза қилиши мақсадида киритилган янги,

хуқуқий мөйөрларда, масалан қонунда белгиланған тартибдан ташқари гайриқопунй тарзда құлға кириллтін хабарлар дағыл бұла олмасығы; фуқаролик ишларидә маңғаатдор шахсларпенг бузилған хуқуқини ҳимоя қилиш мақсадыда вакиилдік институтидан фойдаланып ҳуқуқи; ҳукмдан, ҳал қылув қароридан порози томонлар шикоят беріш ҳуқуқидан, прокурор еса уларпенг маңғаатларидан күзілаб порозлик билдирип ва ҳоказо ҳуқуқлардан фойдаланыптаға ҳақыл әкаптілік белгиланған. Булардан ташқари ҳозирда иш олиб борилаёттан Фуқаролик процессынан кодексининг лойиҳасыда ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билен боғлиқ бўлған қатор мөйөрларни учратишимиш мумкин, жумладаң лойиҳасынг 3-модасыда фуқаролик суд ишларини юритип вазифалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясыда, бошқа қонуларда ва инсон ҳуқуқлари түгрисидаги ҳалқаро пактлар билен кафолатлашиб қўйилған шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, ёркинликлари ва маңғаатлари, шунингдек корхоналар, мұассасалар, ташкилотлар ва жамоат бирланималарининг ҳуқуқларини ва қонун билен қўриқданалиган маңғаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролик ишларини тўғри ва тез кўриб ҳал қилиндан иборатлиги таъкидланаш.

Фуқаро ўзининг қонуларда белгиланған ҳуқуқ ва мажбуриятларини таълаб дараражасыда билгандагина Конституцияда нағарда тутилған кафолатларини амалга оширини учун имкон туғилади ва бу инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг амалдаги қонуларидә инсон ҳуқуқлари ва ёркинликларини мұхофаза қилинганда қартилған ҳуқуқий мөйөрлар бўлса-да, уларни тағбиқ этишинин самарали механизми ишилаб чиқылмагандити туфайли айрим шахслар, идоралар, корхоналар, бирланималар ва ташкилотлар томонидан уларни лозим дараражада бажармасликлари натижасыда бу ҳаёттй мөйөрларини яхни ишиламаслигига сабаб бўлмоқда. Шунинг учун ҳам қонунчилик механизмини ва қабул қилинган қонун, мөйөрларини ижро қилиши нағоратини янада тақомиллантириши, қонуларимизни умумътироф этилган ҳалқаро мөйөр ва қоидаларга мувоғиқ келтирини муҳим вазифа әкаптілікни Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида асосли равишда таъкидлаб ўтган эди.

Президент кўрсатмаларига асосланган ҳолда қонунлар ижросини ўз вақтида ва амалда таъминлаш учун суд ҳукми, ҳал қилув қарорларининг ижроси, жисмоний ва юридик шахсларниң ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишини даъват этадиган нотариал идоралар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларниң ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимояланишига кўмаклашадиган ва юридик шахсларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган адвокатура ҳақида қонунлар яратиш лозимлигини давр тақозо этмоқда, чунки амалдаги қонунлар собиқ Иттифоқ даврида қабул қилинган бўлиб, уларда инсон ҳуқуқи ва эркинлигини муҳофаза қилингана қаратилган ҳуқуқий месъёрлар бўлсада, бироқ уларниң амалиётта татбиғи ҳамда ижроси устидан назорат қилини масалаларига эътиборсизлик билан қараб келинган.

Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун уларниң тегиншли мансабдор ваколатли шахсларга мурожаат этини тегиншли қонунлар билан тартибга солинган бўлса-да, бироқ айрим мансабдор шахсларниң ҳаракатларида қонунларни менсимаслик иллатлари мавжудлиги ва қонун устуворлиги масалаларига аҳамият бермаслиги амалиётдан маълум. Шунинг учун ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишини ўз мазмунида ифода этувчи давлат хизмати ва давлат хизматчилари тўғрисида қонунлар қабул қилиш лозимлиги ҳақида Олий Мажлисининг сессияларида депутатлар жуда муҳим ва асосли фикрларни билдирган әдилар.

Қонунларга амал қилиши учун уларниң мазмун-моҳиятини фуқаро тўғри англаши лозим. Шунинг учун фуқароларда ҳуқуқий онгии шакллантириш лозимлиги, бунинг учун эса барча ўқув юртларининг ўқув дастурларида “Инсон ҳуқуқлари”га бағинланган махсус курс киритилиши шунингдек, таълим ва тарбияниң бугун жараёнини инсоннарварлик бояларига бўйсундириши зарурлиги тўғрисидаги Президентниң кўрсатмалари халқимизниң инсоннарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш учун олиб бораётган саъй-ҳаракатлари йўлида қўйилган муҳим қадамдир.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётни демократ-лантириш йўлидан изчил бораётганлигини И.А. Каримов тўғри ва асосли таърифлаб бериш билан, барпо этилган сиёсий институтлар шаклан демократик мезонлар ва гарб андозаларига ўхиласа-да, мазмун-моҳиятига кўра замон талаблари даражасида эмаслигини ниҳоятда тўғри ва оди-лонга кўрсатиб берди. Шунинг учун ҳам инсон ҳукуқлари-ни муҳофаза қилишига қаратилган қонунлар бизнинг шар-қона миллий ҳусусиятларимизга ва тафаккур тарзимизга мос бўлини лозим. И.А. Каримов айтганидек “Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос ҳусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди. Яъни Шарқда демократик жараёплар узвий равишда ва аста-секин тараққий топади. Бу соҳада инқилобий ўзгаринилар ясанига уришинилар фойт ноҳун, ҳатто фожиали натижаларга олиб келади. Инқилобни гарб олимлари ҳам “ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий ва ёв-войи шакли” деб атаганлар. Табиийки бундай йўл бизга асло тўғри келмайди”. (И.А. Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий та-мойиллари. Т., Ўзбекистон, 1995 й. 10—11-бетлар).

Республикамизда инсон ҳукуқлари ва эркинликлари-ни муҳофаза қилишига йўналтирилган қатор қонунлар бўлса-да, бироқ улар ҳаётнинг барча жабҳаларини стар-ли даражада қамраб олмаганилиги туфайли жаҳонда бу масалага оид мавжуд 70 та халқаро стандартта мос кела-диган ҳуқуқий месъёрлар устида иш олиб боринимиз за-рур әканилигини давр тақозо этмоқда.

# **ХУЖЖАТЛАР**



# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ

1948 йил 10 декабр

Инсоният оиласининг ҳамма аъзоларига хос қадр-қиммат ва уларниң тенг, ажралмас ҳуқуқларини таи олиш оркизлик, адолат ва ялпи тинчлик асоси эканлигини **эътиборга олиб;**

инсон ҳуқуқларини менсимаслик ва уни наимол этиш, инсоният виждони қийналадиган ваҳшиёна ишлар содир этилинига олиб келганини, кишилар сўз эркинлиги ва эътиқодга эга бўладиган ҳамда қўрқув ва муҳтоҷликдан холи шароитда янайдигаи дунёни яратиш инсонларининг эзгу интилишидир деб ёълон қилинганигини **эътиборга олиб;**

инсон охирги чора сифатида зулм ва истибдодга қарши исён кўғаришига мажбур бўлишининг олдини олиш мақсадида инсон ҳуқуқлари қонун кучи билан ҳимоя этилини зарур эканлигини **эътиборга олиб;**

халқлар ўртасида дўстона муносабатларни ривожлантиришига кўмаклашимиш зарурлигини **эътиборга олиб;**

Бирлашган Миллатлар халқлари инсониниг асосий ҳуқуқларига, шаҳснинг қадр-қимматига, эркак ва аёлниң тенг ҳуқуқлиигига ўз эътиқодларини Низомда тасдиқлаганликлари ҳамда янада кенгроқ эркинликда ижтимоий тараққиёт ва турмуши шароитларини яхшилашга кўмаклашишига аҳд қилганликларини **эътиборга олиб;**

аъзо бўлган давлатлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти билан ҳамкорликда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ялпи ҳурмат қилиш ва унга риоя қилишига кўмаклашиш мажбуриятини олганлигини **эътиборга олиб;**

мазкур ҳуқуқлар ва эркинликлариниг характерини ялпи тушуниш ушбу мажбуриятлариниг тўлиқ адо этилини учун катта аҳамиятга эга бўлишини **эътиборга олиб**

## **БОШ АССАМБЛЕЯ**

мазкур инсон ҳуқуқлары Умумжағон Декларациясими барча халқлар ва барча давлатлар бажарыпта интилини лозим бўлган вазифа сифатида эълон қиласр экан, токи ҳар бир инсон ва жамиятнинг ҳар бир ташкилоти доимо ушбу Декларацияни назарда туттган ҳолда маориф ва тълим йўли билан бу ҳуқуқ ва эркинликларнинг хурмат қилишинига кўмаклашиши, миллий ва халқаро тараққийтарвар таъбирлар орқали ҳам унинг бажарилиши тъминлананинига, Ташкилотга аъзо бўлган давлатлар халқлари ўртасида ва ушбу давлатларнинг юрисдикциясидаги ҳудудларда яшаетган халқлар ўртасида ёниасига ва самарали таш олинишига интилишилари зарур.

### **1 - м о д д а**

Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғиладилар. Уларга ақл ва виждан ато қилинган, бипобарин бир-бирларига нисбатан биродарларча руҳда муносабатда бўлишлари керак.

### **2 - м о д д а**

Ҳар бир инсон ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқини, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарур.

Бундан ташқари, инсон мансуб бўлган мамлакат ёки ҳудуднинг сиёсий, ҳуқуқий ёки халқаро мақомидан, ушбу ҳудуд мустақилми, васийми, ўз-ўзини идора қиладими ёки бониқача тарзда чекланганлигидан қатъи назар бирор бир айирмачилик бўлмаслиги керак.

### **3 - м о д д а**

Ҳар бир инсон яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлизлилик ҳуқуқларига эгадир.

### **4 - м о д д а**

Ҳеч ким қулликла ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас; қуллик ва қул савдосининг барча кўринишлари тақиқланади.

## **5 - м о д д а**

Ҳеч ким қиінөққа ёки шафқатеиз, тайриинсоний ёки қадр-қимматни хүрловчи мұомала ва жазога дүчөр этилмаслиги керак.

## **6 - м о д д а**

Ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзининг ҳуқуқли субъект сифатида тан олининишига ҳақли.

## **7 - м о д д а**

Барча одамлар қонун олдида тентдир ва ҳеч бир тафоутгасиз қонун билан тенг ҳимоя қилининш ҳуқуқига этадир. Барча одамлар уцибу Декларацияга зид бўлган ҳар қандай камситинидан ва шундай камситинига ундайдиган ҳар қандай таламисликдан тенг ҳимоя қилининш ҳуқуқига этадир.

## **8 - м о д д а**

Ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларниң самарали тикланипши ҳуқуқига эга.

## **9 - м о д д а**

Ҳеч ким асоссиз қамалини, ушланини ёки қувгин қилинини мумкин эмес.

## **10-м о д д а**

Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш ва унга қўйилган жиноий айбнинг қанчалик даражада асосли эканлигини аниқлаши учун тўлиқ тентлик асосида унинг иши ошкора ва адолат талабларига риоя қилинган ҳолда мустақил ва холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

## **11-м о д д а**

1. Жиноят содир эттаниликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишига ҳақлидир.

2. Ҳеч ким, содир этилган вақтда миllib қонунлар ёки халқаро ҳуқуқларга күра жиноят деб тоцилмаган хатти-харакати ёки фаолиятсизлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, жиноят содир этилган вақтда құлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас.

#### 12-м о д да

Ҳеч кимнинг шахсий ва оиласи ҳаётига ўзбошимчалик билан аралашинш, уй-жойи дахлсизлигига, унинг ёзинималаридағи сирларга ёки унинг номус ва шаънига ўзбошимчалик билан тажовуз қилиниши мумкин эмас. Ҳар бир инсон худди шундай аралашув ёки тажовуздан қонун орқали ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эга.

#### 13-м о д да

1. Ҳар бир инсон ҳар бир давлат доирасида эркин юринш ва яшаш жойи таңлаш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, хусусан ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиши ҳуқуқига эга.

#### 14-м о д да

1. Ҳар бир инсон татьқиб туфайли бошқа мамлакатлардан боштана излаш ва ўша боштанадан фойдаланиши ҳуқуқига эга.

2. Бу ҳуқуқдан носиёсий жиноят содир этиши учун ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига зид хатти-харакат туфайли татьқиб пайтида фойдаланиши мумкин эмас.

#### 15-м о д да

1. Ҳар бир инсоннинг фуқаро бўлиш ҳуқуқи бор.

2. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан ёки ўз фуқаролигини ўзgartириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

#### 16-м о д да

1. Балоғат ёнига етган эркаклар ва аёллар ирқи, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтишига ва оила қуришига ҳақли. Улар никоҳ-

дан ўтиңда, никоңда турған вақтларида ва уни бекор қилишінде бир хил ҳуқуқдан фойдаланадилар.

2. Никоңдан ўтаёттган ҳар иккі томоннинг эркин ва түлиқ розишлиги асосидагина никоң тузилиши мүмкін.

3. Оила жамияттегі табиий ва асосий ҳужайраси са-налади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишга ҳақла.

#### 17-м о д да

1. Ҳар бир инсон якка ҳолда, шунингдек бошқалар билан биргаликда мұлкка әгалік қилиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳеч ким зўравонлик билан ўз мулқидан маҳрум этилиши мүмкін эмас.

#### 18-м о д да

Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзgartириш эркинлигини ва таълимотда, тоат-ибодат қилинеше ва диний расм-русум ҳамда маросимларни оммавий ёки хусусий тартибда адо этиш, ўз дини ёки эътиқодига якка ўзи, шунингдек бошқалар билан бирга амал қилиш эркинлигини ўз ичига олади.

#### 19-м о д да

Ҳар бир инсон эътиқод эркинлиги ва уни эркин ифода қилиш ҳуқуқига эга; бу ҳуқуқ ҳеч бир тўсиқсиз ўз эътиқодига амал қилиш эркинлигини ҳамда ахборот ва ғояларни ҳар қандай восита билан, давлат чегараларидан қатыназар, изланш, олиш ва тарқатиш эркинлигини ўз ичига олади.

#### 20-м о д да

1. Ҳар бир инсон тинч йигинлар ўтказиш ва уюшмалар түзиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳеч ким бирор бир уюнимага киришга мажбур қилиниши мүмкін эмас.

#### 21-м о д да

1. Ҳар бир инсон бевосита ёки эркин сайланған вакиллар воситаси орқали ўз мамлақатини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўз мамлакатида давлат хизматига киринди тенг ҳуқуққа эга.

3. Ҳалқ иродаси ҳукумат ҳокимиятининг асоси бўлиши лозим; бу ирова даврий ва сохталаштирилмаган, ялпи ва тенг сайлов ҳуқуқида, яширин овоз бериш йўли билан ёки овоз бериш эркинлигини таъминлайдиган бошқа тенг қийматли шакллар воситасида ўтказиладиган сайловларда ўз аксини топниши лозим.

## 22-м о дда

Ҳар бир инсон жамият аъзоси сифатида миллий куч-ҳаракатлар ҳамда ҳалқаро ҳамкорлик воситасида ва ҳар бир давлатнинг тузилиши, итунингдек, ресурсларига му-вофиқ ижтимоий таъминотга ва ўзининг қадр-қимматиги-ни сақлаш, шахсининг эркин ривожланиши учун зарур бўлган иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги ҳуқуқини амалга оширишга ҳақли.

## 23-м о дда

1. Ҳар бир инсон меҳнат қилиши, ишни эркин таилаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ҳеч бир камситишсиз тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш ҳуқуқига эга.

3. Ҳар бир иноловчи киши ўзи ва оиласи учун инсонга муносиб яшанини таъминлайдиган адолатли ва қониқарли даромад олишига, зарур бўлганда ижтимоий таъминотнинг бошқа воситалари билан тўлдирилувчи даромад олиш ҳуқуқига эга.

4. Ҳар бир инсон касаба уюшмалари тузиш ва ўз ман-фаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига кириш ҳуқуқига эга.

## 24-м о дда

Ҳар бир инсон дам олиш ва бўш вақтга эга бўлиш, шу жумладан иш кунини оқилона чеклаш ҳуқуқи ва ҳақ тўла-надиган меҳнат таътили олиш ҳуқуқига эга.

## 25-м о дда

1. Ҳар бир инсон ўзининг ҳамда оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган

турмуш даражасига эга бўлиш, жумладан кийим-кечак, озиқ-овқат, тиббий хизмат ва зарур ижтимоий хизматга эга бўлишига ҳамда ишсизлик, қасаллик, ногиронлик, бевалик, қариллик ёки унга боғлиқ бўлмаган шароитларга кўра тирикчилик учун маблағ бўлмай қолган бошқа ҳолларда таъминланиш ҳуқуқига эга.

2. Оналик ва болалик алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқини беради. Барча болалар, никоҳда ёки никоҳсиз туғилишидан қатти назар бир хил ижтимоий ҳимоядан фойдаланини керак.

## 26-м о д д а

1. Ҳар бир инсон таълим олиши ҳуқуқига эга. Таълим олишида ҳеч бўлмагандага бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва ҳунар таълими ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун старли имконият доирасида бўймоги керак.

2. Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим. Таълим барча халқлар, ирқий ва диний групкалар ўртасида бир-бирини тушуниш, хайриҳоҳлик ва дўстликка хизмат қилиши ҳамда Бирлапиган Миллатлар Ташкилотининг тинчликни сақлаш борасидаги фаолиятига ёрдам берини керак.

3. Кичик ёндан болалари учун ота-оналар таълим турини танланида имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар.

## 27-м о д д а

1. Ҳар бир инсон жамиятининг маданий ҳаётида эркин интирок этишга, санъатдан баҳраманд бўлишига, илмий тараққиётда интирок этиш ва унинг самараларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

## 28-м о д д а

Ҳар бир инсон ушбу Декларацияда баён этилган ҳуқуқ ва эркинликлар тўлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган ижтимоий ва халқаро тартиб бўлиши ҳуқуқига эгадир.

## 29-м о д д а

1. Ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин.

2. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқи ва эркинликларидан фойдаланишида ўзгаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократик жамиятда старли даражада бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаш, ахлоқ, жамоат тартиби умум фарованиелининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак.

3. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш Бирланиш Миллатлар Ташкилотининг мақсад ва принципларига ҳеч вид бўлмаслиги керак.

## 30-м о д д а

Ушбу Декларациядаги ҳеч бир нарса, бирор бир давлат, кинилар турар ҳуқуқи ёки алоҳида шахсларга мазкур Декларацияда баён этилган ҳуқуқ ва эркинликларни йўқ қилиншга йўналтирилган фаолият билан шуғулланиш ёки ҳаракат қилиш мумкин деб талқин этилмаслиги керак.

# ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОЙ ВА МАДАНИЙ ҲУҚУҚЛАР ТҮФРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ

1996 йил 19 декабр

Унбу Пактта интижирок этувти давлатлар,

Бирданинан Миллатлар Ташкилотининг Низомида ўзлон қилинган принципларга мувофиқ инсоният оиласинин ҳамма алоҳидига хос бўлган қадр-қиммат ҳамда тенг ва бу йилмас ҳуқуқларини тан олини принциплари озодлик, алоҳат ва ялти тинчликнинг негизи эканлитигини **эътиборга олиб**,

Унбу ҳуқуқлар инсон шахсига хос қадр-қимматдан келиб чиқинини **эътироф этиб**,

инсон ҳуқуқлари Умумжайон Декларациясига мувофиқ кўркув ва мухтожижликни холи бўйин озод инсон шахсигини идеали ҳар бир кини ўз фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларидан, шунингдек ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин бўлган шароит яратишган таини рӯёбга чиқинини **эътироф этиб**,

Бирданинан Миллатлар Ташкилотининг Низомига кўра давлатлар инсон ҳуқуқлари ва ёкинилларини умум риоя этишини ҳамда ҳурмат қилинини рагбатлантиришини шарт эканлитини **эътиборга олиб**.

Ҳар бир алоҳиди инсон боинча одамлар ва ўзи мансуб жамоати инебатин мажбуриятни бўлгани ҳолда маъкур Пактда тан олинибдан ҳуқуқларини рагбатлантитириш ва уларга риоя этишини ёринишни дозумничини **эътиборга олиб**,

Кўнидан муддатлар борасида қединиб оладилар:

## ІҚИСМ

### І-модда

1. Барча ҳалқалар ўз тақдирини ўзи белгилани ҳуқуқига ядир. Унбу ҳуқуқ орқали улар ўз сиёсий макомини ва ўз

иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётини әркин ҳолда таъминлайды.

2. Барча халқлар ўз мақсадларига эринмоқ учун ўз табиий бойликлари ва ресурсларига әгалик қиласы, бунда ўзаро фойда ириинцинига асосланған халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро ҳуқуқдан келиб чиқалыган бирор бир мажбуриятта зарар етмаслығы лозим.

Хеч бир халқ ўзига тегишили бўлған тирикчилик воситаларидан ҳеч қачон маҳрум қилинмаслиги шарт.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи барча давлатлар, шу жумладан ўз-ўзини бошқара олмаётган ва васий бўлған ҳудудларни бошқарин учун жавоб берувчи давлатлар Бирлашынг Миллатлар Ташкилотининг Низом қоидаларига мувофиқ ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишини рағбатлантиришлари ва бу ҳуқуқни ҳурмат қилиншлари лозим.

## II ҚИСМ

### 2-м о д да

1. Ушбу Пактда қатнашувчи ҳар бир давлат якка тартибда ва халқаро ёрдам ва ҳамкорлик тартибида, жумладан, иқтисод ва техника соҳаларида мазкур Пактда ётироф этилған ҳуқуқларниң аста-секин тўлиқ рўёбга чиқиппини таъминлаш учун барча зарур усуллар билан, жумладан қонупий чоралар кўриши орқали мавжуд ресурсларининг иложи борича кенг доирасида тадбирлар кўриши мажбуриятини олади.

2. Ушбу Пактда қатнашувчи давлатлар мазкур пактда ёълон қилинған ҳуқуқларни бирор бир камситишсиз, яъни ирқи, терисининг рағти, жинси, дини, сиёсий ёки бошқа ётиқодидаш, миллий ёки ижтимоий келиб чиқини, мулкий аҳволи, насл-насаби ёки бошқа ҳолатлардан қатъи назар кафолатлаш мажбуриятини оладилар.

3. Ривожланётган мамлакатлар инсон ҳуқуқлари ва ўз халқ хўжалигини зарур тарзда ҳисобга олган ҳолда ўз мамлакатлари фуқаролари бўлмаган шахсларга мазкур Пактда ётироф этилаётган иқтисодий ҳуқуқлар учун қай дарражада кафолат берипларини ўzlари белгилашлари мумкин.

### 3-м олда

Ушбу Пактда ингирок этувчи давлатлар мазкур Пактда күриб чиқылған ҳамма иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқтардан фойдаланиндиң эркаклар ва аёлларга төнг ҳуқуқ берин мажбуриятини оладилар.

### 4-м олда

Ушбу Пактда ингирок этувчи давлатлар мазкур Пактта күра бирорта давлат ҳуқуқлардан фойдаланиш борасыда шундай чеклаларни белгилени мумкинлигини, бу қонуңда акс этиб, ўна чеклалар қайд этилған ҳуқуқтар табиатига уйғун бўлинини ҳамда у демократик жамиятда умумий фаровонликка кўмакланиши мақсадидагина бўлини лозимлигини эътироф этадилар.

### 5-м олда

1. Мазкур Пактда бирор бир нарса, бирорта давлат, бирорта гурӯҳ ёки бирорта шахс ушбу Пактда эътироф этилған ҳар қандай ҳуқуқ ва эркинликни йўқ қилишга қаратилған ёки шу Пактда таъкидланганидан кўра кўпроқ чеклана қаратилған фаолият билан шуғуланиши ёки қандайдир хатти-ҳаракат содир этиши ҳуқуқига эга деган мазмунда талқин этилиши мумкин эмас.

2. Ушбу Пактда ингирок этаттган бирон бир давлатда қонун, конвенция, қоида ёки урф-одат тариқасида тан олинган ёки мавжуд бўлғач инсоннинг асосий ҳуқуқлари ушбу Пактда тан олинмайди ёки кам миқдорда тан олиниди деган баҳонада бу ҳуқуқлар чекланиши ёки писанд этилмаслигига йўл қўйилмайди.

## III ҚИСМ

### 6-м олда

1. Ушбу Пактда ингирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг ишлаб маблағ топиш имкониятини қамраб оладиган меҳнат қилиш ҳуқуқини тан олади. Меҳнат турини ҳар бир одам эркин ҳолда танлайди ёки уига эркин ҳолда рози бўлади. Шу Пакт ингирокчиси бўлған давлатлар эса фуқароларни мазкур ҳуқуқ билан таъминлаш учун зарур чоралар кўради.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур хуқуқни тұлық амалға ошириш мақсадида күриш керак бўлган тадбирларга ҳунар-техника таълими ва тайёргарлик дастури, инсоннинг асосий сиёсий ва иқтисодий эркинликларга кафолат берувчи шароитларда узлуксиз холда иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётта одамларниң инициативасында тұлық банд бўлишига эришиш усули ва ўйлари киради.

## 7-м о д д а

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг адолатли ва қулай шарт-шароитга эга бўлган меҳнат қилиш хуқуқини, жумладан қўйидагиларни тан олади:

а) барча меҳнаткашларга камида қўйидагиларни таъминлайдиган ҳақ;

и) тенг қийматта эга меҳнат учун ҳеч бир тафовутсиз адолатли иш ҳақи ва тенг даромад, айни пайтда жумладан, аёлларга ёркакларнидан кам бўлмаган меҳнат шароитига кафолат берилиши ҳамда тенг меҳнат учун тенг ҳақ тўланиши керак;

ii) мазкур Пактнинг қарорларига мувофиқ улар ва уларнинг оиласлари учун қониқарли бўлган турмуш;

б) хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи иш шароити;

с) меҳнат стажи ва малака асосидагина ишда тегинили янада юқорироқ мансабларга кўтарилиш учун бир хил имконият;

д) дам олиш, бўш вақт имкониятиниң бўлиши ва оқилюна чекланган иш вақти ҳамда ҳақ тўлашадиган таътил, шунингдек байрам кунлари учун ҳақ.

## 8-м о д д а

Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар қўйидагиларни таъминлаш мажбуриятини оладилар:

а) ҳар бир инсоннинг ўз иқтисодий ва ижтимоий манфаатларини амалға ошириш ва ҳимоялаш учун касаба уюшмалари ташкил этиш ва ўз ихтиёри билан ана шу уюшмаларга кириш хуқуқи. Бунинг учун тегинили ташкилот қоидаларига риоя қилиш шарт. Кўрсатиб ўтилган хуқуқдан фойдаланишига ҳеч бир чекланиш қўйилмайли, қонупида кўзда тутилган ва демократик жамиятда давлат

хавфсизлиги ёки жамоат тартиби манфаатлари йўлидаги ёки бонқаларнинг хуқуқ ва эркинлигини муҳофаза этишдаги хуқуқлар бундан мустасно;

б) касаба уюшмаларнинг миллий федерация ёки конфедерация тузиш хуқуқи ва миллий федерация, конфедерацияларнинг халқаро касаба уюшмалар тузиш ёки шу каби уюшмаларга бирланиш хуқуқи;

с) касаба уюшмаларнинг ҳеч бир тўсиқсиз, чеклапларсиз фаолият юритиш хуқуқи, қонунда кўзда тутилган ва демократик жамиятда давлат хавфсизлиги ёки жамоат тартиби манфаати ёки бонқаларнинг хуқуқ ва эркинлигини муҳофаза этиш учун зарур бўлган хуқуқлари бундан мустасно;

д) ҳар бир мамлакатнинг қонунларига мувофиқ амалга ошириладиган иш ташлани хуқуқи.

2. Ушбу модда қороли кучлар, полиция ёки давлат маъмурияти таркибидаги шахслар учун мазкур хуқуқлардан фойдаланишида қонуний чеклаш киритилишига тўсқинлик қилмайди.

3. Ушбу моддадаги ҳеч нарса 1948 йилги Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциясида интирок этувчи давлатларга уюшмалар эркинлиги ва ташкилотлар тузиш хуқуқини ҳимоя қилиш кўрсатилган конвенцияда назарда тутилган кафолатларга зиён етказган ҳолда қонуний актлар қабул қилиш ёки ушбу кафолатларга зиён етказадиган қонунии қўлдан хуқуқини бермайди.

## 9-м о дда

Ушбу Пактда интирок этувчи давлатлар ҳар бир инсоннинг ижтимоий таъминланиши, жумладан, ижтимоий сурурта хуқуқини эътироф этади.

## 10-м о дда

Ушбу Пактда интирок этувчи давлатлар қўйидагиларни тан олади:

1. Жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси ҳисобланмиси оиласа имкони борича кенг кўламда ёрдам берилиши ва муҳофаза этилиши зарур. Айниқса у шаклланаштган даврда бундай кўмак зарур, чунки мустақил бўлмаган болалар ва улар тарбияси борасидаги замхўрлик ҳозирча оила зиммасига тушимоқда. Никоҳ никоҳдан ўтаётганларнинг эркин розилигига кўра тузилмоғи лозим.

2. Бола туғилишидан олдин ва ундан кейинги даврда оналарга алоҳида өттибор берилиши лозим. Бу давр мобайнида ишловчи оналарга ҳақ тұлашадиган таътил ёки ижтимоий таъминот бүйічә етарли нафақа билан таътил берилиши керак.

3. Барча болалар ва ўсмиirlарга ҳеч бир камситишсиз, оиласи қелиб чиқыни ёки боңқа белгиларидан қатын пазар алоҳида ҳимоя чоралари ва ёрдам күрсатилишин шарт. Болалар ва ўсмиirlар иқтисодий ва ижтимоий эксплуатациядан ҳимояланған бўлиши керак. Уларнинг меҳнатини ахлоқи ва саломатлиги учун заарарли бўлган ёки ҳаёт учун хавфли соҳаларда ёки уларнинг нормал ўсиши учун зарар келтирини мумкин бўлган соҳаларда қўллаш қонун билан жазоланиши керак. Бундан ташқари, давлат ишундай ён чегарасини белгилаб қўйинши керакки, шу чегарадан қуйи ёнцаги болалар меҳнатидан фойдаланиши тақиқланипши ва қонун билан жазоланини лозим.

## 11 -м о д д а

1. Унбу Пакіда интирок этувчи давлатлар ҳар бир кини ўзи ва оиласи учун старлича озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой ҳамда турмуш шароити тұхтосиз яхниланиб боришини ўз ичига оладиган етарли турмуш даражаси бўлиш ҳуқуқини өттироф этади. Мазкур қатнашувчи давлатлар унбу ҳуқуқлар амалга оширилишини таъминлаши учун зарур чораларни кўради, айни пайтда эркин келишувга асосланган халқаро ҳамкорликнинг бу борадаги муҳим аҳамиятини өттироф этади.

2. Мазкур Пактда интирок этувчи давлатлар ҳар бир кинининг очликдан холи бўлишдек асосий ҳуқуқини тан олган ҳолда, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш учун аниқ дастурларни ўтказишни қамраб оладиган зарур чораларни кўришлари керак:

а) техник ва илмий билимлардан кеңг кўламда фойдаланиш, овқатланиши тамойиллари тұғрисидаги билимларни ёйини, табиий ресурслардан янада самарали фойдаланиш ва ўзлантириши учун аграр тизимни такомиллаштириши ёки ислоҳ қилиши йўли билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сақлаш ва тақсимланиш усулларини яхнилани;

б) эҳтиёжга мувофиқ ва озиқ-овқат маҳсулотларини импорт ёки экспорт қилувчи мамлакатларнинг муаммоларини ҳисобга олган ҳолда жаҳондаги озиқ-овқат захираларининг адолатли тақсимланишини таъминлаши.

## 12-м одда

1. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг жисмоний ва руҳий саломатлик жиҳатдан олий даражага стиши ҳуқуқини эътироф этади.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар кўриши керак бўлган чоралар қўйидаги ишлар учун зарур талбирларни ўз ичига олади:

а) ўлиқ тўдаклар туғилинини ва болалар ўлимини қисқартириш ҳамда болаларнинг соғлом ривожланишини таъминлаш;

б) таинки мухитининг ҳамма жиҳатларини ва саноатда меҳнат гигиенасини яхшилаш;

с) юқумли, эндемик, касбий ва бошқа касалликлардан огоҳлантириш, даволаш ҳамда уларга қарши кураини;

д) касал бўлган ҳолларда ҳаммага тиббий ёрдам кўрсатиш ва тиббий нарварини таъминлайдиган шароит яратиш.

## 13-м одда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳар бир кишининг таълим олиш ҳуқуқини эътироф этади. Улар таълим инсон шахсининг тўлиқ ривожланишини ва унинг қадр-қимматини анатлинига қаратилган бўлиши лозим, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳурмат қилишини мустаҳкамлаш зарур деган фикрга келишади. Шунингдек, таълим барчага эркни жамиятининг фойдали аъзолари бўлишга имкон яратишни, барча ирқий, этник ва дилий турұғдар ўртасидаги дўстликка, хайриҳоҳликка ва сабр-тоқатли бўлишга ҳамда Бирлашган Миллатлар Таңкилотининг тиҷсликни сақлаш борасидаги ишнига кўмаклашни лозим деган фикрга келишади.

2. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ушбу ҳуқуқларининг тўлиқ амалга оширилиши учун қўйидаги ишларни амалда бажариш кераклигини эътироф этади:

а) бошланғич таълим ҳамма учун мажбурий ва текин бўлиши керак;

б) ўрта таълимнинг барча шакллари, жумладан ҳунар-техника ўрта таълими очиқ бўлиши ва барча зарур чораларни кўриб, хусусан, аста-сескин пулсиз таълим олишини жорий этиш йўли билан барчанинг имкони стадиган даражада бўлиши лозим;

с) ҳар бир инсоннинг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, барча зарур чораларни кўриш, хусусан аста-се-

кин бенул таълим олини жорий этиш йўли билан олий таълим олии ҳамма учун имкон етадиган даражада бўлиши керак;

д) одий таълим, бошлангич таълимнинг тўлиқ курсини ўтамаган ёки тугалламаган кишилар учун имкон борича рағбатлантирилиши ёки жадаллантирилиши лозим;

е) барча даражадаги мактаблар тармоқлари фаол ривожлантирилиши, стипендияларнинг қониқарли тизими белгиланиши ва ўқитувчиларнинг моддий аҳволи доимий равишда яхниланиб борили керак.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар ота-оналарнинг ва тегисли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз фарзандлари учун давлат ҳокимияти таъсис этган мактабларнингша эмас, таълим олии учун давлат томонидан белгиланиши ёки тасдиқланиши мумкин бўлган энг кам талабга жавоб берувчи мактабларни ҳам ташлаб олии эркини ҳурмат қилини мажбуриятини олади. Ота-оналар ёки қонуний васийларнинг бу эркига ўз шахсий эътиқодига кўра фарзандларини диний ва ахлоқий таълим билан ташминланилари ҳам киради.

4. Мазкур модданинг ҳеч бир қисми айрим шахслар ва муассасаларнинг ушбу модданинг биринчи бандида баён қилинган тамойилларга оғишмай риоя этиб ва ушбу муассасаларда берилаётган таълим давлат томонидан белгилаб қўйилиши мумкин бўлган энг кам талабларга жавоб беринига риоя қилиб ўқув юртлари очиш борасидаги эркинлигини камситади деган мазмунда талқин қилинмаслиги керак.

## 14-м олда

Ушбу Пакт иштирокчилари қаторига кирингача бўлган вақтга қадар ўз метрополиясида ёки юрисдикциясида текин мажбурий бошлангич таълимни жорий эта олмаган мазкур Пакт аъзоси бўлган ҳар бир давлат икки йил ичida текин мажбурий таълим тамойилини амалга ошириши учун муфассал тадбирлар режасини ишлаб чиқиши мажбуриятини олади. Ушбу режани ҳаётга татбиқ этишининг оқилона муддати ўна режада кўрсатилади.

## 15-м олда

1. Мазкур Пактда иштирок этаётган давлатлар ҳар бир инсоннинг қўйидаги ҳуқуқларини эътироф этади:

- а) маданий ҳаётда иштирок этиш;
- б) илмий тараққиёт ва уни амалда қўллаш натижаларидан фойдаланиш;
- с) ўзи муаллиф бўлган ҳар қандай илмий, адабий ёки бадиий меҳнат билан боғлиқ ҳолда юзага келувчи моддий ва маънавий мацфаатлар ҳимоясидан фойдаланиш.

2. Ушбу ҳуқуқларни тўла амалга ошириш учун мазкур Пактда иштирок этажган давлатлар қабул қилиши керак бўлган тадбирлар фан ва маданият ютуқларини ҳимоялаш, ривожлантириш ва ёйиш учун зарур бўлганларини камраб олади.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар илмий-тадқиқот ва ижодий фаолият учун сўзсиз зарур бўлган эркинликни ҳурмат қилиш мажбуриятини олади.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар илмий ва маданий соҳаларда ҳалқаро алоқаларни рағбатлантириш ва ривожлантириш орқасидан келадиган нафни тан олади.

#### IV ҚИСМ

##### 16-м о дда

1. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ушбу Пактнинг шу қисмига мувофиқ мазкур Пактда тан олинган ҳуқуқларга риоя этишига эришиш борасида кўрилаётган тадбирлар ҳамда силжишлар ҳақида маърузалар тақдим этиш мажбуриятини олади.

2. а) Барча маърузалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бонг котибига тақдим этилади, у эса кўриб чиқиши учун мазкур Пакт қоидаларига мувофиқ Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашга маърузаларнинг нусхасини юборади;

б) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бонг котиби мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларнинг маърузаларини ёки маърузаларнинг тегиши қисмини ушбу давлатлар аъзо бўлган муассасаларга юборади, чунки ана шу маърузалар ёки маърузаларнинг қисмлари конституцион актларига мувофиқ ўша муассасаларнинг вазифаси доирасига кирадиган барча масалаларга алоқадордир.

##### 17-м о дда

1. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш томонидан мазкур Пакт кучга кир-

таплан сүнг бир йил мобайнида иштирокчи давлатлар ва ихтисосланған маңбаатдор муассасалар билан маслаҳаттап берилған дастурға мувофиқ босқичма-босқич ўз маърузаларини тақдим этади.

2. Маърузаларда ушбу Пакт бўйича мажбуриятлар бажарилини даражасига таъсир этувчи омилилар ва қийинчиликлар кўрсатилиши мумкин.

3. Агар тегинши мавзумот ушбу Пактда иштирок этувчи бирор-бир давлат томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ёки бирор-бир ихтисосланғирилған муассасага илгарироқ хабар қилингандай бўлса, бу мавзумотларни қайта баён этинга ҳожат йўқ ва шу тахлитда хабардор этилған мавзумотларга аниқ таяниш етарли бўлади.

#### 18-м о дда

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомига кўра инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликлари борасидаги бурчларини бажарини учун ихтисосланғирилған муассасалар билан ушбу Пакт қарорларига риоя этилининг эришини ўйлида қанчалик силжинилар бўлгани ҳақида маърузалар тақдим этиш борасида келиниб олини мумкин. Бу маърузалар шу тахлитда амалга ошириши тўғрисида ихтисосланғирилған муассасалар обрўли органлари қабул қилаётган қарор ва тавсияномаларнинг тафсилотларини ҳам ўз ичига олини мумкин.

#### 19-м о дда

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш инсон ҳуқуқлари Кенгашига кўра чиқиш ва умумий тавсиялар бериш учун ёки тегинши ҳолларда инсон ҳуқуқларига алоқадор масалалар борасида мавзумотлар учун 16-, 17-моддайларга биноан давлатлар тақдим этгандан маърузаларни ахборот учун бериши, шунингдек 18-моддага мувофиқ ихтисосланған муассасалар тақдим этган инсон ҳуқуқларига алоқадор маърузалар бериши мумкин.

#### 20-м о дда

Мазкур Пактда иштирок этувчи маңбаатдор давлатлар ва ихтисосланғирилған муассасалар Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашига 19-моддага мувофиқ ҳар қандай

умумий тавсиянома борасида ёки инсон ҳуқуқлари бўйича Комиссиянинг ҳар қандай маъruzасидаги ана шундай умумий тавсияномага таяниш хусусида ёки ўна жойда таянилаётган ҳар қандай ҳужжат борасида мулоҳаза тақдим этиши мумкин.

#### 21-м олда

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш вақти-вақти билан Бон Ассамблеяга уибу Пактда тан олинилаётган ҳуқуқларга ялни риоя этилишини таъминлаш борасида қабул қилинган чоралар ва өринилган натижалар тўғрисида мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ҳамда ихтиносослаштирилган муассасалардан олинадиган маълумотларниң қисқача баёни ва умумий тусдаги тавсияномалар билан маърузалар тақдим этиши мумкин.

#### 22-м олда

Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бошқа органлари уларниң ёрдамчи органлари ва техник ёрдам кўрсатиш билан шуғулланувчи ихтинослаштирилган муассасаларниң диққат-эътибории мазкур Пактининг уибу қисмида эслатилаётган маърузалар туфайли юзага келаётган ҳар қандай масалаларга қаратини мумкин, зеро бу ҳол ана шу органлар томонидан ваколатлар доирасида уибу Пактининг аста-секин амалга оширишга кўмакланиш мумкин бўлган халқаро тадбирларниң қанчалик мақсадга мувофиқлиги борасида қарорлар чиқаришида фойдали бўлиши мумкин.

#### 23-м олда

Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар конвенциялар тузиси, тавсияномалар қабул қилиши, маслаҳат мақсадида минтақавий ва техник кенгаш ўтказиш, шунингдек, манфаатдор ҳукуматлар билан ҳамкорликда ташкилий тадқиқотлар олиб бориш уибу Пактда эътироф этилаётган ҳуқуқларни амалга оширишга ёрдам берувчи халқаро тадбирлар қаторига киради деб келинадилар.

#### 24-м олда

Уибу Пактда ҳеч бир нарса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг турли органлари ва ихтинослаштирилган муассасаларниң мазкур Пактга дахидор масалалари

борасидаги тегишли мажбуриятларини белгилайдиган БМТнинг Низом қарорлари ва ихтисослаштирилган муассасаларнинг низоми аҳамиятини камситиш деб талқин қилинимаслиги керак.

## 25-м о д да

Мазкур Пактдаги ҳеч бир нарса барча халқларнинг ўз табиий бойликлари ва ресурсларига эркин эгалик қилиши ҳамда фойдаланишдек ажralмас ҳуқуқини камситади деб талқин қилиниши мумкин эмас.

## V ҚИСМ

## 26-м о д да

1. Унбу Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган ёки БМТнинг ихтисослаштирилган муассасаларига аъзо бўлган, Халқаро Суд Статути иштирокчиси бўлган ёки мазкур Пактда иштирок этиши учун БМТ Бон Ассамблеяси томонидан таклиф этилган ҳар қандай бонақ давлат имзолани учун очиқ.

2. Унбу Пакт ратификация қилиниши керак. Ратификация қилинган ёрлиқлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бон котибига сақлаш учун топширилади.

3. Унбу Пакт мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳар қандай давлат қўшилини учун очиқdir.

4. Қўшилини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бон котибига қўшилини ҳақидаги ҳужжат сақланиш учун топширилгач амалга оширилади.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бон котиби мазкур Пактни имзолаган ёки унга қўшилган давлатларни ратификация қилинган ёрлиқлар ёки қўшилини ҳақидаги ҳужжатлар сақлани учун топширилини тўғрисида хабардор қиласиди, мазкур Пакт унинг ўз ратификация ёрлиғи ёки қўшилини ҳақидаги ҳужжати сақлаш учун қабул қилингандан уч ой ўтгач кучга киради.

## 27-м о д да

1. Мазкур Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бон котибига ўтгиз бешинчи ратификация қилинган ёрлиқ

ёки қўнилиш ҳақидаги ҳужжат сақлаши учун берилган кундан бошлаб уч ой ўтгач кучга киради.

2. Унбу Пактии ратификация қилига ёки унга қўнилган ҳар бир давлат учун ўтгиз бешинчи ратификация қилинган ёрлик ёки қўнилиш ҳақида ҳужжат сақлаши учун берилгандан сўнг, ўна давлатнинг ўз ратификация қилинган ёрлиги ёки қўнилиш ҳақидаги ҳужжати сақлаши учун берилгаи кундан бошлаб уч ой ўтгач мазкур Пакт кучга киради.

## 28-м олда

Унбу Пакт қарорлари федератив давлатларнинг ҳамма қисмига ҳеч бир чекланаларсиз ёки олиб ташланаларсиз жорий этилади.

## 29-м олда

1. Унбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат тузатишлар таклиф этиши ва уни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига тақдим этиши мумкин. Бош котиб таклиф этилган ҳар қандай ўзгартиришларни мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларга жўнатади ва улардан унбу таклифларни кўриб чиқиши ҳамда овозга қўйиш мақсадида конференция чақириш ҳақидаги фикрини билдиришни илтимос қиласи. Агар иштирокчи давлатларнинг камила учдан бири шундай конференцияни маъқуллаб фикр билдирса, БМТнинг Бош котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигига унбу конференцияни чақиради. Мазкур конференцияда иштирок этувчи ва овоз беринида қатнашувчи иштирокчи давлатларнинг кўнчилиги томонидан қабул қилинган ҳар қандай тузатиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига тасдиқлани учун тақдим этилади.

2. Тузатишлар уларни БМТ Бош Ассамблеяси тасдиқлагач ва унбу Пактда иштирок этувчи давлатларнинг учдан икки қисми томонидан уларнинг Конституция тартибиғига мувофиқ қабул қилинган кучга киради.

3. Тузатишлар кучга киргач, уни қабул этган иштирокчи давлатлар учун мажбурий бўлади, бошқа иштирокчи давлатлар учун эса мазкур Пактнинг улар томонидан қабул қилинган қарорлари ва барча илтариги тузатишлар мажбурий бўлиб қолади.

## **30-модда**

26-модданинг 5-бандига мувофиқ юбориладиган билдиришилардан қатъи назар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ўша модданинг 1-бандида қайд этилган давлатларни қўйидагилар ҳақида хабардор этади.

а) 26-моддага биноан имзолашлар, ратификациялар ва қўнилишлар;

б) 27-моддага мувофиқ мазкур Пактнинг кучга кириш санаси ва 29-моддага мувофиқ ҳар қандай тузатишларнинг кучга кириш санаси.

## **31-модда**

1. Мазкур Пакт инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилларида тузилган бўлиб тенг кучга эга, у Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг архивига саклану учун тоширилини керак.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби 26-моддада кўрсатилган барча давлатларга ушбу Пактнинг тасдиқланган нусхаларини юборади.

# ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТҮГРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТ

1966 йил 19 декабр

**Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар,**

Бирланшган Миллатлар Ташкилотининг Низомида ёздан қилинган принципларига асосан, барча инсоният оиласининг аъзоларига хос қадр-қимматни ҳамда уларнинг тенг ва ажralмас ҳуқуқларини таи олини озодлик, адодат ва ялни тинчликнинг асоси эканлигини **эътиборга олиб**,

бу ҳуқуқлар инсон шахсига хос бўлган қадр-қимматдан келиб чиқишини **эътироф этиб**,

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига мувофиқ кўркув ва муҳтожликтан озод бўлган фуқаролик ва сиёсий эркинликдан фойдаланувчи озод инсон шахси идеали агар ҳар бир одам ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин бўлган шароит яратилишдагина рўёбга чиқишини мумкинлигини **эътироф этиб**,

Бирланшган Миллатлар Ташкилоти Низомига асосан давлатлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ялни хурмат қилиш ҳамда риоя этилишини рағбатлантиришини шартлигини **эътиборга олиб**,

ҳар бир алоҳида инсон бошқа одамлар ва ўзи мансуб бўлган жамоатга нисбатан мажбурият олган ҳолда мазкур Пактда таи олинган ҳуқуқлар рағбатлантиришини ва риоя этилишига эринишни лозимлигини **эътиборга олиб**,

қўйидаги муддатлар тўғрисида бир тўхтамга келадилар:

## 1 ҚИСМ

### 1-модда

1. Барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига этадир. Ушбу ҳуқуқ асосида улар ўз сиёсий мақомини эр-

кин белгилайди ва ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини әркүн таъминлайдылар.

2. Барча халқлар ўз мақсадларига әрининш учун ўзаро шаф ириицинига асосланған халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро ҳуқуқдан қелиб чиқадын бирон бир мажбуриятта зиң етказмасдан ўз табиий бойликлари ва ресурсларига әркүн ҳолда әзалик қилиши мумкин. Ҳеч бир халқ ҳеч бир ҳолатда ўзи тегипши тирикчилик воситарадан маҳрум этилмаслуги керак.

3. Ушбу Пактда интирок этувчи барча давлатлар, шу жумладан ўз-ўзини бояқара олмайдын ва васийлікка олинған ҳудууларни бояқарып учун жавобгар бўлган давлатлар ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига мувофиқ ўз тақдирини ўзи белгилан ҳуқуқини амалга ошириши рағбатлантириши ҳамда шу ҳуқуқни ҳурмат қилиши лозим.

## II ҚИСМ

### 2-модда

1. Ушбу Пактда интирок этувчи ҳар бир давлат ўз ҳудудидаги ва ўз юрисдикциясида бўлган шахсларининг мазкур пактда эътироф этилган ҳуқуқларини ҳеч бир айрмачиликсиз, жумладан, ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан, миллий ёки ижтимоий қелиб чиқиши, мулкий аҳволи, туғилиши ёки ўзга ҳолатидан қатъи назар ҳурмат қилиш ва таъминлан мажбуриятини олади.

2. Агар бу нарса ҳали мавжуд қонунчиликда ёки бошқа тадбирларда кўриб чиқилмаган бўлса, ушбу Пактда интирок этувчи ҳар бир давлат ўз конституцияси тартиби ва мазкур Пакт қоидаларига мувофиқ, ушбу Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлиши мумкин бўлган шундай қонунчилик ёки бошқа тадбирлар қабул қилиши учун керакли чораларни кўриши мажбуриятини олади.

3. Ушбу Пактда интирок этувчи ҳар бир давлат ўз зими масига қўйидаги мажбуриятларни олади:

а) мазкур Пактда таан олинған ҳуқуқлари ва әркинликлари бузилган ҳар бир шахсга, агар бу ҳол расмий сифатда ҳаракат қилған шахслар томонидан содир этилган бўлса

хам ҳуқуқий ҳимояланишнинг самарали воситалари билан таъминланади;

б) ана шундай ҳимоя талаб қилувчи ҳар қандай шахс учун юридик ҳимоя ҳуқуқи нуфузли суд, маъмурӣ ёки қонуний ҳокимиятлар томонидан ёки давлатининг ҳуқуқий тизимида назарда туғилган бошқа нуфузли органлар томонидан таъминланасин ва суд орқали ҳимояланиш имконияти ривожлантирилсин;

с) ҳуқуқий ҳимоя воситалари берилганда, нуфузли ҳокимиятлар буни қўллашни таъминласинлар.

### 3-модда

Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар эркаклар ва аёллар учун унбу Пактда кўриб чиқилган барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлардан бир хилда фойдаланиш ҳуқуқини таъминланаш мажбуриятини олади.

### 4-модда

Давлат фавқулодда ҳолат юз берган вақтда, миллат ҳаёти хавф остида қолган ва бу ҳолат ҳақида расмий эълон қилинганда унбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пакт бўйича олгаи ўз мажбуриятларидаи чекиниш учун чоралар кўриши мумкин, лекин бу чекинишни аҳвол кескинилиги талаб этгани бўлини ҳамла бу чоралар ҳалқаро ҳуқуқлар борасидаги бошқа мажбуриятларга хилоф бўймаслиги ва ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини ва ижтимоий аҳволи жиҳатидан камситишга олиб келмаслиги керак.

2. Унбу қоида 6-, 7-, 8- (I- ва 2-бандлар), 11-, 15-, 16- ва 18-молдалардан бирор-бир чекиниш учун асос бўла олмайди.

3. Унбу Пактда иштирок этувчи, чекиниш ҳуқуқидан фойдаланувчи давлатлар ўзи чекинган аҳвол ҳақида, шундай қарорга келингга олиб келган сабаблар ҳақида дарҳол Бирланик Миллатлар Ташкилоти Бонз котиби воситачилиги орқали мазкур Пактда иштирок этувчи бошқа давлатларни хабардор қилиши керак. Шунингдек, ўна воситачи орқали бундай чекиниш вақти қачон тўхтатилини тўғрисида ҳам хабар берилиши керак.

### 5-модда

1. Мазкур Пактдаги ҳеч бир нарса бирор бир давлат, бирор бир гуруҳ ёки бирор бир шахс ушбу Пактда тан

олинган ҳар қандай ҳуқук ва әркінліктерни йүқотишиңа қаратылған ёки уларни мазкур Пактда наразда туғилғаннан күра күнроқ чекланға қаратылған бирорта фаоліят билан шүғулланиш ёки шундай мазмунда ҳаракат соодир этиш ҳуқуқи бор леб талқин қилиніши мүмкін эмас.

2. Ушбу Пактда иштирок етувчи бирор бир давлатда қонун, конвенция, қоюда ёки урф-одат сифатида таң олинған ёки мавжуд бўлған асосий инсон ҳуқуқлари, мазкур Пактда шу ҳуқуқлар таң олинмайди ёки қисман эътироф этилади деган баҳона билан бирор бир тарзда чекланыпши ёки менсимаслигига йўл қўйилмайди.

### III ҚИСМ

#### 6-МОДДА

1. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсонинг ажralmas ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбопимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди.

2. Ўлим жазосини бекор қилмаган мамлакатларда жиноят соодир этилған вақтда амалда бўлған ва мазкур Пакт қарорларига зид бўлмаган ҳамда геноцид жинояти ва унинг учун жазолашни огоҳлантириш тўғрисидаги Конвенцияга хилоф бўлмаган қонунга мувофиқ энг оғир жиноятлар учунгина ўлим ҳукми чиқарилиши мүмкін. Бундай жазо фақат нуфузли суд томонидан чиқарилған сўнгти ҳукмни ижро этиб амалга оширилиши мүмкін.

3. Геноцид жинояти учун ҳаётдан маҳрум этилаётган бўлса, шуни эътиборга олиш лозимки, ушбу моддадаги ҳеч бир нарса мазкур Пактда иштирок етувчи давлатлар учун бирор бир йўл билан геноцид жиноятларининг олдини олиши ҳамда геноцид жинояти ҳақида огоҳлантириш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Конвенция қарорларига мувофиқ қабул қилинған ҳар қандай мажбуриятларда چекиниш ҳуқуқини бермайди.

4. Ўлим жазосига ҳукм қилинған ҳар бир кици авф этиши ҳақида ёки ҳукмни юмшатиш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга. Амнистия, авф этиши ёки ўлим ҳукмими алмаштириш ҳамма ҳолатларда тухфа этилиши мүмкін.

5. Ўн саккиз ёндан кичик шахслар томонидан соодир этилған жиноятлар учун ўлим ҳукми чиқарilmайди ва ҳомиладор аёлларга писбатан бу ҳукм ижро этилмайди.

6. Унбу мөддадаги ҳеч бир шарса мазкур Пактда инти-рок этувчи бирор-бир давлат томонидан ўлим жазоси муддатини кечиктириш ёки уни бекор қилингга йўл қўймаслик учун асос бўла олмайди.

## 7-модда

Ҳеч ким азоб-уқубатга солигмаслиги ва унга иисбатни шафқатсиз, поинсоий ёки қадр-қимматини хўрловчи муомала қилинмаслиги ёки жазоланимаслиги керак. Жумладан, ҳеч бир шахе устидан ўзининг розилигисиз тиббий ёки илмий тажриба ўтказилини мумкин эмас.

## 8-модда

1. Ҳеч ким қулликда сақланмаслиги керак; қуллик ва қул савдосининг ҳар қандай кўринини таъкиданади.

2. Ҳеч ким орксиз ҳолатда сақланмаслиги керак.

3. а) Ҳеч ким мажбурий ёки шарт бўлган меҳнатга мажбур қилинмаслиги лозим.

б) жазо тариқасида жиноят учун жуда оғир ишларга жалб этилиб озодликдан маҳрум этилини мумкин бўлган мамлакатларда, шундай жазо ишуғзли суд ҳукми билан тайинланса З а)-банди жуда оғир ишларни бажариш учун тўсиқ бўяли леб ҳисобланмайди.

с) “мажбурий ёки шарт бўлган меҳнат” атамаси унбу бандида қуйидагиларни қамраб олмайди:

і) в кичик бандида тилга олинмаган бирор бир иш ёки хизмат, бу хизматни қоида тариқасида судининг қонуний фармойинига асосан ҳибсда бўлган шахе ёки бундай ҳибсан шартли равинида озод этилган шахе бажарини керак;

іі) сиёсий ва диний-этник сабабларга кўра ҳарбий хизматни рад этиши таш олиниётган мамлакатларда ҳарбий тусдаги бирор бир хизмат, худди шундай сабабларга асосан ҳарбий хизматни рад этаётган шахслар учун қонунда назарда тутилган бирор бир хизмат;

ііі) ахоли ҳаётига ёки осойишталигига ҳавф солувчи фалокат ёки фавқулодда ҳолат рўй берганида мажбурий бўлган бирор бир хизмат;

ів) одатдаги фуқаролик бурчига кирувчи бирор бир иш ёки хизмат.

## 9 - м о д д а

1. Ҳар бир инсон озодлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ҳибсга олиниши ёки ҳибсда сақланиши мумкин эмас. Ҳеч ким қонун билан белгиланганидан бошқача асос ва тартибда озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

2. Ҳибсга олинаётган ҳар бир кишига ҳибсга олиш вақтида қамалиш сабаблари айтилади ва дарҳол унга кўйилган айб маълум қилинади.

3. Жиноий айблов билан қамалган ёки ушланган ҳар бир шахс зудлик билан судья ёки қонун бўйича суд ҳукмронлигини амалга ошириш ҳуқуқи бўлган бошқа мансабдор шахс ҳузурига келтирилади ва айбланаётган шахс оқилона муддат ичида иши судда кўрилиши ёки озод қилиб юборилиши ҳуқуқига эга. Иши судда ҳал этилиши кутилаётганда шахсларни ҳибсда тутиб туриш умумий қоида бўлмаслиги, бироқ озод қилиш, судга келиш, судда иш кўриб чиқилаётганда унинг ҳар қандай босқичига келиш кафолатларини беришга, зарур ҳолларда ҳукмни ижро этиши учун келингта боғлиқ қилиб қўйилиши мумкин.

4. Қамоққа олининиши ёки ҳибсда ушланиб туриши туфайли озодликдан маҳрум этилган ҳар бир шахс ўз ишининг судда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга, чунки суд дарҳол унинг ушланиши қанчалик қонуний эканлиги борасида қарор чиқара олсин ва агар унинг ушланиши ноқонуний бўлса озод қилиш ҳақида фармойиш бера олсин.

5. Ноқонуний равишда қамалган ёки ҳибсда ушлаб туррилган ҳар бир киши даъво кучига эга бўлган товои талаб қилиши ҳуқуқига эгадир.

## 10 - м о д д а

1. Озоликдан маҳрум этилган барча шахслар инсонларча муомала қилининиши ва инсон шахсига хос бўлган қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эга.

2. а) Истисно ҳоллари бўлмагандан айбланувчилар судланганлардан алоҳида жойлаштирилади ва уларга судланмаган шахслар мақомига жавоб берадиган алоҳида режим белгиланади.

б) Балоғат ёнига етмаган айбланувчилар балоғатга етган айбланувчилардан ажратиб қўйилади ва қарор чиқариш учун қисқа муддатда судга келтирилади.

3. Маҳбусларга мўлжалланган пенитенциар тизимида мақсад махбусларни тўғри йўлга солиш ва уларни ижтимоий жиҳатдан қайта тарбиялашдир. Балоғатта етмаган қонунбузарлар балоғатта етган қонунбузарлардан ажратиб қўйилади ва уларнинг ёци ҳамда мақомига жавоб берувчи режим белгиланади.

## II - м о д д а

Ҳеч ким бирор бир шартнома мажбуриятини бажара олмайдиган аҳволда бўялгани асосидагина озодликдан маҳрум этилиши мумкин эмас.

## 12 - м о д д а

1. Бирор бир давлат ҳудудида қонуний равинида бўяланган ҳар бир киши ушбу ҳудуд доирасида эркин кўчиб юриш ва яшаш жойини танлан ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир киши ҳар қандай мамлакатни, жумладан ўз мамлакатини тарқ этиш ҳуқуқига эга.

3. Юқорида қайд этилган ҳуқуқлар ҳеч қандай чеклаш обьекти бўлиши мумкин эмас. Қонунда белгиланган давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлиги ёки ахлоқини сақлаш учун ёки бошқаларниң ҳуқуқ ва эркинлигини сақлаш учун ва унбу Пактда эътироф этилган бошқа ҳуқуқлар билан мос келадиган ҳуқуқлар бўлдан мустасно.

4. Ҳеч ким ўз мамлакатига кириш ҳуқуқидан ўзбошимчалик билан маҳрум этилиши мумкин эмас.

## 13 - м о д д а

Мазкур Пактда интирок этувчи бирор бир давлат ҳудудида қонуний равинида турган чет эллик шахс қонунга мувофиқ ҳолда чиқарилган қарори ижро этилиши билан гина чиқариб юборилиши мумкин, ва агар давлат хавфсизлигига боғлиқ қаттий мулоҳазалар бошқача талааб этмаса ўни чет эллик шахс ўзининг чиқариб юборилишига қарши далиллар тақдим этиши, бу ишни нуфузли ҳокимлик томонидан махсус тайинланган шахс ёки шахслар қайта кўриб чиқини ҳамда унбу мақсадда айни ҳокимият, шахс ёки шахслар ҳузурига кириш ҳуқуқига эга.

## 14 - м о д а

1. Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида төңдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айблов кўриб чиқилаётганида ёки бирор бир фуқаролик жараённида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқланадиганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилип ҳуқуқига эга. Демократик жамиятда ахлоқ юзасидан жамият тартиби ёки давлат ҳавфсизлиги нуқтаси назаридан ёки буни томонларининг шахсий ҳаёти манфаатлари таълаб этганида ёки суд фикрига кўра бу қандайдир даражада қатъиян зарур леб топилганида, яъни омма судлов манфаатларига халал берадиган алоҳида ҳолларда матбуот ходимлари ва омма барча мажлислари ёки шу мажлисларининг бир қисмига киритилмаслиги мумкин; бироқ жиноий ёки фуқаролик иши бўйича чиқарилган ҳар қандай суд қарори оникора бўлиши керак. Балоғат ёнига етганларининг манфаатлари бошқача таълаб этганида ёки никоҳ борасидаги низоларга ёки болаларга васийлик қилингана алоқадор ишлар бундан мустасно.

2. Жиноят содир етганликда айбланаётган ҳар қандай киши қонунга мувофиқ айби исботланмагунча бегуноҳ леб саналини ҳуқуқига эга.

3. Ҳар бир кишининг унга қўйилган ҳар қандай жинояти кўриб чиқилаётганида тўлиқ тенглик асосида қўйидаги кафолатларга эга бўлиши ҳуқуқи мавжуд:

а) унга қўйилган айблов характеристи ва асослари ҳақида у тушиунадиган тилда дарҳол ва батафсил хабардор этилиши;

б) ўз ҳимоясини тайёрлани ва ўзи ташлаган оқловчи билан мулоқотда бўлиши учун старлича вақт ва имкониятларга эга бўлиши;

с) асоссиз ҳолда тўхтатиб турилмасдан ўз ишининг судда кўриб чиқилиши;

д) ўзи қатнашиб суд қилиниши ва ўзини шахсан ўзи ёки ташлаган олинган оқловчи воситасида ҳимоя қилиниши, агар оқловчиси бўлмаса, унга эга бўлиш ҳуқуқи борлиги ҳақида хабардор қилиниши; одил суд манфаатлари таълаб этган ҳар қандай ҳолларда унга тайинланган оқловчига эга бўлиши, унбу оқловчига тўлани учун старли маблаги бўлмаган барча ҳолларда унинг учун оқловчини теккинга берини:

е) унга қарини кўрсатмалар берадиган гувоҳларни сўроқ қилиши ёки ана шу гувоҳлар сўроқ қилинини ҳуқуқига эга бўлини ва унга қарини кўрсатма берадиган гувоҳлар учун мавжуд шартларда унинг ўзи танлаган гувоҳларни терговга чақирити ва сўроқ қилини ҳуқуқига эга бўлини;

f) агар судда қўлланилаётган тилни у тушуни маса ёки бу тилда танира олмаса, бенул тарзда таржимон кўмагидан фойдаланини;

g) ўзига ўзи қарини маълумотлар беришга ёки ўзини айблор деб тан олининг мажбур қилинмаслик.

4. Балоғатта етмаганиларга нисбатан суд жараёни шундай бўлини керакки, бунда уларнинг ёни ва уларни қайта тарбиялангта кўмакланшин истаги инобатта олинини лозим.

5. Бирор бир жиноят учун судланган ҳар бир кимни унинг судланинини ва ҳукм чиқарилинин юқори суд инстанция томонидан қонун асосида кўриб чиқилини ҳуқуқига эга.

6. Агар бирор бир шахс жинояти учун узил-кесил қарор билди судланган бўлса ва агар бирор бир янги ёки янтидан тоғилган ҳолатга асосан суд ишида хато борлиги шубҳасиз исботланинни туфайли ҳукм бекор қилинса ёки унга шахс авф этилса, шундай судлов хатоси сабабли жазолангтан шахс қонунга мувофиқ компенсация олади. Аммо юқорида қайд этилган номаълум ҳолат фақат унинг айби ёки қисман айби билан ўз вақтида тоғилмаган бўлини исботланинни зарур.

7. Ҳар бир мамлакатнинг қонуни ва жиноят процессуал ҳуқуқига мувофиқ жинояти учун узил-кесил судланган ёки оқланган бирор-бир шахс ўна жинояти учун иккичи бор судланинни ёки жазоланинни мумкин эмас.

## 15 - м о д д а

1. Ҳеч ким содир этилган пайтида давлатнинг амалда бўлган ички қонунчилиги ёки халқаро қоидага кўра жиноят ҳисобланмаган бирор бир ҳаракати ёки камчиликка йўл қўйгани учун жиноят содир этганиликда айблор деб тошилини мумкин эмас. Ҳудди шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланинни лозим бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилини мумкин эмас. Агар жиноят содир этилганидан кейин қонун билан нисбатан енгил жазо белтиланса, ушбу қонун мазкур жиноятчига нисбатан қўлланилади.

2. Мазкур модладаги ҳеч нарса ҳар қандай шахсни со-  
дир этилган вакыла халқаро ҳамжамияттинг умумий прин-  
ципилариға күра жиноят деб ҳисобланған ҳар қандай ҳатти-  
харакат ёки камчилиги учун судга беришга ва жазолашга  
тұсқинлик құлмайды.

## 16 - м о д д а

Хар бир киши қаерда туришидан қатын назар ушинг  
субъекттік ҳуқуқи тан олиниш ҳуқуқига эга.

## 17 - м о д д а

1. Ҳеч кимнинг шахсий ва оиласын ҳаётига ўзбошим-  
чалик ёки ноқонуний тарзда аралашып, ушинг үй-жой  
дахлсизлигига ёки ёзиншамалари сирлари дахлсизлигига  
ўзбонимчалик ёки ноқонуний тарзда тажовуз қилинин  
ва унинг ор-шомусига ва шағыннан тажовуз қилиниши мум-  
кин әмас.

2. Ҳар бир инсон худың шундай аралашып ёки тажовуз-  
дан қонун орқали ҳимоя этилиш ҳуқуқига эга.

## 18 - м о д д а

1. Ҳар бир инсон фикр, виждон ва дин эркинлиги  
хуқуқига эга. Шибү ҳуқуқ ўз ихтиёри билан ўзига маъкул  
диши қабул қилиш ва эътиқод қилиш эркини, якка  
холда, шунингдек бошқалар билан биргаликда, ошкора  
ёки хусусий тартибда сиғиништеги бориши, диний ва бошқа  
урф-олаттарни ва таълимотни бажариш эркини ҳам ўз  
ичига олади.

2. Ҳеч ким ўз ихтиёрига күра ўз дини ва эътиқодига эга  
бўлиши ёки қабул қилиши эркини мажбур қиладиган маж-  
бурий ҳолатта дучор этилмаслиги лозим.

3. Дин ёки эътиқодга сиғиниш эркига фақат қонун  
билан белгиланған ва жамоат хавфсизлигини, тартиби-  
ни, саломатлигиги ва ахлоқини саклашы учун, шунингдек  
бошқа шахсларниң асосий ҳуқуқлари ва эркини муҳо-  
фаза этгина учун зарур бўлган чекланшлар билангина дахл  
қилинши мумкин.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар ота-она-  
ларнинг ва тегишли ҳолларда қонуний васийларнинг ўз  
болаларици ўз шахсий эътиқодига мувофиқ диний ва  
ахлоқий тарбияларни эркини ҳурмат қилиш мажбурияти-  
ни олади.

## 19 - м о д д а

1. Ҳар бир инсон ҳеч бир түсиқсиз ўз фикрига сабит бўлиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир инсон ўз фикрини эркин баён этиши ҳуқуқига эга, бу ҳуқуқ давлат чегараларидан мустақил ҳолда ёзма равишда ёки матбуот воситасида ёки ифодалашнинг бадиий шакллари ёки ўз ихтиёрига кўра бошқача усусларда турли ахборот ва гояларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади.

3. Уцибу модданинг 2-бандида назарда тутилган ҳуқуқлардан фойдаланиши алоҳида мажбуриятлар ва алоҳида маъсулият юклайди. Бу тарзда фойдаланиш айрим чекланилар билан боғлиқ, лекин бу чеклашлар қонун билан белгиланини ва қуидагилар учун зарур бўлиши лозим.

а) бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва обрў-эътиборини хурмат қилиш учун;

б) давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳоли саломатлигини ёки ахлоқини муҳофаза этиши учун.

## 20 - м о д д а

1. Урушини ҳар қандай тарғиб этиши қонун орқали тақиқланиши керак.

2. Камситинига, адоватта ёки зўравонликка ундовчи миллий, диний ёки ирқий руҳдаги ҳар қанақа ҳаракат қонун йўли билан тақиқланган бўлиши лозим.

## 21 - м о д д а

Типч йиғинларга ҳуқуқлар таин олинади. Бу ҳуқуқдан фойдаланинг ҳеч бир чеклаш қўйилмайди. Қонунга мувофиқ қўйилган ва демократик жамиятда давлат ва жамият хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги ва ахлоқи ёки бошқа шахслар ҳуқуқлари ва эркинлиги манфаатлари учун зарур бўлган чекланишлар бундан мустасно.

## 22 - м о д д а

1. Ҳар бир инсон бошқалар билан ассоциациялар тузиши, жумладан касаба уюшмалар ташкил этиши эркинлиги ва ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун шундай уюшмаларга кириш ҳуқуқига эга.

2. Буылай ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳеч бир чекланымайди, қонун билан белгиләнгәнләри ва демократик жамият-да давлат ёки жамоат хавфсизлиги, жамоат тартиби ман-фаатлари учун, ахоли саломатлыги ва ахлоқини му-хофаза этиш ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳимояси учун зарур бўлғанилари бундан мустасно. Ушбу мод-да қуроли кучлар ва полиция таркибига кирувчи шахс-лар учун шу ҳуқуқдан фойдаланишида қонуний чекланылар киритилига халал бермайди.

3. Мазкур моддадаги ҳеч бир нарса 1948-йилги Халқаро Меҳнат Тацкилоти Конвенциясида иштирок этувчи дав-латларга уюнималар озодлиги ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида, ушбу конвенцияда кўзда тутилган кафолатларга зарар етказиб қонуний актлар қабул қилиши ёки ушбу кафолатларга зиёни етказилган ҳолда қонун қабул қилиш ҳуқуқини бермайди.

## 23 - м о д д а

1. Оила жамиятнинг асосий бўғини саналади ва жами-ят ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинни ҳуқуқига эга.

2. Балоғат ёнига етган эркаклар ва аёлларнинг никоҳ-дан ўгини ва оила қуриши ҳуқуқи тан олинади.

3. Никоҳдан ўтгувчиларнинг эркин ва тўлиқ розилигисиз бирорта никоҳ тузилмаслиги керак.

4. Мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар никоҳдан ўтишида, никоҳда бўлған вақтда ва у бекор қилинаётгандан эр-хотинларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглигиги-ни таъминлаш учун зарур чоралар кўришлари лозим. Никоҳ бекор қилинган ҳолатда барча болалар зарур тарз-да ҳимоя қилинни ҳисобга олинини керак.

## 24 - м о д д а

1. Ҳар бир бола ирқи, терисининг ранги, жинси, тили, дини, миллий ва ижтимоий келиб чиқишни, мулкий аҳволи ёки туғилиши (насли)дан қатъи назар ҳеч бир камситиш-сиз гўдаклиги сабабли оила, жамият ва давлат томонидан муҳофаза чоралари кўрилиш ҳуқуқига эга.

2. Ҳар бир бола туғилгандан сўнг дарҳол рўйхатдан ўтказилиши ва исмига эга бўлиши керак.

3. Ҳар бир бола фуқаролик олиш ҳуқуқига эга.

## 25 - м о д д а

Ҳар бир фуқаро 2-мөлдәда эслатиб ўтилган ҳеч бир камситиншарсиз ва асосланмаган чекланишларсиз қуидаги ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эга бўлиши керак:

а) ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришида қатниши;

б) ялни ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз берин орқали ўтказиладиган ва сайловчиларнинг эркин ҳолдаги хоҳин-иродасини таъминловчи чинакам даврий сайловда овоз берин ва сайланни;

с) ўз мамлакатида умумий шартларда давлат хизматига киришида тенгликка йўл қўйини.

## 26 - м о д д а

Барча кишилар қонун олдида тенгdir ва ҳеч бир камситиншарсиз қонун орқали тенг ҳимоя қилинishi ҳуқуқига эга. Бу борада ҳар қандай турдаги камситиш қонун орқали тақиқлаб қўйилиши ва қонун барча шахсларга ҳеч бир камситиншарсиз, жумладан ирқи, терисининг раиги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқини, мулкий аҳволи, туғилиши (насаби)дан ва бошқа ҳолатидан қатъи назар камситишга қарши тенг ва самарали муҳофазага кафолат бериши керак.

## 27 - м о д д а

Этник, дин ва тил жиҳатдан озчиликни ташкил этувчи шахсларнинг гуруҳи мавжуд бўлган мамлакатларда, ўша шахсларга ўз гурухининг бошқа аъзолари билан биргаликда ўз маданиятидан фойдаланиши, ўз дицига сифинши ва расм-русларини бажарини ҳуқуқи, шунингдек она тилидан фойдаланиши ҳуқуқи рад этилини мумкин эмас.

## IV-ҚИСМ

## 28 - м о д д а

1. Инсон ҳуқуқлари бўйича комитет (у бундан бўён ушбу Пактда “Комитет” деб номланади) тузилади. У ўн саккиз аъзодан иборат бўлади ва қуидада кўрсатилган вазифаларни бажаради.

2. Комитет таркибига ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларниң фуқароси бўлган ва юксак фазилатга эга бўлган ҳамда иносон ҳуқуқлари борасида обрўли деб эътироф этилган шахслар киради, айни пайтда адлия тажрибасига эга бўлган бир неча шахснинг қатнашуви фойдали бўлиши ётиборга олинади.

3. Комитет аъзолари сайланади ва шахс сифатида ишлайди.

## 29 - м о д д а

1. Комитет аъзолари 28-моддада назарда тутилган талабларга жавоб берувчи ва мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлар томонидан кўрсатилган шахслар рўйхатидан янирип овоз билан сайланади.

2. Ушбу Пактда иштирок этувчи ҳар бир давлат кўпи билан икки шахсни кўрсатишни мумкин. Бу шахслар уларни кўрсатсан давлатлар фуқаролари бўлиши лозим.

3. Ҳар бир шахс қайтадан кўрсатилиш ҳуқуқига эга.

## 30 - м о д д а

1. Илк сайлов мазкур Пакт кучга киргандан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

2. Комитетта ҳар бир сайловга кўпи билан тўрт ой қолганида (34-моддага мувофиқ бўш ўринларни тўлдириш учун эълон қилинадиган сайлов бундан мустасно) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби мазкур Пактда қатнашувчи давлатларга уч ойлик муддатга комитет аъзолигига номзодларни тақдим этишини сўраб ёзма раванида мурожаат қиласи.

3. Ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларниң номини кўрсатиб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби давлатлар кўрсатилган таҳлилда барча номзодлар рўйхатини тузиб чиқали ва сайлов ўгадиган кундан камида бир ой олдин мазкур рўйхатни ушбу Пактда иштирок этувчи давлатларга тақдим этади.

4. Комитет аъзоларини сайлани Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг марказий мусассасаларида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби томонидан чақириладиган мазкур Пактда қатнашувчи давлатларниң йигилишида ўтказилади. Бу йигилишида ушбу Пактда иштирок этувчи давлатлар вакиллари берган овозга қараб уларниң энг кўп овозини олган ва мутлақ кўп овоз олган шахслар комитетига сайланган бўлади.

### 31 - м о д д а

1. Комитетта бирор бир давлатнинг бир нафардан ортиқ фуқароси кириши мумкин эмас.

2. Комитетта сајлов пайтида аъзоларнинг географик жиҳатдан адолатли тақсимланинг ва цивилизациянинг турли шакллари ҳамда асосий адлия тизимлари вакилларига эътибор берилади.

### 32 - м о д д а

1. Комитет аъзолари тўрг йил муддатга сайланади. Уларнинг номзоди қайта кўрсатилса, улар қайтадан сайланни ҳуқуқига эгадир. Бироқ бириичи сајловда сайланган аъзолардан 9 нафаришнинг ваколатлари муддати икки йиллик даврининг охирида тугайди; бириичи сајловдан сўнг дарҳол ўша 9 аъзонинг исми мажлис Раиси томонидан қуръа ташлаб аниқланади (30-модданинг 4-бандида бу тўғрида эслатилган).

2. Ваколатлари тугагандан сўнг сајлов ушбу Пакт мазкур қисмининг бундан илгариги муддатига мувофиқ ўтказилади.

### 33 - м о д д а

1. Агар бошқа аъзоларнинг яқдил фикрига кўра Комитет аъзоларидан бири маълум бир сабабга (вақтинча бўлмаслиги бундан мустасно) кўра ўз вазифасини бажарини тўхтатса, Комитет Раиси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котибига бу ҳақда хабар қиласи, сўнг Бош котиб бу аъзо ўринни бўш деб эълон қиласи.

2. Комитетнинг бирор бир аъзоси вафот этса ёки истеъфога чиқса, дарҳол раис бу тўғрида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибини хабардор қиласи. Бош котиб ўша аъзо вафот этгани кундан ёки ҳақиқатан истеъфога чиққан кундан боплаб бу ўринни бўш (вакант) деб эълон қиласи.

### 34 - м о д д а

1. 33-моддага биноан бўни турган ўрин эълон қилинганда, алмантирилини керак бўлган аъзо ваколатлари ўша бўни ўрин эълон қилингандан сўнг орадаги олти ой мобайнида тутамаса, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ушбу Пактда иштирок этиувчи ҳар бир давлатларга бу тўғрида хабар қиласи ва ўша давлат 29-

моддага мувофиқ икки ой мобайнида бўш турган ўринни тўлдириши учун номзод қўрсатилиши мумкин.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бони котиби шу тарзда қўрсатилган шахслар рўйхатини алифбо тартибида тушиб уни уибу Пактда иштирок этувчи давлатларга тақдим этади. Сўнг бўни ўринни тўлдириши учун бўладиган сайлов мазкур Пакт уибу қисмиининг тегинили қоидаларига мувофиқ ўтказилади.

3. 33-моддага биноан ёълон қилинган бўни ўринни эгаллаш учун сайдлашган Комитет аъзоси уибу модда қоидаларига мувофиқ Комитетда ўрни бўшайтган атizonинг ваколатлари муддатининг қолган қисми мобайнида лавозими ўтказилади.

### 35 - м о д д а

Комитет аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бони Ассамблеяси белгилайдиган тартибда, Комитетлар вазифасининг муҳимлигини ҳисобга олган ҳолда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маблағидан Бони Ассамблея тасдиқлайдиган маош оладилар.

### 36 - м о д д а

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бони котиби уибу Пактта мувофиқ Комитет вазифасини самарали амалга ошириши учун керакли ходимлар ва моддий маблағ тақдим этади.

### 37 - м о д д а

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бони котиби Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида Комитеттининг биринчи йигинини чақиради.

2. Ўзининг биринчи йигинидан кейин Комитет ўз қоида-тартибида кўзда туғилган вақтда йигилади.

3. Комитет одатда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги бўлимида йигилади.

### 38 - м о д д а

Комитетининг ҳар бир аъзоси ўз вазифасини бажаришга киринганда Комитетининг очиқ йигилишида ўз вазифасини холис ва виждандан амалга ошириши ҳақида таштанали равинида вазда беради.

## 39 - м о д д а

1. Комитет ўз мансабдор шахсларини икки йил муддатта сайлайди. Улар қайта сайланиши мумкин.

2. Комитет ўз шахсий қоида-тартибини белгилайди, лекин бу қоидалар, хусусан қуйидагиларни эътиборга олинни лозим:

а) Комитетнинг ўн икки аъзоси кворумни ташкил этади;

б) Комитет қарорлари иштирок этувчи аъзоларнинг кўпчилиги овозига асосан қабул қилишади.

## 40 - м о д д а

1. Унбу Пактда иштирок этувчи давлатлар мазкур Пактда эътироф этилган ҳуқуқларни ҳаётга тадбиқ этиши борасидаги қабул қилган тадбирлари ҳақида ва бу ҳуқуқлардан фойдаланишида ёринилган силжимлар ҳақида маърузалар тақдим этади:

а) мазкур Пакт кучга киргандан сўнг бир йил оралиғида тегишили иштирокчи-давлатлар хусусида;

б) бундан сўнг, Комитет талаб қилган барча ҳолларда.

2. Барча маърузалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бони котибига тақдим этилади ва у унбу маърузаларни кўриб чиқиш учун Комитетга юборади. Маърузаларда, агар мавжуд бўлса, мазкур Пактни ҳаётта тадбиқ этувчи омиллар кўрсатилади.

3. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бони котиби Комитет билан маслаҳатлашгандан кейин манфаатдор ихтисослаштирилган муассасаларга улар ваколатига тегишли бўлган маъруза қисмини юборили мумкин.

4. Комитет унбу Пактда иштирок этувчи давлатлар тақдим этидиган маърузаларни ўрганиади. У иштирокчи-давлатларга ўз маърузаларини ва мақсадга мувофиқ леб ҳисоблайдиган фикр-мулоҳазаларини юбориб туради. Комитет шунингдек, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенганига мазкур Пактда иштирок этувчи давлатлардан олинган маърузалар нусхалари билан бирга унбу фикр-мулоҳазаларини ҳам юбориб туриши мумкин.

5. Унбу Пактда иштирок этувчи давлатлар Комитетга мазкур мoddанинг 4-бандига мувофиқ қайд қилиниши мумкин бўлгани ҳар қандай мулоҳазалар борасида ўз фикрини тақдим этиши мумкин.

## 41 - м о д а

І. Мазкур молдага мувофиқ уибу Пактда иштирок этиувчи давлаттар ҳар қандай вақтда Комитеттинг бирор бир иштирокчи-давлат бопқа иштирокчи-давлат уибу Пакт бўйича ўз мажбуриятларини бажармаяпти, деган маълумотини қабул қилиши ва кўриб чиқини юзасидан ваколатини тан олишини баён этиши мумкин. Мазкур моддада назарда тутилган маълумот агар Комитет ваколатини ўзи тан олгани ҳақида баёнот берган иштирокчи-давлат томонидан тақдим этилган ҳоллардагина қабул қилиниши ва кўриб чиқилиши мумкин. Комитет шундай баёнот бермаган давлатга тегинши ҳеч бир маълумотни қабул қилимайди. Уибу молдага мувофиқ қабул қилинган хабар қўйидаги тартибга биноан кўриб чиқилади:

а) агар уибу Пактда иштирок этиувчи бирор давлат уибу Пакт қарорларини ҳаётга тадбиқ этмаяпти деб тоңса, ўна давлат бу масалани қайд этилган иштирокчи-давлат эътиборига ёзма тарзда етказиши мумкин. Ўща хабарни олган давлат шундай хабарни юборган давлатта уз ой мобайнида ёзма изоҳ ёки бошқа ҳар қандай баёнот бериб мазкур масалани тулунтириб ўгади. Айни пайтда уибу изоҳ ёки баёнотда имкон қадар ва мақсадга мувофиқлигига кўра шу масала борасида қабул қилинган, қабул қилинадиган ёки қабул қилиниши мумкин бўлган ички тартиб, қоидалар ва тадбирлар кўрсатилади.

б) Агар дастлабки хабарни маълум бир давлат олганидан кейин олти ой мобайнида масала манфаатдор иштирокчи-давлатларни қониқтирадиган даражада ҳал этилмаган бўлса, ўша давлатлардан ҳар бири масалани Комитетта тақдим этиши хуқуқига эга. У бу тўғрида Комитетни ва бопқа айзоларни хабардор қиласади;

с) Комитет айни ҳолда халқаро хуқуқнинг умум томонидан эътироф этилган ириципларга кўра имкониятдаги барча ички воситалар синааб кўрилди ва тугади деб тасдиқлаганидан кейингина ўзига тақдим этилган масалани кўриб чиқади. Агар шу воситаларнинг қўлланиши асоссиз ҳолда чўзилиб кетадиган бўлса бу қоидага амал қилинмайди;

д) Уибу молдада назарда тутилаётган хабарлар кўриб чиқилаётганида Комитет ёниқ мажлис ўтказади;

е) “с” кичик бандпинг қарорларига риоя қилган ҳолда уибу Пактда эътироф этилган инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини хурмат қилиш асосида масалаларни дўстона ҳал этиши мақсадида Комитет манфаатдор иштирокчи-давлатларга ўз холис хизматини кўрсатади;

f) Комитет кўриб чиқиши учун ўзига тақдим этилган ҳар қандай масала юзасидан “b”, “c” кичик бандларида таъкидланган манфаатдор иштирокчи-давлатларга мурожаат қилиб ишга алоқадор ҳар қандай ахборотни тақдим этишини сўраб илтимос қилиши мумкин;

g) “b” кичик бандида таъкидланган манфаатдор иштирокчи-давлатлар Комитетда масала кўриб чиқилаёттандан вакил бўлиши ва тақдимномани оғзаки ёки ёзма ҳолда бериш ҳуқуқига эга.

h) хабар олинган кундан бошлаб ўн икки ой мобайнида Комитет “b” кичик бандига мувофиқ қўйидаги шартлар асосида маъруза тақдим этади:

i) агар “e” кичик банди қарорлари доирасида масала ҳал этилса, Комитет ўз маърузасида далиллар ва қандай тўхтамга келганилиги ҳақида қисқача баён этиш билан чекланади;

ii) агар “c” кичик банди қарорлари доирасида бир тўхтамга келинмаса, комитет далилларни қисқача баён этиши билан чекланади; манфаатдор иштирокчи-давлатларнинг ёзма тақлифномалари ва оғзаки тақдимномалар баёни маърузага илова қилинади.

Ҳар бир масала бўйича маъруза манфаатдор иштирокчи-давлатлар кўригидан ўтади.

2. Мазкур модда қарорлари уцбу Пактда иштирок этувчи ўнта давлат шу модданинг 1-бандига биноан баёнот берганидан сўнгтина кучга киради. Бундай Баёнот Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бони котиби хузурида иштирокчи-давлат томонидан сақлаш учун топширилади, Бони котиб эса уларнинг нусхаларини бошқа иштирокчи-давлатларга юборади.

Баёнот Бони котибини хабардор қилиган ҳолда ҳар қандай вақтда қайтариб олиниши мумкин. Бундай ҳатти-ҳаракат хабар предмети саналган ва мазкур моддага биноан жўнатилган ҳар қандай масаланинг кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди, агар манфаатдор иштирокчи-давлат янги баёнот бермаса, Бони котиб баёнот қайтариб олингани тўгрисида хабардор бўлганидан сўнг ҳеч бир иштирокчи-давлатнинг кейинги бирор бир хабари қабул қилинмайди.

#### 42 - м о д д а

1. а) 41-моддага мувофиқ Комитетга юборилган бирор бир масала манфаатдор иштирокчи-давлатларни қониқтирадиган даражада счилмаган бўлса, Комитет манфаат-

дор интирокчи-давлатларнинг олдиндан берган розилигига биноан маҳсус Келинтирувчи комиссия (бундан бўёни “комиссия”) тайинланни мумкин. Мазкур Пакт қоидаларига риоя қилган ҳолда масалани яхшилик билан ҳал этиш мақсадида манфаатдор интирокчи-давлатларга Комиссия холис хизмат кўрсатади.

б) Комиссия манфаатдор интирокчи-давлатларга мақбул бўлган бени нафар шахсдан иборат бўлади. Агар манфаатдор интирокчи-давлатлар уч ой мобайнида Комиссиянинг тўлиқ ёки қисман таркиби борасида бир тўхтамга келолмаса, тайинланмоқчи бўлган, аммо бир тўхтамга келинмаган Комиссия аъзолари яширин овоз бериш йўли билан Комитет аъзоларининг аксарияти, яъни учдан икки қисми овози билан сайланади.

2. Комиссия аъзолари ўз вазифаларини ўз номидан бажарадилар. Улар унбу Пактда қатнишмаётган манфаатдор интирокчи-давлатларнинг ёки 41-моддага биноан баёнот бермаган қатниашчи-давлатининг фуқаролари бўла олмайди.

3. Комиссия ўз раисини сайлайди ва ўз шахсий тартиб-қоидаларини белгилайди.

4. Комиссия йигини одатда Бирланиған Миллатлар Ташкилотининг Марказий муассасаларида ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Женевадаги бўлимларида ўтказилади. Аммо, йигинлар Бирланиған Миллатлар Ташкилотининг Бон котиби ва тегишли интирокчи-давлатлар билан маслаҳатланилган ҳолда Комиссия томонидан белгиланадиган қулай жойларда ҳам ўтказилиши мумкин.

5. 36-моддага мувофиқ тақдим этиладиган котибият шунингдек, мазкур модда асосида тайинланадиган комиссияга хизмат кўрсатади.

6. Комитет томонидан олинган ва ўргацилган ахборот Комиссия ихтиёрига тақдим этилади ва Комиссия ахборот ишга алоқадор ҳар қандай маълумотни тақдим этишларини сўраб манфаатдор интирокчи-давлатларга мурожаат қилиши мумкин.

7. Комиссия масалани тўлиқ кўриб чиққанида, (лекин ҳамма ҳолларда мазкур масала унга кўриб чиқиш учун берилганидан кейин энг кўни билан 12 ойдан кечикмай) у манфаатдор интирокчи-давлатларга юбориш учун Комиссия раисига матъзуза тақдим этади;

а) Агар Комиссия ўн икки ой мобайнида мазкур масалани кўриб чиқишини тугаллай олмаса, у ўз маъруzasида ўша масалани кўриб чиқиши қай аҳволда эканлигини қисқача баён этиш билан чекланади;

б) Агар масала мазкур Пактда таң олинган инсон хуқуқларига риоя этиш асосида яхшилик билан ҳал этилған бўлса, Комиссия ўз маърузасида далиллар ва келингилан қарорларни қисқача баён этиш билан чекланади;

с) Агар б кичик бандида таъкидланган бир тўхтамга келинмаган бўлса, Комиссия маърузаси манфаатдор иштирокчи-давлатлар ўргасидаги баҳсга алоқадор барча ашёвий далиллар борасидаги ҳулосалардан ва Комиссиянинг унбу масалани яхшилик билан ҳал этиш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларидан иборат бўлади. Мазкур маъруза таркибига манфаатдор давлатларнинг ёзма ва оғзаки тақдимномалари киради;

д) Агар Комиссия маърузаси с кичик бандига мувофиқ тақдим этилаётган бўлса, манфаатдор иштирокчи давлатлар ўна маърузани олганидан сўнг уч ой муддат мобайнида маъруза мазмунин мақбул ёки номақбулиги ҳақида Комитет раисига маълум қиласди.

8. Унбу модданинг қарорлари 41-моддада кўрсатилган Комитет мажбуриятлариги камситмайди.

9. Манфаатдор иштирокчи-давлатлар Бирлангиган Миллатлар Ташкилоти Бони котиби тақдим этган сметага мувофиқ Комиссия аъзоларининг барча харажатларини баравар кўтарадилар.

10. Бирлангиган Миллатлар Ташкилотининг Бони котиби агар зарур бўлса, унбу модданинг 9-моддасига биноан манфаатдор иштирокчи-давлатлар Комитет аъзоларининг харажатини қонлигунча ўна харажатларни тўлани ҳуқуқига эга.

#### 43 - м о д д а

42-моддага мувофиқ тайинланиши мумкин бўлган Комитет аъзолари ва маҳсус Келинтирувчи комиссия аъзолари Бирлангиган Миллатлар Ташкилотининг имтиёзлари ва иммунитетлари ҳақидаги Конвенциянинг тегинили бўлимларида таъкидланганидек Бирлангиган Миллатлар Ташкилоти командировкага жўнатадиган эксперталар имтиёзлари, сингилниклари ва иммунитетларида фойдаланиши ҳуқуқига эга.

#### 44 - м о д д а

Унбу Пактни амалга ошириш ҳақидаги қоидалар Бирлангиган Миллатлар Ташкилоти ва ихтисослантирилган муассасаларининг таъсис ҳужжатларида кўрсатилган ёки

уларга мувофиқ бўлган инсон ҳуқуқлари борасидаги таомилларга зарар етказилмасдан қўлланилади ҳамда мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларга улар ўртасидаги умумий ва маҳсус битимларга биноан амал қилаётган низоларни ҳал этиш бошқа тартиб-қоидаларни қўллашга тўсқин бўла олмайди.

#### 45 - м о д д а

Комитет Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясига Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш орқали ўзиши ҳақида йиллик маърузасини тақдим этади.

#### V ҚИСМ

#### 46 - м о д д а

Уибу Пактдаги ҳеч бир нарса мазкур Пактга тегишли бўлган предметлар бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг турли органлари ва ихтисослаштирилган муассасаларининг тегишли бурчларини аниқлаб берадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низомининг ва ихтинослаштирилган муассасалар Низоми қарорларининг аҳамиятини пасайтиради деб талқин қилиниши мумкин эмас.

#### 47 - м о д д а

Уибу Пактдаги ҳеч бир нарса барча халқдарнинг ўз табиий бойликлари ва ресурсларига тўлалигича ва эркин эгалик қилиш ҳамда фойдаланиши борасидаги ажralмас ҳуқуқини камситади деб талқин қилиниши мумкин эмас.

#### VI ҚИСМ

#### 48 - м о д д а

1. Мазкур Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ёки унинг ихтисослаштирилган муассасаларининг аъзоси бўлган ҳар бир давлат томонидан, Халқаро Суд Статусининг иштирокчиси бўлган ҳар қандай давлат томонидан, уибу Пактда қатнашиши учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси таклиф қилган ҳар қандай давлат томонидан имзолаш учун очиқдир.

2. Унбу Пакт ратификация қилиниши керак. Ратификация ёрлиқдари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бон котибига сақлаш учун топшириллади.

3. Унбу Пакт мазкур мөдданинг 1-бандыда күрсатылған ҳар қандай давлаттинг құшилиши учун очықдир.

4. Құшилиш ҳақидаги ҳужжат сақлаш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бон котибига топширилғач құшилиши яқунланади.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бон котиби унбу Пактии имзолаган ёки унга қўшилган барча давлатни ратификация ёрлиги ёки құшилиш тўғрисидаги ҳужжати сақлаш учун топширилғанлиги борасида хабардор қиласди.

#### 49 - м о д д а

1. Мазкур Пакт Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бон котибига құшилиш ҳақидаги ўтиз биринчи ратификация ёрлиги ёки ҳужжат сақлаш учун топширилған кундан бошлаб уч ой ўтгач күнга киради.

2. Унбу Пактии ратификация қилған ёки унга қўшилған ҳар бир давлат учун құшилиш ҳақидаги ўтиз бешинчи ратификация ёрлиги ёки ҳужжат сақлаш учун қабул қилинганидан сўнг, мазкур Пакт ёки ўша давлаттинг ўзи ратификация қилған ёрлиги ёки құшилиш тўғрисидаги ҳужжат сақлаш учун топширилған кундан бошлаб уч ой ўтгач күнга киради.

#### 50 - м о д д а

Мазкур Пакт қарорлари бирор бир чеклашларсиз ёки олиб ташланисиз федератив давлатларнинг ҳамма қисмларига талбиқ этилади.

#### 51 - м о д д а

1. Унбу Пактда иштирок этувчи ҳар қандай давлат тузатинилар тақлиф этиши ва уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бон котибига тақдим этиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бон котиби сўнг ҳар қандай тақлиф этилған тузатиниларни мазкур Пактда иштирок этувчи давлатларга юборади ва унга ушбу давлатлар мазкур тақлифларни кўриб чиқиш ва бу борада овоз берилма мақсадида иштирокчи-давлатлар конферен-

циясини чақиришни маъқуллашытими ёки маъқуллаш-  
маянитими эканлигини хабар қилишини сўраб илтимос  
қиласди.

Агар иштирокчи давлатларининг камидан бир қисми  
шундай конференция чақириши макуласа, Бирлашган  
Миллатлар Ташкилоти ҳомийлигига Бош котиб бу  
конференцияни чақиради. Унбу Конференцияда ишти-  
рок этиб овоз беринча қатнашувчи-иштирокчи-давлат-  
ларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган ҳар қандай  
тузатиш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ас-  
самблеясига тасдиқлатиш учун тақдим этилади.

2. Тузатишлар уларни Бирлашган Миллатлар Ташки-  
лотининг Бош Ассамблеяси тасдиқлагандан сўнг ушбу  
Пактда иштирок этивчи давлатларининг камидан бир қисми  
қабул қилини билан мазкур давлатлар Конституцияси  
тартиб-қойдаларига асосан кучга киради.

3. Тузатишлар кучга кирган пайтдан бошлаб, уни қабул  
қилиган иштирокчи-давлатлар учун мажбурий бўлиб қолади,  
боликा иштирокчи-давлатлар учун эса мазкур Пакт  
қарорлари ва улар илгари қабул қилиган ҳар қандай тузатишларни  
бажарин мажбурий бўлади.

## 52 - м о д д а

48-модданинг 5-бандига мувофиқ қилинадиган билди-  
ришлардан қатти назар, Бирлашган Миллатлар Ташки-  
лотининг Бош котиби ўша модданинг 1-бандида таъкид-  
ланган барча давлатларни қўйилагилар ҳусусида хабардор  
қиласди:

- а) 48-молдага мувофиқ имзолаш, ратификация қилиши  
ва қўшилиш ҳақида;
- б) 48-молдага мувофиқ ушбу Пактининг кучга кириш  
санаси ва 51-молдага мувофиқ ҳар қандай тузатишлар-  
ининг кучга кириш санаси ҳақида.

## 53 - м о д д а

1. Унбу Пакт инглиз, испан, хитой, рус ва француз  
тилларида тузилган ва барчаси тенг кучга эга ҳамда улар  
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига сақлаш учун  
тоғизирилиши керак.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби  
мазкур Пактининг тасдиқланган нусхаларини 48-моддада  
кўрсатилиган барча давлатларга жўнатади.

# **ФУҚАРОЛИК ВА СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР ТҮҒРИСИДАГИ ХАЛҚАРО ПАКТГА ФАКУЛЬТАТИВ ПРОТОКОЛ**

## **УНИВ ПРОТОКОЛДА ИНГИРОК ӘТҮВЧИ ДАВЛАТЛАР**

Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар түғрисидаги Пакт (бундан бүсін бұндағы “Пакт” деб аталади) нинг мақсадындағы булдан бүсін ҳам әришиш ҳамда унинг қарорларини амалға оңириши үзүн Пактнинг 4-қисмінде асосан таьсие этиладиган Инсон ҳуқуқлари Комитеттің (у бунда бүсін “Комитет” деб аталади) ушбу протоколдан назарда тутилғаныдек мазкур Пактда баён этилған ҳуқуқларимиз бузилиб, жабр торғаянымиз, деб даъво қилаёттап айрим шахсларнинг хабарларини қабул қилиб олиш ва күриб чиқыш имкониятими бериш мақсаддага мувофиқлігінни әзтийорға олиб, қуйидагилар хусусида *келишиб оладылар*:

### **1-модда**

Бундан баён ушбу Протокол ингироқчысы бўладиган, Пакт қатнашчыси бўлган давлат Комитетнинг ўгу Комитет юрисдикциясига кирадиган шахслардан хабарларни қабул қилиб олиш ва кўриб чиқыш ваколатини тан олади, зикр этилган шахслар эса Пактда баён этилған ҳуқуқлардан бири қатнашувчи мазкур давлат томонидан бузилиб, улар бунинг жабрини кўрянимиз, деб даъво қиладилар. Комитет, мазкур протоколининг қатнашчыси бўлмаган Пакт ингироқчыси ҳисобланған давлатга дахлдор бўлган бирорта хабарни ҳам қабул қилмайди.

### **2-модда**

1-модда қоидаларига риоя этилған тақдирда, Пактда санағ үтилған бирор бир ҳуқуқи бузилди деб даъво қилаёттап ва ҳуқуқий муҳофазанинг барча мавжуд ички воситаларидан фойдаланиб бўлинди деб уқтираёттап шахслар

Комитет күриб чиқмоги учун ёзма хабар тақдим этишила-  
ри мүмкін.

### 3-м о дда

Комитет, ушбу Протоколга биноан тақдим этилған ҳар  
қандай хабарни, агар бу хабар имзосиз бўлса ёки, Коми-  
теттинг фикрича, шундай хабарларни тақдим этиш  
хуқуқини суйистезмөл қилиш деб тошилса ё Пактнинг  
қоидаларига зид деб тошилса у номақбул деб эътироф эти-  
лиши мүмкін.

### 4-м о дда

1. З-модда қоидаларига риоя этилған тақдирда, Коми-  
тет ушбу Протоколга биноан ўзига тақдим этилған ҳар  
қандай хабарни ушбу Протоколда иштирок этадиган ва  
даъво қилинаётганидек, Пактнинг бирор бир қоидасини  
бузаётган давлат эътиборига бояги хабарни етказади.

2. Ушбу билдиришни олган давлат олти ой мобайнида  
Комитетга бу масалани ойдинлаштирадиган ҳамда шу дав-  
лат томонидан қандайдир чоралар қўрилган бўлса, ушбу  
чораларни баён этиб ёзма изоҳ ёки баёнот тақдим этади.

### 5-м о дда

1. Комитет, мазкур Протоколга биноан олинған хабар-  
ларни кўриб чиқали, бунида у ўзига алоҳида шахс томонидан  
ва қатнашчи бўлған маифаатдор давлат томонидан  
тақдим этилған барча ёзма ҳужжатларни эътиборга олади.

2. Комитет қўйидагилар хусусида огоҳ бўлмагунича,  
бирорта хабарни ҳам кўриб чиқмайди:

а) худди шу масала боинқа халқаро муҳокама ёки бар-  
тараф этиши таомилиги кўра қараб чиқилмаётган бўлиши  
керак;

б) мазкур шахс ҳуқуқий ҳимоянинг имкони бўлган  
барча воситаларидан фойдаланган бўлиши лозим.

Ана шундай воситаларни қўлланиш асоссиз тарзда чўзи-  
либ келгани ҳолларда бу қоила амал қилмайди.

3. Ушбу Протоколда назарда тутилаётган хабарларни  
кўриб чиқаётгана Комитет мажлиси ёпиқ бўлади.

4. Комитет ўз мулоҳазаларини тегишили қатнашчи дав-  
латга ва шахста маълум қиласи.

## 6-м олда

Комитет Пактнинг 25-молдасида назарда тутилган ўзининг йиллик маъруzasига ушбу Протоколга биноан ўз фаолияти тўгрисидаги қисқача ҳисоботни киритади.

## 7-м олда

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан 1960 йил 14 декабрида қабул қилинган мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш ҳақидаги Декларация хусусидаги 1514 (XV) резолюцияси мақсадларига өрнинчалик мазкур Протокол қоидалари ушбу халқларга Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтиноселланган муассасаларининг бошқа халқаро конвенциялари ва ҳужжатлари тақдим этган петициялар бериш ҳуқуқини сира-сира чекламайди.

## 8-м олда

1. Мазкур Протокол Пактга имзо чеккан ҳар бир давлат томонидан имзо чекини учун очиқдир.

2. Мазкур Протокол Пакти ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат томонидан ратификация қилиншини керак. Ратификация ёрлиқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибига сақлаш учун топширилади.

3. Мазкур Протокол Пакти ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат қўшилиши учун очиқдир.

4. Қўшилиши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ҳузурида қўшилиши ҳақидаги ҳужжатни сақлаш учун тошириши билан амалга оширилади.

5. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби ушбу Протоколга имзо чеккан ёки унга қўшилган барча давлатларга қўшилиши тўгрисидаги ҳар бир ратификация ёрлиғи ёки ҳужжати сақлаш учун олинганини хабар қиласи.

## 9-м олда

1. Пакт амал қила бошлаган шароитда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ҳузурида қўшилиш тўгрисидаги ўничи ратификация ёрлиғи ёки ҳужжати сақлаш

учун топширилган күндан бослаб уч ой мобайнида ушбу Протокол ҳам амал қила бошлайды.

2. Қўшилиш тўғрисидаги 10-ратификация ёлиги ёки ҳужжати сақланига топширилгандан кейин ушбу Протоколни ратификация қилган ёки унга қўшилган ҳар бир давлат учун мазкур Протокол қўшилиш тўғрисидаги ўна давлатнинг ратификация ёлиги ёки ҳужжати сақланни учун топширилган күндан бослаб уч ой мобайнида кучга кирди.

#### 10-модда

Мазкур Протоколнинг қарорлари бирор бир чекланг ёки истиеноларсиз федератив давлатларнинг барча қисмларига дахлдор бўлади.

#### 11-модда

1. Ушбу Протоколда қатнашувчи ҳар бир давлат қўнимчалар таклиф этини ва уларни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бон котибига тақдим этини мумкин. Бон котиб шундан кейин жами тузатишларни ушбу Протоколда қатнашувчи давлатларга юбориб қўйидагиларни илтимос қиласди: улар шу таклифни кўриб чиқси ва шу таклиф юзасидан овоз берин мақсадида қатнашувчи давлатларнинг конференциясини чақиришни ёқдамоқдаларми, агар қатнашувчи давлатларнинг камидан бир қисми шундай конференция чақиришини ёқлаб чиқса, Бон котиб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хомийлигига ана шундай конференцияни чақиради. Мазкур конференцияда интироқ этиб, овоз беринда қатнашган иштироқчи давлатларнинг қўнчилиги томонидан қабул қилинган ҳар қандай таклиф Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бон Ассамблеясининг тасдиғига тақдим этилади.

2. Қўнимчалар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бон Ассамблеяси томонидан тасдиқлангандан кейин ва мазкур Протоколда қатнашадиган давлатларнинг конституциялари таомилига кўра, ушбу давлатларнинг учдан икки қисми томонидан қабул қилинини билан ушбу тузатишлар амал қила бошлайди.

3. Тузатишлар амал қила бошлагандан кейин улар шу тузатишларни қабул қилиган интироқчи давлатлар учун ижро этилини мажбурий бўлади, қатнашувчи бошқа давлатлар учун эса ушбу Протоколнинг қарорлари ва улар

илгари қабул қылған барча тузатыштар адо этиш учун мажбuriй бўлиб қолади.

## 12-м одда

1. Қатнаничи бўлған ҳар бир давлат исталған вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби номига ёзма хабарнома берини йўли билан унбу Протоколни бекор қилиши мумкин. Бони котиб унбу хабарномани олган кундан кейин уч ой мобайнида бекор қилиши амал қила бошлиайди.

2. Бекор қилиши 21-моддага биноан бекор қилиши кучга кирадиган санага қадар тақдим этилған ҳар қандай хабарга мазкур Протокол қоидалариини татбиқ этаверишта ҳалал бермайди.

## 13-м одда

Мазкур Протокол 8-моддасининг 5-бандига биноан берилған хабарномалардан қатъи назар, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пактиининг 48-моддаси 1-бандида тилга олингани барча давлатларга қўйидагиларни маълум қиласди:

- а) 8-моддага биноан имзолашшлар, ратификациялар ва кўшилишлар;
- б) 9-моддага биноан унбу Протоколининг амал қила боилишини санаси ва 11-моддага биноан бошқа ҳар қандай тузатышларни амал қила боиляшлари;
- с) 12-моддага биноан бекор қилишлар.

## 14-м одда

1. Унбу Протокол инглиз, испан, хитой, рус ва француз тилиларида бўлиб, матнларнинг ҳаммаси бир хил кучга эга, Протокол Бирлашган Миллатлар Ташкилоти архивига сақлани учун топилиширилиши керак.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пактиининг 48-моддасида кўрсатилған барча давлатларга унбу Протоколининг тасдиқланган нусхаларини юборади.

# **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг КОНСТИТУЦИЯСИ**

## **ИККИНЧИ БЎЛИМ ИНСОН ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ ЭРКИНИЛКЛАРИ ВА БУРЧЛАРИ**

### **V боб**

#### **УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

18-м олда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миљати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, ётиқоли, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдилада тенгдирлар.

Ймтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

19-м олда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига иисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиззидир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйинига ҳеч ким ҳақли эмас.

20-м олда. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишида боника шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний минфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига нутугр етказмасликлари шарт.

### **VI боб**

#### **ФУҚАРОЛИК**

21-м олда. Ўзбекистон Республикасининг бугун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айли вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.

22-м одда. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлади.

23-м одда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет ол фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларининг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

## VII б о б

### ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР

24-м одда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суюқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

25-м одда. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунига асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

26-м одда. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қалр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

27-м одда. Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимоялашиши ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бироннинг турар жойига кириши, тинтуб ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

28-м одда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб ке-

тиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чекланишлар бундан мустаснодир.

29-м олда . Ҳар ким фикрлари, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излани, олини ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилиш ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чекланишлар бундан мустаснодир.

Фикр юритини ва уни ифодалани эркинлиги фақат давлат сири ва бониқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирда гина қопун билан чекланиши мумкин.

30-м олда . Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларниң ҳуқуқ ва мағфаатларига даҳлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

31-м олда . Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қиласлик ҳуқуқига эга. Диший қарашларни мажбураш сингдиришига йўл қўйилмайди.

## VIII боб

### СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

32-м олда . Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали интирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай интирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда таизил этиш йўли билан амалга оширилади.

33-м олда . Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қопуниларига мувофиқ митинглар, йигилиллар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тұхтатиши ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

34-м олда . Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қасаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бониқа жамоат бирлашмаларига уюшини, оммавий ҳаракатларда интирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятининг вакиллик

органдарыда озчиликни ташкил этувчи мухолиғатчи шахс-ларнинг ҳуқуқлари, өркениликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиш мүмкін эмес.

35-модда. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биртегида ваколатли давлат органдарига, мусасасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилини ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда күриб чиқилиши шарт.

## ІХ б ө б

### ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

36-модда. Ҳар бир шахс мүлкдор бўлингига ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиши, өркин касб таништи, адолатли меҳнат шароитларида ишлани ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўтаси тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

38-модда. Ёлланиб ишлайдиган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътишининг муддати қонун билан белгиланади.

39-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотгандан, шунингдек бокувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мүмкін эмас.

40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бенуя умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

42-модда. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод өркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятининг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига замхўрлик қиласи.

## X б о б

### ИИСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

43-м о д да . Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

44-м о д да . Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирланшмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

45-м о д да . Вояга стмаганилар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

46-м о д да . Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

## XI б о б

### ФУҚАРОЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ

47-м о д да . Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

48-м о д да . Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишига, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

49-м о д да . Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрарига мажбурдирлар.

Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

50-м о д да . Фуқаролар атроф табиий мұхитта эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

51-м о д да . Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йигимларни тўлаштга мажбурдирлар.

52-м о д да . Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизмат ўташга мажбурдирлар.

# МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети:

ўзбек халқиңнинг давлат қурилишидаги тарихий таж-рибаси ва таркиб тоғтани бой анъаналари,

ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашади иборат олий мақсад ҳақи,

ҳар бир кишининг фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашни олий мақсад деб билган ҳолда,

Ўзбекистон халқларининг келажаги учун тарихий масъ-улиятни чуқур ҳис этган ҳолда,

халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланаби,

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақилигини ёълон қиласди.

1. Ўзбекистон ССРнинг демократик давлат мустақилиги республиканинг ўз ҳудудида барча таркибий қисмларида ва барча ташқи муносабатлардаги ташҳо ҳокимлигидир.

2. Ўзбекистон ССРнинг давлат ҳудуди чегараси дахлсиз ва бу ҳудуд халқининг мухокамасига қўйилмай туриб, ўзгартирилиши мумкин эмас.

3. Ўзбекистон ССРда давлат ҳокимияти унинг ҳудудидаги кирадиган барча таркибий ва бўлинмас қисмлари устидан амалга оширилади ва шу ҳудудда яшайдиган аҳолига тааллуқидир.

4. СССР Олий Совети қабул қиласига қарорлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон ССР Олий Совети томонидан тасдиқлангандан кейингина Ўзбекистон ССР ҳудудида кучга эга бўлади.

5. Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ваколатига Ўзбекистон ССР ички ва ташқи сиёсатига тегинли барча масалалар киради.

6. Ўзбекистон ССР халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларини тағ олади ва ҳурмат қилади.

7. Ўзбекистон ССР иттифоқдои республикалар ва бошқа давлатлар билан ўзининг сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа муносабатларини шартномалар асосида белгилайди ва амалга оширади.

8. Ўзбекистон ССР ўзининг тараққиёт йўлини, ўз иомини белгилайди ва давлат белгиларини (герб, байроқ, малхия) ўзи таъсис этади.

9. Қорақалпогистон Мухтор Совет Социалистик Республикаси мустақиллиги Мухтор Республика Конституцияси таъмин этади. Ўзбекистон ССР унинг Асосий Қонуни ва Ўзбекистон ССР Конституцияси асосида Қорақалпогистон МССР манфаатларини ҳимоя қилади.

10. Ўзбекистон ССРнинг қонун чиқарувчи ҳокимияти Ўзбекистон ССР давлат мустақиллигини амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқади, Ўзбекистон ССРнинг сиёсий ва иқтисодий системалари таркибини ва курилишини белгилайди.

11. Ўзбекистон ССР Олий Совети умумхалқ муҳокамаси асосида демократик ҳуқуқий давлат тузишга қарор қилганини билдиради, Ўзбекистон ССРда яшा�ётган барча миллат ва әлатларнинг қонуний, сиёсий, иқтисодий, этник, маданий ҳуқуқларига ҳамда она тиллари ривожлантирилишига кафиллик беради.

12. Унбу Декларация Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциясини ҳамда янги иттифоқ шартномасини ишлаб чиқини учун асосдир.

*Ўзбекистон ССР Олий Советининг  
иқканини сессиясида 1990 йил 20 июнда  
қабул қилинган*

Тошкент ш.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ ТҮГРИСИДА ОЛИЙ КЕНГАШ БАЁНОТИ

Ўтмишдан сабоқ чиқариб ва ССР Иттилоқининг сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришиларни эътиборга олиб,

— халқаро-хуқуқий ҳужжатларда қайд этилган ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига асосланиб,

— Ўзбекистон халқарининг тақдири учун бутун масъулиятни англаб,

— шахснинг ҳуқуқ ва өркинликлари, мустақил давлатлар ўргасидаги чегарамарининг бузилмаслиги түгрисидаги Хельсинки шартномаларига қатъий садоқатини баён этиб,

— миллати, диний эътиқоди ва ижтимоий мансублигидан қатъи назар, республика ҳудудида яшовчи ҳар бир кишининг муносаб ҳаёт кечиришини, шаъни ва қалрӯзимматини таъминлайдиган инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барни итишга интилиб,

— мустақиллик декларациясини амалга ошира бориб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгашини Ўзбекистонининг Давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикаси таикил этилгандини тантанали равишда эълон қиласи.

Ўзбекистон Республикасининг, ўз таркибидағи Қоралыногистон Республикаси билан бирга, ҳудуди бўлинмас ва дахлсиздир.

Ўзбекистон Республикасининг бониқа давлатларга ҳудудий даъволари бўлмай, у ўз ҳудуди ва унинг табиий бойликларига нисбатан олий ҳуқуққа эгадир.

Давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби Ўзбекистон Республикасининг озод мустақил халқидир.

Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши-

ни, ҳокимият ва бошқарыш идоралариининг тизимини мустақил белгилайди.

Ўзбекистон итифоқда ягона иқтисодий майдони вужудга келтирилиши, суверен ва мустақил давлатлар ўртасида мутлақо тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли шартларда сиёсий ва иқтисодий шартномалар тузилиши тарафдоридир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини, фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва Эркинликларини ҳамда ҳудудий буғушигини ҳимоя қилиш мақсадларида Мудофаа ишлари вазирлиги ва миллый гвардия тузилади. Республика ҳудудида жойлантирилган СССР Ички ишлар вазирлигининг, СССР Давлат хавфсизлиги қўмитасининг идоралари, шунингдек ички қўшиллар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий тобелигига олиди.

Ўзбекистон Республикаси СССР Мудофаа вазирлигининг республика ҳудудида жойлантирилган ҳарбий қисмлари ва қўнијалмаларини шакллантириши ҳамда уларга раҳбарлик қилинга ҳақли эканлигини маълум қиласди, жамоа хавфсизлигини вужудга келтиришида ва ССР Итифоқининг стратегик қўшилларини сақлашда қатнашиди.

Халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон Республикаси Халқаро муносабатларда мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашиди, унинг асосий мақсадлари мустаҳкам тинчлик, қуролсизланиши, ўз ҳудудини қурол-яроғлардан холи қилини, ядровий қуролни ва бошқа оммавий қирғин қуролларини йўқотиш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишида куч ишлатиш ва тазиқ ўтказинга, оғи аввало ҳарбий куч қўлланига йўл қўймаслик, ииссонияттининг жаҳоннумуя муммомларини ҳал этишида давлатлар ҳамкорлиги ва халқлар бирдамлигидан иборатдир.

Бундан бўён Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Республика Конституцияси ва қонуулари шак-шубҳасиз устун деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси олдиндан ҳеч қандай шарт қўймаган ҳолда барча шериклар билан бевосита тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли битимлар ҳамда шартномалар тузили учун ўзили очиқ деб эълон қиласди.

Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида яшовчи барча халқларга тенг сиёсий ҳуқуқларни ва ижтимоий-иқтисо-

дий ҳамда маданий ривожланишида тенг имкониятларни кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикаси ирқчиликка, шовинизмга, миллатчиликка, халқларнинг ҳуқуқларини чеклаш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қатъяни қарши чиқади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ доирасида ҳамма эътироф этган қонун-қойдалар устунлигини тан олади.

Ўн иккинчи чақириқ  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Кенгашининг наебатдан  
ташқари олтинчи сессиясида  
1991 йил 31 августда  
қабул қилинган

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИ АСОСЛАРИ ТҮГРИСИДА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОНИИ

Ўзбекистон ССРнинг Мустақиллик Декларациясига ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги түгрисидаги Баёнотига асосланиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Конгани уибу қонуни қабул қиласди.

1-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга, мустақил, демократик давлатдир.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг халқи суверенидир ва у республикада давлат ҳокимиятиниң бирдан-бир соҳибидир. У ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакилик идоралари тизими орқали амалга оширади.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси тўла давлат ҳокимиятига эга, ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-худудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув идоралари тизимини мустақил белгилайди.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва ҳудуди дахлесиз ва бўлинмас бўлиб, унинг халқи ўз ҳоҳин-иродасини ёркип билдиримасдан туриб ўзгартирилиши мумкин эмас.

5-модда. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва унинг қонунлари устунидир. Ўзбекистон Давлат идораларининг тизими ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятига ажратиш тартиби асосида қурилади.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишила-ри вазирлигини тузини, миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизмат ташкил этиши ҳуқуқига эга.

Суверен Ўзбекистон Республика ҳудудида СССР Қуролли Кўзларини шакллантириши ва уларга раҳбарлик қилини масалаларида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

7-м олда . Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг молдий асоси унинг мулкидир.

Республика ҳудудидаги ер, ер ости бойликлари, сувва ўрмоилар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, табиий ва бошқа ресурслар, республиканинг маънавий бойликлари Ўзбекистон Республикасининг миллий бойлиги, мулки ҳисобланади.

8-м олда . Давлат мулки обьектлари, шунингдек давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг, шу жумладан Итифоқ қарамогида бўлиб келган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларининг мол-мулки, уларнинг асосий ишлаб чиқариш, ношишлаб чиқариш ва оборот ёки бошқа фонилари ҳамда ўзга мол-мулки, ички коммуникация, транспорт, алоқа ва энергетика тизимлари, республика картографияси ва геодезияси Ўзбекистон Республикасининг мулкидир.

9-м олда . Ўзбекистон Республикасининг мулкини давлат тасарруфида чиқариш ва хусусийлантириш республика қонуниларига мувофиқ амалга оширилади. Республика ҳудудида жойлашган, итифоқ қарамогида бўлиб келган давлат корхоналарини акцияли жамиятларга айлантириш, уларни мулкнинг бошқа шаклларида ўтказиш фақат Ўзбекистон Республикаси қонуниларида кўзда туғилган шартлар асосида ва тартибда амалга оширилади.

10-м олда . Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида олтиц, бошқа қимматбаҳо металлар ва тошларни қазиб чиқариш, қайта ишлани ва сақланини мустақил амалга оширади ҳамда назорат қиласи, ўз олтиц захирасини яратади.

Ўзбекистон Республикаси СССРнинг олтиц захирасида, олмос ва валюта жамғармаларида ўз улушкига эга.

11-молда . Ўзбекистон Республикаси ўз пул бирлиги — миллий валютасини жорий этишига, жами пул обороти, пул ва бошқа давлат қимматли қоғозлари эмиссияси ҳажмларини мустақил белгиланига ҳақли.

12-м олда . Ўзбекистон Республикаси мустақил молия ва кредит сиёсатини амалга оширади. Республика ҳудудида олинидиган солиқлар ва йигимлар Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ва маҳаллий бюджетларга тушади.

13-м олда . Ўзбекистон Республикаси чет давлатлар билан дипломатик, консулийк, савдо алоқалари ва бошқа алоқалар ўринатади, улар билан мухтор вакиллар айир-

бошлайди, халқаро шартномалар тузади, халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиши мумкин.

14-модда. Ўзбекистон Республикаси халқаро иқтисодий муносабатларнинг мустақил субъекти бўлиб, чет эл инвестицияларини амалга ошириш шартларини, инвесторларнинг ҳуқуқларини белгилайди, ўзининг конверсия қилиналигай валюта жамғармасини яратади, олтин ва бошқа захираларни, айрбоцланадиган валютани сотади ва сотиб олади.

15-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги жорий этилади.

Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллиатидан, элатидан, ижтимоий чиқишидан, қайси динга мансублигидан ва эътиқодидан қатъи назар бир хил фуқаролик ҳуқуқларига эгадирлар, республика конституцияси ҳамда унинг қонунлари ҳимоясида бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари республикадан ташқарида ҳам Ўзбекистон Республикасининг ҳимоясида бўладилар.

16-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддасdir ва уларни ҳар қандай таҳқирлаш қонун билан жазоланади.

17-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикасининг ҳудудий бутунлигини ва мустақиллигини эътироф этади. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатлар тенг ҳуқуқлилик асосида, улар ўртасидаги икки томонлама шартномалар ва битимлар во-ситасида курилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибидан тегишли қонунлар асосида эркин чиқини ҳуқуқини сақлаб қолади.

*Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти*

*И.КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,  
1991 йил 31 август

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ КЕНГАШИННИГ ҚАРОРИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ АМАЛДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ МОНИТОРИНГИ ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТҮФРИСИДА

Демократик ислоҳотларни янада чуқурлантириши, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини халқаро нормаларга мувофиқлантириши, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий нормаларга риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда самарали назоратни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгани қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ташкил этилсиз.

2. Белгилаб қўйилсинки, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти юридик шахс бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисобдордир.

3. Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг Устави ва таркибий тузилишини тасдиқлансин.

4. Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг асосий вазифалари деб қўйидагилар белгилансин:

амалдаги қонун ҳужжатларини ҳамда уларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро нормаларга мувофиқлигини ўрганиш;

инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига жорий этиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя этиши борасидаги ҳуқуқий-татбиқий тажрибани ўрганиш ва умумлантириш; қонун ҳужжатларини такомиллантириши юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

халқаро ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилотлари билан инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрланш;

қонун лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш, шу жумладан хорижий эксперталар ва институтларни жалб этгани ҳолда шундай экспертизалар ўтказиш;

қонунчилик ишнинг режалари ҳамда дастурларига доир таклифлар ишлаб чиқиш.

5. Белгилаб қўйилсинки, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингти институтининг директори Кенгаши қарорини кейинчалик сессияда тасдиқлаш шарти билан Олий Мажлис Кенгашин томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан бўйнатилади.

Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингти институти директорининг ўринбосари Олий Мажлис Раисининг тақдимомаси бўйича Олий Мажлис Кенгашин томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан бўйнатилади.

6. Республика бюджети маблағлари Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингти институтини молиялаш манбалари деб белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафталиқ муддат ичилада Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторингти институтини ташкил этиши ва унинг фаолиятини молдий таъминланаш юзасидан қарор қабул қиласин.

8. Унбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритилсин.

*Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлисининг Раиси*

*Э.ХАЛИЛОВ*

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 3 декабрь

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БҮЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИНИ ТУЗИШ ТҮГРИСИДА

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишининг тасвирли воситасини барноба этиш, ҳалқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилини ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат мувассасалари ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бүйича маданиятини ошириш мақсадида, БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимиши демократияланниң қўллаб-қувватлаш дастурига мувофиқ:

1. Инсон ҳуқуқлари бүйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази тузилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Инсон ҳуқуқлари бүйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази давлатга қарашли, таҳдил, маслаҳат, идоралараро ва мувофиқлантириш органи ҳисобланади.

2. Қўйидагилар Инсон ҳуқуқлари бүйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг асосий вазифалари деб белгилансан:

- миллий ҳаракат режасини, шунингдек, Конституция, Қонуулар ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги умумъетироғ этилган ҳалқаро ҳуқуқ меъсрлари қоидаларини амалга ошириш стратегиясини ишилаб чиқиш;

- инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро ва миллий ташкилотлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш;

- Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларига риоя этилишини ва бу ҳуқуқларининг муҳофаза қилиниши юзасидан миллий матъузалар тайёрлаш;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бүйича жамоат бирлашмаларига маслаҳатлар бериб туриш фаолиятини амалга ошириш;

— давлат органларининг инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилиши соҳасида таҳсил бериш, тарғибот, ўқув-услубий адабиётларни нашр этиши борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириши;

— Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ва ривожлантириш бўйича маълумотларнинг аҳборот базасини барнио этиши;

— давлат органларининг инсон ҳуқуқларига риоя этиши ва бу ҳуқуқларни муҳофаза қилиши соҳасидаги фаолиятини такомиллантириш юзасидан уларга тавсиялар тайёрланди;

— инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва муҳофаза қилишининг турли жиҳатлари юзасидан тадқиқотларни ташкил этиши ва ўтказиш.

3. Бештилаб қўйилсинки, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳуқуқий шахс бўлиб, унга Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тайинланадиган директор бопчилик қиласи. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директорининг ўринбосари бу лавозимга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади.

4. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолияти молиявий жиҳатдан республика бюджетидан давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини сақлаб туриш учун харажатлар мөддаси бўйича ажратиладиган маблағдан, шунингдек, турли хайрия бадаллари ҳисобидан таъминланади.

5. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази бўниб қолган маблағни марказининг мөддий-техника базасини ривожлантиришига ва ходимлар меҳнатини рағбатлантиришига сарфлаш шарти билан бени йилгача солиқлар, божхона тўловлари ва йигимларини тўлаандан озод қилинсин.

6. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясининг материаллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойинлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойинлари, вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари ва йўриқномалари юборилишин шарт бўлган ташкилотлар рўйхатига киритилсин.

7. Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига ўзбек, рус ва инглиз тилларида “Ўзбе-

кистонда демократиялаш ва иңсон ҳуқуқлари” маҳсус журналини нашр этишига рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси вазирларлари ва идоралари Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг сўровига мувофиқ республикада инсон ҳуқуқларини рањбатлантириш, амалга ошириш ва муҳофаза қилини масалалари бўйича зарур ахборотни тақдим этинилар.

9. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги, Матбуот давлат қўмитаси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Давлат телерадиокомпанияси Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказига халқаро алоқаларни амалга оширишда, хориждаги турдош ташкилотлар билан алоқа ўрнатишда, халқаро ташкилотлар билан инсон ҳуқуқлари соҳасида битимлар тузишда ёрдам кўрсатсинилар.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир хафталик мuddатда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор қабул қиласин.

*Ўзбекистон Республикаси  
Президенти*

*И.КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,  
1996 йил 31 октябрь

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг  
ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА  
ОИД ҚОНУНЛАР РЎЙХАТИ**

**ШАХСИЙ ҲУҚУҚЛАР**

| №   | Қонунлар номи  | Қабул қилинган<br>куни ва рўйхатдан<br>ўтказилган номери |
|-----|--|--|
| 1.  | Ўзбекистон Республикасининг<br>Конституяси   | 8 декабрь 1992 й.<br>№ 723-XII                           |
| 2.  | Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар<br>тўғрисида   | 14 июнь 1991 й.<br>№ 289-XII                             |
| 3.  | Таълим тўғрисида   | 2 юль 1992 й.<br>№ 636-XII                               |
| 4.  | Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат<br>тўғрисида  | 3 юль 1992 й.<br>№ 644-XII                               |
| 5.  | Муҳобил хизмат тўғрисида   | 3 юль 1992 й.<br>№ 646-XII                               |
| 6.  | Прокуратура тўғрисида  | 9 декабрь 1992 й<br>№ 746-XII                            |
| 7.  | Озодликдан маҳрум этиш жойларидан<br>бўшатилган шахслар устидан ички ишлар<br>идораларининг маъмурӣ назорати тўғрисида | 9 декабрь 1992 й<br>№ 750-XII                            |
| 8.  | Судлар тўғрисида   | 2 сентябрь 1993 й<br>№ 925-XII                           |
| 9.  | Фуқароларнинг мурожатлари тўғрисида  | 6 май 1994 й.<br>№ 1064-XII                              |
| 10. | Ўзбекистон Республикасининг жиноят<br>Кодекси  | 22 сентябрь 1994 й<br>№ 2012-XII                         |

*Давоми*

| <i>№</i> | <i>Конунлар номи</i>  | <i>Қабул қилинган куни ва рўйхатдан ўтказилган номери</i> |
|----------|---|---|
| 11.      | Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал Кодекси   | 22 сентябрь 1994 й.<br>№ 2013-XII                         |
| 12.      | Ўзбекистон Республикасининг маъмурӣ жавобгарлик тӯғрисидаги Кодекси   | 22 сентябрь 1994 й.<br>№ 2015-XII                         |
| 13.      | Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тӯғрисида | 30 август 1995 й.<br>№ 108-I                              |
| 14.      | Давлат тили тӯғрисида   | 21 декабрь 1995 й.<br>№ 168-I                             |
| 15.      | Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик Кодесси — І қисми   | 21 декабрь 1995 й.<br>№ 163-I                             |

## СИЕСИЙ ҲУҚУҚЛАР

| №   | Конунлар номи  | Қабул қилинган<br>куни ва рўйхатдан<br>утказилган номери |
|-----|--|--|
| 1.  | Ўзбекистон Республикасининг<br>Конституцияси                                   | 8 декабрь 1992 й.<br>№ 723-XII                           |
| 2.  | Ўзбекистон Республикасида жамоат<br>бирлашмалари тўғрисида                     | 15 февраль 1991 й.<br>№ 223-XII                          |
| 3.  | Оммавий аҳборот воситалари тўғрисида   | 14 июнь 1991 й.<br>№ 284-XII                             |
| 4.  | Ўзбекистон Республикасининг Давлат<br>мустақиллиги асослари тўғрисида          | 31 август 1991 й.<br>№ 336-XII                           |
| 5.  | Ўзбекистон Республикаси Президенти<br>сайлови тўғрисида                        | 18 ноябрь 1991 й.<br>№ 407-XII                           |
| 6.  | Ўзбекистон Республикасининг референдуми<br>тўғрисида                           | 18 ноябрь 1991 й.<br>№ 417-XII                           |
| 7.  | Ўзбекистон Республикасида ёшлирга оид<br>давлат сиёсатининг асослари тўғрисида | 20 ноябрь 1991 й.<br>№ 429-XII                           |
| 8.  | Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги<br>тўғрисида                            | 2 июль 1992 й.<br>№ 632-XII                              |
| 9.  | Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва<br>фаолиятининг кафолатлари тўғрисида  | 2 июль 1992 й.<br>№ 639-XII                              |
| 10. | Ўзбекистон Республикасининг<br>Конституциявий суди тўғрисида                   | 30 август 1995 й.<br>№ 103-I                             |
| 11. | Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида  | 2 сентябрь 1993 й.<br>№ 913-XII                          |
| 12. | Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш<br>органилари тўғрисида                       | 2 сентябрь 1993 й.<br>№ 915-XII                          |
| 13. | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига<br>сайлов тўғрисида                     | 28 декабрь 1993 й.<br>№ 990-XII                          |
| 14. | Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар<br>Кенгашларига сайлов тўғрисида       | 5-6 май 1994 й.<br>№ 1050-XII                            |
| 15. | Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг<br>кафолатлари тўғрисида                        | 5-6 май 1994 й.<br>№ 1051-XII                            |
| 16. | Ўзбекистон Республикасининг Олий<br>Мажлиси тўғрисида                          | 22 сентябрь 1994 й.<br>№ 2011-XII                        |
| 17. | Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг<br>мақоми тўғрисида                   | 5-6 май 1995 й.<br>№ 66-I                                |
| 18. | Ўзбекистон Республикасида депутатни<br>чақириб олиш тартиби тўғрисида          | 26 апрель 1996 й.<br>№ 229-I                             |

## ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

| №   | Қонунлар номи   | Қабул қилинган куни ва рўйхатдан ўтказилиган номери |
|-----|---|---|
| 1.  | Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси   | 8 декабрь 1992 й.<br>№ 723-XII                      |
| 2.  | Ер тўғрисида  | 20 июнь 1990 й.<br>№ 97-XII                         |
| 3.  | Сандолаги сунистельмодиклар ва чайқоночлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида  | 31 октябрь 1990 й.<br>№ 139-XII                     |
| 4.  | Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида   | 31 октябрь 1990 й.<br>№ 152-XII                     |
| 5.  | Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида  | 15 февраль 1991 й.<br>№ 207-XII                     |
| 6.  | Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида  | 15 февраль 1991 й.<br>№ 229-XII                     |
| 7.  | Банклар ва банк фаолияти тўғрисида  | 15 февраль 1991 й.<br>№ 205-XII                     |
| 8.  | Корхоналар, бирлапималар ва ташкилотлардан олинидиган солиқлар тўғрисида  | 15 февраль 1991 й.<br>№ 225-XII                     |
| 9.  | Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинидиган даромад солини тўғрисида | 15 февраль 1991 й.<br>№ 227-XII                     |
| 10. | Ўзбекистон Республикасида чет эд инвеститорлари тўғрисида   | 14 июнь 1991 й.<br>№ 287-XII                        |
| 11. | Ўзбекистон Республикасида кооперация тўғрисида  | 14 июнь 1991 й.<br>№ 295-XII                        |
| 12. | Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида  | 14 июнь 1991 й.<br>№ 285-XII                        |
| 13. | Данлаг тасарруфидан чиқарини ва хусусийдастириши тўғрисида  | 19 ноябрь 1991 й.<br>№ 285-XII                      |
| 14. | Ижара тўғрисида   | 19 ноябрь 1991 й.<br>№ 425-XII                      |
| 15. | Ҳакамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида  | 20 ноябрь 1991 й.<br>№ 443-XII                      |
| 16. | Алоқа тўғрисида   | 13 январь 1992 й.<br>№ 512-XII                      |
| 17. | Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида  | 14 январь 1992 й.<br>№ 513-XII                      |
| 18. | Аҳодини иш билан талминлаш тўғрисида  | 13 январь 1992 й.<br>№ 510-XII                      |

*Давоми*

| №   | Қонунлар номи   | Қабул қилинган<br>куни ва рўйхатдан<br>утказилган номери |
|-----|---|--|
| 19. | Давлат санитария назорати тўғрисида                           | 3 июль 1992 й.<br>№ 657-XII                              |
| 20. | Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари<br>тўғрисида                 | 9 декабрь 1992 й.<br>№ 732-XII                           |
| 21. | Аудиторлик фаолияти тўғрисида                                 | 9 декабрь 1992 й.<br>№ 734-XII                           |
| 22. | Гаров тўғрисида   | 9 декабрь 1992 й.<br>№ 736-XII                           |
| 23. | Давлат божи тўғрисида   | 9 декабрь 1992 й.<br>№ 740-XII                           |
| 24. | Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида                       | 2 июль 1992 й.<br>№ 623-XII                              |
| 25. | Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида                          | 2 июль 1992 й.<br>№ 625-XII                              |
| 26. | Деҳқон хўжалиги тўғрисида                                     | 3 июль 1992 й.<br>№ 654-XII                              |
| 27. | Табнатни муҳофаза қилиш тўғрисида                             | 9 декабрь 1992 й.<br>№ 754-XII                           |
| 28. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар<br>Маҳкамаси тўғрисида       | 6 май 1993 й.<br>№ 818-XII                               |
| 29. | Суғурта тўғрисида   | 6 май 1993 й.<br>№ 833-XII                               |
| 30. | Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида                            | 6 май 1993 й.<br>№ 837-XII                               |
| 31. | Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида                             | 6 май 1993 й.<br>№ 839-XII                               |
| 32. | Валютани тартибга солиш тўғрисида                             | 7 май 1993 й.<br>№ 841-XII                               |
| 33. | Маҳсулот солиқлар ва йигимлар тўғрисида                       | 7 май 1993 й.<br>№ 843-XII                               |
| 34. | Давлат уй-жоий фондини хусусийлаштириш<br>тўғрисида           | 7 май 1993 й.<br>№ 846-XII                               |
| 35. | Маҳсулот белгилари ва хизмат кўрсатиши<br>белгилари тўғрисида | 7 май 1993 й.<br>№ 860-XII                               |
| 36. | Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво Кодекси                      | 7 май 1993 й.<br>№ 863-XII                               |

*Даёноми*

| №   | Қонунлар номи  | Қабул қилинган<br>куни ва рўйхатдан<br>утказилган номери |
|-----|--|--|
| 37. | Жамиятни аҳборотлаштириш тўғрисида   | 7 май 1993 й.<br>№ 868-ХП                                |
| 38. | Алоҳиди муҳофаза этиладиган табиат<br>худудлари тўғрисида  | 7 май 1993 й.<br>№ 871-ХП                                |
| 39. | Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси<br>тўғрисида   | 2 сентябрь 1993 й.<br>№ 918-ХП                           |
| 40. | Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик<br>процессуал Кодекси  | 3 сентябрь 1993 й.<br>№ 928-ХП                           |
| 41. | Фуқароларнинг давлат пенсияси тъминоти<br>тўғрисида  | 3 сентябрь 1993 й.<br>№ 938-ХП                           |
| 42. | Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига<br>солинадиган солиқлар тўғрисида   | 28 декабрь 1993 й.<br>№ 994-ХП                           |
| 43. | Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи<br>жисмоний шахслардан рўйхатта олганлик<br>учун ундириладиган йигим ва бундай<br>шахсларни рўйхатта олиш тартиби тўғрисида | 28 декабрь 1993 й.<br>№ 996-ХП                           |
| 44. | Чет эл инвестишнлари ва чет эллик<br>инвесторлар фаолиятининг кафолатлари<br>тўғрисида   | 5-6 май 1994 й.<br>№ 1052-ХII                            |
| 45. | Банкротлик тўғрисида   | 5-6 май 1994 й.<br>№ 1054-ХII                            |
| 46. | Қимматли қоғозлар билан амалга<br>ошириладиган операциялардан олинадиган<br>солиқ тўғрисида  | 5-6 май 1994 й.<br>№ 1056-ХII                            |
| 47. | Электрон ҳисоблаш машиналари учун<br>яратилган дастурлар ва маълумотлар базала—<br>ригининг ҳуқукий ҳимояси тўғрисида  | 5-6 май 1994 й.<br>№ 1059-ХII                            |
| 48. | Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат<br>камуналари тўғрисида  | 5-6 май 1994 й.<br>№ 1062-ХII                            |
| 49. | Ер ости бойликлари тўғрисида   | 23 сентябрь 1992 й.<br>№ 2018-ХII                        |
| 50. | Кониесиялар тўғрисида  | 30 август 1995 й.<br>№ 110-I                             |
| 51. | Кичик ва хусусий тадбиркорликни<br>ривожлантиришни разбатлантириш тўғрисида  | 21 декабрь 1995 й.<br>№ 159-I                            |
| 52. | Ўзбекистон Республикасининг меҳнат<br>Кодекси  | 21 декабрь 1995 й.<br>№ 161-I                            |

*Давоми*

| №   | Қонунлар номи   | Қабул қилинган<br>куни ва рўйхатдан<br>утказилган номери |
|-----|---|--|
| 53. | Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик Кодекси — биринчи қисми                 | 21 декабрь 1995 й.<br>№ 163-I                            |
| 54. | Банклар ва банк фаолияти тўғрисида  | 25 апрель 1996 й.<br>№ 216-I                             |
| 55. | Кимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида             | 25 апрель 1996 й.<br>№ 218-I                             |
| 56. | Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида   | 25 апрель 1996 й.<br>№ 220-I                             |
| 57. | Истемолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида                            | 26 апрель 1996 й.<br>№ 221-I                             |
| 58. | Акциондорлик жамиятлари ва акциондорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида | 26 апрель 1996 й.<br>№ 223-I                             |

## МУНДАРИЖА

|   |   |
|---|---|
| Сўзбоши .....   | 3 |
| I боб. “Инсон ҳуқуқлари” ўқув фани, унинг мавзуси,<br>усуллари тизими ва аҳамияти ..... | 5 |

### Биринчи қисм

#### ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ФОЯЛарНИНГ ТУҒИЛИШИ ВА РИВОЖЛаниШИ

|  |    |
|--|----|
| II боб. Инсоннинг жамият ва давлат билан ўзаро ҳуқуқий<br>алоқадорлиги ..... | 27 |
| III боб. Шарқ мутафаккирлари таълимотларида инсон<br>ҳуқуқлари ғояси .....   | 38 |
| IV боб. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллӣ институтлар .....                       | 51 |
| V боб. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти .....                                   | 59 |

### Иккинчи қисм

#### АСОСИЙ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ҲУЖХАТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

|   |    |
|---|----|
| VI боб. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ва унинг<br>инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги роли ..... | 70 |
| VII боб. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро Пактлар .....  | 78 |
| VIII боб. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик .....  | 88 |

### Учинчи қисм

#### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНСОН ВА ФУҚАРОНИНГ АСОСИЙ ҲУҚУҚЛАРИ, ЭРКИНЛИКЛАРИ, БУРЧЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ

|  |     |
|--|-----|
| IX боб. Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар .....    | 100 |
| X боб. Сиёсий ҳуқуқлар .....                 | 111 |
| XI боб. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар ..... | 124 |

|  |     |
|--|-----|
| <i>XII боб. Фуқароларниң мажбуриятлари</i>   | 144 |
| <i>XIII боб. Инсон из фуқароларниң ҳуқуқлари ҳамда<br/>эркинликларининг кафолатлари</i>                          | 154 |
| <i>XIV боб. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя<br/>қилувчи қонунлар</i>  | 166 |
| <br><b>ХУЖЖАТЛАР</b>   |     |
| <i>Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси</i>  | 183 |
| <i>Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар</i>   |     |
| тўғрисида Халқаро Пакт   | 191 |
| <i>Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро Пакт</i>   | 205 |
| <i>Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактга<br/>факультатив Протокол</i>                          | 229 |
| <i>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.</i>  |     |
| Иккинчи бўлим  | 234 |
| <i>Мустақиллик Декларацияси</i>  | 239 |
| <i>Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги</i>   |     |
| тўғрисида Олий Кенгащ Баёноти  | 241 |
| <i>Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги асослари</i>  |     |
| тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни  | 244 |
| <i>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори</i>   |     |
| Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги<br>қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил этиш |     |
| тўғрисида.   | 247 |
| <i>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони</i>  |     |
| Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси   |     |
| Миллий марказини тузиш тўғрисида   | 249 |
| <i>Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқуқларига оид<br/>қонунлар рўйхати</i>                                    | 252 |

**ПРАВА ЧЕЛОВЕКА**

**На узбекском языке**

**Издательство “Ўзбекистон”— 1997,  
700129, Ташкент, Навои, 30.**

Мұхаррір З. Каримова  
Бадий мұхаррір Ж. Гурова  
Техник мұхаррір С. Собирова  
Мусақхіх М. Рахимбекова  
Компьютерда тайёрловчи А. Юлдашева

Теришга берилди 19.03.97. Босишига рухсат  
этілди 04.06.97. Қоғоз формати 84x108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
"Таймс" гарнитурада оғсет босма усулида  
босылды. Шартты босма табоқ 13,86.  
Нашр табоги 14,33. Нұсқаси 10000. Буюртма № К- 832  
Баҳоси шартнома асосында.

"Ўзбекистон" нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий, 30.  
Нашр № 9-97.

Оригинал-макет масъулияти чекланган "Ношир" жамияти техникавий  
ва программавий воситалар базасында тайёрланиб, Ўзбекистон Респубуб-  
ликаси Давлат матбуот қўмитасининг ижарадаги Тошкент матбаза  
комбинатида босылди. 700129, Тошкент, Навоий кўчаси,30.

**Инсон ҳуқуқлари:** Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси. Ҳ. Б. Бобоев, А.Х. Сайдов, Ш.Ш. Шораҳметов ва бошқ.; Сўз бопи: Ҳ. Бобоев; Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Б. Бобоев, И. Р. Рамазонов.— Т:Ўзбекистон, 1997.—260 б.  
I. Бобоев Ҳ.Б. ва бошқ.  
ISBN 5-640-02251-5

Инсон ҳуқуқлари мавзусига доир ушбу ўқув қўлланмаси мамлакатимизда илк бор нашр этилмоқда. Унда инсон ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилишга доир ҳуқуқий масалаларнинг моҳияти ва мазмунини очиб беришга ҳаракат қилинди.

Бу ўқув қўлланмасини тайёрлашдан асосий мақсад, инсон ҳуқуқлари масаласига доир мамлакатимиз ва жаҳон тажрибасида тўпланган назарий ва амалий ютуқларни ўқувчиларга тушунтириб беришдан иборат.

Ўқув қўлланмаси мамлакатимизда ҳуқуқшунослик масалаларини ўрганувчи олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларининг талабалари, аспирантлари ва тинглоичиларнга мўлжалланган.

**ББК 67.99(5У)0я73**

№ 304-97

Алишер Навоий номидаги  
Ўзбекистон Республикаси  
давлат кутубхонаси

1203020400 - 43  
И ————— 97  
M351(04)97

## **ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ГУМАНИТАР ҲУҚУҚНИ ЎРГАНИШ МАРКАЗИ**

Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш Марказининг ташкили этилиши Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий онг ва демократик жараёнларни ривожлантириш йўлида қўйилган муҳим қадамдир. Марказ ўз фаолиятини 1996 йилнинг июнь ойидан бошлади.

Марказ фаолиятининг асосий мақсади инсон ҳуқуқлари ва демократия соҳасидаги билимларни тарқатиш ҳамда ташвиқот қилиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқларига оид ҳужжатларига мувофиқ аҳолини гуманитар жиҳатдан тарбиялаш ишларини амалга оширидан иборат.

Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш Маркази:

- инсон ҳуқуқлари бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб боради;
- ўқув юртлари учун ўқув дастурлари, услубий қўлланмалар, тавсияномалар тайёрлайди;
- инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ семинар, конференция ва давра сухбатларини ташкил этади.

Марказда инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқнинг турли соҳаларига тааллуқли адабиётлар билан таъминланган очиқ кутубхона мавжуд.

**Мурожаат учун манзил:**

Тошкент 700047, Сайилгоҳ кўчаси 35-йй, Тошкент  
Давлат юридик институти биноси, 3-қават

Телефон /факс (3712) 336092

электрон почта : omon@cshrhl. abc. com.uz